

З.Э.МАРКАЕВ, С.И.БЕКЧАНОВ,
М.Ю.АЙТБОЕВ

ФАЛСАФА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

З.Э.МАРКАЕВ, С.И.БЕКЧАНОВ, М.Ю.АЙТБОЕВ

*Олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги йўналишилари учун
мўлжалланган*

ТОШКЕНТ-2019

UDK:
КВК

Фалсафа. З.Э.Маркаев, С.И.Бекчанов, М.Ю.Айтбоев – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – Т.: “-----”, 2019.---бет. ISBN:

Тақризчилар:

М.С.Хажиева Урганч давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори
Т..Куйлиев Тошкент давлат аграр университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

Мазкур ўкув-услубий мажмуа Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган. (201__ йил “___” _____ даги “___” – сонли баённома)



З.Э.Маркаев, С.И.Бекчанов, М.Ю.Айтбоев. Фалсафа. Т.: 2019, бет.

КИРИШ

Инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган ҳикматлар хазинаси, атоқли файласуфлар мероси, уларнинг асарлари мухим ўрин тутади. Хар бир даврнинг буюк донишмандлари ўз юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларида ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиласидиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи бу ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади. Инсоният азал-азалдан олам ва одам нима, улар қандай пайдо бўлган, воқелик қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, деган саволларга жавоб излайди. Умрнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор каби масалалар барчани ўйлантиради. Фалсафа ана шундай масалалар билан шуғулланади. У нихоятда қадими фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар инсон қадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиётнинг умумий қонуниятлари фалсафанинг асосий мавзулари ҳисобланади.

Фалсафа фанининг долзарблиги бугунги глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш, халқимиз маънавий меъросини асраш ва янада юксалтириш, ёшларнинг фалсафий тафаккурини шакллантириш, онгини турли заарли ғоялардан сақлаш, уларни фалсафий билимлар билан қуроллантириш зарурлиги билан белгиланади.

Ушбу фан барча бакалавриат таълим йўналишларида ўтилиши белгиланган бўлиб, ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, унга муносабат билдиришни шакллантиради ҳамда анализатор, синтетик, креатив тафаккурни ҳосил қиласи. Шунинг учун фалсафа фани ёш мутахассисларни тайёрлашда мухим аҳамият касб этади.

Ёшларда фалсафий тафаккур хусусияти ва қонуниятлари, уларнинг жамият тараққиётига таъсири, мантикий, этик, эстетик маданиятнинг инсон ҳаёт тарзи ва маданиятини такомиллаштиришдаги роли ва аҳамияти, Шарқ ва Ғарб фалсафасининг етакчи ғоялари, илмий ва маънавий мероси, дунёнинг ягоналиги қонунияти ва унда коинот ҳамда инсон борлигининг алоқадорлиги, касбий фаолиятда фалсафанинг методологик аҳамияти, глобал жараёнларда анализатор ва синтетик, мантикий тафаккурнинг роли, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилишга қаратилгандир.

Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистоннинг соҳага оид етакчи олимлари дарсликлари, ўқув қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Ҳамда аграр соҳа вакилларининг фалсафий дунёқарашини такомиллаштирига мўлжаллангандир.

1-МАВЗУ. ФАЛСАФА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ЖАМИЯТДАГИ

РОЛИ.

РЕЖА:

- 1. Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши.** Фалсафанинг предмети ва асосий мазмуни.
- 2. Дунёқарашнинг моҳияти.** Дунёқарашнинг тузилиши. Дунёқарашнинг тарихий шакллари.
- 3. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқи.**
- 4. Мустақиллик шароитида инсон тафаккури тарзини ўзгартиришда фалсафа фанининг аҳамияти.**

Та я н ч т у ш у н ч а л а р. Фалсафа, файласуф, фалсафий муаммолар, дунёқараш, мифологик дунёқараш, диний дунёқараш, фалсафанинг умуминсонийлиги, материализм, идеализм, дуализм, монизм, субстантсия, плюрализм, агноститсизм, гностиклар.

«Фалсафа» тушунчасининг келиб чиқиши. «Фалсафа» тушунчаси юононча phileo – севаман ва sophia – донолик сўзларидан келиб чиқкан бўлиб, мазкур атаманинг дастлабки маъносини доноликка мухаббат, деб талқин қилиш мумкин. Фалсафа сўзини илк бор қадимги юонон мутафаккири Пифагор милоддан аввалги VI асрда тайёр ҳолда (афсоналар, ривоятлар, анъаналар орқали) авлоддан авлодга ўтувчи билим билан инсон ўз ақлига таяниб, мушохада юритиш ва танқидий фикрлаш йўли орқали олиши мумкин бўлган билимни фарқлаш мақсадида ишлатган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Пифагор ҳам, қадимги даврнинг бошқа файласуфлари ҳам дастлаб «фалсафа» тушунчасига унинг кейинчалик пайдо бўлган ва моҳият эътибори билан, фалсафани «барча фанлар подшоси» даражасига кўтарган маъносидан бошқачароқ маъно юклаганлар. Аммо илк файласуфлар ўзларини донишманд деб хисобламаганлар ва доноликка даъво ҳам қилмаганлар, зеро, ўша даврда кенг тарқалган тасаввурга кўра, ҳақиқий донишмандлик аждододлардан мерос қолган, асрдан асрга ўтиб келаётган афсоналар, дин ва ривоятларда мужассамлашган. Донишмандлар деб, асрлар синовидан, энг сўнгги ҳақиқат манбаи сифатидаги билимларга эга бўлган башоратгўйлар, коҳинлар ва оқсоқоллар эътироф этилган. Уларнинг сўзлари бирдан-бир тўғри деб қабул қилинган. Файласуф эса, қадимгилар фикрига кўра донишмандлик мухлиси бўлиши, эътиқод сифатида қабул қилинган тайёр ҳақиқатларга эмас, балки ўз ақлига таяниб, ижодий йўл билан, шунингдек бошқа файласуфлар томонидан олинган билимлар ва тажрибадан фойдаланган ҳолда мақсадга интилиши лозим бўлган.

Фалсафанинг предмети. Энди «Фалсафа нимани ўрганади?», деган саволни беришимиз мумкин. **Фалсафанинг предмети - инсонда билишига қизиқиши уйготадиган, билимлар ва тажриба, муайян эътиқод, ишонч ва интиуцияга таянган ҳолда оқилона асосланган жавоблар беришига ҳаракат қиладиган, саволлар тугдирадиган ҳар қандай объектив ва субъектив борлиқдир.** Бошқача айтганда, муайян объект ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши мақсадида савол беришига асос бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса фалсафанинг предметидир. Шу муносабат билан у ёки бу одамнинг фалсафий қарашлари ҳақида ва ҳатто унинг фалсафаси тўғрисида сўз юритиш мутлақо ўринли бўлади ва бунга биз кундалик ҳаётда тез-тез дуч келамиз.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи фалсафанинг предметига биз умумий нуқтаи назардан анча кенг таъриф берган бўлсак-да, айрим тарихий даврларда одатда у ёки бу сабабларга кўра муайян масалалар доираси фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқади. Масалан, қадимги Юнонистонда космоцентризм илк фалсафий таълимотларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бунда асосий эътибор «космос», «табиат»ни англаб етишга қаратилган. Кейинчалик, қадимги юонон шаҳар-полислари равнақ топган даврда файласуфлар дикқат марказидан ижтимоий муаммолар, ахлоқ, давлат қурилиши масалалари ўрин олди. Европада христианликнинг, Шарқда ислом динининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши натижасида ўрта асрлар фалсафаси теоцентрик (юонон. тхеос – марказдан ўрин олган худо)

хусусият касб этди, яни Худо ва у яратган олам фалсафий қизиқишиларнинг асосий предметига айланди. Уйғониш даврида фалсафа санъат (эстетика)га ва кўп жиҳатдан инсонга мурожаат қилинди.. Янги давр деб номланувчи XVII-XVIII асрларда фалсафа тобора кучайиб бораётган фан билан узвий боғланди, натижада фалсафий тадқиқотларнинг диққат марказидан билиш ва илмий методлар масалалари ўрин олди.

Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафа ўз шаклланиши ва ривожланишининг қадимги давридаёқ, табиат, инсон, жамият ва маънавиятни, шунингдек сабабий боғланишлар, қонунлар ва шу кабиларни билиш соҳасида юксак натижаларга эришди ва оқилоналиқ нуқтаи назаридан одамларнинг дунё ҳақидаги умумий тасаввурига айланди. Аммо оламнинг чексиз даражада ранг-баранглиги ва серқирралиги туфайли ўша давраёқ парчаланмаган фалсафий билимлар ва тасаввурлардан айрим бўлимлар ажralиб чиқа бошлади, вакт ўтиши билан ривожланиб, анча аниқ шакл-шамойил касб этди ва янги билимлар билан тўлдирилди. Пировард натижада улар фалсафий билимнинг тузилишини (структурасини) ташкил этди.

Куйидагилар фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари: онтология – мавжудлик, борлиқ ҳақидаги билим;

гносеология (бошқа бир терминологияга кўра – эпистемология) – билиш назарияси;

ижтимоий фалсафа – жамият ҳақидаги таълимот;

аксиология - қадриятлар ҳақидаги таълимот;

фалсафий антропология – инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар.

Фалсафий муаммолар моҳиятини тушуниб етиш, уларнинг энг муҳимларини аниқлаш ва ниҳоят, фалсафий билимлар билан ошно бўлиш – кўрсатилган бўлимларни синчиклаб ўрганиш, бунда уларга яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида ёндашиш демакдир. Пировардда биз фалсафанинг ўзига хос тили, ўз ёндашувлари ва методлари, ниҳоят, табиат, жамият ва тафаккурга оид энг муҳим алоқалар, хоссалар ва қонунларни ўзида акс эттирувчи умумий тушунчалар – категориялар тизими вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Бунда фалсафадаги ҳар бир бўлим ёки йўналиш ҳам ўз тушунчалар аппаратига, яни билимнинг фақат шу соҳасига хос бўлган ва унинг асосий моҳиятини ёритиб берадиган категориялар тизимига эгадир.

Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафий билимнинг тузилиши ўзгармас, узил-кесил шаклланган эмас. Фалсафанинг ривожланиши ва у ҳал қилаётган муаммолар доираси кенгайишига қараб фалсафий билим тузилишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Илмий назариялар ёки фалсафий гоялар инқирозга учраган ёки ўзининг асоссизлигини намойиш этган тақдирда, уларнинг билим тизимидағи ўрни ва ролини қайта баҳолаш амалга оширилади, бу эса баъзан уларнинг назарий ва амалий аҳамияти йўқолишига олиб келади. Масалан, флогистон назарияси, «фалсафа тоши»ни излаш, эмпириокритицизм фалсафаси ва ўз аҳамиятини йўқотиб, тарих мулкига айланган бошқа кўпгина гоялар билан шундай бўлган. Бугунги кунда фалсафа билан ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз беряпти, деган фикр мавжуд. Ҳатто фалсафа ўляпти деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, ўзини оқламаган гоялар, йўналишлар ва концепциялар бисёр, уларнинг аксарияти ҳозир жуда оғир аҳволда, айримлари эса кучли инқироз ҳолатини бошдан кечирмоқда. Аммо **фалсафа ўзининг биринчи маъносида** – «**доноликни севиши** сифатида, ҳақиқатнинг тагига етиши усули сифатида, жон ҳолати сифатида ва ниҳоят, дунёқараининг алоҳида шакли сифатида инсоният тургунча мавжуд бўлади.

Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафани ўрганаётган ҳар бир одамда фалсафада қолган барча муаммоларга нисбатан устунроқ аҳамият касб этадиган, яни муҳимрок, асосийроқ ҳисобланадиган масалалар, муаммолар мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қизиқиши эртами, кечми албатта юзага келади. Бу мавзуу нафақат бошловчи, балки профессионал файласуфлар учун ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг орасида кимдир бу мавзуга жиддий эътибор беради, кимдир эса, аксинча, уни муҳим деб ҳисобламайди. Фалсафанинг узок тарихига умумий назар ташласак, олам ва инсоннинг келиб чиқиши, ривожланиши ва моҳиятига, шунингдек, ҳаётнинг маъноси, инсон билишининг табиатига тегишли «боқий» фалсафий муаммолар деярли барча фалсафий таълимотларда у ёки бу тарзда мавжудлигини,

турли фалсафий асарларда, улар айнан кимга қарашилиги ва қайси даврга мансублигидан қатъий назар, қисман ёки, аксинча, атрофлича муҳокама қилинишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, онг, тафаккур, рух, идеаллик ва уларнинг материя, табиат, борлиқ билан ўзаро нисбати масалаларига ўз муносабатини билдирамаган ёки, ўз мулоҳазалари ва хуносаларида шубҳа қилмаган файласуфни топиш мушкул. Бу ҳол ўз вақтида олимлар томонидан «фалсафанинг асосий масаласи»ни таърифлашига туртки берган бўлиб, унда икки жиҳат алоҳида ажралиб туради.

Материалистлар ва идеалистлар. У ёки бу файласуфлар саволнинг биринчи қисмига қандай жавоб беришига қараб, -дунё азалдан моддий, онг эса бу материянинг маҳсулидир, деб ҳисобловчилар материалистлар ва -дунё замирида материядан олдин пайдо бўлган ва уни яратувчи идеал нарсалар ва ҳодисалар ётади, деган фикрни ҳимоя қилувчи идеалистларга ажратилади.

Бунда идеализмнинг икки тури – объектив ва субъектив идеализм фарқланади. *Объектив идеалистлар* - қандайдир номоддий ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган (яъни объектив мавжуд бўлган) нарсалар ва ҳодисаларни (Худо, дунёвий ақл, гоя, рух ва шу кабилар) бутун борлиқнинг асоси деб эътироф этадилар. Фалсафа тарихида Платон, Авлиё Августин, Фома Аквинский, Г.Гегель, , Н.Бердяев каби мутафаккирлар объектив идеализм намояндадаридир. *Субъектив идеалистлар* - дунё фақат индивидуал (субъектив) онг маҳсуидир деб ҳисоблайдилар. Ж.Беркли, Д.Юм, И.Г.Фихте субъектив идеализмнинг ёрқин намояндадари хисобланади.

Фалсафанинг асосий функциялари. Фалсафа у ёки бу муаммоларни ҳал қилар, қонунлар, муайян тамойилларни таърифлар ёки гипотезалар, ғоялар ва назарияларни илгари сурар экан, айни вақтда (баъзан шу тариқа) ҳар хил функцияларни бажаради. Фалсафанинг муҳим функцияларидан дунёқарашни шакллантириш, билиш, методологик, интегратив, маданий, аксиологик, ахлоқий ва тарбиявий функцияларни қайд этиш мумкин. Уларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу функцияларнинг роли ва аҳамияти фалсафанинг амал қилиш соҳаси, у ҳал қилаётган вазифалар даражаси ва хусусияти билан белгиланади.

Дунёқарашни шакллантириш функцияси инсоннинг ўз-ўзини ва ўзини қуришаган борлиқни тушуниши, шунингдек турли воқеалар, ҳодисаларни ва ўз бурчани қандай талқин қилишида намоён бўлади.. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, инсон дунёқарашида эътиқодлар ва билимлар, туйгулар ва эмоциялар, оқилоналиқ ва иррационаллик, тажриба, интуиция ва ҳоказолар чамбарчас боғланади. Айни шу сабабли фалсафасиз дунёнинг яхлит манзарасини яратиш мумкин эмас, чунки, «ҳамма нарсага аралашадиган» фалсафагина дунёқарашнинг ўзаро боғланмаган турли «парчалари»ни бирлаштириб, шу тариқа одамларнинг бутун борлиққа нисбатан умумий, изчил ва мантиқан тўғри муносабатини яратиш имконини беради. Бунда фалсафа айрим икир-чикирлар, аҳамиятсиз тафсилотларни мавхумлаштиради ва умумий алоқаларга, турли нарсалар ва ҳодисалар хоссаларининг бирлигига эътиборни қаратади ва шу тариқа ўзининг бош функцияси – дунёқарашни шакллантириш функциясини бажаради.

Дунёқарашнинг моҳияти. Айни шу даврдан бошлаб инсоннинг анча ривожланган дунёқарashi шакллангани ҳақида ва умуман тўпланган билимлар, амалий қўнималар, вужудга келган қадриятлар, ўзи ва ўзини куршаган дунё ҳақидаги тасаввурлар мажмуи сифатидаги одамлар дунёқарashi тўғрисида ишонч билан сўз юритиш мумкин.

Ҳаёт тажрибаси ва эмпирик билимлар асосида шаклланадиган дунёқараш оддий дунёқараш деб аталади ва инсоннинг дунё ҳақидаги тасаввурларининг тизимсиз мажмуи сифатида амал қиласи. У ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва одамларга қундалик ҳаёти, фаолиятида йўл кўрсатиб, уларнинг хулқ-атвори, аксарият қилмишларини белгилаб, муҳим регулятив функцияни бажаради.

Кенг маънода, дунёқараш – инсоннинг ўзини қуришаган борлиқка ва ўз-ўзига нисбатан ёндашувлар тизими, шунингдек унинг мазкур ёндашувлар билан белгиланган ҳаётий идеаллари, эътиқодлари,, билиши ва фаолият тамойиллари, қадрият ва мўлжалларидир.

Дунёқараашда ижтимоий муҳитнинг роли. Ақл пайдо бўлиши билан инсон ўзини фикрловчи мавжудот сифатида англай бошлайди, унда ўз «мени» ва ўзгалар ҳақида тасаввури шаклланади ва ривожланади. Шу тариқа у ўзини ва ўзини қуршаган борлиқни англайди, ўзи ва бошқа одамларни, ўзи ва ташқи муҳитни фарқлайди, илгари ўзига маълум бўлмаган дунёниг янги ва янги жиҳатларини идрок этади. Бундай қараашлар инсоннинг ўзи ва ўзини қуршаган борлиқ ҳақидаги тасаввурлари мажмуи сифатида шаклланадиган дунёқарааш негизини ташкил этади. Бунда инсон ўзига маъқул ва номаъқул нарсаларни фарқлайди, баҳолар беради, устуворликлар тизимини яратади ва муайян мақсадларга эришишда тегишли тарзда иш кўради.

Дунёқараашнинг тузилиши - дунёни сезиши, дунёни идрок этиши ва дунёни тушуниши каби энг муҳим элементлардан иборат.

Дунёни сезиши – бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этишидир. Бунда туйғулар, кайфият дунёни гўёки рангларга бўяйди, унинг образини субъектив, соғ индивидуал сезгилар орқали акс эттиради. Масалан, бемор одамга ҳаддан ташқари ёруғ бўлиб туюлиши мумкин бўлган нур, соғлом одам учун нормал бўлади; дальтоник ранглар гаммасини, кўриш қобилияти нормал бўлган одамга қараганда бутунлай бошқача идрок этади. Бундан дунёни сезишнинг ҳар хил, хусусан оптимистик, пессимикик, фожеавий типлари келиб чиқади.

Дунёни идрок этиши – бу атроф борлиқни идеал образларда тасаввур қилишидир. Дунёни идрок этиши тўғри ёки нотўғри бўлиши, яъни борлиққа мос келмаслиги мумкин. Бу ҳолда борлиқ нотўғри тасаввур қилинади ёки иллюзиялар, сув парилари, алвастилар, кентаврлар ҳақидаги тасаввурларга ўхшаш фантазиялар пайдо бўлади.

Дунёни тушуниш – инсоннинг ва уни қуршаган дунёниг моҳиятини аниқлаш, шунингдек табиатда юз берувчи воқеа ва жараёнларнинг ўзаро алоқаларини тушунишига қаратилган ақлий-билиш фаoliyatiidir.

Дунёни сезиши ва қисман (элементтар шаклларда) дунёни идрок этиши нафақат инсонга, балки ҳайвонларга ҳам хос бўлса, дунёни тушуниши эса фақат одамларга хос хусусиятдир.

Дунёқараашнинг тарихий шакллари. Турли даврлар билишни янада теранлаштириди ва инсон дунёқарашини кенгайтириди. Шунга мос равища оддий (эмпирик) дунёқарааш ҳам бойиб борди, унинг негизида ўзини ўзи ташкил этиши қонунларига мувофиқ янада мураккаброқ тузилмалар аста-секин шаклланди ва бу пировард натижада дунёқараашнинг алоҳида шакллари ёки, тарихий типлари фарқланишига олиб келди.

Мифологик дунёқарааш. «Миф» тушунчаси юононча мйтҳос сўзидан келиб чиққан бўлиб, афсона, ривоят деган маънони англатади. *Миф* –турли ҳалқларнинг дунёниг келиб чиқши, табиат ҳодисалари, фантастик мавжудотлар, худолар ва қаҳрамонларнинг ишлари ҳақидаги тасаввурини ифодаловчи муайян тарзда тизимга солинган дунёқараашдир.

Мифда билимлар, диний эътиқодлар, маънавий маданиятнинг турли элементлари, санъат, ижтимоий хаёт куртаклари бирлашган бўлиб, шу тариқа ибтидоий одамлар дунёқараши маълум даражада тартибга келган, уларнинг дунё ҳақидаги қараашлари эса муайян тизимга солинган. Мазкур тизимга солишнинг муҳим шакллари эпос, эртаклар, афсоналар, ривоятлар бўлиб, мифлар аввало улар орқали ифодаланади. Шу тариқа тўпланган билимлар ва тажриба кейинги авлодларга ўтиши ҳам таъминланади.

Мифологик дунёқараашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу оддий ривоят эмас, балки оғзаки «муқаддас» матиннинг архаик онгдаги воқеа-ҳодисаларга, инсонга ва у яшаётган дунёга таъсир кўрсатувчи муайян борлиқ сифатидаги инъикосидир. Миф, инсоният тарихининг илк босқичларида, одамлар хулқ-автори ва ўзаро муносабатларини тартибга солиш функциясини бажарган, чунки унда ахлоқий қараашлар, инсоннинг борлиққа эстетик муносабати ўз ифодасини топган. Мифологияга шу нарса хоски, унда ҳамма нарса бир, яхлит, ажралмасдир; табиат нарсалари ва ҳодисалари инсон билан айни бир қонунларга мувофиқ яшайди, инсон билан бир хил сезгилар, истаклар, майлларга эга бўлади.

Диний дунёқарааш дунёқараашнинг тарихан иккинчи шакли диндир. (Дин сўзи арабчадан таржимада эътиқод, ишонч, ишонмоқ деган маъноларни англатади.) Миф каби, дин замирида ҳам эътиқод, туйғулар ва эмоциялар ётади. Гарчи дин куртаклари «ақлли

одам» дунёқараши шаклланишининг дастлабки босқичларида, яъни тахминан 40-60 минг йил муқаддам пайдо бўлган бўлса-да, умуман олганда у дунёқараашнинг мустақил шакли сифатида кейинроқ, жумладан миф таъсирида инсоннинг мавхум фикрлаш қобилияти сезиларли даражада кучайган даврда вужудга келган.

Диний дунёқарааш одамларнинг гайритабиий нарсалар (худолар, «олий ақл», қандайдир абсолют ва ш.к.)га бўлган эътиқодига асосланувчи тегишли хулқ-автори ва ўзига хос ҳаракатларидир. Агар мифологияда анъанага, ривоят қилувчининг, яъни оқсоқолнинг обрўсига эътиқод кучли бўлса, динда гайритабиий нарсаларга эътиқод биринчи ўринда туради, олий кучлар номидан ривоят қилувчи руҳонийлар обрўси эса иккинчи даражали рол ўйнайди.

Хуллас, дин мураккаб маънавий тузилма ва ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, унда эътиқод муқаррар тарзда биринчи ўринга қўйилади ва ҳамиша билимдан устун туради.

Диннинг асосий функциялари. Миф билан таққослаганда, дин функциялари мураккаброқдир. Дин функциялари орасида қуйидагиларни фарқлаш мумкин:

- дунёқараши шакллантириш функцияси бутун борлик қачон ва нима учун пайдо бўлган ва бунда гайритабиий кучнинг роли қандай намоён бўлган, деган саволларга жавоб беради;
- коммуникатив функцияси мулокот ва шахслараро алоқаларнинг муайян типини таъминлайди, жамиятнинг жисплашуви ва яхлитлигига кўмаклашади;
- тартибга солиш функцияси одамлар хулқ-авторини тартибга солувчи тегишли меъёрлар ва қоидаларни белгилайди;
- компенсаторлик функцияси етишимаётган ахборот, дикқат-эътибор, гамхўрлик ўрнини тўлдиради, ҳаёт маъноси, истиқболлар ва шу кабиларнинг йўқлигини сездирмайди, яъни инсоннинг кундалик ҳаётда қондирilmagan эҳтиёжлари ўрнини тўлдиради.

Диннинг асосий илдизлари. Дин қонуний ҳодиса сифатида вужудга келган бўлиб, у инсоннинг ғайритабиий нарсалар ва ҳодисаларга бўлган эътиқодини тўйинтирувчи чукур илдизларга эгадир.

Фалсафий дунёқарааш. Милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб асосан миф ва дин таъсирида одамлар дунёқараши нафақат кенгайди, балки анча мураккаблашди. У мавхум назарий фикрлаш қобилияти ва (тўпланган билимлар кўринишида) реал асосларга эга бўлиши натижасида ўз ривожланишининг бутунлай янги даражасига кўтарилди. Бунга, ҳеч шубҳасиз, меҳнат тақсимотига олиб келган ривожланган ижтимоий-иктисодий муносабатлар, маълум миқдорда ортиқча мавжудлик воситалари, бўш вақтнинг пайдо бўлиши ҳам имконият яратди. Буларнинг барчаси муайян шахслар доирасига интеллектуал фаолият билан профессионал даражада шуғулланиш имконини берди.

Шундай қилиб, тахминан 2500 минг йил муқаддам дунёқараашнинг учинчи шакли – фалсафа пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароит Европа ва Осиёда деярли бир вақтда юзага келди. *Дунёқараашнинг аввалги шакллари – миф ва диндан фарқли ўлароқ, фалсафа дунёни эътиқод ва туйгуларга таяниб эмас, балки ақл ва билимларга таянган ҳолда тушунтиради.*

Фалсафанинг жамиятдаги аҳамияти ва роли ёки амалий фалсафа. Одатда фалсафа кундалик ҳаёт ва амалиётдан анча узоқ бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд. Аммо бу фикрга қўшилиш мушкул, зеро умумий назариялар, агар уларга кенгроқ маънода ва узоқроқ истиқбол нуқтаи назаридан ёндашилса, баъзан билимнинг тор соҳаларига тааллуқли бўлган кўпгина муайян ғоялардан яхшироқ самара беради.

Албатта, фалсафа доим кундалик ҳаётдан маълум даражада узоқ бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ўзига хос хусусияти, бетакрорлиги айни шу омилда намоён бўлади. Бироқ, бошқа томондан, фалсафа оддий ижтимоий борлик, кундалик ижтимоий, сиёсий ёки иктисодий ҳаёт амалиёти деб номлаш мумкин бўлган нарсалардан ҳам ўзини олиб қочмайди. *Фалсафий рефлексия ва у билан муштарак бўлган ҳаракатларнинг мазкур йўналиши XX асрда ҳатто бутун бир йўналиши – амалий фалсафа вужудга келишига сабаб бўлди.* Бунда фалсафа сиёсий, ижтимоий ва бошқа қарорлар қабул қилишга муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш мумкин эмас, аммо бу ҳолни бутунлай истисно этиш ҳам

ўринли бўлмайди. Бироқ шу нарса аниқки, фалсафа одамлар дунёқарашини шакллантириш орқали уларнинг хулқ-авторини, юқорида зикр этилган қарорларни ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг ёндашувларини ҳам кўп жиҳатдан белгилайди, файласуфларнинг ўзлари эса баъзан одамлар ҳаётини бутунлай ўзгартирувчи муҳим, ғоялар ташаббуси билан чиқадилар.

Файласуфлар жамиятдаги маънавият ва ахлокнинг ҳолати учун ҳам сезиларли даражада жавобгардирлар, зеро улар нафақат ижтимоий меъёрлар ва тамойилларни ривожлантирадилар, улардан дарс берадилар ёки китоблар, мақолалар орқали ижтимоий онгни улар билан ошно этадилар, балки аксарият ҳолларда кенг жамоатчилик фикрини ўйғотадиган, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, ижтимоий-сиёсий муаммолар, маданият ва маънавият масалаларига доир муҳокама ва мунозаралар ташкил этадилар.

Фалсафа ва фан. Фалсафа нафақат фан, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа, соҳалари: иқтисод, сиёсат, ижтимоёт, ҳуқуқ, кабилар билан ҳам узвий боғлиқ. Бироқ, биз фалсафа ва фан муносабатларининг генезиси ҳақида уларнинг бирлиги ва фарқларини аниқлаш мақсадида сўз юритамиз. Мазкур масалани муфассалроқ ўрганишга киришар эканмиз, аввало кўрсатилган тушунчаларнинг асосий маънолари ва мазмунларини аниқлаб оламиз.

Фаннинг моҳиятини тушунишга нисбатан икки асосий ёндашув, унинг кенг ва тор талқинлари шаклланган.

Кенг (ийғма) маънодаги фан – бу бутун инсон фаолияти соҳаси бўлиб, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ўрганиши ва илмий назарий тизимга солишдан иборатdir. Бу ерда “фан”, “олим” тушунчалари муайянлаштирилмайди ва умумий, йиғма тушунчалар сифатида талкин қилинади. “Фан” тушунчаси фалсафага татбиқан кўпинча айни шу контекстда кўлланилади, файласуфлар эса олимлар деб аталадики, бу қисман ўринлидир.

Муайян илмий фанлар, масалан, физика, кимё, биология, тарих, математикани ифодалаши учун «фан» тушунчасига торроқ, бинобарин, изчилроқ маъно юкланди. Бу ерда фанга аниқ таъриф берилган, олим эса тор мутахассис, муайян билим ифодачиси ҳисобланади. У шунчаки олим эмас, балки доим ва албатта ё физик, ё химик, ё тарихчи, ё бошқа фан вакилидир. Айни ҳолда фан муқаррар тарзда табиат, жамият, тафаккурнинг у ёки бу обьекти (ходисаси) ҳақидаги илмий билимларнинг қатъий тартибга солинган, изчил тизимидан ташкил топади.

Бундай фанларнинг ҳар бири факат уларнинг ўзигагина хос бўлган махсус қонунлар ва методларга, мазкур фан учун ягона бўлган тил, категориялар аппарати ва ҳоказоларга эга бўладики, бу юз берган жараёнларни тўғри тавсифлаш ва тушунтириш, ҳозирги даврни тўғри тушуниш ва билимларнинг тегишли соҳасида албатта юз берадиган ёки муайян шароитда юз бериши мумкин бўлган воқеалар ёки жараёнларни маълум даражада аниқ башорат қилиш имконини беради. У ёки бу фаннинг мазмuni ҳам, у эришган натижалар ҳам барча маданиятлар ва халқлар учун ягона бўлиб, айрим олимнинг ёндашуви, нуқтаи назари ёки дунёқарашига мутлақо боғлиқ эмас. Улар мазкур соҳада олга силжиш учун ўзлаштириш лозим бўлган, вақт ва амалиёт синовидан ўтган билимлар йиғиндиси сифатида авлоддан-авлодга ўтади.

Фалсафада эса қадимда донишмандлик муҳлисларининг сон-саноқсиз саволларига тажриба йўли билан олинган баъзи бир оқилона жавоблар мавжуд бўлган. Бу жавобларни ҳаққоний, яъни амалиёт синовидан ўтган, кундалик ҳаётда ўз тасдифини топган, аниқ билим деб номлаш мумкин. Бундай жавоблар масала «ёпилиши», кун тартибидан чиқарилишига сабаб бўлган, бошқача айтганда, аниқ таърифланган ва бошқа жавобларни истисно этган.

Хулосалар. Дунёқарашибу инсоннинг дунёга, ундаги воқеаларга муносабатлари, ундаги ўрни ва ҳаёт мазмuni ҳақидаги энг умумий қарашлари тизими.

Инсоният тарихида дастлаб мифологик дунёқарашибу шаклланган бўлиб, унда инсон атроф муҳит билан бирлашади ҳамда на табиат ва на ўз уруғидан ажралмаган ҳолда намоён бўлади. Диний дунёқарашибу оламни бу дунё, у дунё ва ғайри табиий дунёга бўлиш хос. Диннинг асоси ғайритабиий кучларга ишонч билан йўғрилган.

Фалсафа мифологик ва диний дунёқарашибу ўзининг атроф муҳитга танқидий муносабати асосидаги дунёқарашиби функциясини бажаради, гносеологик ва онтологик категорияларга мурожаат қилиб мантиқий хулосалар чиқаради.

Фалсафа назарий асосланган дунёқарааш, умумий категориялар, инсоннинг оламга фаннинг табиат ва жамият ҳақидаги ютуқларига таянилган назарий муносабати .

Фалсафанинг аҳамияти, унинг инсонни ўз- ўзини, оламни англашга, ижодий баркамолликка йўналтира олишидадир.

Тақрорлаш учун саволлар.

1. Фалсафа атамасининг луғавий маъноси нима? Бу ҳақда Сократ ва Фаробий фикрларини айтинг.

2. Дунёқарааш тушунчаси нима? Дунёқараашнинг тарихий типлари ва уларнинг бир биридан фарқи нимада?

3. Фалсафанинг предмети нимадан иборат?

4. Фалсафанинг баҳс мавзулари нималардан иборат?

5. Фалсафанинг асосий вазифаларини қандай тушунасиз?

6. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?

7. Фалсафий муаммолар билан бўлиқ қандай оқим ва таълимотларни биласиз?

2-МАВЗУ. ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ: ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

Режа

1. Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг-барамглиги.

2. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафаси.

3. Шарқ-жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири.

4. Марказий Осиёдаги фалсафий фикрлар. Унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни.

Таянч тушунчалар. «Авесто», зардуштийлик дини, Моний, Маздак таълимоти, «Веда», Чорвака, Конфутсий таълимоти, Даосизм, милет Мактаби, Елей мактаби, «~оялар дунёси ва соялар дунёси».

Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари. Қадимги Шарқ ва Ғарбда шаклланган фалсафа инсониятнинг илм, фан, маънавий тараққиётининг дебочаси ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши, ўзига хослиги ва бетакрорлигидан қатъий назар, айрим умумий қонуниятларга эга.

Биринчидан, фалсафий тафаккур Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ижтимоий онгнинг дастлабки шакли сифатидаги мифология негизида вужудга келган. Мифология инсон ўзини атроф мухитдан ажратишга ва ҳодисаларни табиий сабабларга мувофиқ тушунтиришга қодир эмаслиги билан тавсифланади. Инсон дунёни ва ундаги барча ҳодисаларни худолар ва қаҳрамонлар ҳаракати билан тушунтиради. Аммо мифологияда инсоният тарихида илк бор бир қанча фалсафий масалалар ҳам қўйилади: дунё қандай вужудга келган ва у қандай ривожланади; ҳаёт ва ўлим нима ва ҳ.к.

Иккинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафаси синфий жамият ва давлат пайдо бўлиши билан ижтимоий онг шакли сифатида вужудга келган. Масалан, қадимги Ҳиндистанда фалсафанинг вужудга келиши таҳминан унинг ҳудудида қулдорлик давлатлари шакллана бошлаган милоддан аввалги И минг йиллиқда юз берган. Хитойда фалсафа жамиятнинг синфий табақаланиш жараёни бошланган, чунончи: жамоалар касодга учраб, янги ер мулкдорлари ва шаҳар бойларининг иқтисодий ва сиёсий қудрати оша бошлаган милоддан аввалги ВИ-В асрларда вужудга келган.

Юонистонда антик фалсафа милоддан аввалги VII-VI асрлар чегарасида шаҳар-давлатлар («полислар»)да аввал Кичик Осиёнинг Ғарбий қирғонида (Ионияда), сўнгра – Сицилия оролининг юононлар яшайдиган шаҳарларида ва ниҳоят, Юонистонда – Афинада (милоддан аввалги В аср) пайдо бўлган ва қадимги дунё маданияти равнақ топиши учун шарт-шароитлар яратган синфий, қулдорлик жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Қадимги Марказий Осиёда фалсафанинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам

синфий (феодал) жамият ва давлатнинг шаклланиши билан боғлиқ. Амударё бўйларидағи халқлар, хусусан Хоразмда энг йирик давлат тузилмалари бўлган. Шуни қайд этиш лозимки, кейинроқ вужудга келган давлатларда фалсафанинг шаклланишига қадимги давлатларнинг илк фалсафий тизимлари таъсир кўрсатган.

Учинчидан, *Гарб ва Шарқ фалсафаси умуминсоний қадриятларга қараб мўлжал олади.* У инсонни ҳамиша қизиқтирувчи ҳодисаларни ўрганади, Қадимги манба “Авесто”да кўрсатилгани каби “қандай қилиб яхши фикрлаш, яхши сўзлаш ва яхши иш кўриш мумкин”, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиласи. Бу ноёб мевалардан баҳраманд бўлиш учун инсон фалсафий донишмандликни ўзлаштириши лозим: у дунёни англаб етиш, инсон ва табиат, инсон ҳаётининг мазмуни ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларда мўлжал ола билиши керак. Аристотель ҳам шоҳ Искандарга насиҳатида “Шуни билгилки, ўзинг бузук ва фосиҳ эрсанг, раияту фуқарони ислоҳ қилолмайсан. Ўзинг адашган, гумроҳ экансан, уларга йўлбошчилик қилолмайсан. Ахир ўзи кўр одам қандай қилиб ўзгаларга раҳнамо бўлсин? Ўзи қашшоқ ўзгани бой қила оладими? Кимки ўзи хору залил бўлса, ўзгани қандай қилиб машҳуру азиз эта олсин. Билгилки, ислоҳ этишни истаган ҳеч кимса ўзини ислоҳ этмагунча ўзгаларни ҳам ислоҳ эта олмайди. Агар ўзи бузук фосид бўлмаса, бошқа кишини фасод ишга олмайди. Кўл остингдагиларни ислоҳ этишни истар экансан, ислоҳни ўзингдан бошла. Ўзгалар айбини йўқотишни ҳохласанг, аввало ўзингни айблардан ва хунук хулқ атвordan покла. Ўйлаган фикринг сенга ҳеч қачон фириб бермаслиги лозим. Агар сўзларинг гўзалу қилмишларинг эса хунук бўлса, ишлари гапларига тескари, зоҳири ботинини акс эттиրмайдиган ваъзхон бўласан қоласан ”1 деб уқтиради.

Тўртингидан, Қадимда *Шарқ фалсафаси ҳам яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуқлик, адолат ва адолатсизлик, дўстлик, биродарлик, муҳаббат ва нафрат, баҳт, лаззатланиши ва азоб чекиши, илму маърифат каби муаммоларнинг ечимини излаган.* Бу жараён ўша давр буюк файласуфларининг фикрларида айниқса, бўртиб намоён бўлади, масалан:

- Конфуций: “Одамлар сени билмасликларидан ғам чекма, ўзинг одамларни билмаслигингдан ғам чек”;
- Лао-цзи: “Юксак фазилатли инсон одамлар билан муносабатларда хушмуомала бўлиши, мамлакатни бошқаришда изчил бўлиши лозим; ишда имкониятлардан келиб чиқиши, ҳаракатда вақтни ҳисобга олиши лозим”;
- Зардўшт: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”;
- Гераклит: “Мен учун бир киши, агар у ҳаммадан яхши бўлса, ўн минг кишига teng”;
- Демокрит: “Ахмоқни мақтаган аслида унга ёмонлик қиласи;
- Эпикур: “Ўлим қўрқинчли эмас: мен унгача мавжудман, у мендан кейин мавжуд”;
- Платон: “Олийхимматлилик – вазиятдан моҳирона фойдаланиш: ақл-идрок билан боғланган саҳоватлилик”;
- Аристотель: “Дўстлик бирга яшашнинг зарурий шартидир” деб ҳисоблайди. Шунингдек унинг фикрича, маънивият ва маърифат шундай бебаҳо бойликки, дунёда ундан наф кўрмайдиган инсон йўқ ва бўлмайди ҳам. Марифат оддий халқ оммасию, тижорат аҳли учун ҳам, олим-у фузало, шоҳу султон учун ҳам бир хилда зарур ва муҳимдир. Ҳам ўнг қўлида ва ҳам чап қўлида адолат тарозисини кўтариб олмаган, билими, одоби, муомаласи билан халқининг кўнглига йўл топмаган шоҳ, юртни бошқара олмайди. Эл-юртни обод ва фаровон қилиш, халқнинг олқишига сазовор бўлиш, мазлумларни золимлар истибододидан ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтириш учун подшоҳларда инсофу-диёнат, меҳр-шафқат бўлиши лозим2. Арасту ўзининг баҳт ҳақидаги фалсафий қарашларини ривожлантириб, маълум вақтларда баҳтли бўлиб, қолган вақтларда баҳтсиз бўлган кишилар эмас, бутун умр яхши яшаган одамни баҳтли дейиш мумкин, мукаммал яхшилик билан яшаш эса баҳт саодатdir, деб ҳисоблайди.

1 Қаранг Аликулов Ҳ. Караматов Ҳ. Арастунинг Искандарга насиҳати. Форс тилидан таржимаси // Ўзбек педагогика онтологияси.-Т.: Ўқитувчи, 1995.-Б 39-46..

2 Қаранг. Аликулов Ҳ. Караматов Ҳ. Арастунинг Искандарга насиҳати. Форс тилидан таржима// Ўзбек педагогик онтологияси.-Т.: Ўқитувчи, 1995 –Б.39.

Бешинчидан, фалсафий билимнинг дунёқараши билан боғлиқлиги ҳам Farb ва Sharқ фалсафаси ривожланишининг қонуниятидир. Биз истаймизми, йўқми, лекин фалсафий ғоялар, қарашлар, назариялар ва тизимлар ё идеалистик, ё материалистик, баъзан эклектик (бу икки дунёқараашнинг бирикмаси) бўлади. Жумладан, қадимги Юнонистонда Милет фалсафий мактаби намояндадарининг асарларида фалсафий муаммоларнинг материалистик талқинига дуч келиш мумкин. Бу мактаб асосчиси Фалес сувни, Анаксимен – ҳавони, Анаксимандр – апейрон (мавхумлик)ни ҳамма нарсанинг биринчи асоси деб ҳисоблайди. Дунёнинг материалистик асосларини Анаксагор таклиф қилади. Унинг фикрича, барча нарсалар муайян «уруғлар»дан иборат. Уларни Анаксагор гомеометриялар деб номлаган. Эмпедокл ўзининг “Табиат ҳақида” асарида олов, ҳаво (уни Эмпедокл эфир деб номлаган), сув ва ер турли нарсаларнинг биринчи асосларидир, деб қайд этган.

Шунга ўхшаш фикрларга Шарқ фалсафасида ҳам дуч келишимиз мумкин. Масалан, Зардуштийлик таълимотида олов, ҳиндларнинг қадимги фалсафий китоби “Упанишада”да, шунингдек “Чорвака” қадимги ҳинд фалсафий мактабига доир манбаларда сув, олов, ер, ҳаво, бутун борлиқнинг субстанционал асосидир, деб қайд этилади. Бу фикр эса Эмпедокл таълимоти билан ҳамоҳангдир.

Олтинчидан, Sharқ ва Farb қадимги дунё фалсафасида идеализм ўзининг икки кўринишида: объектив идеализм ва субъектив идеализм сифатида намоён бўлади. Шарқ фалсафасида бу “йога”, буддизм, жайнизм, зардўштийлик, конфуцийчилик, даочилик фалсафаси, Farb фалсафасида – бу Пифагор ва Пифагорчилар уюшмаси фалсафаси, элей мактаби фалсафаси, шунингдек Сүкрот, Платон фалсафаси ва ш.кларда ўз ифодасини топади. Жумладан, милоддан аввалги ИВ асрда яшаб ижод қилган қадимги юонон файласуфи Платон икки дунё – “ғоялар дунёси” ва “нарсалар дунёси” мавжудлиги ҳақида сабоқ беради. “Ғоялар дунёси” умумий тушунчалардан иборат, “нарсалар дунёси” эса “ғоялар дунёси”нинг инъикосидир: “ғоялар дунёси”да идеал моҳиятлар мавжуд, “нарсалар дунёси” эса бу моҳиятлар маҳсули бўлган айрим нарсалардан иборат. Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимоти унинг “Базм”, “Федон”, “Федр”, “Давлат” асарларида ўз аксини топган, мутафаккирнинг “Театет”, “Парменид”, “Софист”, “Критий” асарлари эса ғояларнинг моддий дунёга бўлган муносабати муаммосига бағишлиланган. Платон фикрига кўра, материя - ғоянинг соғ “акси”, унинг “аксилмоҳияти”. Материянинг моҳияти эса - ғоя. Ҳақиқий борлиқ - бу пирамидани эслатадиган идеал борлиқ. Унинг замирида “билиш ва ҳаракат асосининг моҳияти” сифатида амал қилувчи гўзаллик ғояси ётади. Унинг ёнидан яхшилик ғояси ва оқиллик (ҳақиқат) ғояси ўрин олади. Шундай қилиб, Платон “ғоялар дунёси” “нарсалар дунёси”ни вужудга келтиришини назарда тутувчи объектив идеализм фалсафий тизимини яратган. Платон ғоялар ва нарсаларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини қайд этса-да, лекин буюк мутафаккир учун “ғоялар дунёси” бирламчиdir.

Маълумки, дастлабки илмий фикрларнинг шаклланишида Миср ва Бобилда аниқ фанлар- астрономия, математика, тиббиётларнинг ривожи ва уларнинг халқ ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ бўлган илмий фикрлар Миср ва Бобилда ўзига хос йўналишда, амалий характерда, хукмрон мифологик тасаввурлар анъаналарга боғлиқ ҳолда ривожланган. Хукмрон дунёқарааш мифологик характерда бўлган.

Миср ва Бобилда фалсафий фикрларнинг юзага келиши таърифлаб, қадимги Ҳинди斯顿 ҳамда Хитой давлатларида дастлабки содда материалистик таълимотларнинг юзага келиши тўғрисида фикр юритмоқ мақсаддага мувофиқ бўлур эди.

1. Қадимги Ҳинди斯顿да диний-мифологик идеологияси. “Ведалар” брахманизм идеологиясининг асосий манбаи.

2. Қадимги Ҳинди斯顿да табиий-илмий билимларнинг ривожланиши. Синфий курашнинг кескинлашувчи ва асосий фалсафий мактабларнинг юзага келиши.

3. Қадимги Ҳинди斯顿да идеалистик таълимотларнинг ривожланишда дин ва мифологиянинг таъсири.

Биринчидан, Қадимги Ҳинди斯顿да жамият аъзолари табақаларга (касталарга) бўлинганди. Брахманлар (руҳонийлар давлатни идора қилувчилар). 2. Кшатрийлар (харбий аристократия). 3. Вайшиалар (эркин жамоа аъзолари, яъни ноз-неъмат бунёдкорлари.) 4.

Шудралар (паст гурухлар бўлиб, улар жамият аъзоларига кирмас адилар). Жамиятнинг олий табақаси брахманизм диний идеологиясини яратди ва ривожлантирган. Бу оқим ўз моҳиятига кўра реакцион эди. Ведалар эса брахманизм идеологияининг асосий манбаи ҳисобланган. У тўрт қисмдан иборат эди. 1. Ригведа. 2. Самаведа, 3. Яджуроведа, 4. Атхарваведа.

Иккинчидан, “Ведалар” гарчанд диний мифологик руҳдаги асар бўлишига қарамай, унда олам қандай пайдо бўлган унинг боши ва охири борми. Худоларнинг вазифалари нимадан иборат дейилган олам ҳақидаги дастлабки содда қарашларни учратиш мумкин. Ведаларнинг якуни ҳисобланган Упанишадлар (Махфий таълимот) да фалсафий фикрлар баён этилган. Эрамиздан олдинги VII асрдан –II асргача Қадимги Хинди斯顿да бир қатор фалсафий мактаблар, жумладан Чорвака-Локаята, Санкхьяя, Веданта, Вайшешика, Йога, Нъяя, Миманса каби мактабларнинг таълимотлари асосий ўрин эгаллаган. Бу мактабларда борлик, харакат, оламни билиш масалалари ўзига хос равища талқин қилинган.

Хинди斯顿 билан бир қаторда қадимги Хитойда ҳам илм-фан диний мифологик ва фалсафий фикрлар жуда эрта шаклланиб борган.

Қадимги Хитойда синфий қарама-қаршиликлар тобора кескинлашуви туфайли ҳукмрон синф ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун жонларига оро кирадиган ғоявий қурол – динга суяна бошладилар. Дин ва иохий кучлар тўғрисидаги мистик тасаввурлар қадимги Хитойда эрамиздан таҳминан XX—XV аср илгари пайдо бўлган. Қадимги Хитой ёзма манбалари ҳисобланган (“Го—Юй”), (“Қадимги давр ҳақида сўз”), “Шицайн” (“Қўшиқлар китоби”), “Иқзин” (“Ўзгаришлар тўғрисидаги асар”) ва “Инъфицзин” (“Зулматнинг гармонияси тўғрисидаги асар”) номли китоблардир. Қул эгалари диний идеология ёрдамида подшолар илоҳийлаштирилган, улар худонинг ердаги вакиллари деб эълон қилинган, меҳнаткаш оммани эзишда диндан қурол сифатида фойдаланишар, шу билан бирга фалсафий фикрларнинг шаклланиб бориш жараёни ҳам ифодаланган.

Қадимги Хитой маданий меросининг ёзма ёдгорликларида мифологик тасаввурлар ифодаланиши билан бирга айрим атеистик фикрлар, оламнинг моддийлиги ва мангулигини таъкидловчи фикрларни ҳам учратиш мумкин.

Эрамиздан олдинги VII–VI асрларда Хитойда ҳам турли фалсафий мактаблар юзага кела бошлади. Қадимги Хитой фалсафий мактабларни анализ қилишда Конфуций (551–479 йиллар) асос солган фалсафий мактабнинг ахлоқий сиёсий таълимотига эътибор бериш керак. Конфуций этикасининг асосий тамойиллари инсонпарварлик, адолат, расм-русумларга риоя қилишлик, садоқат, донишмандликдир.

Қадимги Хитой фалсафий мактабларидан Лао Цзи мактаби ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу фалсафий мактабнинг асосчиси Ли Тан эрамиздан аввалги VI асрда яшаб ижод этган. Унинг “Дао” ва “Дэ” таълимоти ҳақида гапириш керак. “Дао” дунёнинг табиий қонуни бўлса, “Дэ” жисмларнинг сифатидир. Шунингдек, бу фалсафий таълимотдаги стихияли диалектикага, билиш назариясидаги рационализмга эътиборни жалб этмоқ лозим. Шунингдек, унда ифодаланган, Янь-ёруғлик ва Инь — қоронғу кучлари ҳақида ҳам гап юритиш керак бўлади.

Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар. Зардўштийликнинг асосий ғоялари унинг қадимий ёзма ёдгорлиги “Авесто”да акс эттирилган. “Авесто”нинг ёзилиш тарихи, милоддан аввалги уч мингинчи йиллардан бир мингинчи йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олган ва деярли икки минг йил давом этган. Унда қадимги аждодларимизнинг нафакат диний қарашлари, балки олам, табиат, жамият, илмнинг айрим соҳалари ҳақидаги тасаввурлари ҳам ўз ифодасини топган.

“Авесто”да мавжуд инсоннинг яратилиши, ўлимидан кейин руҳининг жаннатга ёки дўзахга тушиши ҳақидаги фикрлар насронийлик ва ислом динидаги ғояларга жуда ўхшашдир. Масалан, энг биринчи яратилган одам Илмадир. Бошқа одамлар ундан тарқалган. Илманинг ҳукмронлик даври инсониятнинг олтин даври бўлиб, унда ўлим бўлмаган. Эзгулик худоси Ахура Мазда абадий баҳорни яратган. Инсонлар роҳат-фароғатда яшаганлар. Аммо, бир пайт келиб улар ман этилган қора мол гўштини ёб қўядилар ва Ахриман (ёвузлик худоси)нинг қаҳр-ғазабига дучор бўладилар. Ахриман уларга қор ва совуқни юборади. Шундай қилиб, тарихнинг биринчи даври тугаб, иккинчи даври - яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бошланади. Учинчи давр - инсониятнинг келажаги давридир. Бунда

яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашда Ахура Мазда ғалаба қозонади ва инсонларнинг баҳт-саодат, адолатли жамият ҳақидаги барча орзу-умидлари ушалади.

Зардўштийликда ҳам худодан бошқа ҳеч нарса абадий эмаслиги, инсон руҳи нариги дунёда ёмон ишлари учун жавобга тутилиши, фақат яхшилик қилиб яшаганларгина Чинвот (Қуръони Каримда - Сирот) кўпригидан ўта олиши ҳақида фикрлар баён этилган.

“Авесто”да баҳт ғояси осойишта ҳаёт, оила, муҳаббат, садоқат, ҳалол меҳнат тушунчалари билан боғланган. Оила қуриш худонинг иродасига бўйсуниш билан мос келиши, лекин никоҳсиз муҳаббатнинг қатъий тақиқланиши, аёллар ҳам эркаклар ҳам оиласига ҳиёнатлари учун 800 дарра билан жазоланиши алоҳида таъкидланади. Унда диний эътиқод, меҳнатсеварлик, адолат фикрдаги, сўздаги ва амалдаги беғаразлик энг олий аҳлоқнинг талаблари ҳисобланган.

Зардўштийлик аҳлоқининг негизини эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ташкил этган.

Унда меҳнатнинг ҳам моддий ва маънавий томонларига эътибор берилиб, инсон камолотининг асоси, деб қаралган. Дехқончилик қилиш эътиқод даражасига кўтарилган ва ёвуз кучларни қувишнинг энг самарали йўли ҳисобланган. “Авесто”да қадими турмуш тарзининг хусусиятлари билан бирга, айrim илмлар ҳақида маълумотлар ҳам баён этилган. Хусусан, унда инсонда бўладиган ҳасталиклар ва уларни доривор ўсимликлар, жарроҳлик ва дуолар ўкиш орқали даволангандиги, шунингдек, табибларнинг ўз хизматлари учун кимдан қандай ҳақ олиши кераклиги тўғрисида ҳам қиммматли маълумотлар бор. Умуман олганда, “Авесто” - бадиий, тарихий, космогоник дидактик, жуғроғий, диний-фалсафий асар ҳисобланиб, зардўштийлик нафақат дин, балки ўша даврининг ижтимоий-сиёсий, аҳлоқий-фалсафий ғояларини ифода этган ҳукмрон мафкура ҳам бўлган.

Милодий II-III асрларга келиб, гуллаб-яшнаган тузум аста-секин инкиrozга юз тутади. Унинг асоратлари энг аввало, ҳукмрон мафкурада намоён бўла бошлайди. Бунинг ифодасини, хусусан, зардўштийликдан ажралиб чиқсан монийлик таълимотининг шаклланишида қўриш мумкин. Унинг асосчиси - Моний (216-217 йилларда Ботлда туғилган ва 276 йилда Жундишопурда қатл этилган) ҳисобланади. У ўз даврининг ўқимишли, илмли кишиларидан бўлиб, ҳатто “монийлик ёзуви” деб аталган алифбосини ҳам яратган.

Унинг таълимотига кўра, ҳаёт яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги курашдан иборат бўлиб, инсон ўзининг ҳулқ-атвори билан ёруғликнинг зулмат устидан, яхшиликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозонишига ёрдам бериши керак. Моний ва унинг издошлари диннинг вазифаси ёвузлик сабабларини излаб топиш ва унга қарши курашишдан иборат, деган ғояни илгари сурганлар.

Моний дунёқараши дехқонлар оммасининг антифеодал мафкураси сифатида шаклланди ва мавжуд адолатсизликларга, турмуш қийинчилкларига қарши мистика ва зоҳидликка берилиш орқали пассив курашиш усусларини ҳимоя қилган. Унинг ҳадди-харакатлари ҳукмрон дин ва тузум мафкурасига қарши деб топилиб, таъқиб остига олиниб, сўнг қатл этилган.

Моний таълимоти кейинчалик Маздак дунёқарашининг шаклланишиги кучли таъсир кўрсатган. Маздак милодий V-VI асрларда яшаган. Ўзининг антифеодал қараашлари ва харакатлари учун 529 йилда қатл этилган. Маздак ҳам Моний сингари оламда яхшилик ва ёвузлик ўртасида абадий кураш мавжудлигини, инсон эзгулик тантанасига хизмат қилиши кераклиги ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Лекин Маздак ёвузлик кўринишлари бўлган адолатсизлик, тенгсизлик, қашшоқликка қарши пассив эмас, фаол йўллар билан курашиш керак, деб хисоблаган. Маздак ижтимоий адолатсизликка қарши курашни муқаддас вазифа сифатида талқин этган ва жамоа аъзолари ўртасида мулкий тенгликни ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маздакчилик ҳаракати аёвсиз бостирилишига қарамай, кейинги даврларда озодлик ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатган.. Масалан, у Хуросондаги Абу Муслим, Марказий Осиёдаги Муқанна, Озарбайжондаги Бобек ҳаракатларининг мафкуравий асосини ташкил этган.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафий тафаккурининг ривожланиш хусусиятлари. Марказий Осиё – цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири. VIII-IX асрларда Марказий

Осиё араб халифалиги таркибига кирган. Бу даврда халифалик марказлари – Бағдод ва Дамашқда маданият ва фан равнақ топди.

Халифалар ал-Мансур (754-776), Ҳорун ар-Рашид (786-809), Маъмун (813-833) хукмронлиги даврида хинд ва юонон адабиётларининг таржималарига қизиқиши айниқса кучайди, Аристотель, Гален, Гиппократ, Архимед, Евклид каби юонон файласуфларининг илмий мероси ўрганилди. IX аср бошида Бағдодда «Дор ул ҳикмат» - «Билим уйи» ташкил этилди. Бу даргоҳда халифаликнинг турли шаҳарларидан таклиф қилинган олимлар астрономия, тиббиёт, тарих, география, кимё, фалсафа ва бошқа фанларни синчиклаб ўргандилар.

Абу Наср Мұхаммад ибн Тархон ал Форобий (870-950, асарлари: Китоб-ул хуруф, Фозил одамлар шаҳри, Эҳсонул улум, Сиёсат фалсафаси, Фуқаролик сиёсати) фалсафа ва табиий фанлар тарихига оид юзга яқин асар муаллифидир. У фанлар билиш воситалари эканлигидан келиб чиққан. Бунда мутафаккир назарий (мантиқ, фалсафа, табиий фанлар) ва амалий (ахлоқ, сиёсат) фанларни фарқлаган. Фанлар тизимида у инсонга ҳақиқиий билимни сохта билимдан фарқлаш имконини берувчи мантиқни биринчи ўринга қўйган. Айни шу сабабли файласуф инсон тафаккурига алоҳида эътибор берган. Айнан фалсафа инсонга борлиқнинг моҳиятини тушуниш имконини беради. Борлиқ “ягона” ва айни вақтда “кўп”дир. Борлиқнинг мазкур ҳолати эманация, яъни “ягона” муҳитдан борлиқнинг турли муҳитлари келиб чиқиши маҳсулидир. Форобий асарларида дунё бир-бирига кирувчи тўққиз гумбаз кўринишида намоён бўлади. Бу гумбазларда уларнинг Ер атрофида айланishi сабаби ҳисобланган жонлар яшайди. Гумбазлар ўз ҳаракатини дастлабки турткидан бошлаган. Форобий дунёнинг ранг-баранглигини тушунтириш учун Аристотелнинг шакл ва материя ҳақидаги таълимотидан фойдаланган. У жоннинг умрбоқийлиги ҳақидаги масалада Платон фикрига қўшилмаган, чунки унинг пайдо бўлиши ва ўлими тананинг пайдо бўлиши ва ўлими билан бир вақтда юз беради, деб ҳисоблаган. Айни шу сабабли Форобий ижодида билиш назарияси Платондаги каби хотирлаш назарияси эмас, балки дунёни сезги ва ақл бирлиги сифатида англаб этиш назариясидир. Бунда ақлли жон нарсалар табиатини сезгилар идрокидан фойдаланиб англаб етади. Нарсаларнинг моҳияти ақл билан англаб етилади. Бунда ақл аввало мантиқка таяниши, лекин сезги аъзолари берувчи материалдан фойдаланиши лозим.

Форобий борлиқнинг биринчи сабаби ва ҳаракат манбаи сифатида Худо мавжуд деб ҳисоблаган бўлса-да, унинг фалсафаси билиш ва борлиқнинг мураккаб масалаларини ечишга интилиш билан тавсифланади. Айни шу сабабли файласуф борлиқнинг ҳолатларини, унинг шаклларини: оддий элементлар – ҳаво, олов, ер, сувни; шунингдек минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон ва осмон жисмларини синчиклаб ўрганади. Шу тариқа у ташки дунёнинг объектив мавжудлигига урғу беради. Форобийнинг фалсафий қарашлари Шарқ фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Форобийнинг гносеологияси табиатшунослик, математика, мусиқа, тилшунослик ва бошқа фанлар соҳасидаги билимларга асосланади. У табиат инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, деб ҳисоблайди. Фаробий фикрича, объект субъектга қадар мавжуд бўлган. Сезиладиган нарсалар сезгилардан олдин пайдо бўлганидек, билиш мумкин бўлган нарсалар ҳам билишдан олдин пайдо бўлган³.

Форобий фикрича, инсон билимларни ташки дунёдаги ҳодисаларни билиш жараёнида ўзлаштиради. Бу жараён сезиш, идрок этиш, хотирлаш, тасаввур қилиш ва энг муҳими – мантиқий мулоҳаза юритиш, тафаккур каби усууларни қамраб олади. Бу воситалар ёрдамида инсон фанни ўрганади. Форобий “Фан ва санъатнинг ўзига хос хусусиятлари” асарида табиатни билишнинг узлуксизлигини, билиш – бу билишдан билимга, сабабни билишдан оқибатни билишга, ҳодисани билишдан моҳиятни билишга элтувчи йўл эканлигини қайд этади.

Абу Райхон Беруний (973-1048 йиллар, асарлари: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минерология”), табиат ва унинг объектив қонунлари

³ Қаранг: Фароби. Комментарии к категориям Аристотеля // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М., 1961. – 191-б

мавжудлигига шубха қилмаган. У табиат муттасил ўзгариш ва ривожланишда бўлади, материя нарсалар шаклини ўзи яратади ва ўзгартиради, жон (тафаккур, маънавий ҳодисалар) тананинг муҳим хоссасидир, деб таъкидлаган.

Маълумки, тажриба, эксперимент борлиқни билиш усуllibаридан бири ҳисобланади. Беруний шундай деб ёзди: “Мендаги иштибоҳни фақат тажриба ва такрорий синов бартараф этиши мумкин, ...сўзловчиларнинг яқдиллигига қарамай, бунинг ҳақиқийлиги тажрибада ўз тасдигини топмаган”⁴.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, «Берунийни етарли асос билан ўрта аср фанида эмпирик метод яратувчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. У металлар ва минералларнинг хоссалари ва солиштирма оғирлигини аниқлаш бўйича бир қанча тажрибалар ўтказди»⁵. Тажрибада олинган билимни мутафаккир айрим меъёрларга мувофиқ ишончли билим деб талқин қиласди. Уларнинг орасида объектларнинг кузатувчанлиги, тажрибаларнинг қайта ўтказилувчанлиги ва кузатишларнинг текширилувчанлигини қайд этиш мумкин.

Бу мулоҳазалар тажриба, билим олиш ва унинг ҳақиқийлигини текшириш методи сифатида, ўрта аср шароитида ҳам анча кенг тарқалган, деб айтиш имконини беради.

Фоя илгари сурилгани ва ишончли билимнинг олиниши тажриба билан боғланиши, билимнинг ҳақиқийлиги тажрибада синалиши муҳимдир.

Берунийнинг ижодида кузатиш муҳим ўрин эгаллайди. Табиатни илмий ўрганишда кузатиш билишнинг бошқа шакллари билан ўзаро боғланган.

Беруний фикрича, кузатувчи кузатилаётган ҳодисани у юз бераётган жойда идрок этадиб. Бинобарин, кузатиш у ёки бу ҳодисани унинг муайян кўринишида қайд этади⁷. Кузатишларнинг эски маълумотлари объектнинг ҳақиқий кўрсаткичини анча бузиб ифодаласи мумкин.

Абу Али ибн Сино (980-1037) Бухоролик Ибн Сино (Авиценна) 300 дан ортиқ асар муаллифидир Уларнинг орасида “Тиб қонунлари” ва “Билим китоби”, “Донишнома”, “Хай ибн Якзон” айникса кенг довруқ қозонган. Ўрта Осиёning машҳур қомусий алломаси ва файласуфидир.

Ибн Сино меросининг таҳлили унинг илмий қизиқишлари доираси бениҳоят кенг, у том маънода қомусий билимлар эгаси бўлганидан далолат беради. Ибн Сино фанларнинг тадқиқот обьектларига кўра ажратишга асосланган таснифини таклиф қиласди.

Ибн Сино табиат азалий ва абадийдир, унинг қонунлари ўз-ўзидан ўзгармайди ва инсон уларни англаб етишга қодир, жон тана фаолияти билан белгиланади ва унинг индивидуал умрбоқийлиги мумкин эмас, деган фикрни илгари сурган.

Ўша даврда у шуғулланмаган фаннинг ўзи бўлмаган. Тиббиёт билан бир қаторда, Ибн Сино фалсафа, хусусан билиш назариясини ҳам фаол тадқиқ этган.

Ибн Сино моддий дунё предметларини сезгилар манбаи деб ҳисоблаб, уларнинг обьектив табиатини ташқи моддий дунё инъикоси сифатида ёритади. Бундан ташқари, у сезгини материянинг хоссаларидан бири деб эътироф этади. Аллома сезгини материянинг олий шакллари билан боғлади. Ибн Сино мавжуд нарсаларни таснифлар экан, сезги хайвонлар деб аталувчи жисмларга хослигини қайд этади⁸.

Сўфизм фалсафаси. Билиш муаммоси сўфизмнинг энг муҳим томонини ташкил этади. Мўътадил сўфизм таълимотига кўра гностик (ориф)нинг асосий вазифаси олий мақсадга эришии – ҳақиқатни билишдан иборат. Бу мақсадга ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи билиш йўли билан эришилади. Ўз моҳиятини билиш жараённида инсон ўзида илоҳий унсурлар мавжудлигини, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзини ўзи билиш, яъни ўзликни англаш эканини тушуна бошлади.

Бироқ билишнинг бу даражасига етиш учун одам ўзини бутунлай ўз ўзлигини англашга бахшида этиши лозим. У сўфийча турмуш тарзини танлаши, шунингдек ҳақиқат сари йўл

⁴ Абу Райхон ал-Бируни. Избранные произведения в 6 т. -Т. 3. –Т.: 1963. –С. 44.

⁵ Хайруллаев М. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идеей.- Фаргона, 1988.- С.39.

⁶ Қаранг: Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. В 6-т. Т. 3. – Т.: 1963. – 57-б.

⁷ Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. В 6-т. Т. 3. – Т.: 1963. – Б.260.

⁸ Қаранг: Ибн Сино. Трактат о разделении существующих вещей. – Т.: Шарқ, 1983. – 128-б.

тутган кишиларга қўйиладиган айрим бошқа талабларни бажариши даркор. Мўътадил сўфизм вакиллари қаторига Хориси Муҳосибий, Абулқосим Кушайрий, Абу Ҳомид Фаззолий ва бошқалар киради. Улар сўфий шариат чизиғидан четга чиқмаслиги, унинг барча сўзлари ва ишлари Қуръони карим ақидалари ва Мухаммад пайғамбар ҳадисларига мувофиқ бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

«Ваҳдати вужуд» (борлиқнинг бирлиги) нуқтаи назарида турувчи сўфийлар сўфизмнинг ашаддий тарафдорлари ҳисобланади. Улар Ҳақиқат (Аллоҳ) ва табиатни бир деб қарайдилар. Табиат илоҳий эмансипация оқибатидир. Инсон бу эмансипация занжирида охирги бўғинни эгаллади. У нафақат Ҳақиқат (Аллоҳ)ни билиш даражасига етади, балки ўзи ҳам Ҳақиқат – «Аллоҳ»га айланади. Сўфийликнинг бу тариқат вакиллари яширин, сирли нарсаларни билишни афзал қўриб, шариат ақидалари ва меъёрларини тан олмаганлар.

Сўфизм Аллоҳни табиат билан узвий деб қарайди. Уни инсонни қуршаган ташки дунёда мавжуд ҳар бир нарса билан тенглаштиради ва улarda Аллоҳнинг сиймоси, моҳиятини қўриб, табиат, атроф муҳит сари, унинг сирларини очиш томон, бу яширин ҳодисаларнинг ҳар бирида илоҳий ҳақиқат белгиси, моҳиятини топиш ва билиш мақсадида муйян қадам ташлайди.

Сўфизмдаги Аллоҳни билишда билиш усуллари ва воситалари сифатида ваҳий ва илҳом амал қиласди. Бу ерда сезгилар ва ақл билиш воситалари сифатида ишламайди. Борлиқнинг бирлиги тарафдорлари саналган сўфийларда пантеистик анъаналар устунлик қилувчи таълимотларда Аллоҳни билиш назарияси билан бир қаторда дунёни билиш назарияси ҳам мавжуд бўлиб, унда билиш объекти сифатида моддий дунёнинг ўзи, билиш воситалари ва усуллари сифатида эса – сезгилар, ақл, кузатиш, таққослаш, сўзнинг тор маъносидаги тажриба амал қиласди. Гарчи улар билишнинг турли шаклларини тан олсаларда, моҳиятлар моҳияти (Аллоҳ)ни билиш даражаси тўғрисида сўз юритилган ҳолларда билиш шаклларининг аҳамиятини чеклайдилар. Аллоҳни билишга фақат Унинг қарами ва нури ёрдамида муваффақ бўлинади.

Мутлақ ҳақиқатнинг тагига етиш йўлидан борувчи одам (ориф) ўз олдига ҳақиқатни билиш вазифасини қўйган фаол индивидга айланади ва узоқ изланишлар, турли мистик босқичлар, мақомлардан ўтиш ва ўзликни англаш натижасида ўзида мутлақ ҳақиқат (Аллоҳ)ни топади ва етук инсонга айланади.

Сўфизм таълимотига кўра, ҳақиқатнинг тагига етиш учун одам ўз ички дунёси, қалбини ҳар хил дунёвий кусурлардан фориғ этиши лозим. Бунга эришиш учун у бир қанча маънавий босқичлар ёки сўфийлар таъбири билан айтганда мақомлардан ўтиши даркор.

Билиш ва маънавий саёҳат йўлида одамга унинг тафаккури йўл кўрсатади. Кўрсатилган босқичларнинг ҳар биридан ўтиш натижасида одам ахлоқий ва маънавий жиҳатдан такомиллашади ва ҳақиқатни билишга яқинлашади.

Абу Ҳомид Фаззолий сўфизмни пантеизмдан тозалашга ҳаракат қилди ва у бунга муваффақ бўлди. Фаззолий фикрига кўра, «ҳар қандай маънавий покланишлардан қатъи назар, инсон ҳеч қачон Худога айланана олмайди». Бу билан у сўфизм ва пантеизм ўртасида ўзига хос «хитой девори»ни ўрнатди.

Хулосалар. Farrell ва Шарқда ўз тафаккур услубида билимларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг ўз механизмлари ва шакллари, билим ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи ўз мўлжаллари мавжуд. Шарқ таълимотлари ва тафаккур услубини Шарқ амалиёти ва тажрибасидан олинган ўзига хос усуллар ва методлар ёрдамида тушуниш ва ичдан англаб этиши мумкин.

Такрорлаши учун саволлар

1. «Авесто» ҳақида нималарни биласиз?
2. Зардуштийлик ва «Авесто»да акс этган фалсафий ғояларни гапириб беринг
3. Моний ва Маздак таълимотларининг моҳияти нимада?
4. Қадимги Миср ва Ҳиндистон фалсафасига хос хусусиятларни гапириб беринг.
5. Конфутсийлик нима?
6. Лаосизм фалсафасини гапириб беринг.

3- МАВЗУ. ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ:

ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Режа

- 1. Қадимги Юнон ва Рим фалсафаси.**
- 2. Ўрта асрлар ва Ўйғониш даври фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Янги давр фалсафасининг табиий-илмий асослари.**
- 4. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси.**

Таянч тушунчалар: Ф.Бэкон, Р. Декарт, Ж.Локк, позитивизм, неопозитивизм, постпозитивизм, структурализм, постструктуралализм, эволюцион эпистемология, шахсий билим, илмий инқилоб, очиқ билим, яширин билим,

Қадимги юнон фалсафий фикри дастлаб кичик Осиё ғарбидаги Иония оролида вужудга келди ва ривожланди. Милет Иония денгизи қирғоғида жойлашган йирик шаҳар бўлиб, Юнонистон билан Эрон, Миср, Вавилония ва Қора денгиз мамлакатлари ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларнинг маркази эди. Милет фалсафий мактабининг асосчилари — Фалес, Анаксимандр ва Анаксименлардир. Милет мактабига мансуб файласуфлар учун содда дунёқараш характерлидир. Бу уларнинг борлик ҳақидаги таълимотида яққол ўз ифодасини топди. Юқорида номлари тилга олинган Милет мактабининг намояндлари борлик асосига муайян бир моддий унсурни қўядилар. Масалан, Фалес сувни, Анаксимандр апейронни (чексиз, чегарасиз моддий нарса), Анаксимен эса ҳавони. Уларнинг фикрича, оламдаги барча нарсалар мана шу моддий унсурларнинг турлича ҳолатидир. Шуниси аҳамиятлики, улар оламнинг моддийлигини ва мангалигини эътироф этганлар. Бу қарашлар кейинчалик Гераклит томонидан ривожлантирилган. У Кичик Осиёнинг Эфес шаҳрида дунёга келган (милоддан олдинги 530—470 йиллар). Гераклит Милет мактаби намояндларидан фарқли ўлароқ, оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг сабаби — ўт (олов) деб таъкидлади. Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг чексизлигига. Гераклитнинг фикрича, бошланғич асос оловнинг мангу ҳаракати ва ўзгариши сабабидир. Бироқ, унинг фалсафасидаги энг қимматли фикр ҳаракат, тараққиёт ҳақидаги ғоя хисобланади. Гераклитнинг фикрича, олам доимий ҳаракат жараёнидан иборат. Оламда доимий, ўзгармас бирон нарса йўқ, ундаги ҳамма нарса ўсиб, ўзгариб боради. Оламдаги бундай доимий жараённи Гераклит дарёдаги сув оқимиға ўхшатади. Унинг фикрича, оқиб турган дарёга икки марта тушиб бўлмайди. Иккинчи марта тушганда олдинги сувлар аллақачон оқиб кетган бўлади. Бу — диалектика ҳақидаги дастлабки ғоялардандир. Олам диаектикаси тўғрисидаги бу тасаввур Гераклит томонидан тўғри ифода этилган бўлиб, у ҳамма нарса бор ва шу вақтнинг ўзида йўқ, чунки ҳамма нарса оқиб туради, ҳамма нарса ўзгариб боради, ҳамма нарса доим вужудга келади ва йўқолиб кетади деган қарашдан келиб чиқади.

Мана шу даврда атомистик дунёқараш ҳам вужудга келади. Қадимги Юнонистондаги атомистик дунёқарашнинг асосчилари Левклипп ва Демокрит хисобланади. Масалан, Демокрит оламнинг асоси атомлар (майда, бўлинмас, моддий заррачалар) ва бўшлиқдан иборат, турли-туман нарса ва ҳодисалар шу атомларнинг турлича қўшилишидан ташкил топган, деб таъкидлайди. Демокрит моддий нарсаларни доимий ҳаракатда эканлигини ҳам уқдириб ўтади.

Демокритнинг билиш назарияси ҳам маълум илмий аҳамиятга эга. Унинг фикрича, билиш обьекти оддий олам бўлиб, онгимиз эса оддий оламнинг сезгилар орқали акс эттирилишидан иборатdir.

Демокритнинг атомистик таълимоти кейинчалик Эпикур томонидан ривожлантирилди.

Қадимги Юнонистонда руҳни, ғояни оламнинг асоси сифатида талқин этувчи фалсафий қарашлар ҳам вужудга келиб, ривожланиб борди. У ердаги Демокрит ва Эпикур қарашларидан фарқ килувчи фалсафанинг асосчилари Пифагор, Сүкрут, Афлотунлар хисобланади.

Қадимги Юнонистонда бундай дунёқарашни ривожлантириб, уни дастлаб муайян тизим ҳолига келтиришга ҳаракат қилган файласуф Афлотуннинг фалсафий

қараашлари, асосан, унинг “Базм”, “Теэтет”, “Федон” номли диалогларида, сиёсий қараашлари эса, “Давлат” ва “Қонунлар” номли асарларида баён этилган.

Афлотун таълимотича, оламда “ғоялар дунёси” бирламчи бўлиб, моддий дунё эса унинг маҳсули, соясидир. “Ғоялар дунёси” замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангу, ҳаракатсиз, ўзгармасдир, у — ҳақиқий дунёдир. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар замон ва маконга боғлиқ бўлиб, ўткинчи табиатга эга. Чунки, улар вужудга келади ва йўқолади. Афлотун нуқтаи назарича, “ғоялар дунёси”да энг олий ғоя — яхшилик ва баҳт ғояси — худодир. Бошқа ғояларнинг ҳаммаси у биланбоғлиқ.

Ҳақиқатда эса Афлотун таъкидлаган “умумий ғоялар” моддий дунёдаги нарсалар тўғрисидаги инсон тушунчаларидир.

Афлотуннинг билиш назариясида ҳам муҳим томонлар бор. Унинг таълимотича, “ғоялар дунёси” билиш объектидир. Моддий дунё, нарсалар тўғрисидаги тасаввурларимиз эса ҳиссий билиш орқали пайдо бўлади. Ҳиссий билиш эса, Афлотуннинг фикрича, ҳақиқат эмас. Моддий нарсаларнинг бошлангич асоси, моҳияти бўлган “ғоялар дунёси” ни фақат соғтафаккур орқали билиш мумкин.

Афлотун қадимги юонон фалсафасининг энг йирик намояндаси ҳисобланади. Унинг таълимоти ўрта асрлар ва, айниқса, ҳозирги замон фалсафасидаги турли оқимларнинг назарий асоси бўлиб келмоқда.

Афлотун фалсафий қараашларини биринчи бўлиб танқид қилган унинг ватандоши, фалсафа ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир Арасту ҳисобланади (милоддан олдинги 384—322 йилларда яшаган). У сермаҳсул файласуф бўлиб, унинг айрим асарлари бизнинг давримизгача ҳам етиб келган. Арастунинг йирик асарлари “Метафизика” (ёки “Биринчи фалсафа”), “Физика”, “Жон тўғрисида”, “Аналитика”, “Категориялар”, “Сиёсат”, “Риторика” ва бошқалардир.

Арасту Афлотуннинг “ғоялар” назариясини асоссиз деб ҳисоблайди. Шуниси диққатга сазоворки, Афлотун таълимотини танқид қилиш билан бирга, Арасту умуман унга қарши чиқа бошлади. Унингча, моддий олам абадий. ва объектив ҳарактерга эга бўлиб, у ҳеч қандай Афлотун “ғоя”сига муҳтоҷ эмас. Афлотуннинг билиш назариясини рад этиб, Арасту Демокрит билан бирга, моддий дунё билишнинг предмети ва сезгиларимизнинг объектив манбай эканлигини назарий асослаб беришга ҳаракат қилди.

Лекин қадимги юонон фалсафасининг бу чекланган томонини ҳисобга олмаганда, у ижтимоий фикр тараққиётида янги босқич бўлди. Қадимги юонон файласуфлари фалсафанинг кўп масалаларини янгича ёритишга катта ҳисса қўшдилар. Шуни ҳам қайд этиш керакки, қадимги юонон фалсафасининг хилма-хил шаклларида кейинги фалсафий таълимотларнинг илдизлари куртак ёза бошлаган эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, баён қилинган таълимотларда фалсафий тафаккурнинг илк кўринишлари ўзининг ифодасини топган эди. Шу билан бирга, стихияли тарзда воқеа ва ҳодисаларга диалектик ёндошиш ҳам вужудга кела бошлади. Қадимги файласуфлар фалсафанинг кўп масалаларини ўргага ташладилар ва уларни ўша вақтдаги инсон аклий тараққиёти ва унинг имконияти даражасида ҳал қилишга уриниб келдилар.

Ўрта асрнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу даврда Гарбий Оврўпада христиан дини аста-секин ҳукумрон мағкурага, дунёқарашга айланиб боради. Дин билимнинг барча соҳаларини, шу жумладан, фалсафани ҳам ўзига бўйсундиради. Петр Домиани ибораси билан айтганда, фалсафа “илоҳият хизматчиси”га айланиб қолади. У бутун кучини христиан динининг ақидалари тўғри эканлигини исботлашга сарф қилиши лозим эди. Бу фалсафа — «схоластик фалсафа», деган номни олди.

Схоластик таълимотни бир яхлит тизимга келтирган файласуф Фома Аквинский ҳисобланади. У кейинчалик католик черковининг пири, деб расмий равища эълон қилинган эди. Фома Аквинскийнинг фикрича, дунёнинг мавжудлиги худога боғлиқ. У - биринчи сабаб ҳисобланади. Фома Аквинский худонинг мавжудлигини нарсаларнинг мавжудлигидан келтириб чиқаришга ҳаракат қиласи. Бу борада Фома Аквинский Арасту фалсафасидан, унинг мазмун ва шаклнинг ўзаро муносабати ҳақидаги таълимотидан усталик билан фойдаланади. Аквинский фикрича, материя шаклга боғлиқ бўлмаган ҳолда, алоҳида мавжуд

бўлиши мумкин эмас. Бироқ шакл материядан алоҳида яшashi мумкин. Бу билан Аквинский моддий нарсалар олий шакл - худога боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас, деган ғояни исботлашга уринади. Ф. Аквинский моҳият ва мавжудлик категорияларига суюниб, худонинг мавжудлигини сабабият категорияси ёрдамида асослашга ҳаракат қилади. Ҳамма нарса ва ҳодиса ўз сабабига эга, сабабларнинг сабаби эса худодир. Ф.Аквинский ғояларнинг нарсаларга нисбатан бирламчи эканлигини ҳам эътироф этди.

Шу даврнинг схоластик фалсафасида “универсалийлар”, бошқача айтганда, умумийликнинг яккаликка муносабати масаласи биринчи ўринга чиқади. Бу масалада номиналистлар билан реалистлар ўртасида қизғин тортишув кетади. Реалистлар умумий тушунчалар (универсалийларни) якка нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлигини, пировард натижада, унинг худо би Схолистик — лотинча сўз бўлиб «мактаб» деган маънони англатади.

Номиналистлар бунга қарама-қарши мавқеда турадилар. Улар умумий тушунчалар (универсалийлар) якка нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас деб уқдирадилар. Уларнинг фикрича, умумий тушунчалар якка нарсаларнинг номлари дидир. (Лотинча “номина” сўзининг маъноси ҳам “ном” демакдир).

XIV ва XVI асрлар Рарбий Оврўпода Ўйгониш даври ҳисобланади. Бу даврда, дастлаб Италияда, сўнгра Оврўпадаги бошқа мамлакатларда феодализм бағрида капиталистик ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожитабиат илмини, фалсафани тараққиётга олиб келди. Будаврда астрономия, математика, механика, физика, жуғрофия, физиология соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар янада кучайди. Табиат билимнинг ягона манбаи ва тараққиётининг асоси бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси инсон ақлини ўрта аср схоластикаси сидан озод қилишни, унинг эътиборини табиий-илмий билишнинг муаммоларига қаратишини талаб қиласди. Ана шундай шароитда Ўрта аср схоластикасини инкор этувчи, инсоннинг ақл-заковатини улуғловчи фалса фий қарашлар вужудга кела бошлади. Бундай қарашларнинг дастлабки ифодаси сифатида Николай Кузанскийнинг (1401 — 1461) таълимотини кўрсатиш ўринли дир. У ўзининг бир қатор илгор фалсафий ғояларидан кўзга кўринди. Аввачом бор, унинг «борлик» ҳақидаги таълимоти диққатга сазовордир. Схоластик фалсафа «борлик» деганда худони тушунган бўлса, Кузанский борлиқдаги барча нарсани тушунади. «Бор лиқ» — бу ҳамма нарсадир», дейди у. Кузанскийнинг бу фикри ўз моҳияти билан пантеистик табиатга эга бўлиб, диний-схоластик таълимотга зид эди.

Н. Кузанский илгари сурган ғоялар Н.Коперник ва Галелено Галилейнинг қарашларига зўр таъсир кўрсатди. Хусусан, Кузанскийнинг «бепоёнлик», «чексизлик» ҳақидаги ғоялари Н. Коперник томонидан гелиоцентрик ғояни асослашда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ҳамма нарсанинг бирлиги ҳақидаги пантеистик ғояси Жордано Брунонинг пантеистик фалсафасини келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, Ўйгониш даврининг асосий хусусиятлари табииёт фанларининг янада ривожланиши, фалсафанинг схоластикадан воз кечиб табиатга яқинлашиши, адабиёт ва санъатда инсонпарварлик ғояларнинг кучайиши билан белгиланади.

Маълумки, XVII аср охири ва XVIII асрда бир талай Ғарбий Оврўпа мамлакатлари, хусусан, Голландия, Англия, Франция капиталистик тараққиёт йўлига ўтди. Капиталистик тараққиёт тажрибавий билимларга эҳтиёжни янада ошириб юборди. Бу эса моддий оламда ги нарса ва ҳодисаларни чукур ўрганиш, табиат қонунларини билиш заруриятини тувдирди. Шундай шароитда фалсафа инсоннинг амалий ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган объектив ҳақиқатни очиб берувчи фан деб қарала бошлайди. Ўрта аср фалсафаси фойдаланиб келган умумназарий қоидалар ва услублар нотўғри, кишиларни адаштирувчи таълимот деб эълонқдлинади ва тадқиқотнинг янги усусларини, ҳақиқат ни билишнинг янги йўлларини яратиш масаласи кўн даланг қилиб кўйилади.

Ана шу олижаноб ишга бел боғлаган файласуфлардан бири Ф.Бэкон (1561 — 1626) бўлди. У фалсафанинг асосий масаласи билишнинг янги илмий услубини яратишидир деб чиқди; Шу муносабат билан Бэкон фаннинг предмети ва вазифасини қайта кўриб чиқади. Бэкон фикрича, илмий билишнинг мақсади - инсониятга фойда келтиришдир, Шундагина у ўз вазифасини оқлади. Барча фанларнинг вазифаси инсоннинг табиат устидан

хукмронлигини мумкин қадар күпроқ таъминлашдир, дейди мутафаккир. Билим - бу кучдир деган шиор ҳам Ф.Бэконга мансубдир. Бэконнинг буюк хизмати шундаки, у илмий билишнинг тажрибага асосланган услубини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, фаннинг хulosалари фақат рад этиб бўлмайдиган далиллардан келиб чиқиши керак. Бэкон томонидан қўлланган индуктив усул кузатиш, анализ қилиш, тақ қослаш ва экспериментга асосланади. Лекин тажриба да ишончли билимга эришиш учун инсон ўз онгидагизаарли шарлалардан озод бўлиши лозим. Уларни Бэкон «уруг шарпаси», «фор шарпаси», «бозор шарпаси», ва «театр шарпаси» деб атайдқ.

Уруг шарпаси — бу кишилик уруғига тегишли бў либ, унинг натижасида одамлар ўзларининг субъективхусусиятларини табиат предметларининг хусусияти дебқарайдилар.

Фор шарпаси — бу кишиларнинг олам тўғрисидаги нотўғри тушунчасидир.

Бозор шарпаси — бу кўп тарқалган сўзларни нотўқ ри ишлатиш натижасида вужудга келган тушунчалар дир.

Театр шарпаси — ҳурматли кишиларнинг айтганла рига кўр-кўрона амал қилишдир.

Бэкон инсонни қуршаб турган моддий дунё турлитуманлигини ва уни билиш ҳам чексиз эканлигиниқайд этади.

Агар Бэкон илмий билишнинг тажрибага асослан ган индуктив услубини ишлаб чиқиб, фанга каттахисса қўшган бўлса, унинг замондоши француз мута факкири Р. Декарт (1596—1650) эса, аксинча, илмийбилишнинг дедуктив услубига ўз эътиборини қаратади. /Декарт дунёни билишда биринчи ўринга ақлниқўяди. Буни унинг, «мен фикрлар эканман, мен мав жудман» деган машхур сўзлари тасдиқлади. Декартфикрича, фалсафанинг биринчи масаласи — бу ишонч ли билимга олиб борадиган услуб масаласидир. Унишлаб чиқишини Декарт ўз олдига вазифа қилиб қўя диди. Декарт ишлаб чиқкан илмий билишнинг дедуктивслуби аналитик ёки рационалистик ҳам деб аталади. Декартнинг дедуктив услуби қўйидагиларни талаб эта диди: 1) Ҳақиқат деб фактат ақл нуқтаи назаридан аниқ, равшан ва шубҳасиз бўлган хulosаларни қабул қи лиш; 2) ҳар бир мураккаб муаммоларни таркибийқисмларга бўлиб ўрганиш; 3) билиш жараёнида маъ лум ва исбот қилингандан номаълум ва исбот қилин маганга бориш; 4) тадқиқот мантикий ҳалқаларидан бирортасини ҳам тушириб қолдирмаслиkdir.

Декарт билишнинг бу услубини қўллаш фаровонҳает учун кишиларга катта имкониятлар яратиб бери шига ҳеч шубҳа қилмади. Бирок Декартнинг ақд кучига таянган бюошнинг дедуктив услуби унинг «туғмаоялар»ни тан олишга олиб келди. Бу тажриба орқалиолинган ғоялар эмас, балки одам туғилиши биланунинг миясида олдиндан бўлган ғоялардир. Унга худоғояси, сонлар ва шакллар ғояси, шунингдек, айримумумий тушунчалар киради. Декарт уларни умумий вазарурий билимнинг шарти сифатида қарайди. Бу эсаунинг илмий дедуктив билиш услубига раҳна солибтуради.

Буни эътиборга олмаганда, Декарт Бэкон сингариfalсафанинг илмий масалаларини ишлаб чиқишида ўздаврида катта ютуқларга эриши.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Бэкон ва Де карт томонидан яратилган билишнинг ҳар икки услуби ни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки уларнинг ҳарбириининг аҳамиятини камситиш нотўғри бўлур эди.

Янги давр фалсафий фикрида ўртага қўйилган му ҳим муаммолардан бири — **субстанция** маеаласи эди.

Шу даврда бу масаланинг турлича ечимини кўра миз. Масалан, Декарт руҳий ва моддий субстанциямавжудлигини қўрсатди. Руҳий субстанциянинг энгмуҳим белгиси бўлинмаслик бўлса, аксинча, моддийсубстанциянинг белгиси унинг чексиз бўлинувчанли гидир. Руҳий субстанциянинг асосий атрибулари — бутаф "аккур ва кўламлилиқдир. Унинг қолган атрибулари ри — тасаввур, ҳиссийлик, хоҳиш, фикрлаш модусларибўлса, моддий субстанциянинг атрибулари бу шакл, холат, ҳаракат ва тортилувчанлиқдир.

Шундай қилиб, Декарт субстанция масаласини дуа листик мавқедан туриб ҳал қиласди.

Голландиялик файласуф Б. Спиноза (1632—1977) Декарт дуализмига материалистик монизмни қаршиқўяди, яъни руҳийлик ва моддийликни ягона бир субс танция сифатида талқин этади. У онгимиздан ташқа рида объектив радиа мавжуд бўлган, сабабчи

кучгамухтож бўлмаган ва ўзига ўзи сабабчи бўлган ягонамоддий субстанцияни эътироф этади. Бироқ Спиноза нинг субстанция ҳақидаги бу фикри пантеистик та биатга эга. Чунки у худони моддий дунёга қориштирибюборади ва табиатни ўзини ўзи яратувчи худо дебатайди.

Шу даврнинг йирик мутафаккирларидан бири Г. Лейбниц (1646—1716) ҳисобланади.

У ўзининг субстанцияларнинг кўп хиллиги ҳақидаги таълимотини ўртага қўяди. Лейбниц фикрича, субстанциялар жуда хилма-хилдир. Уларни Лейбниц монадалар деб атайди. Лейбниц таълимотича, монадалар оддий бўлиб, улар қисмларга бўлинмайди. Бу билан Лейбниц монадалар моддийлик хусусиятига эга эмаслигини, шунинг учун унга кўламлик ёт эканлигини таъкидлайди. Фақат моддий нарсаларгина кўламликка эга бўлиб, бўлакларга бўлинади. Шунинг учун кўламлик эмас, фаолият монадаларнинг хусусиятидир. Фаолият нима, деган саволга Лейбниц, кўламлик билан изоҳлаб бўлмайдиган тасаввур, идрок, интилишга ўхшашиб руҳий нарсадир, дейди. Уни Лейбниц оддий субстанцияларнинг асосий хусусияти деб атайди.

Агар монадаларга сезгилар хос бўлса, улар жонлар деб аталади. Монадаларга ақл хос бўлса, улар руҳлар деб аталади, дейди Лейбниц. Лейбниц фикрича, монадалар ўз фаолиятларини аниқ ва равшан ифодаланиш даражасига қараб бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Онглилиқ ва ақллилиқ монадалар қанчалик тараққий этганлиги даражасини билдирувчи мезон ҳисобланади.

Янги давр фалсафасида XVIII аср француз мутафаккирларининг қарашлари алоҳида диққатга сазовордир. XVIII аср француз фалсафасининг асосий ва киллари П. Гольбах (1723—1789), Д. Дидро (1713-1784), К. Гельвеций (1715-1771), Ж. Ламетри (1709—1751) ҳисобланади. Уларнинг таълимотича, ҳамма нарсалар - материядир. Материя майда моле кула ва атом заррачаларидан ташкил топган. Атомларэса - материянинг бир хилдаги бўлинмас, майда заррачаларидан иборатдир. XVIII аср француз файласуфларининг ютуқларидан бири шуки, улар ҳаракатниматериянинг ажралмас хусусияти, деб таъкидладилар. Бироқ улар ҳаракатни тушунишда механистик даражадан юқори кўтарила олмадилар. Ҳаракат, уларча, предмет ёки ҳодисаларнинг фазода оддий ўрин алмашувидан иборатдир.

Француз файласуфлари дунёни билиш мумкинми, деган саволга ҳам ижобий жавоб бердилар. Улар ўзла рининг билиш назарияларида Ж. Локкнинг сенсуалистик¹ ғояларига суюндишлар. Улар билиш сезишидан ибо ратдир, сезишининг манбаи эса объектив реалликдир, деб уқдирдилар.

¹ Сенсуализм — лотинча сўздан олинган бўлиб, сизги, ҳис, дсан маънени билдиради. Билиш назариясида у бир йўналиш бўлиб, сстшаримшни би лимларимизнинг бирдан-бир манбаи дсб қарайди.

Француз файласуфлари билиш жараёнида ақлнингролини ҳам тан оладилар. Уларнинг фикрича, тафак кур сезгиларни қўшиш, йигиш, солиштириш қобилия тидан иборатдир.

Француз файласуфлари ижтимоий ҳодисаларни тушунишда ҳам бир қатор янги ғояларни илгари сурдилар. Жумладан, уларнинг фикрича, киши ижтимоий муҳитнинг маҳсули, ижтимоий муҳит қандай бўлса, киши ҳам шундай бўлади. Улар инсон, унинг манфаа ти, баҳти, эрки масалаларига ҳам эътиборни қаратдилар. Француз файласуфларининг фикрича, баҳтга интилиш киши хулк-атворининг табиий асосидир. Бўлажак жамиятнинг асосий вазифаси ҳамма кишиларни адолатли равища бахт ҳуқуқи билан таъминлашдир. Француз файласуфлари ўз даврлари учун илғор бўлган «ижтимоий шартнома» назарияларини илгари сурдилар. Бу назария давлат ва жамиятнинг келиб чиқиш сабабини табиий зарурият асосида тушуниширади. Шуларга кўра, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари фалсафий фикр тараққиётida муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Немис классик фалсафасининг асосий вакиллари И. Кант, И. Г. Фихте, Ф. Р. Шеллинг, Г. Ф. Ҳегель ва Л. Фейербахлардир. Улар фалсафадаги турли оқимларга мансубдирлар.

Фалсафий фикр тараққиётiga катта хисса қўшган немис классик фалсафасининг вакиллари И. Кант, Г. Ҳегель ва Л. Фейербах ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг дунёқарашига батафсилроқ тўхталиб ўтамиш.

Немис классик фалсафасининг асосчиси И. Кант(1724—1804) ўз замонасининг долзарб назарий муаммолари билан шуғулланган олимдир. Кант диалектика ғояларини қайта тиклаган мутафаккирдир. Кант фақат фалсафага эмас, балки умуман фан тараққиётига улкан хисса кўшди. Кантнинг Қүёш системаси катта газ туманлигидан келиб чиқсанлиги тўғрисидаги гипотезаси ҳозирги пайтгача фалакиёт фанидаги фундаментал илмий ғоялардан ҳисобланади. Кант ўз замонидаги табиётшуносликнинг принципларини фақат коинотнинг тузилишига эмас, балки унинг тарихига, яъни келиб чиқиши ва ривожланишига татбиқ этишга ҳам уринди. Бу унинг «Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси» китобида ўзининг яққол ифодасини топди. Кант ўзининг табиий-илмий қарашлари билан табиатни метафизик тарзда тушунишга чек қўйди.

Кант фикрича, фалсафанинг борлиқ, ахлоқ ва дин каби муаммолари билан шуғулланишдан аввал инсоннинг билиш имкониятлари ва унинг чегараларини аниқлаб олиш лозим. Шундан келиб чиқсан ҳолда Кант кишини ўраб турган ташки дунёдаги нарсаларни иккига бўлади. Бири — ўз-ўзича мавжуд бўлган нарсалар дунёси, иккинчиси - бизнинг сезгиларимиз акс эттирган нарсалар, ҳодисалардир. Кант таълимотича, биз дунёни қандай мавжуд бўлса, шундайлигича била олмаймиз, балки унинг ифодаланишини биламиз холос. Кишилар «нарса ўзида»нинг моҳиятини била олмайди, улар ҳодисаларнигина билади. Кант фикрича, ҳодисалар дунёси тартибсиз, у ҳеч қандай қонуният ва заруриятга бўйсунмайди. Инсон билиш жараёнида ҳодисалар дунёсига тартиб киритади, уни маълум бир вақт ва макон билан боғлаб ўрганади.

Кантнинг фалсафадаги хизмати шундаки, у диалектик юялар масаласини кўндаланг қилиб қўйди, оқилона фикрга диалектика хос эканлигини яхши тушунди.

Немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Г.Ф.Хегель эди. Хегель таълимотича, барча мавжуд нарсаларнинг асосида «мутлоқ ғоя»нинг (у мутлоқ рух ҳам деб аталади) ривожи ётади. Дастрлабки пайтда мутлоқ ғоя «соф борлиқ» сифатида мавжуд бўлади. Кейинчалик у ривожланиб мазмун жиҳатдан биридан бири бой бўлган тушунчаларни вужудга келтиради. Мутлоқ ғоя ўзининг бутун мазмунини ифода этмагунча ривожланиб бораверади. Мана шу ривожланиш жараёнида мутлоқ ғоя табиатни келтириб чиқаради ва моддий нарсалар тарзида намоён бўлади. Мутлоқ ғоя нинг табиат тарзида кўринишидан аввал механик ҳо дисалар вужудга келади, кейин кимёвий бирималарва ниҳоят инсон, жамият пайдо бўлади. Шундан кейинмутлоқ ғоя ўзи учун бегона бўлган моддий қобиқсанчиқиб яна ўзининг аввалги шаклида, яъни кишилар нинг онги, тафаккури шаклида яшайди., Инсон онги ривожлангани сари ғоя тобора моддийликдан қутулибборади. Пировард натижада мутлоқ ғоя ўзининг ол- динги ҳолатига қайтади..)Энди у соф борлиқ ҳолатадаэмас, балки ўзининг бутун мазмунини ифода этган ваангланган борлиқ сифатида кўринади. Хегель ўз фалсафий тизимини (системасини) яратибмутлоқ ғоя ўзининг бой мазмунини моддий олам - табиат ва жамият сифатида ифода этишини кўрсатарэкан, аввало дунё узлуксиз тараққиётда экашшгини қайд этади. Иккинчидан, мутлоқ ғоянинг тараққиётжараёнини очиб берар экан, мана шу жараён қарама қарши томонларнинг кураши орқали содир бўлишини, бунда бир тушунча иккинчи тушунча томонидан инкорэтилишини, ўтилган босқич янада юқори даражада так рорланишини кўрсатиб бера Албатта, Хегель ҳардоим ҳам ўз диалектик тамойилларини изчил ифода эта олмади. Бу айниқса Хегель диалектикани моддий оламга қўллаганида яққол кўринади. Диалектик тафаккуруслубини ва унинг асосий қонунларини тадқиқ этишибилан Хегель фалсафий фикр тараққиётига бебаҳо хисса кўшдии)

Немис классик фалсафасининг сўнгги вакили Л. Фейербах ҳисобланади (1804—1872). У фалсафадаги бошқа йўналишга - материалистик йўналишга мансубдир. Фейербах Хегелнинг мутлоқ ғоясига кескин қарши чиқди. У Хегелнинг мутлоқ ғояси инсон миясидан юлиб олинган ва табиатдан ташқари кучга айлантирилган инсон ақлидан ўзга нарса эмаслигини қайд этди. Хегель фалсафаси, Фейербах фикрича, дин билан ўзвий боғлиқдир. Фейербах фикрича, тафаккуринсондан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мав жуд бўлиши мумкин эмас, чунки у моддий нарса - инсон мияси фаолияти билан боғлиқдир, Шунингучун, дейди Фейербах, тафаккур, онг, иккиламчидир, материянинг, табиатнинг маҳсулидир.

Хегелдан фарқли ўлароқ, Фейербах дунёнинг асо сига табиатни ва инсонни қўяди. Фейербах таълимотиантропологик табиатга эга. Янги фалсафа инсонни, шужумладан, табиатни фалсафанинг бирдан-бир универ сал ва олий предметига айлантиради, дейди Фейербах.

Антрапологик принципга содик бўлган Фейербахборлик ва тафаккур масаасини ҳал қилишда инсон табиатнинг бир қисми бўлиши билан бирга, у авваломбор, ижтимоий мавжудот, тарихий тараққиётнинг ме васи эканлигини, инсоннинг онгги ижтимоий муносабатлар билан, ҳаёт шароити билан белгиланишиниунутиб қўйди. Бу Фейербах фалсафасининг чеклангантомонларидан биридир. Фейербахнинг энг катта кам чилиги шуки, у Ҳегель фалсафасини танқид қиласрэкан, унинг диалектикасини кўра олмади. Лекин шун га қарамай, Фейербах таълимоти фалсафанинг кейин •"ги тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

XX – XXI аср ғарб фалсафаси. Ғарб фалсафасида XIX аср охирида бошланган жараёнлар XX асрда унинг янги, ҳозирги ноклассик типи вужудга келиши билан якунланди.

Замонавий *Гарб фалсафаси муайян яхлитлик, бирликни ифода этувчи фалсафий тафаккур шаклланишининг ўзига хос босқичидир*. Унда айрим асосий йўналишлар – позитивизм, неопозитивизм, структурализм ва ҳоказолар фарқланади.

Сциентистик тенденция фалсафани ижтимоий фанга айлантириши ва дунёқараш масалаларидан ҳолос бўлишга интилиши билан боғлиқ. Уни аввало позитивизмнинг ҳар хил, шу жумладан социология соҳасидаги шакллари ифода этади. Уларга фалсафанинг ижтимоий билим учун илмийликнинг ягона андозасини яратишга ҳаракат қилувчи йўналиши – структурализм яқин туради.

Антисциентистик тенденция фан салбий ижтимоий ва табиий жараёнларга сабаб бўлиб, онг ва билишининг бошқа ноилмий шаклларини четга чиқариб қўйишидан келиб чиқади. Фалсафий мулоҳаза юритишнинг бу тити аввало ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм ва герменевтикані ўз ичига олади.

Мавҳум-метафизик тенденция фалсафани борлиқ ва билишининг теран асосларини аниқловчи «мутлақ фан» сифатида тасаввур қилиши билан боғлиқ. Фалсафа ўз мазмунини ижтимоий фанларнинг далиллари ва қонунларидан қатъий назар кенг тушунтиради, деб ҳисобланади. Бу тенденцияни диний фалсафанинг турли йўналишлари ифода этади. Бунга феноменология йўналиши ҳам яқин туради.

Энди ҳозирги замон Ғарб фалсафасининг муаммолари таҳлил қилинувчи энг нуфузли йўналишларини кўриб чиқамиз. Позитивизм фалсафанинг кенг тарқалган йўналишларидан биридир. Унинг муаммолари илмий билимнинг фалсафий таҳлили атрофида жамланади.

Позитивизм соҳта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринасини англатади. Бундай ижобий билимлар айрим фанларни билиш билан тенглаштирилади: позитивизмга дунёқараш муаммоларини ўз ичига оловчи анъанавий фалсафага нисбатан ўта салбий муносабат хосдир.

Позитивизмнинг биринчи тарихий шакли XIX асрнинг 30-40-йилларида вужудга келган. Унга француз файласуфи Огюст Конт асос солган.

Конт фикрига кўра, фаннинг вазифаси нарсани тушунтириш эмас, балки унга тавсиф беришdir. Фан «нима учун?» деган саволга жавоб беришга қодир эмас, у далилларни қайд этиш ва «қай тарзда?» деган саволгагина жавоб бериш билан кифояланиши лозим. Шу ҳолдагина у ижобий бўлиши мумкин.

О.Контнинг фалсафани ижобий билим тамойилларига мувофиқ тузишга уриниши табиатшунос олимлар давраларида ўз издошларини топди.

Илк позитивизм асосчилари олимларни ҳиссий ҳодисалар соҳасига чуқур киришга уринишлардан воз кечиш ва уларни тавсифлаш билан кифояланишга чақирдилар. Бу ёндашув ҳиссийлик жабҳаси ортида қандайдир борлиқнинг мавжудлигини назарда тутади.

Илк позитивизмнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг намояндалари фалсафанинг асосий вазифасини муайян фанларнинг амалда мавжусуд моддий дунё ҳақидағи маълумотларини умумлаштириши ва тизимга солишдан иборат деб билдилар. Бошқача

айтганда, бу босқичда позитивизм ҳали ташқи дунёning мавжудлигини тан олувчи материалистик таълимот бўлиб қолди.

Эмпириокритицизм позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли сифатида XIX–XX асрлар чегарасида юзага келди. Унинг энг машхур намояндалари – Э.Мах (1838-1916) ва Р.Авенариус (1843-1896). Илк позитивизмдан фарқли ўлароқ, эмпириокритицизм фалсафага «иккинчи позитивизм»ни синтез қилувчи фан сифатида ёндашади, уни билиши назариясига боғлади. Эмпириокритицизм «тажриба танқиди» деган маънони англатади ва «тажрибани метафизик табиатни ўзгартирувчи барча қоидалардан тозалаши»ни назарда тутади. Э.Мах фикрига кўра, тажриба амалда «дунё элементлари» ҳисобланувчи сезгилардан иборатdir. Бинобарин, позитивизм ўзининг махизм шаклини касб этган иккинчи босқичида бутун фалсафий фаолиятни инсон тажрибаси ҳиссий асосининг руҳий-физиологик шакллари таҳлилига боғлади. Махизм фалсафасида дунё «сезгилар мажмуи» тарзида намоён бўлди, бу материализмдан бутунлай воз кечилиши, инглиз файласуфи Берклиниң субъектив идеализми ўзига хос тарзда тикланишини англатади. Хуллас, иккинчи позитивизм яратувчилари билиш жараёнининг назарий моделини тузишга ҳаракат қилдилар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Европада уйғониш даври ва ундағы фалсафий тафаккур такомилини гапириб беринг
2. XVII- XVIII асрларда Ғарбий Европада фан тараққиётининг фалсафага қўрсатган таъсири ҳақида сўзланг
3. Миллий фалсафий мактаблар деганда нимани тушунасиз?
4. XVIII-XIX аср Европа фалсафасидаги оқимлар ва фалсафий мактабларни гапириб беринг
5. XX – XXI аср фалсафасининг ҳарактерли ҳусусиятлари нималарда кўринади.

4-МАВЗУ. БОРЛИҚ – ФАЛСАФАНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ КАТЕГОРИЯСИ РЕЖА

- 1. Онтология - борлиқ фалсафаси.**
- 2. Фалсафада субстанция ва материя муаммоси.**
- 3. Табиат тушунчаси, унинг тузилиши, фалсафий моҳияти ва мазмуни.**
- 4. Инсон, одам, шахс ва индивидуаллик тушунчаларининг моҳияти.**

Таянч тушунчалар:

Борлиқ фалсафа предмети сифатида. Онтология фалсафий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унда борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик муаммоларига доир масалаларнинг кенг доираси ўрганилади, шунингдек мавжудлик сифатига эга бўлган барча нарсаларнинг моҳияти аниқланади. «Онтология» атамаси фалсафада фақат XVII асрдан бери ишлатилади, лекин у юнонча ўзакларга эга бўлиб (онтос – борлиқ, логос – сўз, таълимот), борлиқ ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Онтология фалсафада алоҳида ўрин эгаллайди. Икки ярим минг йиллик фаол фалсафий изланишлар натижасида фалсафий билим тизимида онтологиядан ташқари фалсафанинг мухим фалсафий мазмун касб этадиган гносеология, аксиология, ижтимоий фалсафа, ахлоқ, эстетика, мантиқ каби таркибий қисмлари пайдо бўлди. Лекин уларнинг барчаси замирида онтология ётади. Ўз навбатида онтология ҳар қандай фалсафий дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва шу тариқа ўз таркибига кирмайдиган бошқа фалсафий муаммолар талқинини кўп жиҳатдан белгилайди.

«Борлиқ» категорияси. Аксарият фалсафий тизимларнинг категориялар аппаратини ташкил этадиган кўп сонли фалсафий категориялар орасида «борлиқ» категорияси доимо марказий ўринни эгаллайди. Чунки у ҳар қандай предмет, ҳодиса, воқеа ва шу кабиларнинг энг мухим ҳусусиятини, уларнинг мавжуд бўлиш, бевосита ёки билвосита намоён бўлиш, ўзаро таъсирга киришиш қобилиятини акс эттиради.

Бу инсон ўзлигини ва ўзини қуршаган борлиқни англашга илк уринишиларида ёк дуч келадиган ҳар қандай обьектнинг, борлиқ ҳар қандай қисмининг умумий хоссасидир.

Инсон ақлли жонзот сифатида шаклланиш жараёнининг илк босқичларидаёқ ўз дунёқарашининг негизини ташкил этадиган муҳим саволларга жавоб топиш зарурияти билан тўқнаш келади:

- 1.«Мен кимман?»
- 2.«Мени қуршаган борлиқнинг моҳияти нимада?»
- 3.«Борлиқ қандай ва қаердан пайдо бўлган?»
- 4.«Дунёни нима ёки ким ҳаракатлантиради?»
- 5.«Дунёнинг ривожланишида бирон-бир мақсад, мақсадга мувофиқлик, мўлжал борми?»

Инсон бундай саволларга жавоб беришга киришар экан, унинг онги аввало ўзи нима билан бевосита иш қўраётганини қайд этади. Буни аниқ англамасдан, у ўзининг дунё ҳақидаги мулоҳазаларини аниқ-равshan нарсаларни қайд этишдан бошлайди. Шу тариқа инсон ва унинг онги ўзини қуршаган барча нарсалар аввало мавжуд бўлиш қобилиятига эга эканлигига ишонч ҳосил қиласди.

Шундай қилиб, борлиқ масаласи инсоннинг дунёни оқилона англаш йўлидаги илк уринишларидаёқ дуч келган барча масалаларнинг негизи ҳисобланади. Муайян нарсалар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласи инсон фалсафий мулоҳаза юрита бошлагани заҳотиёқ унинг дикқат марказидан ўрин олди. Мифологиянинг бош вазифаси – «борлиқни ким яратгани» ҳақида гапириб беришни фалсафа «борлиқнинг нималиги, у қаердан пайдо бўлгани ва қаерга йўқолиши»ни оқилона тушунтириш билан алмаштиргани тасодифий эмас. Бундай тушунтиришга уриниш жараённида файласуфлар барча замонларда қуйидаги саволларга жавоб топиш зарурияти билан тўқнаш келганлар:

1. фалсафий категория сифатидаги «борлиқ» нима?
2. бу атама нимага нисбатан татбиқ этилиши мумкин?
3. унга қандай фалсафий маъно юкланди?

Бу саволларга кенг жавоб бериш фалсафа тарихига ҳам, мазкур тушунчанинг этимологиясига ҳам мурожаат этишни назарда тутади. Мазкур дастур бўйича таълим олувчилик тарихий-фалсафий курс билан таниш бўлишлари лозимлигини ҳисобга олиб, бу ерда фақат фалсафий тафаккур тарихига қисқача тўхталамиз ва мазкур муаммони англа бетиш жараёнидаги муҳим босқичларинигина қайд этамиз.

Фалсафада субстанция ва материя муаммоси. Субстанция тушунчасининг моҳияти. Фалсафа тарихида ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган биринчи асосни ифодалаши учун «субстанция» (лат. субстантия – моҳият, асос) категорияси қўлланилади. Илк фалсафий йўналишларнинг вакиллари барча нарсалар асосини ташкил этувчи моддани биринчи асос сифатида тушунганлар. Одатда, бундай асос сифатида ўша даврда умумий эътироф этилган биринчи стихиялар: ер, сув, ҳаво, олов ёки фикрий конструкциялар, «биринчи гиштлар» - апейрон, атомлар қаралган. “Авесто”да бирламчи субстанция олов деб аталган. Кейинчалик субстанция категорияси ўзгармас, нисбатан барқарор ва ҳеч нарса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ўта кенг асосга айланди. Инсон идрок этадиган дунёнинг бутун ранг-баранглиги ва ўзгарувчанлиги субстанция билан боғлана бошлади. Бундай асослар сифатида фалсафада асосан материя, Худо, онг, ғоя, флогистон, эфир ва шу кабилар амал қиласди.

Нидерланд файласуфи Бенедикт Спиноза (1632-1677) «сауса суи» – «ўз-ўзининг сабабчиси» иборасидани яъни ўз ҳолича мавжуд бўлган ва ўзи орқали зоҳир бўлган, яъни ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож бўлмаган нарсани тушунган. Бунда бир томондан, субстанция материя сифатида тушунилади, бошқа томондан – у ўзининг барча шакллари сабаби ва «субъекти» сифатида амал қиласди. Бунда Б.Спиноза субстанцияни бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам Худо сифатида таърифлайди ва бу икки тушунчани тенглаштиради. Б.Спинозанинг Худони табиатга бутунлай сингдириб юбориш, уни табиийлаштиришга ва илоҳий мазмундан ажратишга ҳаракат қилиши пантеизмидир.

Гольбах барча субстанцияли нарсаларни табиатга ва фақат табиатга боғлади. Унинг фикрича «Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир; у абадий мавжуддир; табиат ўз-ўзининг сабабчисидир...». «Табиат қандайдир буюм эмас; у доим ўз ҳолича мавжуд бўлган; ҳамма

нарса унинг бағрида вужудга келади; у барча нарсалар билан таъминланган улкан устахонадир...»⁹. Шу маънода табиат ҳам, субстанция ҳам сиртдан ҳеч қандай турткига муҳтоҷ эмас.

Лейбниц эса: «Ҳар қандай ҳақиқий субстанция фақат ва фақат таъсир кўрсатади¹⁰, деб таъкидлаган.

Модомики, субстанция ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзи учун бошқа ҳеч қандай асос ёки шартни назарда тутмайдиган биринчи сабаб экан, у ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлиш имкониятини истисно этади. Субстанция хоҳ Худо, хоҳ ғоя, ўзлик, рух ёки экзистенция бўлсин – ягонадир! «Субстанция» тушунчаси кўплиқда қўлланилиши мумкин эмас. Унинг кўплиги ҳақидаги ғоя бу тушунчанинг таърифига зид, чунки икки ёки бир неча нарса мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг биронтаси ҳам субстанция ҳисобланмайди. Субстанциялилик парадокси ана шундан иборат.

Алхимиклар мазкур атамани кўплиқда қўллаб, «субстанцияли шакллар», «субстанцияга хос сифатлар» тўғрисида сўз юритганлар ва унга қўпол физик маъно юклаганлар. Айни ҳолда субстанция моддага тенглаштирилган. Улар субстанциянинг хосса ва шакллари ўзгармас, лекин тегишли таъсирлар натижасида бир-бирига айланиши мумкин, деган нотўғри хуносага келганлар.

Субстанциянинг ўз-ўзидан амалга ошиши ҳодисаларнинг умумий, узвий хоссалари – атрибуларда ва нарсаларнинг муайян, алоҳида хоссалари – модуларда содир бўлади.

Субстанция ғоясидан турли фалсафий таълимотлар дунёнинг бирлиги ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги масалага ўzlари қандай жавоб беришига қараб ҳар хил фойдаланадилар.

Монизм (юнон. *монос* – битта, ягона) дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат деган таълимомт. Дунёнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар, шунингдек биринчи асос муаммосига нисбатан фалсафа тарихидаги энг салмоқли ёндашувлар кураши нуқтаи назаридан субстанция табиатини тушунишга нисбатан анча кенг тарқалган икки ёндашув – материалистик ва идеалистик монизмни қайд этиш лозим.

Материалистик монизм дунё ягона, узвий, у азалдан моддий ва дунёнинг бирлиги замирида айни шу моддийлик ётади, деб ҳисоблайди. Бу концепцияда олам онг ва идеалликдан эмас, балки моддийликдан келтириб чиқарилади. Бундай ёндашувларнинг ўта ривожланган кўринишларига биз Фалес, Гераклит, Спиноза ва унинг издошлари асарларида дуч келамиз.

Идеалистик монизм эса, материяни ҳар қандай борлиқнинг боқий мавжудлиги, йўқ бўлмаслиги ва биринчи асосига эга бўлган қандайдир идеал нарсанинг маҳсули деб ҳисоблайди. Бунда объектив-идеалистик монизмни (масалан, Платонда – бу ўлмас ғоялар, зардўштийликда олов, ўрта аср фалсафасида – Худо, Гегелда – яратилмайдиган ва ўз-ўзидан ривожланадиган «мутлақ ғоя») ва субъектив-идеалистик монизмни (масалан, борлиқнинг барча жисмоний ва руҳий ҳолатларини «нейтрал» асосдан – дунёнинг қандайдир мавхум конструкциялари, «элементлари»дан келтириб чиқарган Мах) фарқлаш мумкин.

Дуализм (лот. dualis – икки ёқлама) биринчи асос сифатида иккита субстанция тан олинган фалсафий ёндашув. Немис файласуфи X. Вольф ХВИИИ аср бошида «дуализм» атамасини фалсафий муомалага киритган. X. Вольф дунёда барқарор тартибининг шаклланишида тафаккур, ғоялар ва ақл-идрокнинг алоҳида ўрнини аниқлашга ҳаракат қилган.

Фалсафа тарихида Рене Декарт дуализмнинг ёрқин вакили сифатида ўрин олди. Р. Декартнинг радикал механицизми уни материянинг бутунлай руҳсизлиги ҳақидаги ёндашувга олиб келди. Р. Декарт назарида, моддий жисмоний субстанция ўз атрибути сифатида узунлик, кенглик ва чуқурлик кўламиғагина эга. У мутлақ бўшлиқни истисно этади, ҳаракатланиш, яъни жисмоний зарраларни бўлиш, жойдан-жойга қўчириш ва ўзгартириш қобилиятига эга.

9 Гольбах // Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С. 246.

10 Лейбниц Г. // Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С. 548.

Унинг фикрича маънавий ҳаёт моддий ҳаётдан алоҳида, ўзининг билиш ва фикрлаш фаолияти, интеллектуал интуиция ва дедукция каби ўзига хос кўринишларида намоён бўлди. У руҳий субстанциянинг бутунлай жисмсизлигини эътироф этади. Гарчи Р.Декарт янги фалсафа ва фан асосчиларидан бири бўлса-да, унинг ғояларида ўрта аср фалсафасидан мерос қолган «субстанция» атамасининг алоҳида нарсани тушуниш учун қўлланилишига, шунингдек, у икки муҳим - универсал ва чексиз субстанция – фикрлаш ва кўламни алоҳида эркин мақомга эга, деб эълон қилганига дуч келиш мумкин. Р.Декартнинг «согио эрго сум» – «мен фикрлаяпман, демак, мавжудман», деган ибораси фалсафий тафаккурни барча нарсаларнинг негизи сифатида тан олганлигидан далолат беради. Р.Декарт фикрловчи субстанциянинг узвийлигини ва ҳар бир «Мен», яъни ақлли жонзотга бевосита, кўламли субстанция эса – билвосита очиқлигини исботлади. Ажралмас субстанция (ақл) метафизиканинг ўрганиш предметини, ажралувчи субстанция (кўлам) эса физика предметини ташкил этади.

Икки асос, хусусан: муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва заруриятнинг тенг хуқуқлилиги ғояси илгари сурилган ҳар қандай фалсафий назария дуалистик назария сифатида амал қилган.

Икки субстанция – маънавий ва моддий субстанцияларни фарқлаши, бу мантиқий нуқтаи назардан нотўри ва рационал маънода жуда кўп қийинчилкларга сабаб бўлиши мумкин. Фикрлаш ва кўламга икки субстанция тарзида, яъни бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил асослар сифатида ёндашилганида, «руҳ» ва «тана» ўз ҳаракатларида қандай уйғунлашиши, умуман, «тана» қандай қилиб фикрлаш қобилиятини касб этиши мумкинлигини тушуниш қийин. Моҳият-эътиборига кўра, субстанция бутун мавжудот асоси, ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзини намоён қилиш учун ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмаган ягона биринчи асос сифатида эътироф этилган.

Француз материалист файласуфи Ж.Ламетри (1709-1751) ўзининг «Руҳнинг табиий тарихи» деб номланган асарида дуализмни инкор қилади. У ўзида тажриба ўтказган, хусусан, беззак касаллигига чалингач, унинг кечишини кузатган, пировардида, инсоннинг руҳий ҳолати унинг жисмоний вужудига боғлиқ, деган хулосага келган. Ж.Ламетри монистик-материализмни химоя қилиб, чексиз такомиллашувчи ягона моддий субстанция мавжуд, деган ғояни илгари сурган. Субстанцияга хос сезиш ва фикрлаш қобилияти вужудли жисмларда мавжуд бўлади. Сезиш ва фикрлаш қобилиятининг ўзи ташқи жисмларнинг мияга таъсири билан боғлиқ. Шу сабабли айнан ташқи дунё инсоннинг «мия экрани»да акс этади, тана эҳтиёжлари эса, Ж.Ламетрининг фикрига кўра, «ақл мезони» сифатида амал қиласи.

Плюрализм (лот. – кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик) дунёнинг негизида иккита эмас, балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимотдир. атамасини ҳам X.Вольф 1712 йилда таклиф қилган. Бу Айни шу таълимотда борлиқнинг кўп сонли мустақил ва ўзаро боғланмайдиган асослари борлиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилган.

Ҳаракат ва ривожланиш. Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. Бизни қуршаган дунёнинг яна бир муҳим хусусияти – Коинотда ва унинг барча таркибий қисмларида юз берадиган тинимсиз ўзгаришлардир.

Табиат борлиги. Табиатнинг ўзгарувчанлиги фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин яхши маълум бўлган, фалсафа вужудга келгач эса, масалаларнинг мазкур доираси алоҳида ўрганиш предметига айланди ва вақт ўтиши билан унинг негизида фалсафий билимларнинг махсус бўлими – диалектика юзага келди. Унинг (яхлит таълимот сифатидаги) илдизлари қадимги юонон фалсафасига, хусусан «Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради», «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» каби машхур иборалар муаллифи Гераклит ижодига бориб тақалади. Шундан бери объектив борлиқнинг турли-туман миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш учун «ҳаракат» ва «ривожланиш» категориялари қўлланилади.

Табиат бениҳоят хилма- хил шакл ва кўринишларда бўлиб жуда кенг кўламда ишлатиладиган тушунчадир. Табиат деганда кенг маънода материя, коинот тушунчаларини, табиатда мавжуд нарсаларни, юлдузлар, галактика, галактикалар мажмуаси, макон ва замондаги энг кичик заррачалардан тортиб атом, молекула,

микроорганизимлар, ўсимликлар, ҳайвонот ва инсоният олами тушунилади. Табиат тушунчасининг тор маъноси ҳам бор. Бу инсон ва инсоният яшашининг табиий шароитлари мажмуи бўлиб, табиий муҳит ёки географик муҳит деб ҳам юритилади. Табиат тушунчасининг илмий фалсафий моҳияти у моддий борлиқ сифатида бўлган, бор, бўлади деб қарашдир. У инсондан илгари ҳам бўлган инсон билан ҳам, ундан кейин ҳам абадий мавжуддир. Бироқ табиатдаги айрим нарсалар, жараёнлар, ҳодисаларнинг борлиғи ўткичидир. У вақтда чекланган, фазода ўлчовлидир. Масалан, ҳар –бир инсон тўғилида, вояга етади, ўз умрини тугатади. Лекин у мутлақо йўқ бўлиб кетгани йўқ, бир моддий холатдан иккинчи холатга ўтди, холос. Демак, табиат абадий, яъни бўлган, бор, бўлади. У инсоннинг хоҳиш истакларига бўлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Энди икки ўиз сўз табиат объектларининг тузилиши ҳақида. Ҳозирги замон табиат фанларининг хуносасига кўра оламдаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб тузилган ядро ва электрон қобиқларидан иборат.

Атомларнинг ядроси эса протон ва нейтронлардан ташкил топади, протон нейтронлар кварклар ва уларни туташтириб турувчи глюонлардан ташкил топгандир. Табиатдаги органик ва анерганик моддалар молекула тузилишибилан бир- биридан фарқ қиласи. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг таркиби асосида хужайралар ва хужайра системалари ётади. Ер шари атрофини куршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб аташ мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради. Ер шари, унинг табиий йўлдоши ой билан бирга йилида бир марта қуёш атрофини айланиб чиқади. Бу системага ҳам биосфера ўз таъсирини ўтказади. Ер юзида минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан бўланганидир.

Қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи планеталар, уларнинг йўлдошлари, кометалар, астероидлар, метериотлар билан биргаликда қуёш системасини ташкил этади. Қўёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон бўлиб қуёш атрофини 247,5 йилда бир марта айланиб чиқади. Ер йили 365,25 кунга тенг бўлса- плутон йили 247,5 та ер йилига тенгдир.

Қуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига оловчи галактика (самон йўли) таркибига киради. Галактиканинг диаметри 94,6 млн ёруғлик йилига тенг. Ундан кейинги система галактикалар тўпи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсека тенг, у 30 тагача галактекани ўз ичига олади (1 парсек 3.260000.000 ёруғлик йили). Кейинги система галактикаларнинг маҳаллий тўпи, унга 2 та гипергалактика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмууда 500 тагача галактика бўлади, унинг диметри 5- мегапарсек. Галактикалар мажмуаси, галактиканинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметрик 40 мегапарсек бўлиб ўзида 10 мингдан зиёт галактикани бирлаштиради. Ўта йирик мажмуулар коинотнинг бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси 15-20 миллиард ёруғлик йилига тенгдир. Абиатнинг биз юкорида кайд этган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин, уларнинг табиати ҳали фанга маълум эмас.

Борлиқдаги объектлар миқёси билан фарқланувчи учта миқёсий структура даражаларига ажралади. Улар: Микродунё, макродунё ва мегодунё. Микродунё атом миқёсидан кичик бўлган дунёдир. Биз одатланган ўлчовдаги катталикларни макроскопик катталиклар деб ҳисоблаймиз ва бу макродунёни ташкил қиласи. Гравитатсион ўзаро таъсиrlар бирикиб турган дунё мегадунё деб аталади. Табиат объектларининг тузилиши ҳақида батафсил билишни истасангиз Фалсафа асослари китобнинг 139-143 бетларини ўқиб чиқинг. Талабалар кўпинча бирламчи, иккиламчи табиат деганда бу нима деб ажабланадилар.

Бирламчи табиат моддий олам инсонга бўлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз- ўзича табиат қонунлари асосида ривожланади. Иккиламчи табиат эса инсон томонидан яратилган буюмлар, нарсалар, энг оддий меҳнат қуролларидан тортиб то ҳозирги замон мураккаб технологиясигача бўлган барча асбобларни, кийим- кечак, уй - жой анжомлари, турли буюмлар ва бошқалардан иборат.

Инсон борлиги. Инсон ҳар сафар мутафаккирлар диққат марказидан ўрин олар экан, унинг моҳиятини янги тарихий шароитда ва янгича нуқтаи назардан англаштирилганда инсондан муреккаброқ ва зиддиятлироқ предмет йўқ, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Инсон барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос, бетакрор ва баркамол мавжудот – чексиз микрокосм сифатида ҳам, инсон табиатининг норасолиги ва бузуқлиги туфайли ҳалокатга маҳкум бўлган табиат хатоси сифатида ҳам, Худо яратган бандада сифатида ҳам, бошқа одамлар фаолиятининг маҳсули сифатида ҳам талқин қилинади. Хусусан, Шарқ мутафаккири А.Беруний жаҳон фанида биринчи марта инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатларни дунёвий фан нуқтаи назаридан ўрганади. У “одамлар тузилишининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина наслабарининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалиги ҳамdir. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гурухларга ажralиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли ҳохишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан бу иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган”¹¹, деб ҳисоблади. Демак, Беруний фикрича, инсоннинг феъл-атвори ва маънавий қарашлари, сурати ва сийрати бевосита табиий муҳит таъсирида шаклланади. Зоро, айнан шу табиий муҳит, географик шароит ҳалқлар, миллатлар шаклланишининг муҳим асоси бўла олади. “Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эгадир. Инсоннинг танаси бир-бирига қарама-қарши қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашган”¹². Беруний фикрича, ҳамма одамларда ўзаро бир-бирига ўхшаш ва айни пайтда фарқ қилиб турадиган жиҳатлар мавжуд. Ибн Сино, “Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қиласди. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди”¹³, деб ҳисоблади. Форобий фикрича, инсон ўз табиатига кўра ҳаётини тартибга келтириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун бошқа инсонларга муҳтож бўлади. Якка ҳолда ҳеч ким бунинг уддасидан чиқа олмайди. “Инсон шундай маҳлукотки, у фақат жамиятда ўз эҳтиёжларини қондириши ва олий маънавий даражага кўтарилиши мумкин”¹⁴. Инсон ўз ҳаётининг меъмори, ижодкори бўлмоғи, ўзида фозила хислатлар, истеъдодларни тарбиялаши лозим. Бунга эса у жамиятда яшаб фаолият кўрсатгандагина эришади. Инсон ижтимоий мавжудод. Ёлғизлик узлат уни қашшоқлаштиради, инсоний қиёфасини ва баҳтга олиб борадиган истеъдодини йўқотади. Ибн Халдун инсонга ижтимоий воқелик сифатида қарайди. Ундан ижтимоий моҳият излайди. Инсон жонзот сифатида эзгулик ва ёвузлик оламидир. Шунга кўра, у умрининг ҳар дақиқасида ёвузликдан кўра эзгуликка, ёмонликдан кўра яхшиликка, нафротдан кўра муҳаббатга интилиб яшашга маҳкум этилган ақл соҳиби, бебаҳо неъматдир.

Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир, деган фикр инсонга механистик нуқтаи назардан ёндашган Маърифат даври мутафаккирлари, хусусан «Инсон-машина» деб номланган асар муаллифи француз Ж.Ламетри (1709-1751) илгари сурган ғоялар билан тўқнашади.

Бошқа бир машҳур француз файласуфи – Р.Декарт (1596-1650) асарларида инсон моҳияти масаласига нисбатан бутунлай ўзгача ёндашувга дуч келамиз. У «инсон фикрловчи нарсадир», деб ҳисоблади.

«Инсон, у узоқ вақт ўйлаганидек, дунёнинг статик маркази эмас, балки эволюциянинг ўзида ва чўққиси бўлиб, бу анча гўзалроқдир»¹⁵, деб қайд этади атоқли француз файласуфи ва теологи П.Т. де Шарден (1881-1955).

Унга зид ўлароқ, А.Шопенгауэр (1788-1860) инсон нуқсонли мавжудот эканлигини таъкидлайди, уни «табиат ҳалтураси» деб атайди.

11 Беруний А. Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: Фан, 1968.-Б.16-17.

12 Қаранг: Ирисов А. Абу Райхон Беруний ҳикматлари. -Т.: Ёш гвардия, 1973. –Б.40-43

13 Ибн Сина. Данишнамэ. -Душанбе.: 1957.-С..59

14 Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. –Б.69

15 Тейяр де Шарден П. Феномен человека. -М.: 1987.-С.40

Француз ёзувчisi ва файласуфи Ж.П.Сартр (1905-1980) бу фикрни бутунлай рад этади. Унинг фикрича, инсон келажакка қараб интилади ва шу тариқа ўзини ўзи яратади. У «Инсон – одамзот келажагидир», деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, фалсафанинг икки ярим минг йиллик тарихи мобайнида инсонга жуда кўп таърифлар ва тавсифлар берилди, у кўп сонли синонимлар орттириди, фалсафий таҳлилнинг бошқа бирон-бир обьектида бундай ҳолга дуч келиш мушкул. Зеро, фалсафа тарихида инсон:

- «аклли мавжудот»;
- «сиёсий ҳайвон»;
- «табиат гултожи»;
- «ҳаётнинг боши берк кўчаси»;
- «ҳаётнинг сохта қадами»;
- «мехнат қуроллари ясовчи ҳайвон»;
- «ўзликни англаш қобилиятига эга мавжудот»;
- «маънавий ва эркин мавжудот» ва ҳоказолар сифатида талқин қилинган.

Фикрларнинг бундай ранг-баранглиги сабабини, аввало, инсоннинг ўз табиатидан излаш лозим. Инсон табиатининг сири, ҳеч шубҳасиз, «боқий муаммолар»дан бири бўлиб, фалсафа ўз предметининг моҳияти ва хусусиятига кўра унга қайта-қайта мурожаат этган ва шундай бўлиб қолади. Бу ерда мазкур соҳадаги барча фикр-мулоҳазаларга мўлжал берувчи инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги масала айниқса муҳим аҳамият касб этади. Инсон қаердан ва қандай пайдо бўлгани ҳақидаги кўп сонли ғоялар орасидан энг муҳимларини ажратиб олсак, уларнинг барчасини маълум даражада шартлилил билан икки асосий концепция – инсоннинг табиий ва гайритабиий келиб чиқиши ҳақидаги концепциялар доирасида бирлаштириш мумкин.

Инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги биринчи ёндашув инсоннинг пайдо бўлишига олиб келган табиатнинг қонуний ривожланиши гоясидан келиб чиқади. Бунда инсон жонсиз, кейинчалик эса – жонли модданинг табиий эволюцияси маҳсули сифатида қаралади. Мазкур концепция 1859 йилда инсон келиб чиқишининг табиий-илмий талқинига асос бўлган Ч.Дарвиннинг «Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақида» деб номланган машҳур асарини эълон қилган эволюцион назариясига таянади ва ҳозирги вактда молекуляр биология ва ген инженерияси соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар таъсирида ўз шаклшамойилини сезиларли даражада ўзгартириб, аксарият олимлар учун уларнинг илмий фаолиятида ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инсонда нафақат ўта ривожланган тирик жонзотлар, балки ўта содда мавжудотлар билан ҳам кучли генетик үхашашлик мавжуд. Хусусан, шимпанзе билан бундай үхашашлик 98% ни, каламуш билан – 80% ни ва ҳатто банан билан – 50% ни ташкил этади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, «табиий» ёндашув тарафдорлари инсон келиб чиқишининг дунёвий концепциясига ҳам (масалан, дарвинчилар билан боғлиқ ҳолда бўлганидек), космик концепциясига ҳам таянишлари мумкин.

Иккинчи ёндашув инсонга, Худо ёки космик Ақл меҳнатининг маҳсули сифатида қараб, уни гайритабиий асосдан келтириб чиқаради. Гарчи бу концепция исботланганлик жиҳатидан биринчи таълимотга ҳозирги замон табиатшунослиги нуқтаи назаридан ён берсада, лекин фалсафий нуқтаи назардан у инсоннинг табиий-илмий келиб чиқиши концепцияси каби мавжудлик хуқуқига эгадир, зеро биринчи ёндашув ҳам, иккинчи ёндашув ҳам оқилона асосланган ва узил-кесил далил-исботлар келтирмайди.

Инсонга фан нуқтаи назаридан ёндашув. Табиат ҳақида билимлар тўпланиши ва уларнинг ривожланишига қараб, одамзотнинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ҳам кучайиб борди, инсон борлигининг бу соҳадаги тадқиқотлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратувчи янги ва янги ўзига хос хусусиятлари аникланди. Одатда, жамият ҳаётида тарихан қисқа вақт ичida жиддий ва теран ўзгаришлар юз берган, инсоний муносабатлар негизини ташкил этувчи эскича тасаввурлар ва қарашлар таъсирида бутунлай ўзгарган даврларда инсонга бўлган фалсафий қизиқиши айниқса кучайган. Бундай даврларда фалсафада инсоннинг моҳияти,

унинг бурчи, вазифаси ва юз бераётган воқеалар учун жавобгарлиги ҳақидаги азалий масалаларга бўлган қизиқиши яна кучайган. Шундай қилиб, фалсафанинг онтология, гносеология, этика, эстетика каби бўлимлари билан бир қаторда, инсон ҳақидаги билимлар соҳаси аста-секин шаклланиб борди. Бу ерда инсон нафақат турли томонлардан таҳлил қилинди, балки унинг ижтимоий, табиий ва космик жараёнлар билан ўзаро алоқалари ҳам ўрганилди.

Хўш, билимнинг бу соҳасида асрлар мобайнида қандай ижобий билимлар тўпланган? Инсонни тушуниш борасида тараққиётга эришилдими? Фалсафа ва фан соҳасида эришилган инсоннинг моҳиятини тавсифловчи, унинг муҳим хусусиятларини ёритиб берувчи қандай шак-шубҳасиз ютуқларни қайд этиш мумкин?

Инсонни билиш борасидаги кўп асрлик саъй-ҳаракатларни бир ерга жамлаб, уларнинг орасидан узил-кесил ечилган деб ҳисоблаш мумкин бўлганларини ажратиб олсак, шак-шубҳасиз ютуқлар сони унча кўп бўлмайди. Улар орасида аввало шу далилни қайд этиш лозимки, инсоннинг пайдо бўлиши Ерда ҳаётнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, у ўз ибтидоси ва муайян тарихига эгадир. Хусусан, 1982 йил Ватикандаги Рим Папаси фанлар академияси ташкил этган конгресс иштирокчилари – дунёга машҳур антропологлар, биохимиклар ва генетиклар ҳозирги замон табиатшунослигига таяниб, инсон ва ҳайвонот дунёси ўртасида яқин алоқа мавжуд, деган умумий холосага келдилар.

Шарқ фалсафасида инсон. Қадимги Шарқ, хусусан Хитой фалсафий тизимлари асосан социоцентрик концепциялардан иборат бўлиб, уларда инсон, одатда, жамият, социум билан узвий боғлиқ деб қаралади. «Идеал муносабатлар қонуни»га одамлар ўртасида, оила, жамият, давлатда риоя қилиш инсон ҳаётининг муҳим маъноси ҳисобланади; бунга жамиятда қабул қилинган меъёрлар, қоидалар, расм-руsumлар ва шу кабиларга иззат-икром билан ёндашиш имконият яратади. Бошқача айтганда, инсон ўз шахсий ҳаётини доим жамият равнақи, камолоти билан ўлчаши лозим, хусусан, у кейинчалик оила ва давлатни такомиллаштиришга ҳаракат қилиш учун ўзини камол топтириши лозим. Шу маънода машҳур қадимги хитой файласуфи Конфуций (мил. ав. 551-479 йиллар)нинг фикрлари диққатга сазовор бўлиб, у шундай деб сабоқ беради: «қўилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгти даражасига етади. Ниятлар соф ва холис бўлса, қалб ростгўй ва самимий бўлади. қалб ростгўй ва самимий бўлса, инсон тўғри йўлга киради, камол топади. Инсон тўғри йўлга кирса ва камол топса, оиласа тартиб ўрнатилади. Оилада тартиб ҳукм сурса, ҳалқларни бошқариш осонлашади. Ҳалқларни бошқариш осонлашса, бутун дунё тинчтотув яшайди»¹.

Қадимги ҳинд фалсафасига дунёning ички дунёсини биринчи ўринга қўйши, яъни антропоцентризм хосдир. Масалан, буддизмда нирванага эришиш инсон барча ниятларининг пировард мақсади деб эълон қилинади. Нирвана жоннинг шундай бир ҳолатики, бунда ҳар қандай майллар йўқолади ва ички уйғунлик юзага келади, мутлақо эркинлик ва ташқи дунёга қарам эмаслик туйғуси пайдо бўлади.

Қадимги ҳиндуларнинг бошқа бир диний-фалсафий таълимоти – жайнизм нуқтаи назаридан инсон ўзининг маънавий моҳияти билан моддий моҳиятни назорат қилиши ва бошқаршига эришиши учун узоқ ва оғир йўл – жоннинг эркинлашуви йўлини босиб ўтиши лозим.

Takrorlaşı учун саволлар

1. Борлиқ нима?
2. Табиат ва жамият, уларнинг ўзаро алоқасини гапириб беринг?
3. Микродунё, Макродунё, Мегадунё нима?
4. Ерда ҳаёт ва биоссотсиал эволюцияни гапириб беринг?
5. Екологик муаммолар ва экологик тарбия ҳақида гапириб беринг?

1 Будда. Конфуций. Жизнь и учение. – М.: 1995. – С.139.

5-МАВЗУ. ОЛАМНИНГ УНИВЕРСАЛ АЛОҚАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ.

ФАЛСАФАНИНГ ҚОНУН ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ

Режа

1. Умумий ўзаро алоқа ва ривожланишнинг диалектик тамойиллари.

2. Қарама қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни. Микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни. Инкорни-инкор қонуни

3. Категория тушунчаси ва унинг таснифи.

4. Фалсафа тарихида категорияларга муносабат

5. Категорияларнинг таснифи

Таянч тушунчалар: Ривожланиш, диалектика, объектив диалектика, субъектив диалектика, стихияли диалектика, материалистик диалектика, идеалистик диалектика, зиддият, сакраш, айният, тафовут, инкор, ворисийлик, микдор, сифат, меъёр, хосса, қонун, воқелик қонунлари, фан қонунлари, фалсафа қонунлари, базис шароит, локал шароит.

Умумий ўзаро алоқа ва ривожланишнинг диалектик тамойиллари. Ҳар қандай концепциянинг мазмунини ёритишда унинг тамойилларини таҳлил қилиш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Диалектика ҳам бундан мустасно эмас. Тамойиллар нима?

Фалсафий маънода «тамойил»(принцип) тушунчаси фундаментал қоида, биринчи асосни, бирон-бир концепция ёки назариянинг энг муҳим асосини англатади. Фалсафий назария сифатидаги диалектикага тамойиллар яхлит тус беради, унинг қонунлари ва категорияларини изчил тизимга солади. Диалектиканинг ҳозирги концепцияларида умумий алоқадорлик ва ривожланиш, тарихийлик, сабабийлик, тизимлилик каби тамойиллар муҳим рол ўйнайди. Қуйида бу тамойилла.

Умумий алоқадорлик тамойили. Ранг-баранг дунёда ҳар бир объект кўп сонли хоссаларга эга бўлиб, улар бошқа объектлар билан ўзаро алоқа жараёнида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тузилма бошқа тузилмалар билан алоқага киришиш орқали намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир объект ўзга объектлар билан қонуний боғланади ва бу объектлар билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида иштирок этади.

Алоқа. *Фалсафада алоқа деганда макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро алоқа жараёни тушунилади.* Объектлар дискретлик, шаклланганлик ва нисбатан мустакилликдан маҳрум бўлган жойда алоқалар мавжуд бўлиши мумкинми? Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустакил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас. Шу сабабли умумий алоқа категорияси «нарса», «узлуклилик», «узлуксизлик», «чексизлик», «туганмаслик» тушунчалари билан тавсифланади. Ҳозирги илмий билимга таянувчи борлиқнинг фалсафий талқини оламнинг универсал яхлитлигини, дунёнинг бирлигини очиб беради. *Диалектика категориялари борлиқнинг универсал алоқаларини билиши шакли ҳисобланади.*

Алоқаларнинг универсаллиги уларнинг типлари ва турларининг ранг-баранглигига намоён бўлади. Алоқаларни таснифлаш турли асосларга кўра амалга оширилади. *Хусусан, бир томонлама ва ўзаро алоқалар, тўғри ва эгри алоқалар, бевосита ва билвосита алоқалар, ички ва ташқи алоқалар фарқланади.* Ҳажм жиҳатидан алоқалар умумий, алоҳида ва хусусий бўлиши мумкин. *Мазмун жиҳатидан генетик, функционал, структуравий, энергетик, моддий, информацион ва бошқа алоқалар фарқланади.* Алоқаларнинг бутун ранг-баранглиги фаннинг қайсиdir бир тармоғи доирасида тадқиқ этилиши мумкин эмас. Уларнинг муайян турлари маҳсус фанларнинг предмети ҳисобланади. Диалектика борлиқнинг барча жараёнларига хос бўлган умумий, муҳим, универсал алоқаларни ўрганади. Фан борлиқнинг универсал қонунларини ташкил этадиган ички, зарурӣ, муҳим, барқарор, тақрорланувчи алоқаларга алоҳида эътибор беради. Умумий алоқалар диалектика категорияларида ёритилади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги қонуни. *Қарама-қаршилик – нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонлар,*

хоссалар, тенденциялар, жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория (ассимиляция – диссимилляция, ўзгарувчанлик – туғмалик, ишлаб чиқарии – истеъмол қилиши, яхшилик – ёмонлик ва ш.к.). Қарама-қаршиликлар – ўзаро боғланишли бўлган тушунчалар. Турли жиҳатлардан олинган тақдирда, улар ўзаро бирликни ташкил этмайди ва бир-бирига зид бўлмаслиги мумкин.

Қарама-қаршиликлар ўртасида икки хил муносабат мавжуд: ягоналик муносабати ва қарии ҳаракатга доир муносабат. (қонуннинг классик таърифида «кураш» атамаси ишлатиладики, у қонуннинг моҳиятини соддалаштиради, чунки мазкур атама кўпроқ жамиятга тегишилдирир.)

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни. Ҳодисаларга макон-вақт мезони нуқтаи назаридан тавсиф бериш жараёнида «қаерда?» ва «қачон?» саволлари биринчи ўринга чиқади. Уларни билишга нисбатан бошқа бир ёндашув «нима?» саволи билан боғлиқ. Маълум жойда ва маълум вақтда мавжуд бўлган мазкур ҳодиса нимадан иборат? У қандай хоссалар билан тавсифланади? Бошқа ҳодисалардан унинг фарқи нимада ва қай жиҳатдан уларга ўхшаш? Бундай саволларга жавоб ҳодисаларни сифат ва миқдор жиҳатидан тавсифлаш орқали берилади. Мазкур тавсиф предмети сифат ва миқдор категориялари билан ифодаланади. Энг синчков таҳлил ҳам ҳодисада сифат ёки миқдор жиҳатидан тавсифлаш мумкин бўлмаган нарсани аниқлаш имконини бермайди. Бинобарин, сифат ва миқдор – ҳодисанинг қолдиқсиз «парчаланувчи» икки томонидир.

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ривожланиш жараёнининг механизмини ёритади, у қай тарзда ва қандай шаклларда амалга оширилишини кўрсатади. Бу қонуннинг хусусиятини, у қандай намоён бўлиши ва амал қилишини аниқлаш учун унинг асосий тушунчалари: сифат, миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Сифат нарсаларга хос ва уларнинг борлиги билан айний бўлган ҳамда уларни муайян алоқалар тизимидағи бошқа нарсалардан фарқлаш имконини берадиган ўзига хос хусусиятни акс эттиради. Нарсаларнинг сифати уларнинг чеклилиги билан уйғун боғлиқ, зоро мазкур сифат йўқ бўлиши билан нарсанинг ўзи ҳам йўқ бўлади, у бошқа нарсага айланади. Сифат – нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи. Сифат – хоссаларнинг оддий мажмуи эмас, балки уларнинг муайян яхлитлиқдан ўрин олган ва предметнинг алоҳида моҳият сифатида мавжудлигини белгиловчи тизимиdir. Предметларнинг муносабатлари ва алоқаларининг ранг-баранглиги айни бир предметда қарама-қарши хоссалар ва сифатлар мавжудлигини изоҳлайди. Бир жиҳатдан енгил нарса бошқа бир жиҳатдан оғир бўлади, бир алоқада оқ нарса бошқа бир алоқада қора бўлади ва ҳ.к. Масалан, сув ва буғ бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қиласими ёки миқдор жиҳатиданми? Модданинг агрегат ҳолатини таққослайдиган бўлсак, сув ва буғ сифат жиҳатидан фарқ қиласади. Таққослаш сув ва бутнинг кимёвий таркибини аниқлашни назарда тутса, уларнинг ўртасида миқдорий фарқ мавжуд бўлади. Аммо ҳар қандай нарса бир жиҳатдан битта сифатга ва турли жиҳатлардан кўплаб сифатларга эга бўлади

Хосса-предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшилигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади. Хоссалар муҳим ва иккинчи даражали бўлиши мумкин. Муҳим хоссалар предметнинг сифатини белгилайди. Уларнинг йўқолиши моҳиятини мазкур хоссалар ташкил этган предметнинг ҳам йўқолишини англатади. Иккинчи даражали хоссалар ўзлаштирилиши ёки предметнинг сифатини ўзгартирмасдан йўқолиши мумкин. Ҳар қандай хосса (температура, ҳажм, энергия ва ш.к.) муайян миқдор ва сифатга эга бўлади. Ҳар қандай предмет ўзининг мавжудлигини белгиловчи барча хоссалар мажмуидир.

Миқдор-предмет муайян хоссасининг намоён бўлиши, интенсивлиги даражаси. Барча нарсалар, жараёнлар, ҳодисалар сифат билан бир қаторда муайян миқдорга ҳам эга. Улар муқаррар тарзда муайян ўлчам, ҳажм, масса ва шу кабилар билан тавсифланади. У сифат жиҳатидан ўхшаш хоссалар ёки бутуннинг қисмларини таққослаш йўли билан аниқланади. Миқдорий муносабатлар сифатга боғланмасдан аниқланиши мумкин. Шунингдек, миқдор

турли предметларнинг айрим умумий хоссаси сифатида, предметларни сифат жиҳатидан тенглаштиради. Шу маънода миқдор сифатнинг зиддиидир. Аммо предметнинг сифат хусусиятини мавҳумлаштириш сифат жиҳатидан ҳар хил тузилмаларни ўрганишга тадқиқотнинг миқдорий методларини жалб қилиш имконини беради. Масалан, ўлчаш таққослашнинг ўрганилаётган объектнинг миқдор кўрсаткичларини аниқловчи айрим кўриниши сифатида, сифат ҳақида аниқроқ хулоса чиқариш имконини беради. Математикада миқдорий муносабатлар сон, қиймат, функция, тўплам тушунчаларида ифодаланади. Ҳозирги замон фани математик аппаратдан фойдаланиб, микродунёнинг теран қатламларига киради, Оламнинг чексиз маконларини тадқиқ этади. Математика табиат ва жамиятни ўрганишнинг самарали воситаларидан бирига айланган.

Инкорни-инкор. Инкорни-инкор қонунининг моҳияти нимадан иборат? Айни бир атама бундай кетма-кет қўлланилишининг маъноси нимада? Инкор категорияси ривожланаётган обьект тарихидаги бир лаҳзанигина тавсифлайди. Битта инкор ҳаракати ўзгариш қайси йўналишда юз бераётгани, олдинги ва кейинги воқеалар оқимида у қандай аҳамиятга эга эканлигини, юз берган воқеанинг мазмунини аниқлаш учун доим ҳам имконият яратавермайди. Бошқача айтганда, инкорни-инкор тушунчаси ривожланиш жараёнининг муҳим хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

«Инкор» ва «инкорни-инкор» категориялари диалектикага Гегель томонидан киритилган бўлиб, айни шу мутафаккирнинг саъй-ҳаракатлари билан улар умумий фалсафий категориялар мақомини олган. Инкор ва инкорни-инкор категорияларидан Гегель ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш воситаси сифатида фойдаланган. Гегель, шунингдек унинг ўтмишдошлари ва издошлари кўрсатиб берган баъзи бир ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, инкорни-инкор ривожланиши йўналишини кўриши учун имконият яратади. Мазкур ҳодиса тараққиёт ёки таназзул аломати эканлигини бир инкор ҳаракатининг ўзидан аниқлаш мушкул. Шу боис, масалан, қабул қилинган муайян қонун, сайлов натижалари ва шу кабилар ҳақида хулоса чиқаришга шошилмаслик керак.

Иккинчидан, инкорни-инкор ривожланиши шаклининг тавсифи бўлиб хизмат қиласди. Маълумки, Гегелнинг диалектика тизимида ривожланиш мантиқий зиддиятнинг юзага келиши ва унинг бартараф этилиши сифатида тавсифланади. Бу жараён «тезис – антитетис – синтез» формуласига мувофиқ юз беради. Диалектика контекстида ривожланишнинг уч босқичи ижтимоий ва табиий тизимлар ривожланишининг кўп сонли сценарийларидан бири сифатида намоён бўлади. Аммо Гегель қайд этган ривожланишнинг цикллиги, унинг чизиқсизлиги табиат ва жамиядада жараёнлар кечишининг анча кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Учинчидан, табиий ва ижтимоий цикларда ривожланиши ҳам, таназзул ҳам бўлмаслиги мумкин: ўзгариши айланма ҳаракат қиласди. Инкорни-инкорда ривожланиши қўйи босқичининг ўзига хос хусусиятлари юқорироқ босқичда тақрорланиши юз беради. Аввалги ҳолатларга қайтиш имконияти, яъни ўтилган ҳолатларнинг айрим хоссалари ривожланишнинг юқорироқ босқичида тақрорланиши билиш ва тарихнинг ривожланишини тушуниш учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Демак, инкор ривожланишни янги сифат пайдо бўлишига олиб келадиган аниқ йўналтирилган, қайтмас ўзгариш сифатида тавсифланади.

Шаклан ривожланиши бир чизиқли ҳам, айланма ҳам эмас, балки ранг-барангроқ ва мураккаброқ, чунончи: бир чизиқли ва кўп чизиқли, тўғри чизиқли ва зигзагсимон, умумий ва хусусий, уйғун ва ноуиғундир.

Йўналии жиҳатидан ривожланиши прогрессив ва регрессив бўлади. Ривожланиш тизим айрим элементларининг таназзули билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бутун тизим таназзулга учраши, унинг айрим элементлари эса тараққиёт этиши мумкин эмас. Объектга нисбатан ташки кучлар таъсирида юз бериши мумкин бўлган ҳаракатдан фарқли ўлароқ, ривожланиш ўз-ўзидан ҳаракат, ички жараён бўлиб, зиддият, бир-бирини истисно этувчи томонлар, тенденциялар унинг манбаи ҳисобланади.

Категория тушунчаси ва унинг таснифи. Категория нима? Бу саволга жавоб бериш учун биз қандай фикрлашимиз ва ўз фикрларимизни бошқа одамларга қандай

етказишимизни кўриб чиқамиз. Биз тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалар кўринишида фикрлаймиз. Фикрлаш жараёнининг асосий материали тушунчалар бўлиб, предметлар умумий ва муҳим белгиларида улар орқали фикрланади. Тушунчалар ёрдамида биз воқеа ва ходисалар маъносини англаймиз, уларнинг ўзимиз учун аҳамиятини аниқлаймиз. Тушунча ва тушуниш ўзакдош сўзлардир, шу сабабли бизнинг дунёни тушунишимиз, дунёга онгли муносабатимиз инсон ихтиёрида мавжуд бўлган тушунчалар аппарати билан белгиланади. Биз ўз фикрларимизни сўзлар ёрдамида ифодалаймиз. Сўз – *фикр ва дунё ўртасидаги воситачи*. У фикрлаш омили, фикрни ифодалаш, уни бошқаларга етказиш воситаси ҳисобланади. Сўз бойлигимиз қанча катта бўлса, бизнинг дунёни англаш борасидаги имкониятларимиз шунча кенг бўлади. Объектив борлиқни аниқроқ ва теранроқ акс эттириш учун инсон фикрлаш мантиқий воситаларининг муайян мажмуини, тушунчаларнинг муайян доирасини яратади. *Тушунча – бу шундай бир фикрки, унда нарсанинг тақрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади. Тилда тушунча сўз билан ифодаланади.* Масалан, «талаба», «университет», «аудитория» сўзлари муайян даражада умумий ва мавхумдир. Аммо шундай тушунчалар ҳам борки, уларда шунчаки умумий эмас, балки ўта умумий нарсалар ва ходисалар қайд этилади. Бундай тушунчалар жуда юқори даражадаги мавхумлаштириш (муайяндан узоқлашиш) маҳсули ҳисобланади.

Мана бундай мавхумлаштиришнинг тахминий йўли: «бу атиргул» («бу» сўзи билан аниқ белгиланган); «атиргул» (бу ерда «бу» ишораси мавхумлаштирилган); «атиргул» сўзи «бу атиргул» иборасидагидан умумийроқ нарсани қайд этади. Шундан сўнг бу иборага «гул» сўзини қўшамиз ва у амалда мавжуд барча гулларни қамраб олади. Шундай қилиб биз гулларнинг муайян ранг-баранглигидан фикран узоқлашамиз, чунки эътибор барча гуллarda мавжуд бўлган умумий жиҳатга қаратилади. «Ўсимлик» сўзи бутун ўсимликлар дунёсини ўз ичига олади ва янада кенгроқ мавхумлик ҳисобланади. Мавхумлаштириш (муайяндан узоқлашиш) йўлида ҳаракатни давом эттирамиз. Бу йўлда «тирик» тушунчаси янада умумийроқ бўлади, чунки ўсимликлар дунёсинигина эмас, балки ҳайвонот дунёсини ҳам ўз ичига олади. «Тириклик» тушунчаси мавхумлаштиришнинг янада юқорироқ даражасида туради. Бундай тушунчалар категориялар (юон. – асос, умумий баҳо) деб аталаади.

Фалсафий категориялар – борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуудир. Айни шу сабабли фалсафий категориялар ҳеч қачон ҳажман чекланган табиий тил тушунчалари даражасида соддалаштирилиши мумкин эмас.

Умумийлик, яккалик, хусусийлик категориялари борлиқ нарсалари ва ходисаларининг нисбатан мустақиллиги, уларнинг ранг-баранглиги ва бирлигининг инъикосидир.

Мазмун ва шакл. Мазмун ва шакл тушунчалари, уларнинг диалектикаси қадимдаёқ синчиклаб ўрганилган. Уйғунлик, гўзаллик, мутаносиблик туйғуси, акл ва тананинг баркамоллиги қадимги юононлар учун жуда муҳим бўлган. Уларнинг тилида шакл тушунчаси табиатнинг оддий материали гўзал шакл-шамойил касб этишига имконият яратадиган ғоя тушунчасининг синоними саналган. Аристотель ғоя, яъни шаклни материя билан узвий боғлиқ деб ҳисоблаган. Қадимги Юноностонда мазмун ва шакл муаммоси қўйилган бўлса, кейинги минг йилликда бу муаммони турли йўналиш мутафаккирлари ечишга ҳаракат қилди.

Мантиқда мазмун тушунчаси унинг муҳим белгилари мажмуини англатади. Фалсафада мазмун нарсанинг негизини ташкил этадиган, унинг мавжудлиги, ривожланиши ва шаклларининг ўзгаришини белгилайдиган қисмлар, элементларнинг муайян тарзда тартибга солинган мажмуудир. Кўриб турганимиздек, мантиқ ва фалсафадаги мазмун тушунчалари бир-бирини истисно этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Демак, мазмун – мазкур нарса, жараён, ҳодисани белгиловчи элементлар, томонлар, хоссалар, алоқалар ва тенденцияларнинг ийгандиси. Ҳар қандай нарса, ҳодиса аниқ мазмун билангина эмас, балки муайян шакл билан ҳам тавсифланади.

Бутун ва қисм. Ўзаро боғланган соддароқ нарсалардан ташкил топадиган ҳар қандай предметнинг мураккаб тузилишини ифодаловчи фалсафий категорияларнинг айрим нисбатан ажralmas мажмуасини ташкил этади.

Предметни (бутунни) ташкил этувчи нарсалар унинг қисмлари ҳисобланади. Бутунни ташкил этувчи қисмларни бирлаштирадиган боғланиш предметга яхлитлик баҳш этади, яъни бутунга хос бўлган, лекин уни ташкил этувчи қисмларга уларнинг тарқоқлик ҳолатига хос бўлмаган интегратив хоссалар ва қонуниятлар пайдо бўлишига олиб келади.

Бутун ўзини ташкил этувчи қисмларнинг бирлигидир. У ўз қисмларининг ўзаро алоқаси туфайли мавжуд бўлиб, бу алоқанинг барқарорлиги мазкур бутуннинг тузилишида ўз ифодасини топади.

Зарурият ва тасодиф фалсафий категориялари нарсалар ва ҳодисаларнинг бир-бiri билан ҳар хил типдаги алоқаларини акс эттиради. Зарурият ва тасодиф тушунчалари қадим замонлардан бери файласуфлар эътиборини ўзига тортиб келади. Вакт ўтиши билан уларнинг талқини ўзгарган, айрим файласуфлар табиатда тасодифнинг мавжудлигини истисно этган бўлса, айримлар уни мутлақлаштирган. Масалан, синергетикада тасодиф тушунчаси ва унинг ўта мураккаб тизимлар ўз-ўзини ташкил этишидаги роли алоҳида, ҳатто анча муҳим аҳамият касб этади. Зарурият ва тасодиф категориялари бир қатор илмий йўналишлар: биология, тиббиёт, ҳукуқшунослик, тарих ва ҳоказоларда муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Одамлар амалий фаолиятида тасодиф омили заруриятдан камроқ аҳамият касб этмайди. Аммо уларнинг диалектикасини, қарама-қаршиликка асосланган бирлигини тушуниш айниқса муҳимдир.

Хулосалар. Диалектика ривожланиш фалсафасининг пухта ишлаб чиқилган концепциясидир. Ҳодисалар ривожланишининг умумий назарияси сифатида у ривожланишининг моҳиятини англаб етишга йўл очади, табиат, жамият ва тафаккурдаги реал жараёнларни улар амалда қандай бўлса, шундай акс эттиради.

Диалектика нарсалар ва ҳодисаларни ўрганишга уларнинг вужудга келиши, ҳаракати ва ривожланиши нуқтаи назаридан ёндашади, шу сабабли у объектив жараёнларни конкрет, ҳар томонлама ўрганишга йўл кўрсатади.

Диалектика билан бир қаторда ривожланишининг метафизик концепцияси, софитика, эклектика, экзистенциал диалектика, синергетика ва бошқа концепциялар мавжуд. Айрим фалсафий мактаблар диалектикани схоластика сифатида рад этади. Бу диалектика янада чуқурроқ ўрганиш ва англаб етишни талаб қилишини англатади.

Диалектика қонунлари объектив дунёнинг энг муҳим алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Улар бирликда ва ўзаро алоқада амал қилиб, мураккаб серқирра жараён – объектив борлиқнинг ривожланишини тавсифлайди.

Диалектика қонунларининг амал қилиш механизмини чуқур билиш, улардан моҳирона фойдаланиш янглишиш ва хатолардан қутқаради, кишиларнинг амалий фаолиятига янада изчилроқ ва самаралироқ тус беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қонун нима? Табиат, жамият ва фалсафий қонунлар деганда нималарни гапирган бўлар эдингиз?
2. Микдор ва сифат нима? Меъёр ва сакраш-чи?
3. Қарама- қаршилик бирлиги ва курашини гапириб беринг?
4. Ўзгариш ва ривожланишда ўз-ўзини инкор этиш тамойилини гапириб беринг?
5. «Категория» тушунчасини моҳияти ва мазмунини қандай изоҳлайсиз?
6. Мавжудлик, ўзгариш ва ўзаро алоқадорлик намоён бўлишининг асосий тамойилларини гапириб беринг?
7. Ҳозирги даврда тараққиёт ва ўзаро боғлиқлик тамойиллари қандай намоён бўлмоқда?

6-МАВЗУ. БИЛИШ НАЗАРИЯСИ: АСОСИЙ МУАММОЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Режа

- 1. Гносеология - билиш фалсафаси.**
- 2. Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари.**

3. Илмий билиш ва унинг усуллари.

4. Метод ва методология тушунчаси.

5. Фалсафа методлари: диалектика, метафизика, софистика, эклектика, синергетика.

Таянч тушунчалар: Гносеология, Эпистемология, билиш шакллари, Ҳиссий билиш, Ақлий билиш шакллари, Тафаккурнинг ижтимоийлиги, Метод, Методология, Диалектика, Софистика, эклектика, метафизика, Синергетика.

Билиш назариясининг предмети. Гносеологиянинг моҳияти ва мазмuni. «Гносеология» - соф фалсафий категория. Унинг номи юонча гносис – билим, илм ва логос – таълимот, фан сўзларидан келиб чиқсан. Сўзма-сўз маъноси - «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)». Фалсафий адабиётларда, шу жумладан фалсафий қомуслар ва луғатларда «гносеология» атамаси «билиш назарияси» деб таржима қилинган. Шу билан бир қаторда, айни шу мазмунни ифодалаш учун фалсафий адабиётларда «эпистемология» сўзи ҳам қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, гносеологияга татбиқан билиш назарияси ва эпистемология номларининг қўлланилишини ўринли деб бўлмайди. Зотан, «епистеме» сўзи «пистис» - эътиқод сўзи билан узвий боғлиқ. Бироқ, биз биладиган (гносио) ва биз ишонадиган (пистио), мавжудлигига эътироz билдирилдиган нарсалар – фалсафий ва илмий билимларнинг хозирги даражасида мазмунан ҳар хил тушунчалардир. Шу боис Ғарбий Европа фалсафасида эпистемологиянинг мазмуни икки хил, баъзан эса – уч хил талқин қилинади.

Билим шакллари - Инсон ўзини қуршаган оламни англаб етади, уни ҳар хил усуллар ёрдамида ўзлаштиради. Бу усуллардан иккита энг муҳимини қайд этиш мумкин. Биринчи – моддий-техникавий усул – тирикчилик воситаларини ишлаб чиқариш, меҳнат, амалиёт. Иккинчи – маънавий (идеал) усул; унинг доирасида субъект ва объектнинг билишга доир муносабатлари улар ўртасидаги кўп сонли муносабатларнинг биридир. Ўз навбатида, билиш жараёни ва унда олинадиган билимлар амалиёт ва билишнинг тарихий ривожланиши мобайнида табақаланади ва ўзининг ҳар хил шаклларида мужассамлашади. Билишнинг бу шакллари, гарчи ўзаро боғлиқ бўлса-да, лекин бир-бирига ўхшамайди ва ҳар бир бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Билиш, маънавий фаолият шакли сифатида, жамият пайдо бўлган даврдан ва жамият билан бирга муайян ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда. Бу босқичларнинг ҳар бирида билиш жараёни инсоният тарихи мобайнида юзага келган ранг-баранг ва ўзаро боғланган ижтимоий-маданий шаклларда амалга оширилади. Шу боис яхлит ҳодиса сифатидаги билишни бирон-бир шаклга, ҳатто сўзнинг ўз маъносидаги билишни тўлиқ «қопламайдиган» илмий шаклга ҳам боғлаш мумкин эмас. Шу сабабли гносеология умумлаштириш учун фақат бир соҳа – илмий билимдан ва ҳатто юксак даражада ривожланган табиатшуносликдан материал олиб, ўз хулосаларини чиқара олмайди.

Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари. Сезги аъзолари орқали олинган билим – ҳиссий билимлардир. Нарсаларнинг хоссаларини сезги аъзолари сезиз ва идрок этиши натижасида олинган билим ҳиссий билимдир. Масалан, инсон учайтган самолётни кўради ва бунинг нималигини билади.

Сезги. Билиш фаолиятида сезги – нарсалар айрим хоссаларининг сезги аъзолари орқали ҳис қилинган оддий образи, инъикоси, нусхаси ёки ўзига хос сурати дастлабки сезги образи ҳисобланади. Масалан, аплеясьинда биз тўқ сариқ ранг, ўзига хос ҳид, таъмни сезамиз. Чунки, сезгилар инсондан ташқаридағи муҳитда юз бераётган ва унинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатаётган жараёнларда юзага келади. Овоз ва ёруғлик тўлқинлари, механик босим, кимёвий таъсир ва ҳоказолар ташки таъсирлантирувчилар ҳисобланади.

Форобий билишнинг икки шакли – ҳиссий ва оқилона билишни фарқлайди. Инсонни ташки дунё билан боғловчи сезгилар ролига эътиборни қаратар экан, Форобий уларни беш турга ажратади. У сезгиларни билимнинг асосий манбаи деб ҳисоблаб, сезгилар фақат

нарсанинг инъикоси нарсанинг ўзига мос тушган ҳолда ҳақиқий бўлиши мумкин¹⁶ деб таъкидлайди. Форобийнинг билишда ва умуман ҳиссий идрок этишда сезгиларнинг роли ҳақидаги қарашлари Аристотелнинг «сезмайдиган одам ҳеч нарсани билмайди ва тушунмайди», деган фикрига жуда ўхшаш.

Инсоннинг ҳайвондан фарқи шундаки, у ақл ва сезгилар ёрдамида билимларни ўзлаштиришга қодир. «Ақл кучи» борлик нарсаларининг фикрий инъикосини ўзида гавдалантиради. Дунёвий ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабларини билган ақл осмон жисмлари ва уларнинг шаклларини билишга ҳаракат қиласди. Шу охирги босқичда инсонга таъсир кўрсатувчи коинот ақл билан бирикади ва боқийлик хусусиятини касб этади.

Ақл дунёнинг яралиш босқичлари сифатида инсон ва биринчи сабаб ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қиласди, биринчи сабаб эса, ўз навбатида, ақлга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳаракатланувчи ақл жон билан рух орқали боғланади, жон инсон танасидан ўрин олади, шундай килиб, нодунёвий ҳаёт жиҳатлари инсонга ўтади ва пировардида инсон моҳияти, билимлари – унинг ақли боқийлик хусусиятини касб этади.

Форобий фикрича, сезгилар тартибга эга бўлганидек, ақлнинг ҳам ўз тегишли тартиби мавжуддир¹⁷. Биринчи метод табиий фанлар (физика)га, иккинчиси – математикага мос тушади. Иккала методдан ҳам фақат фанда нарса ва ҳодисанинг у ёки бу жиҳатини теранроқ тушуниш мақсадида фойдаланилади.

Сезгилар дунёнинг сифат жиҳатидан ранг-баранглигининг объектив хусусиятини акс эттиради ва унинг таъсирида юзага келади. Сезгилар ҳодисаларнинг миқдор кўрсаткичлари ҳақида ҳам анча бой ахборот беради. Сезгилар бир хил оҳангдаги овозлар ўртасидаги фарқни уларнинг кучига қараб, ранг тусларини, температурадаги ўзгаришларни, нарсалар ва жараёнлардаги бошқа фарқларни анча аниқ акс эттиради. Сезиш қобилиятининг йўқолиши муқаррар тарзда онгнинг йўқолишига олиб келади.

Сезининг кўриши, эшиши, тебраниши, пайтаслаши, об-ҳаво, оғриқ, мувозанат ва тезлашишини ҳис этиши, ҳид, таъм билиши каби умумий органик турлари фарқланади. Сезгиларнинг ҳар бир шакли ўзининг айрим кўриниши орқали материя ҳаракатининг мазкур шакли ва тури, масалан, электромагнит, овозли тебранишлар, кимёвий таъсирлар ва ҳоказоларнинг умумий хоссаларини акс эттиради.

Идрок. *Сезги аъзоларига бевосита таъсир кўрсатувчи предметлар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи яхлит образни идрок этиши деб аталади.* Инсоннинг идрок этиши нарсалар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини тушуниш ва англаб этишни ўз ичига олади. Бунда инсон ўзининг ҳар бир янги таассуротини мавжуд билимлар тизимиға киритади. Сезиш ва идрок этиш инсон ташки дунёга амалий таъсир кўрсатиши жараёнида, меҳнатда, сезги аъзолари фаол ишлаши натижасида амалга ошади ва ривожланади; масалан, ҳаракатсиз кўз нарсалар рангини фарқлашга қодир эмас.

Организмнинг макроскопик, яхлит нарсалар ва жараёнлар оламида мўлжал олишга бўлган эҳтиёжи бизнинг сезги аъзоларимизни шундай ташкил қилганки, биз нарсаларни яхлит ҳолда идрок этамиз. Акс ҳолда ҳамма нарса ҳаракатланаётган зарралар, молекулалар пардасига айланган ва биз нарсаларларнинг чегараларини кўрмаган бўлур эдик. Кўриш аъзоси организм ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган борлиқдаги ёруғлик ҳодисаларини мумкин қадар яхшироқ акс эттириш йўналишида ривожланган. Шу сабабли кўз табиатда мавжуд ёруғлик таъсирида ёруғликни қабул қилиш, қулок - овоз тебранишларини фарқлаш учун мослашган ва х.к. Сезги аъзоларининг ўзига хослиги, «физиологик» идеалистлар фикридан фарқли, ташки дунёни тўғри билишга нафақат монелик қилмайди, балки, аксинча, нарсаларнинг объектив хоссалари аниқроқ ва тўлиқроқ акс этишини таъминлайди.

Гарчи сезиш ва идрок этиш инсоннинг барча билимлари манбаи саналса-да, ҳиссий билиш улар билангина кифояланмайди. У ёки бу предмет инсоннинг сезги аъзоларига маълум замон мобайнида таъсир кўрсатади. Сўнгра бу таъсир барҳам топади. Бироқ предметнинг образи изсиз йўқолмайди. У хотирада гавдаланади ва сакланиб қолади. Бинобарин, бирон-бир нарса ҳақида у йўқолганидан кейин ҳам фикр юритиш мумкин, чунки

16 Қаранг: Фараби. Китаб ал-Хуруф. – Душанбе: Илм, 1972. – 23-б.

17 Фараби. Китаб ал-Хуруф. – Душанбе: Илм, 1972. – 24-б.

у ҳақда муайян тасаввур қолади. Юмиқ кўзлар билан ҳам биз нималарнидир тасаввур қиласиз.

Хотира ўтмииш ва ҳозирги замонни бирлашитиради, уларнинг бир-бирига ўтишини таъминлайди. “Товушлар ва сўзлар сони кўпайгандан кейин, одамга унинг хотираси ёрдамга келади... Ёзув ҳам хотира билан бирга инсон имкониятларини оширади”¹⁸. Агар образлар мияда унга предмет таъсир кўрсатган пайтда пайдо бўлиб, бу таъсир тўхтаганидан кейин дарҳол ғойиб бўлганида, инсон нарсаларни ҳар сафар мутлақо нотаниш нарсалар сифатида қабул қилган, у мазкур нарсаларни танимаган, демак, уларни англамаган бўлар эди. Бирор нарсани англаш учун ақлнинг ишлари – ҳозирги ҳолатни олдинги ҳолат билан таққослаши талаб этилади. Ташқи таъсирларнинг идрок этилиши ва уларнинг вақтда сақланиши натижасида хотирада тасаввурлар уйғонади.

Тасаввурлар – бу бир пайтлар инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образлариdir.

Сезиш ва идрок этиш онг, фикр шаклланишининг бошланиши ҳисобланади. Хотира олинган ахборотни қайд этади ва сақлайди. Тасаввурда эса онг илк бор ўзининг бевосита манбаидан ажралади ва нисбатан мустақил субъектив ҳодиса сифатида мавжуд бўла бошлайди. Инсон нисбатан янги образларни эркин яратишга қодир. Тасаввур – бу идрок этиш ва назарий тафаккур ўртасидаги боғловчи бўғин.

Хаёл инсоннинг муҳим хоссаси. *Хаёл кучи тажрибада (онгда) мавжуд образларни нафақат қайта чақиради, балки уларни бир-бiri билан боғлайди ва шу тариқа уларни умумий тасаввурлар даражасига кўтаради* Хаёл тафаккур оқимида этишмаётган кўргазмалик ўрнини тўлдиради.. Образларни қайта гавдалантириш хаёл кучи билан эркин ва бевосита кузатиш ёрдамисиз амалга оширилади. Тасаввурлар пайдо бўлишининг бу шакли бундай эркин фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган, бироқ амалда кузатишга муҳтож бўлган ва образлар беихтиёр пайдо бўлишига йўл қўядиган оддий эслашдан шу билан фарқ қиласи.

Эмпирик билим ва унинг шакллари. Эмпирик билим мавжуд нарсанинг бевосита эмас, балки билвосита инъикоси. Масалан, олим ўзи кўрмайтган тегишли обьектнинг ҳолати ҳақида унга ахборот бераётган асбоб кўрсаткичи ёки электрокардиограмманинг электр чизигини кўради. Бошқача айтганда, билишнинг эмпирик даражаси ҳар хил асбоблардан фойдаланиш билан боғлик; у кузатиш, кузатилаётган нарса ёки ҳодисани тавсифлаш, баённомалар юритиш, ҳужжатлардан фойдаланишни назарда тутади, масалан, тарихчи архивлар ва бошқа манбалар билан ишлайди. Хуллас, бу оддий сезги даражасида билишга қараганда билишнинг юқорироқ даражасидир.

Эмпирик билимлар назарий билим негизини ташкил этувчи илмий далиллар мажмуидир. Эмпирик билим кузатиш ва эксперимент, тавсифлаш, таққослаш, ўлчаш ва далиллар каби методлар ёрдамида шаклланади.

Кузатиш – билиш обьектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаши мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишиdir. Кузатиш мақсадини белгилаш, унинг усусларини аниқлаш, ўрганилаётган обьект хулқ-авторини назорат килишнинг режасини тузиш, асбоблардан фойдаланиш кабилар кузатишнинг муҳим хусусиятларидир. Кузатишларнинг натижалари бизга борлиқ ҳақида илмий далиллар кўринишида дастлабки ахборот беради.

Кузатиш бевосита ёки билвосита, масалан, микроскоп ёрдамида бўлиши мумкин. Ҳозирда электрон микроскоп ёрдамида молекулаларни визуал кузатиш мумкин. Кузатиш – бу фаолиятнинг муайян обьектларга қаратилган мақсадлар ва вазифаларни таърифлашни назарда тутадиган фаолият шакли. Бирон-бир нарсани билишни хоҳлаган ҳар қандай одам ўз кўзларини кузатувчанликка ўргатиши лозим.

Зехнли, ижодкор ва теран ақл нарса ва ҳодисаларнинг кўпчилик эътибор бермайдиган муҳим жиҳатларини кўриш ва сезиш қобилияти билан ажралиб туради. Бу қобилият фан ва санъатдаги новаторлик омилидир. Кузатиш маҳсус тайёргарликни талаб қиласи.

18 Қаранг.С.М.Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. -Т.: Минхож, 2003.- Б.74

Кузатишларни тайёрлашда кузатиш вазифалари, у жавоб бериши лозим бўлган талабларни аниқлаш, кузатиш режаси ва усулларини олдиндан ишлаб чиқиши мухим ўрин тутади. Кузатиш табиатнинг ўзида мавжуд нарсалар ва ҳодисаларни қайд этади. Бироқ инсон кузатувчи роли билан кифояланана олмайди. У экспериментлар ўтказиш орқали фаол синовчига айланади. Мияда тасаввур килинган модель устида ўтказиладиган фикрий эксперимент билишининг алоҳида шаклини ташкил этади. Унга хаёл ва тафаккурнинг узвий алоқаси хосдир.

Эксперимент – бу шундай тадқиқот методики, унинг ёрдамида обьект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади. Экспериментда тадқиқотчи илмий тадқиқотни ўтказиш шарт-шароитларига фаол аралашади. У жараённи исталган босқичда тўхтатиши мумкин бўлиб, бу обьектни янада муфассалроқ ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчи ўрганилаётган обьектни бошқа обьектлар билан ҳар хил тарзда боғлаши ёки у илгари кузатилмаган шарт-шароитларни яратиши ва шу тариқа фанга маълум бўлмаган янги хоссаларни аниқлаши мумкин.

Эксперимент ўрганилаётган ҳодисани сунъий тарзда гавдалантириш ва назарий ёки эмпирик билим натижаларини амалда синаш имконини беради.

Эксперимент доим, айниқса ҳозирги замон фанида баъзан жуда мураккаб техника воситалари, яъни асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ. Асбоб – бу инсоннинг сезги аъзолари билиши мумкин бўлмаган ҳодисалар ва хоссалар ҳақида ахборот олиш учун мўлжалланган, керакли хоссаларга эга бўлган мослама ёки мосламалар тизимиdir. Асбоблар бизнинг сезги аъзоларимизни кучайтириши, обьект хоссаларининг фаоллик даражасини ўлчаши ёки уларда ўрганилаётган обьект қолдирган изларни аниқлаши мумкин.

“Метод” ва “методология” тушунчалари. Метод (юон. методс — усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методология тушунчаси икки асосий мазмунга эга — фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси.

Ҳозирги даврда методология фақат илмий билиш соҳаси билан чекланиши мумкин эмаслиги аён бўлди ва й албатта, билиш чегарасидан чиқиши ва ўз соҳасида амалиётда ҳам қўлланиши зарур. Бунда билиш ва амалиётнинг узвий алоқадорлигига эътибор қаратмоқ керак.

Методология фақат методларни эмас, балки тадқиқотни таъминловчи бошқа воситаларни ҳам ўрганади. Тамойил, қоида ва қўрсатмалар, шунингдек, категория ҳамда тушунчалар мана шундай воситалар жумласига киради. Номувозий, беқарор дунё шароитларида воқеликни методологик ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаларини ажратиши фан ривожланишининг «постноклассик», деб номланган ҳозирги босқичида анча долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фан методологияси унинг структураси, тараққиёти, илмий тадқиқот воситалари ва усуллари, унинг натижаларини асослаши йўллари, билимни тажрибага татбиқ қилиши механизмлари ва шаклларини ўрганади. Шунингдек, методология методлар йигиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотdir.

Метод у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, усул, ҳаракат ва билим мезонларининг йигиндиси ҳамdir. У тамойиллар, талаблар тизими бўлиб, субъектни аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш сари йўналтиради. У ҳақиқатни излашда вақт, кучни тежайди, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга ёрдам беради.

Методнинг асосий вазифаси фаолиятнинг билиши ва бошқа шаклларини бошқарувдан иборат. Бироқ:

-биринчидан, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламаслик ("методологик негавизм");

-иккинчидан, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси (методологик эйфория), деб тушуниш нотўғридир.

Ҳар қандай метод муайян назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чукур мазмун ва моҳиятга эгалиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг қўлами ҳам ўзгари.

Илмий билишда нафақат илмий натижа (билимлар мажмуи) ва предметнинг моҳиятини англаш, балки унга элтувчи йўл, яъни метод ҳам ҳақиқий бўлмоғи лозим. Шунга кўра, предмет ва методни бир-биридан айри ҳолда тушуниш мумкин эмас. Ҳар қандай метод у ёки бу даражада реал ҳаётий жараёнларда шаклланади ва яна унга қайтади. Метод ҳар қандай тадқиқот бошланишида тўла ҳолда намоён бўлмаса-да, маълум даражада предметнинг сифат ўзгариши билан ҳар сафар янгидан шаклланади.

Метод билиш предмети ва ҳаракатни сунъий равишда боғламайди, балки уларнинг хусусиятлари ўзгариши билан ўзгариб боради. Илмий тадқиқот предметга дахлдор далил ва бошқа белгиларни жиддий билишни талаб қиласди. У маълум материалнинг ҳаракати, унинг хусусиятлари, ривожланиш шакллари ва ҳ.к.ларда намоён бўлади. Демак, методнинг ҳақиқийлиги, энг аввало, тадқиқот (объект) предметининг мазмуни билан боғлиқ.

Метод субъект билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача қилиб айтган-да, "инсон умум методологиянинг марказидир" (Фейербах). Иккинчидан, ҳар қандай метод й ёки бу даражада бошқарув қуроли вазифасини бажаради.

Метод субъект ва объектнинг мураккаб диалектикаси асосида ривожланади ва бунда охиргиси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода, ҳар қандай метод, энг аввало, объектив, мазмунли ва конкрет бўлсада, айни пайтда, субъектив ҳамдир. Бироқ у фақат мавжуд қоидалар тизими эмас, балки объектив илмийликнинг давоми сифатида намоён бўлади.

Метод методикада конкретлашади. Методика далилий материалларни йигиши ва саралаши воситаси, аниқ фаолият туридир. У методологик тамойиллардан фарқ қилсада, уларга асосланади.

Методлар хилма-хиллигига қараб, турли мезонлар асосида классификация қилинади. Энг аввало, маънавий, гоявий (шунингдек, илмий) моддий ва амалий фаолият методларини ажратмоқ лозим.

Фалсафа методлари. *Фалсафа методларининг асослари бевосита амалий фаолият билан боғлиқ.* Турли конкрет вазифаларни ҳал қилишнинг зарурий шартларидан бири универсал хусусиятга эга бўлган умумий фалсафий методларга мурожаат қилишдир. Бу методлар ҳақиқатни англашда умумий йўлни кўрсатади. Мазкур методларга фалсафанинг қонун ва категориялари, кузатиш ва тажриба, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция ва ҳ.к.лар тааллукли. Агар маҳсус методлар объектнинг қонуниятларини ўрганишнинг хусусий усуслари сифатида намоён бўлса, фалсафий методлар шу объектларда намоён бўладиган, алоҳида хусусиятлардаги ҳаракат, тараққиётнинг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Айнан шу ўринда тажриба ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир метод объектнинг алоҳида томонини билишга имконият яратади. Фалсафанинг энг қадимги кенг тарқалган методлардан бири диалектика бўлса, иккинчиси метафизикадир. Бироқ фалсафа методлари булар билан чекланмайди. Бугунги кунда унинг софистика, эклектика, аналитик, (хозирги замон аналитик фалсафаси), интуитив, феноменологик, синергетик, герменевтик (тушуниш) ва бошқа турлари ҳам мавжуд. Эндиликда турли методларни бирлаштириш жараёни ҳам рўй бермоқда (масалан, Гадамер герменевтиканни рационал диалектика билан бирлаштиришга ҳаракат қиласди).

Диалектика (юнон. *диалектика* — баҳс, суҳбат) табиат, жасамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуги ва амалий фаолият ҳақиқидаги таълимотдир.

У грек тилида баҳс ва суҳбатлашиш санъати, деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Хозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришида, ўзаро алоқадорлик ва боғликларда, тараққиёт ва ривожланишда, деб тушунишга асосланади. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат

йуналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён булади.

"Метафизика" (юон.— физикадан кейин) - диалектика каби универсал методдир. Бу сўз илмий муомалага эр. ав. И асрда Аристотелнинг шогирди, унинг шеърлари шарҳовчиси Родосский томонидан киритилди. Мутафаккир асарларини бир тизимга солар экан, у борлиқ ва билиш ҳақидаги умумий масалаларни физикадан сўнг "биринчи фалсафа"нинг (моҳият, сабаб ва бошқа) иккинчи фалсафадан фарқли хусусий-илмий билимларни ўрганадиган қисми сифатида талқин қилган.

Кўп ҳолларда, диалектиканга қарама-қарши деб талқин этиладиган *метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишида уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига дикқатни кўпроқ қаратадиган усуладир*. Бу усул қўлланганида оламнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг алоҳида қисми ёки ҳолатига асосий эътибор берилади. Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда кийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Софистика. Софистика фалсафий методлар жумласидан бўлиб, қадимги Юнонистонда мил. ав. В ва ИВ асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий ҳаётда хусусий бир йўналиш сифатида пайдо бўлган. Софистика намояндалари Протагор, Горгий, Гиппий, Антифонт ва бошқалардир. Софистиканинг пайдо бўлиши антик Юнонистонда иқтисодий тараққиётга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Бу оила уруғ анъаналаридағи турғунликни бартараф қилиш, янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга эҳтиёж даври эди. Софистиканинг инқизори эрамиздан аввал ИВ асп ўрталарида бошланди. Эрамизнинг ИИ асрида классик юон софистларининг гоя ва услубларини қайта ишлашга интилувчи янги оқим пайдо бўлди.

Эклектика. Эклектика ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган, бир-бираига зид далилларга асосланади ва оламни бузиб ёлгон акс эттиради. У билим тизими ривожидаги йўналиш, у ҳеч қандай ягона назарий асосга эга эмас ва баъзида обьектни ўрганишнинг зиддиятли жиҳатларини характерловчи билим элементлариdir.

Методологик усул сифатида эклектика биринчи марта қадимги юон фалсафасида пайдо бўлди ва иқтибосларга асосланган ўрта асп схоластик баҳсларида, янги давр ХВ-ВИИИ асрлар фалсафий баҳсларида кенг фойдаланилди. У ҳозирги даврда ҳам reklama ва ташвиқтода, оммавий коммуникация тизимида қўлланилиб, инсон психикасидаги анъаналар, кўниқмалар, интилишларни бўрттиради. Бундай усулнинг бемаънилигини Суқрот ва Аристотелдан бошлаб, ҳозирги давр мутафаккирларигача танқид қиласидилар. Аммо бу ундан фойдаланилмасликни англатмайди. Эклектика олам, нарса ва ҳодисаларнинг бир бутунлигини, умумий асосларини парчалаб ташлаш услугига таянади.

Синергетика. Ҳозирги замон фанида синергетика методи кенг қўлланилмоқда. Синергетика сўзи юононча ("синергена") бўлиб, келишув, ҳамкорлик, ўзаро таъсир каби маъноларни англатади. Герман Хакеннинг фикрича, синергетика кўп қисмлардан иборат бўлган, ўзаро мураккаб алоқадорликдаги компонентлар тизимини ўрганади. Хакен фикрича синергетика ҳамкорлиқдаги ҳаракат бўлиб, бутуннинг тизим сифатида акс этувчи қисмларининг келишилган фаолияти маъносида талқин қилинади.

Барча таълимотлар пайдо бўлади, ривожланади ва, ниҳоят, эскиради. Хакен синергетикаси ҳам ворисийликка асосланган. Унинг давоми бўлган И.Шеррингтоннинг синергетик услуги, С.Уламнинг синергияси, И.Забусскийнинг синергетик йўналишлари ана шулар жумласидандир.

Хуллас, синергетика — оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва вақтда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. Бу таълимотни диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

Синергетикада биfurкация, флуктуация, тартибсизлик, дисциплина, галати аттракторлар, чизиқсизлик сингари тушунчалар машҳур. Улардан тизимлар барча турларининг, жумладан олд организмик, организмик, ижтимоий, этник, маънавий ва бошқа тизимларнинг хулқ-авторини тушунтириш учун фойдаланилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Гносеология» ва «Епистемология» тушунчаларини гапириб беринг?
2. Гносеология ва онтологиянинг бўлиқлиги.
3. Ҳиссий билиш ва унинг шаклларини гапиринг?
4. Ақлий билиш шаклларига нималар киради?
5. Тафаккурнинг ижтимоийлиги нимада?
6. «Метод» ва «Методология» деганда нимани тушунасиз?
7. Диалектика методининг моҳиятини сўзлаб беринг?
8. Софистика, эклектика, метафизика услубларини гапириб беринг?
9. Синергетика ҳақида нималарни биласиз?

7-МАВЗУ. ТАРИХИЙ ЖАРАЁНДА ЖАМИЯТНИНГ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ. ЖАМИЯТ ВА ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Режа

1. Жамият ҳақидаги фалсафий таълимотлар тарихи. Жамият пайдо бўлишининг илмий асослари
2. Жамиятнинг иқтисодий, маънавий, сиёсий ва ижтимоий асослари.
3. Жамият ҳаётига цивилизация таъсири, цивилизация
4. Жамиятнинг маданий ва маънавий қадриятлари
5. Тарих фалсафасининг предмети, тузилиши ва функциялари.

Таянч тушунчалар: Жамият, ижтимоий фалсафа, ижтимоий ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш, мулк, маънавий кичик тизим, ахборот ва коммуникация, индивидуал ва ижтимоий онг, ижтимоий психология, мағкура, ижтимоий кичик тизим, катта ижтимоий гурухлар, этник бирликлар, институтлар, худудий гурухлар, ижтимоий макон, сиёсат, цивилизация, маданият.

Жамият тушунчаси. Жамият фанга маълум тизимлар орасида энг мураккаби бўлиб, уни ўрганиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Жамият ҳаёти жуда фаол бўлиб, хар бир халқ ўзининг алоҳида, бетакрор тарихига эга. Жамият ҳаётининг барча жараёнлари бир-бiri билан шу даражада узвий боғлиқки, баъзан турли вазиятларда белгиловчи ва белгиланувчи жараёнлар ўрин алмашади. Тарихий жараёнда тасодифлар ва субъектив омил айниқса муҳим рол ўйнайди.

Жамият ҳаёти асрлар оша олимлар ва файласуфларнинг тадқиқот обьекти бўлиб келмоқда. У турли фанлар, чунончи: социология, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, этнография, иқтисодий назария ва ҳоказолар доирасида ўрганилади. Фаннинг вазифаси – жамият тузилишини ўрганиш, тарихий жараёнда такрорланувчи, умумий хоссалар, жиҳатлар, омиллар ва қонуниятларни аниқлашдан иборат. Илмий билим тарихий жараёндан таққослаб бўлмайдиган даражада қашшокроқ бўлса-да, у жамиятга зарур, чунки унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, унинг ўтмишда ва ҳозирги даврда ривожланишининг муқобил имкониятларини аниқлаш, бугунги куннинг муҳим вазифаларини ҳамда ҳозирги замон ва келажакка таъсир иштирокларини белгилаш имконини беради.

Муайян фанлардан фарқли ўлароқ, фалсафанинг вазифаси тарихий жараённинг умумий жиҳатларини ўрганишдан иборат. Фалсафа муайян ҳодисаларнинг сабаблари нимада деган саволга жавоб топиш вазифасини ўз олдига қўймасада, тарих фанининг методологик асосларини яратади, мазкур сабабларни аниқлашга нисбатан қандай ёндашиш керак, деган саволга жавоб беради. У дунёқарашга доир ўз мўлжалларига таянади, ижтимоий ва гуманитар фанларнинг категориялар аппаратини ишлаб чиқишида иштирок этади. Ўз

категорияларининг ижтимоий мазмунини ёритар экан, фалсафа шунга асосланиб муайян-тарихий жараёнларни таҳлил қилишни амалга оширади. Тарих фалсафасининг муаммоларидан бири бу тарихий жараённинг бирлиги муаммоси ва тарихни даврийлаштириш тамойилларини белгилашдир. Фалсафанинг вазифаси жамият ҳаётининг асосий негизларини, унинг тизим ташкил этадиган омилларини аниқлашдан иборат. Тарих фалсафасида дунёқарашга доир мўлжалларининг ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган кўплаб оқимлар ва йўналишлар мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳар бир файласуф, одатда, ўз мўлжалларига амал қиласди, нафақат дунёни, балки жамиятни ҳам ўзига хос тарзда тушуниради.

XIX асрда маданий-тарихий типлар назарияси вужудга келган бўлсада, аслида бу ҳақдаги дастлабки қарашлар Форобий ижодига мансуб. Форобий инсонлар жамиятини икки маданий-тарихий типларга ажратади: Биринчиси тўлиқ жамият бўлиб, у ўзида а) ер юзидағи жами инсонларни қамраб олувчи йирик жамият, б) Ернинг муайян қисмida яшовчи бир миллат ёки бир динга мансуб кишиларнинг ўрта жамияти в) муайян қавм ёки динга мансуб бир шаҳар жамиятини қамраб олади. Иккинчиси бир қишлоқ, овул, ёки бир оиласдан иборат бўлган тўлиқсиз жамият.¹ Форобий фикрича “Энг яхши фазилат ва олий даражадаги комилликни кичик бирлиги шаҳар ҳисобланадиган маданий жамият ичидагина қўлга киритиш мумкин. Тўлиқсиз жамиятлар инсонни такомиллаштиришга қобил эмаслар”.² Форобийнинг бу фикрлари Платон ва Аристотелнинг жамиятга оид қарашларидан фарқ қиласди, чунки у жамиятдаги ўзгаришларни инобатга олган. Жамиятни тўлиқ ва тўлиқсизга ажратар экан, Форобий шаҳар тўлиқ жамиятнинг биринчи босқичидир деб эътироф этади. Платон ва Аристотель эса тўлиқ жамиятни шаҳар билан чегаралаганлар ва шаҳар инсоният жамияти такомилининг охирги даражаси, жамоавий баҳт саодатнинг бош маркази деб таъкидлаганлар. Форобий эса, бутун дунёдаги жамият ҳақида фикр юритиб, унинг хукмдори қандайдир алоҳида олинган ҳалқ, қавм ёки жамоа бошлиғи эмас, балки бутун маданий дунёдир деб таъкидлайди ва бу фикри билан юонон файласуфларидан илгарилаб кетади.

Маданий-тарихий типлар тушунчаси социологияга Н.Я.Данилевский томонидан киритилган бўлиб, у тарихни «ўзига хос цивилизациялар»нинг ўзаро муносабатлари сифатида тасаввур қилган. Бу цивилизацияларнинг ривожланиши этник гурухларнинг тил жиҳатидан бирлиги ва цивилизацияни ташкил этадиган ҳалқларнинг сиёсий мустақиллиги; (улар бир типнинг асосларини бошқа типга ўтказмайдилар, лекин бошқа ўтмишдаги ва ҳозирги цивилизациялар таъсирини ҳис қиласдилар); барча цивилизацияларнинг этник жиҳатдан ранг-баранглиги ва ривожланиш жараённинг бирлиги (улар ўсиш, қисқа муддат равнақ топиш ва таназзул босқичларини бошдан кечиради) каби қонунлар билан белгиланади. Н.Данилевскийнинг ғоялари кейинчалик Шпенглер ва Тойнби концепцияларида ривожлантирилди, лекин уларнинг илмий асосларини П.А.Сорокин таклиф қилди.

П.А.Сорокин (1889-1968). Таниқли файласуф П.А.Сорокин тарих фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. У жамиятга индивидлар ва ижтимоий гурухларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолияти билан белгиланадиган бир-бири ва жамият билан ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келадиган интеграл яхлитлик сифатида қараган. П.А.Сорокин жамиятни горизонтал, вертикал йўналишларда ва флюктуация (тебраниш) тарзида мураккаб ҳаракатда бўлган ижтимоий-маданий тизимларнинг ранг-баранглигини тан олиш нуқтаи назаридан тавсифлаган. П.А.Сорокин социологиясида ўтмиш ва ҳозирги социология фанининг мухим ғоялари уйғун бирлиқда жамланган ва ифодаланган.

Жамиятнинг вужудга келишига доир қарашлар. Жамиятнинг вужудга келиши ҳақида аждодларимиз ҳаётининг археологлар топган ва одамларнинг кўплаб авлодлари босиб ўтган мураккаб ва фожиаларга тўла тарихий йўлдан далолат берадиган изларга қараб хулоса чиқариш мумкин. Шунга қарамай инсон ва жамият келиб чиқишининг тўлиқ манзараси фанда ҳанузгача яратилмаган. Жамият келиб чиқишининг диний талқини ҳам (у ўз

1 Форобий Фозил шаҳар аҳолиси.-Т.: Шарқ, 1999. -Б.82-83

2 Форобий Фозил шаҳар аҳолиси.-Т.: Шарқ, 1999.-Б..69

мифологиясини ҳақиқат деб тан олишни талаб қиласы), идеалистик концепция (ўзининг спекулятивлиги туфайли) ва материализм (илмий далиллар етарли эмаслиги боис) ҳам асосли эътиrozлар уйғотади. Кант материализмдан инсон руҳининг табиатини тушунтирувчи тамойил сифатида фойдаланиш ҳеч қаюн мумкин эмас, деганида, маълум маънода ҳақ эди. Аммо, далилий маълумотлар озлигига қарамай, биз жамиятнинг вужудга келиш манзарасини анча аниқ яратиш имконини берадиган илмий далилларга ишонч билан қараш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятнинг келиб чиқишини илмий тавсифлаш борасидаги қарашлар. Бундай қарашлар меҳнат ва меҳнат қуроллари марксча назарияси доирасида амалга оширилган. Бу назарияга кўра меҳнат, сўнгра бурро нутқ инсон жамиятини яратган. Инсон ҳаётида меҳнат қуролларининг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, бу фаразни тасдиқловчи аниқ илмий далилларга дуч келмадик. З.Фрейд инсон виждонини унинг келиб чиқиш манбай деб ҳисоблаган. Этнографик тадқиқотлар бу фаразни умуман тасдиқламайди. Й.Хейзинга ўйин ва ўйин фаолиятига маданиятнинг инсонни шакллантирувчи асосий тамойил сифатида қарайди. Эрнст Кассирер (1875-1945) илгари сурган фаразга кўра, символик шакллар, яъни инсон ва унинг онги пайдо бўлишини белгилаган рамзлар ва белгилар маданиятнинг турли шаклларини бирлаштирувчи олий ва универсал тамойил ҳисобланади. Кассирер фикрига кўра, қадимги аждодларимиз уларнинг яшаб қолишини таъминловчи етарли табиий кучга эга бўлмаган. Инсон ўзининг ҳайвонлар хулқ-атворини кузатиш ва уларга тақлид қилиш қобилияти билан яшаб қолиш имкониятини қўлга киритган. Ўз навбатида тақлидга асосланган хулқ-атвор рамзий белгилар, кейинчалик эса нутқ вужудга келишига асос бўлган.

Тўпланган тажрибани белгилар тизимида қайд этиш ва авлоддан-авлодга ўтказиш қобилиятининг шаклланиши ҳайвонлар тўдаси кишилик ҳамжамиятига айланишининг муҳим омили бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Бундай қобилиятга ҳайвонларнинг бирон-бир тури эга эмас. Намойиш этиш, ўрнак кўрсатиш, тақиқлар ва чеклашлар тизими мулоқотнинг нафақат новербал, балки аста-секин шаклланган вербал воситаларида ҳам ўз ифодасини топган. Мулоқот меҳнат кўнімаларини мустаҳкамлаш, овқат топиш ва унга ишлов беришни тартибга келтириш, ўз жамоа ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини берган. Этнографик маълумотлар тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш ва жамоа фаолияти кўнімаларини шакллантириш шакли сифатида ўйин улкан аҳамият касб этганидан далолат беради.

Маълум тақиқлар орасида овқатга доир хулқ-атвор билан боғлиқ тақиқлар, шунингдек сексуал чеклашлар, аввало яқин қариндошлар жинсий алоқага киришиши – инцестнинг тақиқланиши айниқса ажralиб туради. Улар инсоният келажаги учун оламшумул аҳамият касб этган. Зеро тартибсиз жинсий алоқалар наслнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган. Аслида, олинган тажриба яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг тақиқланишига сабаб бўлган. Бу никоҳ алоқалари тизимини тартибга солиш, уларни қатъий қайд этиш, аёллар, қизлар, сингилларни айирбошлиш, сўнгра бу билан ўхшащлик бўйича – озиқ-овқат, буюмлар, сўз-белгилар айирбошлишни йўлга қўйиш имконини берган. Мазкур жараёнлар одамлар ўртасида мулоқот, муносабатлар ва хулқ-атвор меъёрлари ўрнатилиши ва уларга риоя этиш зарурлиги англаб етилишига туртки бўлган. Меъёрларнинг мустаҳкамланишига мифологик ва илк диний тасаввурлар ҳамда тақиқлар тизими кўмаклашган. Жамоадан ташкарида яшаб қолиш имконияти мавжуд эмаслигини англашган жамоанинг ҳар бир аъзоси унда ўрнатилган кундалик хулқ-атвор меъёрларига риоя қилган. Шундай қилиб, жамият ишлаб чиқариш ва кўпайиш эҳтиёжлари билан белгиланган одатлар, меъёрлар ва қадриятлар билан тартибга солинадиган одамларнинг биргаликдаги фаолияти ва уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими сифатида вужудга келган. Меъёрлар инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига нисбатан татбиқ этилади, ҳамда маданият ва цивилизация вужудга келишига замин ҳозирлайди. Жамиятда қандай ўзгаришлар юз бермасин, у одамзот билан бирга вужудга келган мазкур муҳим таркибий элементларни сақлаб қолади.

Жамият – бу одамларнинг шундай бир бирлашмасику, унинг яхлитлиги ижтимоий ишилаб чиқариши, яъни одамларнинг умуман ишилаб чиқариши, ўз ҳаётини қувватлаш ва тақрор ишилаб чиқаришига қаратилган биргаликдаги фаолияти билан таъминланади.

Ижтимоий ишлаб чиқарии – вақтда давом этадиган ва вақти-вақти билан тақрорланадиган жараён (тақрорий ишлаб чиқарии). Айни вақтда у ўзгарувчанликни, муайян ижтимоий динамикани (яъни соф ишлаб чиқаришни) ўз ичига олади. Кўрсатилган омилларнинг бирлиги, бир томондан, анъана, ижтимоий меросга, бошқа томондан эса, амалий ва маънавий тажрибанинг ошиши ва тўпланишига асосланади. Ижтимоий динамика, жамиятнинг ривожланиши ишлаб чиқаришда ва одамлар хулқ-атворини бошқаришда тўплланган тажрибани сақлаш ва келгуси авлодларга қолдириш усулларини такомиллаштириш билан таъминланади. Тажрибани баҳам кўришнинг муҳим воситалари – тил, намойиш этиш, ўrnак кўрсатиш ва энг муҳими – тажрибани ўзлаштираётган одам қайси халқ вориси бўлса, шу халқнинг ижтимоий бойлиги ва маданий мулки ҳисобланади.

Кенг маънода ижтимоий ишлаб чиқариш – ижтимоий ҳаётнинг барча элементларини ўз ичига оловчи серқирра жараён. Унга одамларнинг кўпайиши; моддий ишлаб чиқариш, яъни одамлар ҳаётини сақлаш ва қувватлашнинг моддий омилларини яратиш; маънавий ишлаб чиқариш, яъни билим, тажриба, қадриятларни яратиш; одамларни бошқариш, улар фаолиятининг мувофиқлигини, жамиятнинг яхлитлиги ва уюшқоқлигини таъминлаш кабилар киради. Ижтимоий ишлаб чиқариш – жамоанинг иши. Айни шу сабабли у ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир элементига хос бўлган муносабатлар тизимини ўз ичига олади. Уларнинг асосийлари – оила-рўзгор, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий, маънавий (мафкуравий), сиёсий муносабатлардир. Ижтимоий ҳаёт мураккаблашувига қараб жамиятда табақаланиш ва меҳнат тақсимоти кучайиб боради. Натижада жамиятнинг нисбатан мустақил бўлган алоҳида муҳим кичик тизимлари вужудга келади. Бу кичик тизимларнинг ҳар бири бутун ижтимоий организм учун муҳим бўлган функцияларни бажаради. Жамиятнинг муҳим кичик тизимлари: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий кичик тизимлардир.

Жамиятнинг ижтимоий тузилишида табақалар ва синфлар салмоқли ўрин эгаллади. *Табақалар – саноатлашии босқичидан олдинги жамиятларда вужудга келган, юридик ёки одатга асосланган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган ҳуқуқлар ва бурчларга кўра фарқ қиласидиган ижтимоий гуруҳлар.* Табақавий бўлининш жамиятнинг мураккаб иерархиявий тузилишининг шаклланишига сабаб бўлади.

Йирик гуруҳлар орасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-психологик мақомига кўра фарқланадиган синфлар алоҳида ўрин эгаллайди. Иқтисодий белги синфнинг бош белгиси ҳисобланади, зеро синфий бўлининш шакллари ишлаб чиқарии воситаларига бўлган муносабат ҳамда мулк шакллари билан белгиланади. Ҳозирги замон социологиясида синфларни фарқлашнинг бошқа асослари ҳам мавжуд. Масалан, ижтимоий гуруҳлар эга бўлган ижтимоий бойлик улушига кўра улар олий, ўрта ва қуий синфларга бўлинади. Бунда даромад манбаи ҳисобга олинмайди, шу боис олий синф вакиллари орасидан машхур киноактёрлар, эстрада юлдузлари ва банкирлар ҳам ўрин олишлари мумкин. Бу ҳол ўрта ва ҳатто қуий синфларда ҳам кузатилади. Шунингдек ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги ролига кўра бошқарувчилар синфи фарқланади.

Ҳозирги замон жамиятида юқори малакали ақлий меҳнат билан профессионал тарзда шуғулланадиган кишиларнинг катта ижтимоий гуруҳи – зиёлилар алоҳида рол ўйнайди. Зиёлилар сони тинимсиз кўпайиб, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ортиб бормоқда. Бу аввало фан-техника тараққиёти, шунингдек ҳозирги жамиятда маънавий хизматларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ. Зиёлилар гуруҳи ўз келиб чиқишига кўра ҳам, ижтимоий мақомига кўра ҳам турли жинслидир. Тегишли равища унинг сиёсий мўлжаллари ҳам ҳар хилдир.

Институтлар. Жамиятнинг ривожланиш жараёни алоҳида муҳим вазифаларни бажарадиган ва аниқ ташкилий тузилмага эга бўлган ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар – институтларнинг тармоқланган тизими яратилиши билан тавсифланади. *Институтлар жамият нормал фаолиятининг зарурӣ омили саналган ижтимоий муҳим фаолиятни амалга оширади.* Бундай институтлар қаторига давлат ва унинг институтлари, партиялар ва ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, диний муассасалар, таълим ва маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш ва санитария хизмати тизимлари, бозор, банклар ва

ҳоказолар киради. Ижтимоий институтлар фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари: оила ва ишлаб чиқариш, товарлар ва пуллар ҳаракати, ишлаб чиқариш, истеъмол ва ҳоказоларга нисбатан татбиқ этилади. Институтлар турли бирликлар ва гурухларнинг манфаатларини мувофиқлаштиришни амалга оширади, уларнинг самарали ўзаро алоқасини таъминлайди, вужудга келган ижтимоий қадриятларни мустаҳкамлайди ва янгиларини яратади.

Худудий гурухлар. Аксарият мамлакатларда худудий гурухларнинг ўзаро муносабатларида жиддий муаммолар юзага келади. Бу маънавий ҳаёт анъаналари ва иқтисодий ривожланиш даражасига кўра фарқ қиласидиган вилоят ва марказ, пойтахт ва чекка ўлка ҳамда йирик минтақаларнинг муносабатлари бўлиши мумкин (масалан, АҚШ ёки Италияда Шимол ва Жануб муносабатлари). Этник ёки диний фарқлар, бир маъмурий бирликнинг бошқа маъмурий бирликларга худудий эътиrozлари худудий гурухлар ўртасидаги зиддиятни кучайтириши мумкин.

Жамият ривожланишига қараб унинг ижтимоий тузилмаси мураккаблашиб боради. Бу микдор ва сифат жиҳатидан ҳар хил ижтимоий гурухларнинг ўзаро алоқаси ва манфаатларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Ижтимоий бирликлар ва гурухларнинг турлари уларнинг ўртасидаги муносабатлар ва ижтимоий алоқалар хусусиятини ҳам белгилайди. Алоқалар узоқ ёки қисқа муддатли, мустаҳкам ёки бўш ва заиф, бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Алоқалар хусусиятининг шаклланишида манфаатлар муҳим рол ўйнайди, уларни мувофиқлаштириш вазифасини эса жамиятнинг маҳсус институтлари, аввало сиёсий тизим ҳал қиласиди.

Форобий фикрича, давлат жамиятнинг таянчидир. У жамиятнинг мукаммалиги ва мукаммал эмаслиги ҳақидаги ғояга таянади. мукаммаллик “...шундай давлат воситасида қўлга киритиладики, у эзгу анъаналар, одамлар ва яхши ахлоқни тарқата олсин” ва жамиятда бу хислатларни барқарор эта олсин. Бундай давлат бўлмаса фозила, эзгу хислатлар одамларда узоқ сақланмайди ва барқарор бўлмайди. Форобий назарда тутган давлат, мустабидликка эмас, балки тикланиш ва фаолиятида ҳалқнинг истак ва иродаси бевосита рол ўйнайдиган давлатдир. Ҳалқ иродасига асосланмаган давлат идеал давлат эмас. Демак, давлат – жамиятнинг таянчи, ҳалқнинг иродаси ва хоҳиши унинг шаклланиши учун шароит яратади.

Хозирги давлатларнинг аксарияти ўз фаолиятини конституцияга мувофиқ амалга оширади. Конституция – сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузум асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини, асосий давлат органларини таркиб топтириши механизми ва уларнинг фаолият тамоилиларини, сайлов тизими асослари ва ҳоказоларни мустаҳкамловчи давлатнинг асосий қонуни. Конституция бошқарув ва давлат қурилиши шаклини белгилайди.

Тарихнинг мазмунини аниқлаш йўлидаги изланишлар. Билимнинг интеграл шакли сифатида фалсафа жамият, тарих ва инсон ҳақидаги муайян-илмий тасаввурларни синтез қиласиди. У гуманитар фанлар – психология, санъатшунослик, семиотика, санъатга мурожаат этади. Тарих фалсафасининг асосий вазифаларидан бири – ўзгарувчан ва мураккаб ижтимоий дунёда ҳаёт мазмунига доир мўлжалларни топиш, инсоният мавжудлигининг ҳар бир муайян даврида унинг олдида турган устувор вазифаларни белгилашдир. Ҳар бир инсон ва кишилик ҳамжамияти ҳаётининг бурилиш даврларида унинг олдида ҳаёт мазмунни нимада деган савол кўндаланг бўлади.

Тарихнинг мазмун ва моҳиятини англаб етиш борасидаги илк уринишларга қадимги файласуфларнинг асарларида дуч келиш мумкин. Уларнинг талқинида тарих олдинма-кетин юз берадиган воқеалар мажмуи сифатида намоён бўлган. Тарих тавсифи анча тўлиқ бўлган, баъзан бўяб кўрсатилган, лекин уларнинг ҳикоятлари тарих ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини бермаган. Бу нарратив тарихдир.(тарихчининг талқини, интерпретацияси) Кейинчалик қадимги файласуфлар тарихни узлуксиз тақрорланиб турадиган жараёнлар, «абадий ортга қайтиш» (Ф.Ницше) сифатида тасаввур қилганлар.

Диний анъана тарихнинг бутунлай бошқача талқинини таклиф қилди. Ўрта асрларда илоҳий тақдир асосий тарихий куч сифатида эътироф этилди. Тарихий воқеаларнинг ички мантиқи алоҳида мазмун касб этди: Худо нафақат тарихий жараённи бошқаради, балки

адашган инсониятга гуноҳлардан фориғ бўлиш, жаннатдаги боқий ҳаётга эришиш йўлини кўрсатади. Аврелий Августин ўзининг «Илохий шаҳар ҳақида» асарида боқийлик ва муваққатлик, илохийлик ва дунёвийликнинг бирлиги тўғрисида сўз юритади. Унинг фикрича, Исо Масих инсониятга боқийлик сари йўл кўрсатган. Тарихнинг мазмуни – боқийликка элтувчи йўлдан боришда, инсон ҳаётининг мазмуни эса – Худога хизмат қилиш, гуноҳлардан фориғ бўлишдадир.

Ибн Халдун “Муқаддима” асарида тарихнинг мазмуни ҳақида мулоҳаза юритар экан,”Бу фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси, қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя этувчи ташқи томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг тарихи ва янги фикрларни қашф этиши мумкин бўлган ички томонидир. Тарих Оlam асослари сабабиятини аниқ излайдиган фан. Бу воқеалар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги чуқур илм”¹⁹ деб таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, Ибн Халдун тарихни фалсафий илдизга эга бўлган муносиб фалсафий фан деб хисоблайди. Ибн Халдун тарихнинг харакатида объективлашувнинг инсон устидан ҳукмини камайтирадиган, унинг эркинлиги ва ижодининг тантанасини қарор топтирадиган жараёнларни аниқлашга ҳаракат қиласди.

Тарихда мазмуннинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввур, шунингдек Ўрта асрлар фалсафаси илк бор таърифлаб берган инсониятнинг тараққиёти ғояси анча яшовчан бўлиб чиқди: у турли йўналиш ва оқимларга мансуб файласуфлар томонидан муайян фалсафий таълимотлар нуқтаи назаридан у ёки бу тарзда талқин қилинган. Масалан, Маърифат даврида барча тарихий воқеаларга оқилоналиқ мезонига мувофиқ баҳо берилган. Мазкур концепция энг мукаммал кўринишда Д. Диdro ташабbusi билан яратилган «Энциклопедия»нинг фаол иштирокчиларидан бири, француз маърифатчisi Николай Кондорсе асарида ўз аксини топган. У ўзининг «Инсон тафаккури тараққиётининг тарихий манзарасига чизги» деб номланган рисоласида кишилик жамиятининг барча жабҳаларига тафаккурнинг кириши ғоясини мазкур жамият ривожланишининг узоқ истиқболи сифатида асослашга ҳаракат қиласди.

Тафаккурнинг тантанаси ғояси инсоният тарихининг мазмуни сифатида Гегель томонидан ҳам асосланган. У тарихга мутлақ рух, оламий Ақл тараққиёти сифатида ёндашган. Гегель фикрига кўра, мазкур тараққиёт ўзининг алоҳида вазифасини адо этиши лозим бўлган айrim ҳалқлар руҳи орқали амалга ошади. Унинг фикрича, тарихий жараён «ақлга мувофиқ», яъни тасодифлардан ёки айrim шахсларнинг ўзбошимчалигидан қатъий назар ўзига йўл очадиган объектив қонуниятлар билан белгиланади. Тарихнинг мазмуни мутлақ рух ўзини ўзи англаб етишидадир²⁰, деб қайд этади Гегель.

Тарихнинг мазмунини аниқлаш борасидаги кейинги изланишлар амалда муайян идеал тажассуми сифатидаги тарихнинг мазмуни ҳақидаги тезиснинг кўринишлари ҳисобланади. Идеалнинг мазмуни ҳар хил, ҳатто қарама-карши бўлиши мумкин: технократик иллюзиялар, оммавий истеъмол жамияти идеали, ахборот жамияти идеали, хусусий мулк ва эксплуатациясиз умумий тенглик жамияти ва ҳ.к. Тарихнинг мазмунини аниқлаш йўлидаги изланиш ранг-баранг эканлигига қарамай, унинг ҳар бир талқини аҳоли муайян қисмининг орзу-умидларига мосдир. Тарихнинг мазмуни тушунчасининг энг теран талқинларини XX аср файласуфлари –К.Ясперс таклиф қилган . У жаҳон тарихининг мазмунини даврларнинг умуминсоний алоқаларга асосланадиган мазмун жиҳатидан боғланишида кўради. Мазкур боғланишнинг мавжудлигини тарихнинг мазмунини акс эттирадиган дунёвий вақт ўки кафолатлади. У Шарқ ва Farb маданиятларининг умумий асоси ҳисобланади. Ясперс жаҳон тарихида тилларнинг вужудга келиши, меҳнат қуроллари ихтиро қилиниши, оловдан фойдаланишга киришилиши каби тўрт босқичини фарқлади: вақт ўқининг бошланиши Хиндистон, Хитой, Юнонистон ,Марказий Осиё, Эрон буюк маданиятлари деярли бир вақтда вужудга келган милоддан аввалги 800 ва 200 йиллар оралиғидаги даврга мос келади. Европада фан-техника даврининг бошланиши мазкур маданиятларнинг давоми (маълум маънода эса уларнинг зидди) бўлган. Тўртинчи босқичда инсониятнинг бирлиги вужудга келади. Бу даврда жамият инсонга муносиб бўлган асослар ва тамойилларга мувофиқ

¹⁹ Ибн Халдун. Пролог. -М.: Алтейя, 1992. –С.3-4.

²⁰ Гегель Г. Наука логика. -М.: Наука, 1994. –С.89.

ривожланади. Тоталитаризмдан бутунлай воз кечишга асосланган ҳуқуқий давлат мазкур бирликнинг кафили ҳисобланади. Тарихнинг мазмуни – умуминсоний маданиятни ва вақтўқининг аввалида шаклланган анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришдадир.

Бугунги кунда жамиятнинг глобаллашуви муносабати билан тарихнинг мазмуни ҳақидаги масала яна кун тартибидан ўрин олмоқда. Замонлар ва халқлар алоқасини, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни қарор топтирадиган, аждодларнинг маънавий меросини сақлаш ва кўпайтиришни, ҳозирги авлодларнинг эркинлиги ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қадриятлар тизимиға қараб мўлжал олувчи ғоялар яна муҳим аҳамият касб этмоқда.

XX асрда М.Вебер илгари сурган тарихий жараённинг teng ҳуқуқли омиллари таъсири ҳақидаги ғояси асослаб берилди. Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги бир қанча назариялари техника, саноат, ахборот тизимлари, коммуникация, глобаллашув каби омилларни биринчи ўринга қўядилар.

Ислом Каримов (1938) тарих фалсафасини тарихий хотира билан уйғун ҳолда кўради. Унинг фикрича “Инсон учун тархидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”²¹. Фикрининг давомида у тарихий хотираси бор инсон иродали инсон, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, деб таъкидлайди. Бунинг учун ҳар бир миллат ўзининг тарихий илдизларига назар солиши, у ёки бу мафкура таъсирида хаш-пўшланган тарихий хотирани ўз ҳолича қайта тиклашга ҳаракат қилиши лозим. “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугланган миллатнинг келажаги йўқ”²². Шундагина миллат, халқ ўз-ўзини англайди. Тарихчилар миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан тарих халқ маънавиятининг асосидир.

Нарзулла Жўраев (1952) фикрича, замон ўтган сари инсоният тафаккури кенгайиб, ижтимоий фанлар тараққий топиб бориши натижасида тарих фалсафаси атрофидаги мулоҳазалар кенгаяди. Унинг предмети ва обьектига аниқлик киритилади. Шу илмий ҳақиқатдан келиб чиқиб, Н.Жўраев ҳозирги замон тарих фалсафасининг қўйидаги вазифаларини белгилайди:

- инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларини, уларнинг манбалари ва моҳиятини ўрганиш;

- инсоният тарихини, жумладан, миллий тарихни ҳам ҳозиргача таъсирини ўтказиб келаётган коммунистик мафкура асосидаги илмий методологияда мавжуд бўлган тамойиллардан воз кечиб, миллий истиқтол ғояси асосида ўрганиш ва даврлаштириш муаммосини ҳал этиш;

- цивилизациялар ва маданиятлар юзага келишининг яхлит тизимини ишлаб чиқиши, улар инқирози сабабларини чукур таҳлил этиш;

- тарихий жараённинг умумий шаклини таҳлил этиш, уларни ўтмиш, бугун, келажак тизимида мантиқан ўрганиш ҳамда инсоният истиқболи ҳақида тасаввурларга аниқлик киритиши;

- тарихий тараққиёт омилларини диний ва дунёвий қонунлар нуқтаи назаридан ўрганиш, назарий жиҳатдан бақувват илмий ва амалий асосланган хулосаларни ишлаб чиқиши;

- қадриятлар тизимини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва баҳолаш;

- инсоният тарихида тўпланган моддий, маънавий ва маданий қадриятларнинг тарихий таҳлили орқали мантиқий ва фалсафий асосларини ўрганиш;

- тарихни англашнинг янги йўналишларини ҳозирги замон фалсафий тафаккур мезонлари асосида белгилаш ҳамда унга таянган ҳолда ижтимоий тараққиёт мақсадларини аниқлаш орқали, тарихнинг мураббийлик ролини ошириш;

²¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998.-Б.10

²² Каримов И. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –Б. 4.

- яхлит инсоният тараққиёти омилларини ва манбаларини ўрганиш, шу асосда жаҳон тарихий тараққиёт истиқболларини белгилаш;

- тарих фани предмети ва методологиясини ҳозирги замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиши ҳамда тарихни тадқиқ этишнинг турли йўналишларини, жумладан, сиёсий тарих, иқтисодий тарих, дин тарихи, санъат тарихи, этногенезис ва бошқа йўналишлар билан муштарак ҳолда комплекс тадқиқотларни олиб бориш орқали, инсон, инсоният ва унинг тарих яхлит моҳиятини очиб бериш²³. Ана шу вазифаларни ҳал этишда тарих фалсафаси ва тарих фанининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Унинг фикрича, бир қарашда тарих фалсафаси ва тарих фани бир-биридан айри йўналишдек кўринади. Зотан, реал жараёнга, реал вокеликка, инсоният тарихида қайсиdir ҳодисага тарихчи тарих кўзи билан қараса, файласуф файласуф кўзи билан қарайди. Аслида ҳар икки қарашлар замирида инсон тақдири, тафаккур тарзи ва манфаатлар устуворлиги ётадики, бу инсон феномени ва ҳаёт фалсафасининг мантиғидир.

Тарих фалсафасининг предмети, тузилиши ва функциялари. «Тарих фалсафаси» нима ва унинг предмети нимадан иборат? Бу саволга жавоб берар эканмиз, тарих фалсафаси тушунчасига «Фалсафий қомусий лугат» муаллифлари берган таърифни келтириш ўринли бўллади деб ўйлаймиз: «Тарих фалсафаси – фалсафанинг тарихий жараённи ва тарихий билишни талқин қилиш билан боғлиқ бўлган бўлими»²⁴. Шундай қилиб, тарих фалсафаси фалсафанинг таркибий қисми ҳисобланади. Тарих фалсафасининг предмети эса тарихий жараён ва тарихий билишни талқин қилиш, уларнинг мазмунини ёритиб беришдан иборат. Аммо бу тарих фалсафасини тавсифлашга нисбатан бирдан-бир ёндашув эмас, чунки тарихий ривожланиш жараёнида тарих фалсафасининг предмети ва муаммолари сезиларли даражада ўзгарган ва ҳозирги замонда тарих фалсафасининг турли йўналишлари томонидан ҳар хил талқин қилинади.

Масалан, антик давр тарихчилари ва файласуфлари (Геродот, Платон, Фукидид, Аристотель, Плутарх ва б.)нинг тадқиқотлари ўтган ва ҳозирги замон кишиларининг қилмишлари, табиат ва инсоннинг ўзаро алоқаси ҳақида маълумотлар йиғищдан, яъни тарихий далилларни уларни назарий жиҳатдан англаб етмасдан ва ягона фалсафий-тарихий тизимга солмасдан тавсифлаш ва ўрганишдан иборат бўлган.

Ўрта асрларда (Августин ва б.) тарих фалсафасининг предмети сифатида аввало Худо ва инсоннинг ўзаро алоқаси муаммоси, ҳаракатлантирувчи кучи илоҳий ваҳий саналган тарихий жараённинг мазмунини аниқлаш, тарихий асарларнинг моҳияти ва вазифасини ўрганиш амал қилган.

Шарқда тарих фалсафасининг (А.Беруний, Ибн Халдун, А.Б.Нархаший, Р.Ҳамадоний) предмети сифатида жаҳон тарихи, умумий тарихий тараққиёт қоидалари, йўналиш ва омилларини белгиловчи кишилик жамиятининг ўзига хос даврийлик назарияси алоҳида ўрин тутади. “Одамлар каби давлат ҳам ўзининг ҳаётий даврига эга”²⁵. Беруний тарихни ўрганиш таҳлил қилиш ва сўнг хulosалар чиқариш зарулигини тавсия қилар экан, уни даврларга бўлиш, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва ана шу усул орқали ижтимоий ҳаётга, кишилик жамиятига тегишли ва асосли баҳо бериш мумкин деб ҳисоблайди.

Уйғониш даврида ва Янги даврда (Никколо Макиавелли, Жамбаттиста Вико, Фрэнсис Бэкон, Томас Гоббс ва б.) тарихнинг мақсади, йўналишини, шунингдек тарихий жараёнда инсоннинг, синфларнинг ролини аниқлаш (Огюстен Тьери, Франсуа Гизо, Огюст Минье) тарих фалсафасининг предметига айланган. Янги даврда «тарих фалсафаси» атамаси ҳам пайдо бўлган, уни илк бор 1765 йилда тарихчи тарихий воқеаларни шунчаки тавсифлабгина қолмасдан, балки тарихий жараённи фалсафий жиҳатдан англаб етишига ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблаган француз маърифатчиси Вольтер ишлатган. Кейинчалик тарихий жараённинг умумий қонуниятлари ва диалектикасини аниқлаш йўлида изланишлар олиб бориш Георг Гегель ҳамда диалектик материализм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс учун тарих фалсафасининг асосий предметига айланган.

²³ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Т.: Маънавият, 2008. -Б.186.

²⁴ Философский энциклопедический словарь. – М.: Современный литератор, 1989. – 700 б.

²⁵ Қаранг. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан.-Т.: Маънавият, 2003. –Б.256

XIX аср охири – XX аср бошида тарих фалсафасининг кўпгина янги йўналишлари вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз тадқиқот предметига эга бўлган. Масалан, тарихнинг айланма ҳаракати назарияси намояндалари (Николай Данилевский, Освальд Шпенглер, Арнольд Тойнби), ўз ўтмишдошлари каби, ўз олдига тарихий жараён қонуниятларини аниқлаш вазифасини қўйган. Христиан тарих фалсафасининг кўп сонли йўналишлари: неотомизм (Жак Маритен, Этьен Анри Жильсон ва б.), неоавгустизм (Морис Блондель, Габриель Марсель, Жан Лакруа), тейядризм (Пьер Тейяр де Шарден) ва қисман экзистенциализм (Карл Ясперс) намояндалари тарихнинг мазмуни муаммосини бош муаммо деб ҳисоблаганлар. Тарихий билиш гносеологик назарияси ва танқиди намояндалари (Вильгельм Дильтей, Бенедетто Кроче) эса тарихшунослик (историография) доираси билангира чекланиб қолмаганлар, балки сўзнинг кенг маъносидаги тарихий онгни ҳам таҳлил қилганлар. Неокантчилик тарих фалсафаси (Вильгельм Виндельбанд, Генрих Риккерт) ва «аналитик» тарих фалсафаси (Эрнест Нагель, Карл Гемпель ва б.) ҳам ўзининг алоҳида предметига эга. XX аср тарих фалсафаси аксарият ҳозирги йўналишларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг предмети сифатида жаҳон тарихи, ҳозирги цивилизациянинг глобал муаммолари амал қиласди.

Бу муҳтасар шарҳдан кўриниб турганидек, турли фалсафий-тарихий мактабларда тадқиқот предмети муаммосига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Айни ҳол аввало шу билан боғлиқки, тарихий воқеликнинг моҳияти турли тадқиқотчилар томонидан ҳар хил тушунилиши ўз-ўзидан тарихий жараённинг, яъни «тарих фалсафаси»нинг кўп сонли фалсафий талқинларини вужудга келтиради. Аммо мазкур ёндашувларни умумлаштириш тарих фалсафаси – бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек уни билиш методларини асословчи бўлимни, деган холосага келиш имконини беради.

Тарих фалсафаси предметининг умумий тавсифи унинг тузилиши ва функцияларини ўрганишга ўтиш имконини беради.

Тарих фалсафаси онтологияси – бу тарих фалсафасининг тарихий борлиқ муаммолари, чунонча: тарихнинг мазмуни ва йўналиши, ижтимоий тараққиёт, ижтимоий детерминизм, ягона тарихий маконнинг вужудга келиши, жаҳон тарихининг ягоналиги асосларини, инсоннинг коинотдаги ўрнини аниқлаши, тарихий вақт масаласи ва ҳоказоларни ўрганиш билан шуғулланувчи таркибий қисми. Мазкур бўлимда жамиятнинг ривожланиш мантигини, унинг турли томонлари ўртасидаги алоқалар ва ўзаро боғланишларни ўрганиш ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Тарих фалсафаси гносеологияси асосий эътиборни тарихий билиши муаммоларига, тарихий фактлар ва воқеаларни ўрганиши, таҳлил қилиши ва тушунтириши, тарихий билимнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаши, шунингдек тарихий билишида ҳақиқатнинг тагига етишига қаратади.

Тарих фалсафаси тарихи тарих фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланиши, тарих фалсафаси предметининг шакланиши муаммоларини, тарих фалсафасининг турли йўналишлар ва оқимлар вужудга келишига сабаб бўлган ички дифференциацияланиши жараёнини ўрганади. Тарих фалсафаси мазкур бўлимнинг муҳим муаммолари қаторига тарихий жараённи даврийлаштириш, бошқа ижтимоий фанлар орасида тарих фалсафасининг ўрнини аниқлаш масалалари ҳам киради.

Тарих фалсафаси антропологияси инсоннинг тарихий жараёндаги ўрнини, бу жараёнда тарих субъектларининг ролини аниқлайди ва «Тарихни ким ҳаракатга келтиради?», деган саволга жавоб беради. Одатда, тарих фалсафасининг турли йўналишлари тарихий жараён субъектлари қаторига ҳалқ, миллат, омма, оломон, ижтимоий синклар ва атоқли шахсларни киритади ва қўйилган саволга ҳар хил жавоб беради.

Тарих фалсафасининг функциялари. Тарих фалсафасининг функциялари тўғрисидаги масалани ҳал қиласдан унинг предмети ва ўзига хос жиҳатларини тўла англаб етиш мумкин эмас. Тарих фалсафаси фалсафанинг таркибий қисми эканлигига асосланаб, тарих фалсафасининг функциялари умуман фалсафанинг функциялари билан асосан бир хил, деб тахмин қилиш мумкин. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик керакки, тарих фалсафаси ўз

алоҳида объекти, предмети, методлари, тадқиқот мақсадлари ва вазифаларига эга ва бу унинг муайян хусусиятлари мавжудлигидан далолат беради. Қуйида уларни кўриб чиқамиз

Тарих фалсафасининг дунёқарашга доир функцияси шундан иборатки, у инсонда тарихга, яъни жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши, тарихий жараённинг ягоналиги ва ранг-баранглигига, унинг мазмуни ва йўналишига, инсоннинг ундаги ўрни, ролига ва ҳоказоларга нисбатан умумий муносабатни шакллантиради.

Тарих фалсафасининг назарий функцияси шундан иборатки, у тарихий жараённи теран англаб этиш ва у ҳақда назария, яъни тарихий жараённинг мавжудлиги, мазмуни, ривожланиш йўналиши ҳақидаги қарашлар тизими даражасида хulosса чиқариш имконини беради. Тарих фалсафасининг мазкур функцияси тарихий ўтмишни назарий даражада реконструкция қилишни амалга ошириш, тарихий далиллар ва воқеаларнинг ҳаққонийлик даражасини аниқлаш учун имконият яратади.

Тарих фалсафасининг методологик функцияси унинг қоидаларини тарихий ўтмишнинг у ёки бу ижтимоий фанлар доирасида ўрганилувчи айрим ҳодисалари ва воқеаларини ўрганиш жараёнида амалга татбиқ этиш имкониятидан иборат. Бу ҳолда тарих фалсафасининг қоидалари ва хulosалари тарих, социология, иқтисод, сиёсатшунослик, хукуқ фалсафаси, психология ва бошқа фанлар соҳасида амалга оширилувчи тадқиқотларда қудратли методологик восита ролини ўйнайди.

Тарих фалсафасининг прогностик функцияси шундан иборатки, тарихий жараён қонуниятларини билиш жамият, унинг айрим кичик тизимларининг ривожланиш тенденцияларини, тарих воқеалари, кишилар фаолиятининг яқин ва узоқ келажакдаги оқибатларини башорат қилишга ёрдам беради. Бундай башорат негизида у ёки бу ижтимоий ҳодисалар ва умуман жамиятнинг ривожланишини прогноз қилиш мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, тарих фалсафасининг кўриб чиқилган функциялари бир-бiri билан узвий боғлиқ ва бир-бiriiga ўтади. Уларнинг ҳар бири қолганларини назарда тутади ва уларни ўз таркибига у ёки бу тарзда киритади.

Хulosалар. *Тарих фалсафаси* – бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириши билан шугулланувчи, шунингдек уни билиш методларини асословчи бўлми. Қуйидагилар тарих фалсафасининг таркибий қисмлари ҳисобланади: тарих фалсафаси онтологияси, тарих фалсафаси гносеологияси, тарих фалсафаси тарихи, тарих фалсафаси антропологияси. Тарих фалсафасининг дунёқарашга доир, назарий, методологик ва прогностик функциялари фарқланади.

Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари орасида гносеологик йўналиш (танқидий тарих фалсафаси), онтологик концепция, аксиологик концепция, тарихнинг технократик концепциялари алоҳида ўрин эгаллади.

Формацион ва цивилизацион ёндашувлар тарихий жараён йўналишини айниқса, тўлиқ ва теран акс эттиради. Айрим тадқиқотчилар кўрсатилган ёндашувларга мувофиқ монадага доир ёндашувни тахмин қиласидилар.

Такрорлаши учун саволлар

- 1.Фалсафа тарихида жамият ҳақида мутафаккирларнинг қарашлари.
- 2.Жамият тушунчасининг моҳияти ва мазмуни.
- 3.Жамият ва цивилизация.
- 4.Жамият ва маданият.

8-МАВЗУ. ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯ

(Инсон фалсафаси).

РЕЖА:

- 1. Инсон фалсафий муаммо сифатида.**
- 2. Фалсафа тарихида инсон муаммоси.**
- 3. Инсонга фалсафа нуқтаи назаридан ёндашув.**
- 4. Фалсафий антропологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши.**
- 5. Инсоннинг биоижтимоий моҳияти.**

Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсонга мурожаат этмаган, инсон моддий ва маънавий борлиғининг турли томонларини бевосита ёки билвосита таҳлил қилмаган файласуф ёки фалсафий йўналишни топиш деярли мумкин эмас. Аксарият фалсафий ва диний тизимлар катта олам ёки макрокосмга зид ўлароқ, инсонга микрокосм ёки кичик Коинот сифатида қараб, уни бутун оламни тушуниш қалити деб ҳисоблаганлар. Файласуфлар инсон сирининг тагига етиш борлиқ жумбогининг тагига етиш билан баробар эканлигини қайта-қайта англаб етганлар. Зеро Форобий айтганидек –”Одамлар ўзларининг хос хусусиятларига ва табиий эҳтиёжларига кўра жамият тузадилар. Уларнинг ҳаракат ва феълларини даставвал бора-бора одатларга айланадиган табиий қобилиятлар белгилайди”²⁶. Ўз-ўзингни англа ва шу орқали дунёни англайсан. Дунёни инсоннинг теран қатламларига кирмасдан сиртдан билишга бўлган барча уринишлар нарсалар ҳақида фақат юзаки тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Инсондан сиртга қараб юрадиган бўлсак, нарсалар моҳиятини ҳеч англай олмаймиз, зеро бу моҳият инсоннинг ўзида мужассамлашган.

Бу фикр қадимги мутафаккирларга ёк яхши маълум бўлган. Унга турли кўринишларда Шарқда ҳам, юонон-рим фалсафий анъанасида ҳам дуч келиш мумкин. Хусусан, антик даврда Дельфидаги Аполлон ибодатхонасида кираверишда устунга ўйиб ёзилган, ривоятларга караганда Сукрот такрорлашни яхши кўрган «Ўз-ўзингни англа», деган ибора айниқса машҳур бўлган. Ажабланарлиси шундаки, орадан икки ярим минг йил вақт ўтгач, ҳозир ҳам бу фикр ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У нафақат нарсалар дунёсини, балки инсон борлиғининг моҳиятини, инсон ва ижтимоий муносабатларнинг асл табиатини тушунишга ҳаракат қилаётган ҳар бир одам учун ўз-ўзини англашга чорловчи фикр бўлиб қолмоқда. Буни фақат шу билан изоҳлаш мумкинки, айни ҳолда ҳар бир янги авлод ўз даври ҳамда табиий-илмий ва фалсафий тасаввурларнинг тегишли даражаси нуқтаи назаридан ечишга ҳаракат қиласидан ўта мураккаб, «боқий» фалсафий масалалардан бири тўғрисида сўз юритилади.

Тарихга бошқа кўп сонли иборалар ҳам маълум бўлиб, улар вақт, маданият ва диний эътиқоддан қатъий назар, “инсон” барча даврларда бутун дунё мутафаккирларининг дикқат марказида бўлгани ва ҳозир ҳам шундай эканлиги, таянч нуқтаси ва ҳатто билиш мезони бўлиб хизмат қилишидан далолат беради. Хусусан, қадимги хитой файласуфи Лао Цзи фикрига кўра, «бошқаларни билувчи – оқил, ўзини билувчи – донишманнадир». Протагорнинг: «Инсон барча нарсалар мезонидир», деган фикри ҳам жуда машҳур. «Тангри салтанати бизнинг ичимиздадир», деб ўргатган Исо Масих. Буддавийларнинг: «Ўзлигинга назар ташла, сен Буддасан», деган чорлови ҳам юқоридаги фикр билан ҳамоҳангдир. Исломда «Кимки ўзини билса, у ўз Аллоҳни ҳам билгайдир», дейилади.

Демак, инсон ўзини дунёдан олдинроқ ва кўпроқ билади, айни шу сабабли у дунёни ўзидан кейин ва ўзи орқали англаб етади. **Фалсафа дунёни инсон орқали ичдан билишидир, фан эса инсондан ташқаридағи дунёни юзаки билиши демакдир. Инсонда мутлақ борлиқ, инсондан ташқарида эса – нисбий борлиқ намоён бўлади.**

Фалсафа тарихида инсон муаммоси. Антик даврдан бошлаб инсонга бўлган қизиқиши дам кучайиб, дам маълум вақт пасайиб турган, лекин ҳеч қаҷон йўқолмаган. «Инсон нима?», деган савол бугунги кунда ҳам аввалгидек жаҳон фалсафасидаги ўта муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда, инсониятнинг энг ўтқир ақл-заковат соҳиблари

²⁶ Ал-Фаробий Философия политики. – М.: 1989. – С.529.

эътиборидан тушмай ва айни вақтда ўзининг узил-кесил, умумий эътироф этилган ечимини топмай келмоқда.

Инсон ҳар сафар мутафаккирлар диққат марказидан ўрин олар экан, унинг моҳиятини янги тарихий шароитда ва янгича нуқтаи назардан англаб етишга ҳаракат қилиб, уни қайта ва қайта янгидан кашф этганлар. Пировардида, фалсафа фанида инсондан мураккаброқ ва зиддиятлироқ предмет йўқ, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Инсон барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос, бетакрор ва баркамол мавжудот – чексиз микрокосм сифатида ҳам, инсон табиатининг норасолиги ва бузуқлиги туфайли ҳалокатга маҳкум бўлган табиат хатоси сифатида ҳам, Худо яратган банда сифатида ҳам, бошқа одамлар фаолиятининг маҳсули сифатида ҳам талқин қилинади. Хусусан, Шарқ мутафаккири А.Беруний жаҳон фанида биринчи марта инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатларни дунёвий фан нуқтаи назаридан ўрганади. У “одамлар тузилишининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина наслабарининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалиги ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли ҳохишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан бу иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва тақрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган”²⁷, деб ҳисоблади. Демак, Беруний фикрича, инсоннинг феъл-атвори ва маънавий қарашлари сурати ва сийрати бевосита табиий мухит таъсирида шаклланади. Зоро, айнан шу табиий мухит, географик шароит ҳалқлар, миллатлар шаклланишининг мухим асоси бўла олади. “Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эгадир. Инсоннинг танаси бир-бирига қарамакарши қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашган”²⁸. Беруний фикрича, ҳамма одамларда ўзаро бир-бирига ўхшаш ва айни пайтда фарқ қилиб турадиган жиҳатлар мавжуд. Ибн Сино, “Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ килади. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди”²⁹, деб ҳисоблади. Форобий фикрича, инсон ўз табиатига кўра ҳаётини тартибга келтириш, мустахкамлаш ва такомиллаштириш учун бошқа инсонларга мухтоҷ бўлади. Якка ҳолда ҳеч ким бунниг уддасидан чиқа олмайди. “Инсон шундай маҳлукотки, у фақат жамиятда ўз эҳтиёжларини қондириши ва олий маънавий даражага кўтарилиши мумкин”³⁰. Инсон ўз ҳаётининг меъмори, ижодкори бўлмоғи, ўзида фозила хислатлар, истеъододларни тарбиялаши лозим. Бунга эса у жамиятда яшаб фаолият кўрсатгандагина эришади. Инсон ижтимоий мавжудод. Ёлғизлик узлат уни қашшоқлаштиради, инсоний қиёфасини ва баҳтга олиб борадиган истеъододини йўқотади. Ибн Халдун, инсонга ижтимоий воқелик сифатида қарайди. Ундан ижтимоий моҳият излайди. Инсон жонзот сифатида эзгулик ва ёвузлик оламидир. Шунга кўра, у умрининг ҳар дақиқасида ёвузликдан кўра эзгуликка, ёмонликдан кўра яхшиликка, нафратдан кўра муҳаббатга интилиб яшашга маҳкум этилган ақл соҳиби, бебаҳо неъматдир.

Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир, деган фикр инсонга механистик нуқтаи назардан ёндашган Маърифат даври мутафаккирлари, хусусан «Инсон-машина» деб номланган асар муаллифи француз Ж.Ламетри (1709-1751) илгари сурган ғоялар билан тўқнашади.

Бошқа бир машҳур француз файласуфи – Р.Декарт (1596-1650) асарларида инсон моҳияти масаласига нисбатан бутунлай ўзгача ёндашувга дуч келамиз. У «инсон фикрловчи нарсадир», деб ҳисоблади.

Атоқли француз файласуфи ва теологи П.Т. де Шарден (1881-1955). «Инсон, у узоқ вақт ўйлаганидек, дунёнинг статик маркази эмас, балки эволюциянинг ўзига ва чўққиси бўлиб, бу анча гўзалроқдир»³¹, деб қайд этади

²⁷ Беруний А. Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: Фан, 1968.-Б.16-17.

²⁸ Қаранг: Ирисов А. Абу Райхон Беруний ҳикматлари. -Т.: Ёш гвардия, 1973. –Б.40-43

²⁹ Ибн Сина. Дошишнома. – Т.: Фан, 1976.-С..59

³⁰ Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. –Б.69

³¹ Тейяр де Шарден П. Феномен человека. -М.: 1987.-С.40

Унга зид ўлароқ, А.Шопенгауэр (1788-1860) инсон нұқсонли мавжудот эканлигини таъкидлайды, уни «табиат халтураси» деб атайды.

Француз ёзувчisi ва файласуфи Ж.П.Сартр (1905-1980) бу фикрни бутунлай рад этади. Унинг фикрича, инсон келажакка қараб интилади ва шу тариқа ўзини ўзи яратади. У «Инсон – одамзот келажагидир», деб таъкидлайды.

Шундай қилиб, фалсафанинг икки ярим минг йиллик тарихи мобайнида инсонга жуда күп таърифлар ва тавсифлар берилди, у күп сонли синонимлар орттириди, фалсафий таҳлилнинг бошқа бирон-бир обьектида бундай ҳолга дуч келиш мушкул. Зоро, фалсафа тарихида инсон:

- «ақлли мавжудот»;
- «сиёсий ҳайвон»;
- «табиат гултожи»;
- «ҳаётнинг боши берк қўчаси»;
- «ҳаётнинг сохта қадами»;
- «мехнат қуроллари ясовчи ҳайвон»;
- «ўзликни англаш қобилиятига эга мавжудот»;
- «маънавий ва эркин мавжудот» ва ҳоказолар сифатида талқин

килинган.

Фикрларнинг бундай ранг-баранглиги сабабини, аввало, инсоннинг ўз табиатидан излаш лозим. Инсон табиатининг сири «боқий муаммолар»дан бири бўлиб, фалсафа ўз предметининг моҳияти ва хусусиятига кўра унга қайта-қайта мурожаат этган ва шундай бўлиб қолади. Бу ерда мазкур соҳадаги барча фикр-мулоҳазаларга мўлжал берувчи инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги масала айниқса муҳим аҳамият касб этади. Инсон қаердан ва қандай пайдо бўлгани ҳақидаги кўп сонли ғоялар орасидан энг муҳимларини ажратиб олсак, уларнинг барчасини маълум даражада шартлилил билан икки асосий концепция – инсоннинг табиий ва гайритабиий келиб чиқиши ҳақидаги концепциялар доирасида бирлаштириши мумкин.

Инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги биринчи табиий ёндашув инсоннинг пайдо бўлишига олиб келган табиатнинг қонуний ривожланиши гоясидан келиб чиқади. Бунда инсон жонсиз, кейинчалик эса – жонли модданинг табиий эволюцияси маҳсули сифатида қаралади. Мазкур концепция 1859 йилда инсон келиб чиқшининг табиий-илмий талқинига асос бўлган Ч.Дарвиннинг «Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақида» деб номланган машҳур асарини эълон қилган эволюцион назариясига таянади ва ҳозирги вақтда молекуляр биология ва ген инженерияси соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар таъсирида ўз шакл-шамойилини сезиларли даражада ўзгартириб, аксарият олимлар учун уларнинг илмий фаолиятида ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инсонда нафақат ўта ривожланган тирик жонзотлар, балки ўта содда мавжудотлар билан ҳам кучли генетик ӯхшашлик мавжуд. Хусусан, шимпанзе билан бундай ӯхшашлик 98% ни, каламуш билан – 80% ни ва ҳатто банан билан ӯхшашлик – 50% ни ташкил этади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, «табиий» ёндашув тарафдорлари инсон келиб чиқшининг дунёвий концепциясига ҳам (масалан, дарвинчилар билан боғлиқ ҳолда бўлганидек), космик концепциясига ҳам таянишлари мумкин.

Иккинчи ёндашув инсонга, Худо ёки космик Ақл меҳнатининг маҳсули сифатида қараб, уни гайритабиий асосдан келтириб чиқаради. Гарчи бу концепция исботланганлик жиҳатидан биринчи таълимотга ҳозирги замон табиатшунослиги нұқтаи назаридан ён берсада, лекин фалсафий нұқтаи назардан у инсоннинг табиий-илмий келиб чиқиши концепцияси каби мавжудлик хуқуқига эгадир, зоро биринчи ёндашув ҳам, иккинчи ёндашув ҳам оқилона асосланган ва узил-кесил далил-исботлар келтирмайди.

Инсонга фалсафа нұқтаи назаридан ёндашув. Биз инсонга нисбатан соф фалсафий ёндашувга хали қайтамиз ва фалсафа инсон билан қанча шуғулланмасин, у ҳақда ҳамма нарсаны билиши ва мазкур билимни узил-кесил ва энг сўнгти ҳақиқат деб ҳисоблаши мумкин эмаслигини кўрсатиб берамиз. Ҳозир эса шуни қайд этишни истар эдикки, ўзи ҳақида ва

ўзини қуршаган дунё ҳақида инсон фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин мулоҳаза юрита бошлаган. Аммо кейинчалик, «доноликка мухаббат» пайдо бўлгач ҳам, инсон мавзуси фалсафанинг диққат марказидан дарҳол ўрин олгани йўқ.

Инсонни қуршаган табиат ҳақида билимлар тўпланиши ва уларнинг ривожланишига қараб, одамзотнинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ҳам кучайиб борди, инсон борлигининг бу соҳадаги тадқиқотлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратувчи янги ва янги ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Одатда, жамият ҳаётида тарихан қисқа вакт ичиди жиддий ва теран ўзгаришлар юз берган, инсоний муносабатлар негизини ташкил этувчи эскича тасаввурлар ва қарашлар таъсирида бутунлай ўзгарган даврларда инсонга бўлган фалсафий қизиқиши айниқса кучайган. Бундай даврларда фалсафада инсоннинг моҳияти, унинг бурчи, вазифаси ва юз бераётган воқеалар учун жавобгарлиги ҳақидаги азалий масалаларга бўлган қизиқиши яна кучайган. Шундай қилиб, фалсафанинг онтология, гносеология, этика, эстетика каби бўлимлари билан бир қаторда, инсон ҳақидаги билимлар соҳаси антропология аста-секин шаклланиб борди. Бу ерда инсон нафақат турли томонлардан таҳлил қилинди, балки унинг ижтимоий, табиий ва космик жараёнлар билан ўзаро алоқалари ҳам ўрганилди.

Хўш, билимнинг бу соҳасида асрлар мобайнида қандай ижобий билимлар тўпланган? Инсонни тушуниш борасида тараққиётта эришилдими? Фалсафа ва фан соҳасида эришилган инсоннинг моҳиятини тавсифловчи, унинг мухим хусусиятларини ёритиб берувчи қандай шак-шубҳасиз ютуқларни қайд этиш мумкин?

Инсонни билиш борасидаги кўп асрлик саъй-ҳаракатларни бир ерга жамлаб, уларнинг орасидан узил-кесил ечилган деб ҳисоблаш мумкин бўлганларини ажратиб олсак, шак-шубҳасиз ютуқлар сони унча кўп бўлмайди. Улар орасида аввало шу далилни қайд этиш лозимки, инсоннинг пайдо бўлиши Ерда ҳаётнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, у ўз ибтидоси ва муайян тарихига эгадир. Хусусан, 1982 йил Ватикандаги Рим Папаси фанлар академияси ташкил этган конгресс иштирокчилари – дунёга машҳур антропологлар, биохимиклар ва генетиклар ҳозирги замон табиатшунослигига таяниб, инсон ва ҳайвонот дунёси ўртасида яқин алоқа мавжуд, деган умумий холосага келдилар.

Инсон ва уни қуршаган дунё тадрижий ривожланишини исботланган деб ҳисоблаш мумкин. Бу нафақат археология ва Ер геологик тарихи билан тасдиқланади, балки Ердаги ҳаётга доир ҳозирги тасаввурлардан ва умумий эътироф этилган «кенгайиб борувчи Олам» назарияси тушунтирадиган дунёдаги эволюцион жараёнлардан ҳам келиб чиқади.

Бироқ фан, айниқса генетика баъзан бизнинг аввалги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартирадиган янги кашфиётлар қилишда давом этмоқда. Хусусан, жонли мавжудотларнинг биологик нусхаларини яратиш имкониятини берувчи клонлаш кетидан генетиклар, шовшувга сабаб бўлган энг сўнгги ҳабарларга кўра, қадимги файласуфларнинг илгари фақат одатдаги тажрибага таянган ўлмайдиган одам йўқлиги ҳақидаги тахминий (индуktiv) холосани жиддий шубҳа остида қолдиришга қодир натижага яқинлашдилар. Жумладан, итальян олимлари сут эмизувчиларнинг қариш жараёнини P66SHC сифатида маълум бўлган алоҳида ген бошқаришини аниқладилар. Улар мазкур генни «назорат ости»га олиш ва шу тарика синалаётган ҳайвонлар умрини популяция бўйича умрнинг ўртача узунлик кўрсаткичига нисбатан 35% га узайтиришга муваффақ бўлдилар.

Шунга қарамай, бугунги кунда жисмоний умрбоқийлик илмий нуктаи назардан биологиянинг фундаментал қонунларига зид ҳисобланади. Бу қонунларга мувофиқ ҳужайраларнинг бўлиниш йўли билан кўпайиш қобилиятининг сусайиб бориши инсон ҳаётини чеклайди. Хусусан, инсоннинг етук организми тахминан 50 000 миллиард ҳужайрадан иборат эканлиги аниқланган. «Одамда унинг умри мобайнида бир ҳужайра авлодида кетма-кет бўлинишлар сони элликтагача бўлади. Бўлиниш жараёнлари маромини ҳисобга олганда, шуни тахмин қилиш мумкинки, инсон умрининг узунлиги (баъзи бир истисно ҳоллардан ташқари) 110 ёшдан ошиши мумкин эмас»³².

Бироқ фан бир жойда тўхтаб тургани йўқ ва шу боис матбуотда вақти-вақти билан пайдо бўлаётган генетик олимларнинг ҳужайра қаришини тўхтатадиган моддани топиш,

³² Годфруа Ж. Что такое psychology. – М.: 1996. – С.10.

шунингдек организмда мазкур модданинг ажралишини бошқарадиган генни аниқлаш борасидаги уринишлари ҳақидаги хабарлар жиддий эътиборни талаб қилади.

Инсон нима ва унинг моҳияти қандай деган саволларга жавоб топишга йўл очадиган баъзи бир муҳим муаммоларнинг таърифланишини ҳам илмий тадқиқотларнинг шакшубҳасиз натижаси деб ҳисоблаш лозим. Уларнинг энг муҳими – инсоннинг келиб чиқиши, шунингдек онг, тил, ижод, ахлоқ, маънавият ва шу кабиларнинг табиатини аниқлашдир.

Кўрсатилган муаммоларни англаб етишга аҳд қилган ҳар қандай одам,

- ҳаёт нима?
- биринчи одам қаерда ва қачон пайдо бўлган?
- инсон маънавиятининг табиати қандай?
- Ерда инсон пайдо бўлишининг сабаби нимада?
- бунда муайян мантиқ, қонуният, азалдан белгиланган муқаррарлик мавжудми ёки бунга қандайдир тасодиф, аномалия, кимнингдир хоҳишистаги сабаб бўлганми?
- ҳаёт космик ҳодисами ёки фақат бизнинг сайёрамизда мавжудми?
- инсон бутун Коинотдаги бирдан-бир ақлли мавжудотми?, каби масалаларни эътибордан четда қолдириши мумкин эмас.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ечимини топиш устида фалсафий тафаккур ҳам, илмий тафаккур ҳам тинимсиз изланади. Аммо табиатшунослик учун уларнинг аксарияти нафақат мушкул, балки ечиб бўлмайдиган, баъзи бир ҳолларда эса умуман очиқ масалалар ҳисобланади, чунки улар хусусида мавжуд билимлар шу қадар оз, юзаки ва муаммоларга тўлаки, бундай билимларга асосланган мулоҳазалар (бошқача мулоҳазалар умуман мавжуд эмас) ўзининг ишончлилик даражасига кўра тахминий хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Аммо фан ўз кучини йўқотган, ёки, ҳали кучга тўлмаган жойда аниқ таърифлар, бир хиллаштирилган тил, ягона методология ва ишончли далиллар билан чекланмаган фалсафа ўзини эркин ҳис қилади. Бу муайян соҳа – антропологияда ўз ифодасини топади.

Фалсафа «бокий» масалаларни ўрганар ва бутун борлиқнинг дастлабки асослари ва муҳим қадриятларини аниқлашга ҳаракат қиласи экан, у узил-кесил ечимлар ва шакшубҳасиз жавоблар олишга даъвогарлик қилмайди. Синовдан ўтказилган далиллар ва исботланган асосларнинг йўқлиги уни хижолатга солмайди, зеро фалсафа интуиция, ғойибона таъсир, илҳом, мантиқий кучга асосланган фаразлар, тахминлар, тўлдиришлар билан кифояланадики, бу унга мавжуд билимлар ва шаклланган тасаввурлар доирасидан четга чиқиб, аниқ исботланган илмий ечимга эга бўлмаган нарса ёки ҳодисани ўзгача тарзда, эркин тушунтириш имконини беради. Шу тариқа фалсафа инсонни билиш чегараларини кенгайтириб, уни нафақат юкорироқ даражага кўтаради, балки янги муаммоларни қўйиши имконини берувчи янгича ёндашувлар, ўзгача нуқтаи назарлар ва энг муҳими – эски муаммоларнинг янгича талқинлари билан бойитади.

Шу маънода Саъдий.Шерозий «Инсон нимадан бошланади?», деган саволга ҳеч иккапланмасдан: «Инсон марҳумга мотам тутишдан бошланади», деб жавоб беради³³. Дунёга келдиму, бозорга бордим, кафанни олдиму, мозорга бордим³⁴.

Шундай қилиб, ҳақиқий фалсафада муайян масалалар, айниқса инсон билан боғлиқ мураккаб масалалар хусусида бир хил фикрлаш ҳоллари кузатилмайди. Бундан фарқли ўлароқ, фанда бир фикрлилик ўёки бу муаммонинг узил-кесил ечими топилганидан далолат беради. Масалан, «абадий двигател»ни яратиш масаласи хусусида олимлар орасида тўла бир фикрлилик ҳукм суради: ҳозирги замон табиатшунослиги қонунларига мувофиқ бундай двигательни яратиш мумкин эмас. Аммо фандан фарқли ўлароқ, фалсафанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ҳар қандай ҳодисани ўрганиш ва тушунишда таяниладиган қадриятлар ва мўлжаллар тизимидан ташкил топади. Айни шу сабабли бу ерда у ёки бу файласуфнинг дунёни қандай тушуниши, унинг ҳаётга муносабати, айниқса, муҳим рол ўйнайди. У қайси аксиомаларни илгари сурини, қайси устуворликларни қайд этиши, нимани муҳим деб ҳисоблаши, нимага ишониши ёки ишонмаслигидан файласуфнинг бошқа

³³ Каранг: Саъдий Шерозий. Рубоийлар. –Т.: Шарқ, 1995. –Б.26

³⁴ Саъдий Шерозий. Рубоийлар. Рубоийлар –Т.: Шарқ, 1995. –Б. 26

нарсаларга бўлган тегишли муносабати, унинг умумий ва хусусий масалаларга доир фалсафий позицияси келиб чиқади.

Шундай қилиб, билимни умумий маҳражга келтириш анъанаси узоқ вақт ҳукм сурган фандан фарқли ўлароқ, фалсафа ҳар хил, шу жумладан бир-бирини истисно этадиган нуқтаи назарларни илгари суради, айни бир ҳодисалар ва объектларни тушунишга нисбатан ҳар хил ёндашувларни таърифлайди. Инсонни тушунишга доир турли-туман фалсафий концепцияларнинг кўплиги айни шу ҳол билан изоҳланади. Бу концепцияларда инсон азалдан дам умумий образ сифатида, дам ўз индивидуал борлиғидаги муайян одам сифатида, дам бошқа одамлар, жамоа, жамият, инсоният билан, ниҳоят, табиат, космос билан узвий боғлиқ бўлган ақлли мавжудот сифатида талқин қилинади.

Инсоннинг қўп ўлчовлилиги. Шу билан бир қаторда инсонни ўрганишга нисбатан бошқа қўп сонли ёндашувларни ҳам қайд этиш мумкин бўлиб, уларнинг орасида «интровертив» ва «экстровертив» ёндашувлар айниқса ажralиб туради.

Интровертив ёндашув инсоннинг онг, жон, руҳият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни «ичдан» тушуниши, англаб этишини назарда тутади. Бунда инсоннинг жисмоний ва маънавий моҳияти хақидаги фалсафий мулоҳазалар аксарият ҳолларда табиий фанларнинг эмпирик маълумотларига, авваламбор биология ва психология ютуқларига таянади, лекин баъзан мистика, эзотерика, оккультизм билан белгиланади. Бундай ёндашувлар айниқса немис антропологлари М.Шелер (1874-1928) ва А.Гелен (1904-1976), австриялик файласуф К.Лоренц (1903-1989) ижодига хосдир.

Экстравертив ёндашув инсонга назар ташлаши, унинг моҳиятини таҳлил қилиши гўёки «сиртдан» амалга ошириладики, бунинг натижасида дикқат марказидан унинг ижтимоий ва табиий моҳияти ўрин олади; тегишили мўлжалларга мувофиқ инсоннинг Худо, космос, универсум ва шу кабилар билан алоқаси таҳлил қилинади. Бу ерда фалсафа кўпинча тарих, социология, экология, теология билан иттифоқ тузади, бу ҳол Н.А.Бердяев, С.Н.Булгаков, С.Л.Франк, Н.О.Лосский каби диний фалсафа вакиллари ижодига кўпроқ хосдир.

Шундай қилиб, инсонни фалсафий тушуниш учун ягона асос мавжуд эмас, худди шунингдек бундай асос яқин келажакда пайдо бўлишига умид қилиш учун ҳам асослар йўқ. Ҳозирча фақат шуни қайд этиш мумкинки, дикқат марказидан юқорида санаб ўтилганлардан қайси бири, чунончи: космос, табиат, Худо, жамият ёки бевосита инсон ўрин олганига қараб, фалсафа тарихида инсонни тушуниш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда асос бўладиган турли фалсафий нуқтаи назарлар фарқланади. Уларнинг орасида космоцентризм, теоцентризм, социоцентризм ва антропоцентризм айниқса кенг тарқалган бўлиб, турли даврларда уларнинг ҳар бири ҳар хил кўринишда намоён бўлган, лекин инсон муаммоларини ўрганувчи фалсафий концепцияларда доим у ёки бу тарзда мавжуд бўлган.

Шарқ фалсафасида инсон. Қадимги Шарқ, хусусан Хитой фалсафий тизимлари асосан социоцентрик концепциялардан иборат бўлиб, уларда инсон, одатда, жамият, социум билан узвий боғлиқ деб қаралади. «Идеал муносабатлар қонуни»га одамлар ўртасида, оила, жамият, давлатда риоя қилиш инсон ҳаётининг муҳим маъноси хисобланади; бунга жамиятда қабул қилинган меъёрлар, қоидалар, расм-русумлар ва шу кабиларга иззат-икром билан ёндашиш имконият яратади. Бошқача айтганда, инсон ўз шахсий ҳаётини доим жамият равнаки, камолоти билан ўлчаши лозим, хусусан, у кейинчалик оила ва давлатни такомиллаштиришга ҳаракат қилиш учун ўзини камол топтириши лозим. Шу маънода машхур қадимги хитой файласуфи Конфуций (мил. ав. 551-479 йиллар)нинг фикрлари дикқатга сазовор бўлиб, у шундай деб сабоқ беради: «қўймишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгти даражасига етади. Ниятлар соф ва холис бўлса, қалб ростгўй ва самимий бўлади. Қалб ростгўй ва самимий бўлса, инсон тўғри йўлга киради, камол топади. Инсон тўғри йўлга кирса ва камол топса, оиласида тартиб ўрнатилади. Оиласида тартиб ҳукм сурса, халқларни бошқариш осонлашади. Халқларни бошқариш осонлашса, бутун дунё тинчтотув яшайди»³⁵.

³⁵ Будда. Конфуций. Жизнь и учение. – М.: 1995. – С.139.

Қадимги ҳинд фалсафасига дунёning ички дунёсини биринчи ўринга қўйши, яъни антропоцентризм хосдир.

Масалан, буддизмда нирванага эришиш инсон барча ниятларининг пировард мақсади деб эълон қилинади. Нирвана жоннинг шундай бир ҳолатики, бунда ҳар қандай майллар йўқолади ва ички уйғунлик юзага келади, мутлақо эркинлик ва ташки дунёга қарам эмаслик туйғуси пайдо бўлади.

Қадимги ҳиндларнинг бошқа бир диний-фалсафий таълимоти – жайнизм нуқтаи назаридан инсон ўзининг маънавий моҳияти билан моддий моҳиятни назорат қилиш ва бошқаришга эришиш учун узоқ ва оғир йўл – жоннинг эркинлашуви йўлини босиб ўтиши лозим.

Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида инсонни назарий ақл бошқаради. Жумладан ал-Форобий фикрича “Инсон шахсини шакллантирадиган, уни бошқа маҳлукотлардан ажратиб турадиган ва унда инсоний хислатларни ривожлантирадиган нарса унинг фаол ақлидир. Бу куч аввал- бошда фақат қобилиятдир, бу қувват ўйлаш, мулоҳаза юритишга қобил, аммо ҳаётга тадбиқ этиш, яъни жорий қилишга қобил эмас”³⁶. Ақлни ҳаётга тадбиқ этиш учун, унга ташки куч таъсир этиши керак, бу эса фаол ақлдир. Фаол ақл - мустақил қувват бўлиб, ўз моҳияти, биринчи, иккинчи ва бошқа сабаблар моҳияти ҳақида фикрлай олади. Айнан шу фаол ақл одам имкониятларининг ташки воқеаларга таъсир этиши ва уни ривожлантиришга туртки беради. Форобий таъбири билан “моддий ақлдан амалий ақлнинг юқорироқ пиллапоясига кўтарилади ва унинг фаол ақлга муносабати қўёш билан кўзни солишиларнадек бўлади”³⁷. Агар қўёш бўлмаса, инсон нарсаларни кўра олмайди. Фаол ақл қўёши инсон руҳида пайдо бўлганидан кейин, ақлий қувват фаол ақлга қарайди. Инсон табиат гултожи, яъни ақлли мавжудод. Юсуф Хос Хожиб фикрича, инсон дунёда абадий эмас, бу дунёга келган ҳар қандай одам вақти етгач кетади. Инсон умрининг қиммати неча йил яшагани билан эмас, қандай эзгу ишларни амалга оширганлиги, ҳаётда қолдирган изи билан белгиланади. У киши оламдан ўтгандан сўнг, бу дунёда ундан икки хил, бири ёмон, иккеничиси яхши деган ном қолади Инсон иложи борича ўзидан яхши ном қолдириши, яхши олқиши олиши лозим деб таъкидлаган.

Умуман олганда, барча замонларда инсонда умумий асосни излаш билан банд бўлган Шарқ тафаккурига ҳозир ҳам инсонни ва унинг ташки дунё билан алоқасини тушунишга нисбатан Фарб фалсафасидагидан ўзгача ёндашув хосдир. XX аср бошида ҳинд мутафаккири С.Вивекананда шундай деб ёзган эди: “Инсон табиатни ўзига бўйсундириш учун туғилади ва бу ўринлидир, аммо Фарб «табиат» деганда фақат моддий, ташки дунёни тушунади. Бу ташки табиат ўзининг барча тоғлари, океанлари, дарёлари, ўзининг чексиз кучлари, чексиз ранг-баранглиги билан жуда улуғвор, лекин ундан ҳам улуғвороқ дунё борки, бу инсоннинг ички дунёсидир. У қўёш, юлдузлар, ер ва бутун моддий Коинотдан юксакроқ, бизнинг шахсий жажжи ҳаётларимизнинг тор чегарасига сигмайдиган дунёдир. Фарб одами ташки дунёда «ўзиники» бўлганидек, бу ички дунёда Шарқ одами ҳам худди шундай «ўзиники»дир. Шу боис... Фарб маънавий дунё нима эканлигини, худо нима эканлигини, инсон жони нима эканлигини билмоқчи, дунёning сири ва мазмуни нимада эканлигини англаб етмоқчи бўлса, у Шарқ оёқлари остига чўкиб қулоқ солиши керак. Ҳамонки дунё ҳозир маълум маънавий уйғонишга муҳтож экан, бунда у кучни Шарқдан олади”³⁸.

Ибн Халдун фикрича, инсон табиатида эзгулик ва ёвузлик мавжуд. Агар одамлар ўз ҳолига қўйилса ва инсонийлик руҳида тарбияланмаса, унда Худо неъматини қўлга киритиш камдан –кам кишига мұяссар бўлади. Хайр ва шарр оралиғида қолиб, ҳар иккисидан бирини танлаш лозим бўлганида, жуда кам одам хайр томонига ўтади. Чунки инсон табиати хайрдан кўра шаррга мойил. Адолатсизлик ва бошқаларга хужум қилиш инсонларга хос хислат. Шунинг учун бадавий жамиятда ҳам, шаҳар жамиятида ҳам кишиларнинг бир-бирларига жабр қилмасликларига йўл қўймаслик учун муҳим омил мавжуд бўлиши зарур².

³⁶ Ал-Форобий. Фозил шахар аҳолиси. -Т.: Шарқ, 1999.- Б. 69

³⁷ Ўша манба, –Б.73.

³⁸ Вивекананда Свами. Философия йога. – Магнитогорск, 1992. – С.488-489.

² Қаранг.Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихида. -Т.: Минхож, 2003 –Б.250

Келтирилган сўзлар нафақат теран маънога эга, балки ҳозирги дунёнинг глобаллашуви ва ягона инсониятнинг шаклланиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади.

Фарб фалсафасида инсон. Шарқ тафаккурида инсонга нисбатан юқорида қайд этилган ёндашувлар билан бир қаторда табиат, космос муаммолари ҳам қадимдан муайян ўрин эгаллаб келади. Бунда инсонга улкан дунёдаги бир зарра сифатида қаралади. Аммо дунёга нисбатан космоцентрик ёндашув антик фалсафа ривожланишининг илк босқичларига кўпроқ хосдир. Дунёнинг мазкур талқинига мувофиқ биринчи ўринга Сукрот давридаёқ фалсафанинг диққат марказидан ўрин олган инсон ҳақида мулоҳаза юритиш учун ҳам тегишли замин ҳозирловчи дунё ва космос муаммолари чиқади.

Космоцентризм нуқтаи назаридан (Демокрит) инсон аввало космоснинг бир қисми сифатида, «кичкина дунё» сифатида, баъзан жонли организм сифатида тасаввур қилинадиган макрокосм билан узвий боғлиқ бўлган микрокосм сифатида идрок этилади. Антик файласуфлар (Платон, Аристотель) Коинотни ва унда мавжуд тартибни тушуниш орқали инсоннинг ўзини ҳам англаб етиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Бунда тафаккур, билим, ақлзаковат ва донишмандлик мухим рол ўйнагани боис, улар доим космоцентристлар томонидан юксак баҳоланганди, инсон ва унинг қобилиятларига баҳо беришда биринчи ўринга кўйилган.

Бундай қарашлар Европа фалсафий анъанасида V асрдагача, уларнинг ўрнини теоцентризм концепцияси эгаллагунга қадар кузатилади. *Теоцентризм концепциясига мувофиқ ҳамма нарсани Худо белгилайди*. Христианликнинг моҳиятини акс эттирувчи турли креационистик назарияларга кўра бутун дунё, шу жумладан жонли дунё (ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон) дарҳол ва ўзининг мукаммал кўринишида яратилган. Инжилнинг дунё олти кунда яратилгани ҳақидаги ривоятига асосланган бу нуқтаи назар европаликлар тафаккурида Чарлз Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлгунича, яъни XIX асрнинг ўрталарига қадар ҳукм сурди. Христианлар дунёси диндор одамлари орасида у бугунги кунда ҳам амал қилмоқда.

Теоцентризм нуқтаи назаридан инсоннинг моҳиятини англаб етиши, масалан, қадимги юонон файласуфлари ёки кейинги материалистик фалсафий концепциялардаги каби оқилона фикрлаш йўли билан эмас, балки Муқаддас Китобда таърифланган вахийлар ёрдамида амалга оширилади. Бу вахийларни фақат Инжил ақидаларига эътиқод қилиш орқали тушуниб етиш мумкин. Теоцентризм нуқтаи назаридан эътиқод нуридан чароғон бўлган ақл дунёдаги илоҳий тартибининг таркибий қисми саналган ва «Худонинг тимсоли» сифатида амал қиласидиган инсоннинг ўзини эмас, балки унинг баъзи бир жиҳатларинигина аниқлашга ёрдам беради. Айни шу сабабли христианлик, Худони олий моҳият деб эътироф этадиган ва инсонга У яратган банда сифатида қарайдиган бошқа теоцентрик фалсафий тизимлар каби, инсонни Худонинг ўзи сингари тагига етиш мумкин бўлмаган сир, жумбок деб эълон қилади.

Ўйғониш даврида инсонга доир қарашларда жиддий ўзгаришлар юз берди. *Ўрта асрларда инсон у ёки бу корпорация вакили сифатида амал қилган бўлса, Ўйғониш даврида у ўзликни англаш туйғуси ва ижтимоий нуқтаи назари ўсиши натижасида ўз манфаатларини ифода эта бошлади*. Инсон шахс сифатида камол топди. У ўзини ўз шахсий ҳаёти ва тақдирининг бунёдкори сифатида тобора кучлироқ англай бошлади. Инсон мустақилликка эришишга ва табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди, ўз ижодий имкониятлари чексиз эканлигига ишона бошлади. Мазкур қарашлар итальян файласуфи Пико делла Мирандоланинг «Инсон қадр-қиммати ҳақида сўз» деб номланган машхур асарида ўз аксини топди. Тасвирий санъат, меъморчилик, ахлоқ, эстетика, адабиёт ва педагогикани яхши тушунадиган ҳар томонлама комил инсон ўша даврнинг идеалига айланди. Ўйғониш даври бу идеалга тўла мос келадиган Леонардо да Винчи, Альберти Боттичелли, Рафаэль каби атоқли шахсларни дунёга берди.

Ўша давр фалсафасида инсонга бўлган қизиқишининг кучайиши билан бир қаторда табиатга бўлган қизиқиши ҳам тикланди. Н.Кузанский, Ж.Брунонинг пантеистик концепциялари христианлар Худосини сиқиб чиқара бошлади. Юнонларнинг космоцентризми табиийцентризм сифатида қайта англаб етилди. Бунда антик

файласуфларнинг марказида Ер жойлашган пировард космос ҳақидаги тасаввурлари чексиз ва марказсиз космосга ўрин бўшатди.

Бундай космос умумийроқ ва кенгроқ тушунча – «табиат» билан тенглаштирилади. Шундан бери у турли фалсафий тизимларда фаол ўрганилади. Хусусан, Маърифат даври фалсафасида фундаментал тушунчага айланади, Шеллинг ижодида марказий ўрин эгаллайди, шунингдек экологияга қараб мўлжал олувчи айрим ҳозирги фалсафий концепцияларда дунё ва инсонни тушунишда таянч нуқтаси ҳисобланади. Мазкур ёндашувга кўра инсон табиатнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Бундай қарашларнинг изчил тарафдорлари, масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган ижтимоий экология намояндлари эътиборни ҳаддан ташқари кенг қаратадиган табиатдан унинг муайян қисмига – инсон ўз ҳаёт фаолиятини амалга оширадиган биосферага қаратиш лозимлигини қайд этадилар ва бунда антропоцентристик қарашлардан воз кечиб, уларни биосферацентризм билан алмаштиришни талаб қиласидар. *Биосферацентризмда фалсафий тадқиқотлар марказига инсон ўрнига табиатни қўйши таклиф қилинади ва шу тариқа табиат инсон эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қаралмайди, инсон моҳияти ва унинг эҳтиёжлари эса табиий қонунларни ва биосферанинг тадрижий ривожланиши тенденцияларини билиши нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.*

Янги даврда инсон фалсафанинг дикқат марказидан тушмади, лекин унга бўлган қизиқиши асосан, ижтимоий муносабатлардаги иштироки билан боғланди. Янги даврда инсонга билувчи субъект сифатида ёндашилди. Масалан, Декарт инсоннинг моҳияти, ўзига хос хусусиятини унинг тафаккури, фикрлаш қобилиятида кўрди. XVIII аср француз материалист файласуфлари (Дидро, Гольбах, Гельвеций, Ламетри) табиатшунослик ва механика соҳасида эришилган ҳайратомуз ютуқлар таъсирида инсоннинг жонини онг билан, танасини эса – автомат, машина билан тенглаштириб, уни механистик талқин қилдилар.

Буюк немис файласуфи И.Кант (1724-1804) инсонни тушуниш йўлида муҳим қадам ташлади. У инсон бетакрор мавжудот ва у ҳақда алоҳида фалсафий мулоҳаза юритиши мумкин, деб ҳисоблар эди. Айни вақтда, у «инсон учун мактаб бўлиб хизмат қиласидаган маданият соҳасидаги барча муваффақиятларнинг мақсади ўзлаштирилган билим ва кўнкимларни амалга татбиқ этишдан иборатдир. Аммо бу билимлар татбиқ этилиши мумкин бўлган дунёдаги энг муҳим предмет инсондир, зеро у ўзи учун пировард мақсаддир»³⁹, деб қайд этади.

Дунёнинг бутун ранг-баранглиги орасида И.Кант табиатнинг турли, лекин бир-бiri билан узвий боғланган уч даражаси: нотирик табиат, тирик табиат ва инсон табиатини фарқлади. Унинг фикрича, бу даражаларнинг ҳар бирида табиат ўз қонунларига, чунончи: нотирик табиат – механика қонунларига, тирик табиат – мақсадга мувофиқликка бўйсунади, инсон табиати эса эркинлиги билан тавсифланади. Айни вақтда у инсон табиатини қолган икки табиатга боғлаш ва улар орқали билиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Инсон табиатини фақат унинг эркинликдан келиб чиқадиган ўз қонунларига мувофиқ англаб этиш мумкин. Шундай қилиб, И.Кант инсон табиатнинг ундаги бошқа жонли ва жонсиз обьектлар каби ўзига тўқ обьекти ҳисобланиши ҳақидаги фикрни илгари суриш орқали инсонни ўрганиш учун янги имкониятлар яратди ва шу тариқа фалсафий билимнинг мустақил бўлими сифатида фалсафий антропологиянинг яратилишига йўл очди.

И.Кантдан кейин немис класик фалсафасида инсон асосан маданият дунёсини яратувчи маънавий фаолият субъекти сифатида, умумий идеал асос – рух, ақл манбаи сифатида тушунилди. Л.Фейербах (1804-1872) бу ёндашувга қарши чиқди. Ўша даврда обьектив идеализм фалсафасида ҳукм сурган тушунчалар («ғоя», «руҳ»)га зид ўлароқ, у «инсон» категориясини илгари сурди. *Фейербах инсонга тарихий маънавий ривожланиши маҳсулни сифатида эмас, балки аввало биологик, ҳиссий-жисмоний мавжудот сифатида ёндашиб, ундаги табиий-биологик асосга мурожсаат этди. Унда инсон Худо яратган бандада эмас, балки табиатнинг бир қисми бўлиб, француз файласуфлари қайд этганидек механизм эмас, балки организмдир.*

³⁹ Кант И. Соч. Т. 6. т.2. – М.: 1966.– С.351.

Айни шу сабабли Фейербах фалсафаси «антропологик материализм» деган ном олди. Унинг инсонга нисбатан ёндашуви шу билан тавсифланадики, инсондаги табиййлик ва ижтимоийлик материалистик монизм нуқтаи назаридан тушунтирилади. Бу инсон бир вақтнинг ўзида нотирик ва тирик табиатнинг тадрижий ривожланиши маҳсули саналган биологик мавжудот сифатида ҳам, моҳияти ижтимоий муносабатлар билан белгиланадиган ижтимоий мавжудот сифатида ҳам қаралишини англатади.

XIX асрдан бошлаб Европа фалсафий тафаккури Ф.Шеллинг, А.Шопенгауэр, М.Штирнер, С.Къеркегор, Ф.Ницше, Н.Бердяев, А.Бергсон каби файласуфларнинг саъй-ҳаракатлари билан инсон мавжудлигини индивидуал ва тарихий муайянлаштириш сари юз бурди. Ҳаёт, сезгилар, хоҳиш-ирода, иррационаллик тушунчалари маҳсус фалсафий таҳлил предметига айланди ва кейинчалик экзистенциализм, интуитивизм ва персонализм фалсафасида ривожлантирилди.

Хусусан, экзистенциализм нуқтаи назаридан объектив дунё – бу аввало «инсон борлиғи» бўлиб, инсондан ташқарида дунё ҳақида бирон-бир гап айтиш мумкин эмас. Инсон борлиғи тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади, чунки инсон борлиқ хусусида саволлар беради, унинг мазмунини ташкил этган ҳолда уни бошдан кечиради, англаб етади.

Инсон муаммосига қисқача тарихий-фалсафий назар ташлаш XX аср бошига келиб фалсафада билимнинг янги мустақил соҳаси – инсон ҳақидаги таълимот, яъни фалсафий антропология вужудга келиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини кўрсатади.

Фалсафий антропологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши. Юонча *sophia* – донишмандлик, *anthropos* – инсон ва *logos* – таълимот сўзларидан келиб чиқкан «фалсафий антропология» атамаси этиологик жиҳатдан инсон ҳақидаги фалсафий таълимотни англатади. Фалсафий антропология инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттиради.

Юқорида қайд этилганидек, инсон ҳақидаги фалсафий таълимотлар қадимда вужудга келган ва бутун фалсафа тарихи орқали ўтади. Конфуций, Сукрот, Гераклит, стоиклар, киниклар, Августин, Фома, Форобий, Ибн Сино, А.Навоий, А.Жомий, Декарт, Руссо, Кант, Фейербах, Ницше ва бошқалар инсоннинг фалсафий, назарий образини яратиб, фалсафий антропология фалсафий билимнинг мустақил бўлими сифатида вужудга келиши учун замин ҳозирлади.

Шу маънода фалсафий антропологиянинг илк илдизларига XVIII аср француз материалистларининг асарларида дуч келиш мумкин. Аммо И. Кант, шунингдек, инсоннинг моҳияти муаммосини фалсафанинг «бирдан-бир, универсал ва олий» предмети даражасига кўтарувчи антропологик тамойилларни фалсафага киритган ва асослаб берган Фейербах саъй-ҳаракатлари билан фалсафий антропология мустақил фалсафий фан сифатида шаклана бошлади.

Фалсафий антропология XX асрнинг 20-йилларида асосан М.Шелер, А.Гелен, Х.Плеснер асарлари таъсирида узил-кесил вужудга келди. Хусусан, М.Шелернинг «Инсоннинг космосдаги ўрни» асарида инсон ҳақида фундаментал фан яратиш лозимлиги қайд этилади ва уни фалсафий билиш дастури таклиф қилинади. Муаллиф фикрига кўра, инсонни яхлит фалсафий билиш инсон борлигининг турли жабҳаларига нисбатан олинган муайян илмий натижалар билан бирикиши лозим.

М.Шелер фалсафий антропология инсоннинг яхлит концепциясини яратиб, уни муайян илмий, фалсафий ва диний жиҳатдан англаб этишда бирлаштирувчи рол ўйнаши лозим, деб ҳисоблайди. У «Фалсафий антропологиянинг вазифаси инсоннинг барча ўзига хос монополиялари, ишлари ва амаллари: тил, виждан, асбоблар, курол, давлат, раҳбарлик, миф, дин, фан... инсон борлигининг асосий структурасидан қандай келиб чиқишини аниқ кўрсатиб беришдан иборатдир»⁴⁰, деб қайд этади.

Фалсафий антропология фанининг моҳияти. Инсон ҳақидаги билимларни бирлаштириш лозимлиги хусусида Шелердан олдинроқ ҳам сўз юритилган эди. XIX аср ўрталарига келиб инсон ўта мураккаб структура эканлиги, уни фақат фалсафа ёки бошқа

⁴⁰ Шелер М. Избранные произведения. – М.: 1994. –С. 187.

бирон-бир муайян фан методлари билан тұла англаб етиш мүмкін эмаслиги, яғни инсон жамалжам ҳолда аник билим предмети бўла олмаслиги аник-равшан бўлиб қолди. Шунингдек, айрим табиий фанлар, ҳар бири ўз соҳасида, вақт ўтиши билан умумийроқ хulosаларга келишни талаб этувчи салмоқли материал тўплади.

Бундай умумлаштиришга эҳтиёж Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлиши билан айниқса бўртиб кўрина бошлади. Бу назария инсонга оид табиий-илмий тадқиқотларга кучли туртки берди, шунингдек материалистик фалсафий концепциялар ривожланиши учун кўшимча асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ёндашув тарафдорлари инсон кўп ўлчовли ва муттасил ўзгарувчи мавжудот эканлигидан келиб чиқади. Гарчи унинг мухим хусусиятлари минг йиллар мобайнида ўзгаришсиз қолаётган бўлса-да, улар инсоннинг моҳиятини тұла намоён этмайди. Бу ёндашув тарафдорлари инсон ўз олдига янги ва янги жумбоқлар қўяётган, ташқи дунёни, ўзининг ундаги ўрнини аниқлашга ҳаракат қилаётган, атроф мухитни ўрганиш орқали уни ўз ихтиёрига кўра ўзгартирадиган фаол асос сифатида амал қиласидан микрокосм ҳисобланишига ҳам эътиборни қаратмоқдалар.

Бошқача айтганда, инсон бунёдкор ва айни вақтда маданият маҳсули, ўзини қолган жонли дунёдан фарқлаши имконини берувчи маънавият манбаидир.

Фалсафий антропология тарафдорлари инсоннинг мазкур талқинидан келиб чиқиб, бу фан изчил илмий қарашларни илгари суришга даъвогар бўла олмаслигини ва айрим фанлар: психология, социология, биология ва бошқа ижтимоий фанларнинг турли ёндашувлари ва хulosаларини синтезловчи инсон ҳақидаги билимлар тизимини яратишга қаратилиши лозимлигини қайд этмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу фан ўз предмети сифатида инсон борлигини белгилайди, унинг моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб, шу тариқа инсоннинг ўзини ҳам, уни қуршаган дунёни ҳам фалсафа нуктаи назаридан англаб етишга ҳаракат қиласиди. «Антропология ёки аниқроқ айтганда – антропологик онг нафақат онтология ва космологияга, балки гносеология ва билиш фалсафасига, ҳар қандай фалсафа ва ҳар қандай билишга замин яратади»⁴¹.

XX асрнинг 60-70-йилларида фалсафий антропология шундай бир ғоявий ҳаракатта айланди, унинг доирасида олимлар инсоннинг ҳозирги ҳолатини назарий жиҳатдан англаб етиш ва талқин қилиш, унинг табиатига нисбатан янгича ёндашувни илгари суришга ҳаракат қиласидилар. Бу даврда юз берган фан-техника тараққиёти ва инсоннинг ўз илмий ва амалий фаолияти натижалари учун жавобгарлик туйғусининг кучайиши фалсафий антропологиянинг ривожланишига қўшимча туртки берди. Шундай қилиб, у энди инсон ҳақидаги билимларнинг умумийроқ мажмуи – умумий антропологиянинг таркиби қисмiga айланди. Бу фан турли-туман таълимотлар, концепциялар ва йўналишларни ўз ичига оладики, уларнинг орасида фалсафий йўналишдан ташқари биологик, теологик (диний), социологик, психологик, маданий (этнографик), структуралистик, педагогик ва бошқа йўналишларни қайд этиш мүмкін.

Уларнинг ҳар бири, фалсафий йўналишдан фарқли ўлароқ, инсоннинг муайян бир томонини ёритади. Масалан, *биологик антропология* анатомия, физиология, ирқ ҳақидаги таълимот ва шу кабиларга таяниб, инсоннинг қолган барча тирик мавжудотлардан фарқини унинг жисмоний тузилиши нуктаи назаридан аниқлади. *Теологик антропология* инсон ҳақидаги тегишли тасаввурларни уни Худо яратгани нуктаи назаридан шакллантиради. *Фалсафий антропология* эса бутунлай бошқа вазифани ҳал қиласиди – у вазиятга яхлит ёндашади ва фанлараро хусусиятга эга бўлган хulosалар чиқаради.

Фалсафий билимнинг таркиби қисми сифатида фалсафий антропология ижтимоий фалсафа, ахлоқ, социология ва психология билан узвий боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда инсон ҳақидаги фанлар мажмуини ташкил этади.

Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Фалсафий антропология ечадиган мухим муаммолар орасида инсон биологик ва ижтимоий моҳиятининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон жонли табиатнинг бир қисми, шунингдек биологик эволюция маҳсули эканлиги ҳозирги замон табиатшунослиги фанида нафақат олимлар ва

⁴¹ Бердяев Н.А. Смысл творчества. – М.: 1989. – С.293.

мутахассислар, балки маърифатли одамларнинг кенг доираси учун ҳам аниқ-равшан ва деярли шак-шубҳасиз далилга айланди. Ҳар бир инсон ўз биологик хусусиятлари: генетик коди, вазни, бўйи, мижози, териси ва сочининг ранги, яшаш муддати ва шу кабиларга кўра бетакрордир. Бироқ айни вақтда инсон ижтимоий мавжудот эканлиги, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги одамзотнинг ижтимоий табиати, у камол топган, таълим-тарбия олган, маданий ва ахлоқий қадриятлар ва мўлжалларни ўзлаштирган ижтимоий муҳит билан белгиланиши ҳам шак-шубҳасизdir.

Айни шу сабабли инсон индивиди нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Бошқача айтганда, инсоннинг камол топиши жамиятда ва фақат жамиятда юз беради.

Инсонни тушунишда дуализм ва монизм. Одамлар ўртасидаги биологик ва ижтимоий фарқларни ва уларни бетакрорлигини тан олишдан инсон табиатининг яхлитлигини тушунишга нисбатан икки муҳим ёндашув: дуалистик ва монистик ёндашувлар келиб чиқади.

Қадим замонларда вужудга келган инсонга нисбатан дуалистик ёндашув шундан иборатки, одамзот, бир томондан, моддий организмдан, бошқа томондан эса – мустақил моҳият саналадиган ва бу организмни бошқарадиган номоддий жондан ташкил топган мавжудот сифатида қаралади. Бу ёндашув, масалан, бокий ғоялар дунёсида яшайдиган ўлмас жон инсон туғилаётган пайтда унинг танаисига худди зиндонга тушгандек кириб ўрнашади, унинг ўлимидан кейин эса вужудни тарқ этиб, яна ғоялар дунёсига қайта, деб ҳисоблаган Платон фалсафасида айниқса бўртиб намоён бўлади. Жонларнинг ўлмаслиги ғояси Шарқ фалсафий анъанаисига ҳам хосдир.

Хозирги олимларнинг аксарияти қўллаб-қувватлайдиган инсон талқинининг монистик концепцияси инсон руҳияти, унинг туйгулари, фикрлари, эмоциялари ва қайфияти инсон организмининг тарқибий қисми саналган бош мия нерв ҳужайралари ҳаёт фаолиятининг маҳсулидан ўзга нарса эмас, деган тушунчадан келиб чиқади. Бу ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, руҳий ҳодисалар қандайдир номоддий асосга эга, деб ҳисоблаш учун етарли далиллар мавжуд эмас, шу сабабли руҳият табиатини тушунтиришда инсон организмида юз берадиган моддий жараёнлар чегарасидан четга чиқишнинг ҳожати йўқ.

Шундай қилиб, тавсифланган муаммо инсон ўз табиатига кўра фақат биологик мавжудотми ёки фақат ижтимоий мавжудотми, деган масала билан боғланмайди. У, ҳеч шубҳасиз, ҳам биологик, ҳам ижтимоий мавжудотдир.

Аммо бу икки асоснинг ўзаро нисбатан қандай, уларнинг бири иккинчисидан устунроқми ва инсон моҳиятини нима белгилайди – бу қизғин баҳс-мунозоралар предметидир. Мазкур масалалар ҳанузгача ўзининг узил-кесил ечимини топгани йўқ, ҳозирда мавжуд турли биологик, психологик ва фалсафий мактаблар бу саволларга ҳар хил жавоблар беради.

Юқорида зикр этилган муаммонинг ечимига нисбатан мавжуд ёндашувлар орасида инсоннинг биоижтимоий табиатини тушунишга нисбатан қарама-қарши нуктаи назарлар ифодаси саналган биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда уларнинг ҳар бири бошқасини бутунлай рад этмайди, аммо инсоннинг муайян бир (биологик ёки ижтимоий) табиатини устунроқ қўяди ёки ҳатто мутлақлаштиради.

Биологизаторлик концепцияларининг тарафдорлари инсонни унинг табиий, биологик асосидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қиласди. XVIII аср охирида жамият ҳаётига айrim одамларнинг ўз мавжудлиги учун кураш майдони сифатида қарашни таклиф қилган Т.Мальтус назариясини бундай тушунтиришга бўлган биринчи жiddий уриниш деб ҳисоблаш мумкин. Мальтус фикрича, бу курашда кучлилар ғолиб чиқади, кучсизлар эса ҳалок бўлишга маҳкумдир. Мазкур курашга табиий омиллар туртки беради. Хусусан, ахоли сони геометрик прогрессия бўйича кўпайиб боради, тириклик воситалари эса фақат арифметик прогрессия бўйича ўсади, бу эса муқаррар тарзда очарчилик, эпидемиялар, урушлар ва бошқа ижтимоий тангликларга олиб келади. Мазкур омилларга Мальтус

кучлиларнинг яшаб қолишини таъминловчи ижтимоий муносабатларнинг «табиий», мұқаррар ва ҳатто зарур тартибга солиш воситалари сифатида қарайди.

Демографик муаммоларнинг ечилмагани, шунингдек улар XX асрда янада кескинроқ тус олиши шунга сабаб бўлдики, Мальтус ғоялари неомальтузчилар деб номланган ўз давомчиларини топди ва топишда давом этмоқда.

Биологизаторлик ёндашувлари XIX ва XX асрлар чегарасида Дарвиннинг табиий танланиши ҳақидаги таълимотини мутлақлаштириб, нафақат инсоннинг келиб чиқиши, балки унинг моҳиятини, пировард натижсада эса – бутун ижтимоий муносабатлар табиатини тушунтишига ҳаракат қилган социал-дарвинистларга ҳам хосдир. Ҳозирги замонда бу йўналишни одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам тенг даражада хос бўлган ирсиятга урғу берувчи социобиология давом эттироқда. Социобиологлар фикрига кўра, инсон хулқатвори ҳам, ҳайвон хулқатвори ҳам ирсий омиллар билан белгиланади ва ҳеч ким ўз ирсияти таъсирини – у хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон – енгисига қодир эмас.

Инсон табиати хусусида шунга ўхшаш қарашларга айрим одамларнинг бошқа одамлардан устунлигини факат уларнинг «олий» ёки «паст» ирққа мансублик белгисига кўра эълон қилувчи ирқчилик концепцияларида ҳам дуч келиш мумкин. Бу, хусусан, «ирқий тозалик» учун кураш олиб борган ва «ирқий танланиш»ни амалга ошириш ғоясини фаол илгари сурган фашистик мафкурада айниқса бўртиб намоён бўлади. *Ирқий танланиши гоялари замирида асосан XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган «инсон ирсиятининг олий сифати»га қандай воситалар билан ва қай тарзда эришиши мумкинлиги ҳақидаги таълимот – евгеника ётади.*

XX аср бошларида бу таълимот шу даражада кенг тарқалдики, айрим мамлакатларда давлат сиёсати билан узвий боғланди. Хусусан, 1920-1930-йилларда Дания, Швеция ва Норвегияда жамиятда табиий танланишни ижтимоий мустаҳкамловчи ирқий қонунлар қабул қилинди.

Социологизаторлик концепциялари инсон табиатини ижтимоий муносабатларда кўришига ҳаракат қиласидилар. Бунда улар баъзан нафақат инсоннинг ижтимоий асосини унинг биологик асосига қарама-қарши қўядилар, балки сўнгти зикр этилган асосни ҳайвоний ва ҳаттоки тубан, шу боис жиддий эътиборга лойик эмас, деб ҳисоблайдилар. Асосий эътибор ижтимоий муносабатлар таҳлилига ва индивид, шахснинг шаклланишида жамият қандай рол ўйнашини аниқлашга қаратилади. Пировардда ижтимоий асос индивидуал асосга қараганда устунроқ аҳамият касб этади, уни ўзига бўйсундиради ва қамраб олади. Мазкур ёндашув тотал ижтимоий тизимларга ва уларни асослашга ҳаракат қилувчи фалсафий таълимотларга, хусусан, Платон фалсафасига айниқса хосдир. Умуман олганда, бу индивидуализм ва колективизм муаммосидир.

Инсоннинг моҳияти. Инсоннинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш жараёнида у нафақат ташқи, балки ички, пинҳона хусусиятларга ҳам эга эканлигини, улар жамулжам ҳолда инсоннинг индивид, индивидуаллик, шахс каби тушунчаларда акс этадиган муайян образини шакллантиришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бошқача айтганда, инсоннинг моҳиятини унинг ички ва ташқи борлиғи бирлигига, унинг дунёга фаол муносабатида излаш керак.

Шундай қилиб, индивид муайян инсоннинг умумий образи сифатида амал қиласа, индивидуаллик уни муайян ўзига хос хусусиятлар соҳиби сифатида тавсифлайди, «шахс» тушунчасига эса янада торроқ маъно юқланади, чунки айни ҳолда инсон унинг барча ижтимоий сифатлари билан жамулжам ҳолда олинадики, бу фақат ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу тизимини назарда тутган ҳолда шахс тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Яъни кенг талқиндаги «индивид» ва «индивидуаллик» тушунчалари нафақат инсонга нисбатан, балки индивидуал хусусиятларга эга бўлган айрим тирик мавжудот, ҳайвонга нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин. «Шахс» тушунчаси эса доим ижтимоий мавжудот сифатидаги инсон билангина боғлиқ бўлиб, фақат шу маънода, айрим инсонни унинг жамиятдаги ўрни, «ижтимоий қиёфаси» нуқтаи назаридан тавсифлайди.

Кези келганда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар қандай шахс замирида оқилона фаолият ётuvчи онгли-ихтиёрий фаоллик тавсифланади. Шунингдек инсон янги

моддий ва маънавий бойликлар яратиб, ўз ижодий имкониятларини изчил рўёбга чиқариш орқали шахс сифатида намоён бўлади.

Хозирги замон фанида *шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи уч муҳим омил: ирсият, маданий муҳим ва яшаш шароити фарқланади*. Бу омиллар ўзаро таъсирга киришиши натижасида инсон шахс сифатида ўзига хос хусусиятлар мажмуи: тегишли эҳтиёжлар, қизиқишилар, қобилиятлар, мақсадлар, мўлжаллар, маънавият ва шу кабиларга эга бўлади. Инсоннинг мазкур бетакрор индивидуал хусусиятлари асосан у яшаётган мухитдаги ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар таъсирида шаклланадики, бу шахснинг шаклланиши ва камол топишида жамият жуда муҳим рол ўйнашини қайд этиш имконини беради. Айни вақтда шахс умумий эътироф этилган меъёрларга мувофиқ ёки уларга зид шаклланиши ва камол топиши мумкин. Бу маънода ижобий шахслар тўғрисида ҳам, салбий шахслар тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин.

Хозирги замонда аксарият олимлар ва файласуфлар инсон эволюциясидаги ижобий жараёнларни ва ижтимоий ўзгаришилар имкониятларини ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлашуви, одамлар онгидан умуминсоний меъёрлар мустаҳкам ўрин олиши билан боғламоқдалар. Бунда инсон ўзининг бутун умри мобайнида, бир томондан, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга ҳаракат қилиб, бошқа томондан эса – ўзини қуршаган ижтимоий ва табиий мухит таъсирини ҳис этиб, яхлит бир бутун ҳодиса сифатида, узлуксиз тадрижий ривожланишини эътиборга олиш лозим. Бошқача айтганда, ўзининг камол топиш жараённида у доим ҳам субъект, ҳам обьект ҳисобланадики, бу шахснинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ва ҳаёт мазмунини излаши билан боғлик бўлган яна бир муҳим фалсафий муаммо юзага келишини белгилайди.

Ҳаётнинг мазмуни ва инсоннинг вазифаси. Инсон ҳаётнинг тезоқарлигини ёдда тутиши, унинг шомини кузатиши, одамзот ҳаётининг бебаҳолиги ҳақида ўйлаши, ўлим ҳақ эканлигини унутмаслиги лозимлиги ҳақидаги фикрларга биз фалсафа фани шаклланиш жараённинг илк босқичидаёқ, Фарб фалсафий анъанасида ҳам, Шарқ фалсафасида ҳам дуч келишимиз мумкин. Шундан бери ўтган икки ярим минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида бу борада деярли ҳеч қандай ўзгариш юз бергани йўқ, зеро, аввалгидек, одамзотнинг ҳаёт йўли туғилиш ва ўлиш саналари билан чегараланади. Шунингдек, биринчи сана доим муайян, аниқ бўлса, иккинчи сана инсон умрининг охирги сонияларигача мавҳум бўлиб қолади.

Айни шу сабабли ҳаётнинг мазмуни муаммоси ҳар бир инсон қаршисида эртамикечми кўндаланг бўлади ва у ўзига аниқ ва узил-кесил жавоб топиш мумкин бўлмаган саволларни беради. «Бу дунёда нима учун яшаяпман?», деб сўрайди ўзидан инсон ва агар бу саволга ўзи жавоб бермаса, ўз ҳаётига муайян мазмун баҳш этмаса, бу ишни унинг ўрнига ҳеч ким ва ҳеч қачон бажармаслигини вақт ўтиши билан англай бошлайди. Абадият қаршисида, ўлим қаршисида ҳар ким охир-оқибатда ўзи билан ўзи танҳо қолади.

Албатта, жамиятда инсон ўзини бу даражада ёлгиз ҳис этмайди, бироқ, экзистенциалистлар фикрига кўра, бу ҳол токи инсон бошқаларнинг ҳам ўз ҳаёти борлиги ва улар ҳам ўз ҳаётининг мазмуни ва ўзининг вазифаси ҳақидаги шахсий муаммоларни мустақил ечиш зарурияти қаршисида турганини англаб етгунга қадар давом этади.

Бундан экзистенциализм фалсафасида ёлғизлик муаммоси келиб чиқади. Аслида, мазкур муаммо фалсафий антропологияда ҳам инсон борлиғи таҳлилидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳаётни тарқ этиш босқичлари. Биологик мавжудот сифатида ҳар бир инсон ўлимга маҳкумдир. Буни қадимги мутафаккирлар ҳам яхши тушунган. Хусусан, ўз мухолифларидан бирининг: «Ўттиз тиран сени ўлимга ҳукм этди», деган гапига Суркот: «Уларни эса ўлимга табиат ҳукм этган», деб жавоб берган. Аммо одамзот ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўлимга маҳкумдир.

Хозирги замон фанида ўлиш жараённинг тўрут босқичи фарқланади. Бу босқичларга организмда юз берадиган ва унинг қаришини тавсифлайдиган орқага қайтариб бўлмайдиган биологик ўзгаришилар сабаб бўлади.

Хусусан, 25 ёшдан бошлаб ва айниқса 45 ёшдан кейин инсонда ҳар куни у туғилган пайтга қадар «жамланган» ва бошқа ҳеч қачон янгиланмайдиган ўн минглаб нерв

хужайралари (нейронлар) ҳалок бўлади. Аммо бош мия қобигида бундай хужайралар сони 40 миллиардга етади ва шу сабабли «қариётган нормал мия учун бу жиддий оқибатларга сабаб бўлмайди, чунки унда яна ўн миллиардлаб нейронлар нормал фаолият кўрсатишда давом этади»⁴².

Амалда инсоннинг ҳаётни тарк этиши у одамлардан ўзини олиб қочиб, жамиятдан узоқлашиши билан тавсифланадиган ижтимоий ўлим юз берганида бошланади. Сурункали гиёхванд моддаларини истеъмол қилиш, кашандалик, иччиликбозлик, ўз ҳаётидан доимий норозилик ижтимоий ўлимни билдиради. Сўнгра руҳий ўлим юз беради, бунда инсон ҳаёт тугагани ва ўлимнинг муқаррар эканлигини ва ўз ҳаёти давомида ҳеч нарсага эриша олмаганини англайди. *Мия ўлиши* билан бош мия фаолияти бутунлай тўхтайди, организмнинг турли функцияларини бошқариш барҳам топади. Бу жараён физиологик ўлим билан якунланади. Бунда инсоннинг уни тирик организм сифатида тавсифловчи барча функциялари узил-кесил тўхтайди.

Муайян инсон ўз ҳаёти сўнишининг юқорида санаб ўтилган босқичларини англамаслиги ҳам мумкин (аксарият ҳолларда шундай бўлади), аммо у ўз ҳаёт йўлидан илгарилар экан, бу дунёда нима учун яшаяпман, деган саволга ўз ҳаракатлари, қилмишлари билан жавоб беради. Агар инсон уларни ҳали тўла англаб етмаган бўлса, мазкур вазифани ечиш ўз ҳаёт йўлини эндигина танлаётган одам учун ҳам, умрининг шомида ортга назар ташлаб, ўз ҳаётини сарҳисоб қилаётган одам учун ҳам тенг даражада мушкул иш бўлиб қолади.

Инсон ўз табиатига кўра ўлимга маҳкум, аммо, буни тушунган ҳолда, у ўзи билан боғлиқ ҳамма нарса ўзининг туғилиш ва ўлиш саналари билан чегараланган қисқа вақт оралиғида жамланганини тан олишни истамайди. У ўз тақдирини ижтимоий мухим мақсадлар, маънавий уйғониш билан боғлашга ҳаракат қилиши айни шу ҳол билан изоҳланади.

Яна бир йўлни дин таклиф қиласи. Бу ерда у ёки бу эътиқодларга қараб, ҳаётнинг мазмуни ва шахсий умрбоқийликка эришиш ҳақидаги саволга шаклан ҳар хил, лекин мазмунан жуда ўхшаш жавоблар берилади. Уларда асосан у дунё чин дунё эканлиги, бу дунёда бажарилган ишларга ҳақиқий баҳо у дунёда берилиши ва шу кабилар тўғрисида сўз юритилади.

Хулосалар. Инсон умрининг мазмуни – бу дунёда ўз ҳаётини одамларга, эзгулик, ҳақиқат ва адолатга хизмат қилишга бағишлидан иборат. Шу тариқа инсон ўз ишлари, ғоялари ва қилмишлари билан келгуси авлодлар хотирасида қолиш имкониятини қўлга киритади.

Инсон бу йўлларнинг қайси бирини танлаши фақат унинг ўзига боғлиқ. У ўз ҳаётида ўзи хоҳлаган йўлни танлаши мумкин. Лекин эртами-кечми ҳар бир инсон ҳаётда ўзи танлаган йўлнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритиши муқаррардир.

Назорат саволлари

1. Турли фалсафий тизимларда инсон ҳақидаги тасаввурлар қандай шаклланган?
2. Фалсафий антропология қачон вужудга келган ва у нимани ўрганади?
3. Антропологиядаги фалсафий ва бошқа йўналишлар ўртасидаги фарқ нимада?
4. Нима учун инсон моҳияти «бокий» фалсафий муаммо ҳисобланади?
5. Инсонда биологик ва ижтимоий асосларнинг ўзаро нисбати қандай?
6. Инсон ҳақида ягона фан бўлиши мумкини?
7. Инсоннинг биоижтимоий табиати фалсафий муаммо ҳисобланадими?
8. «Биологизаторлик» ва «социологизаторлик» концепцияларини қандай баҳолайсиз?
9. Фалсафа ҳаётнинг мазмунини англашда ёрдам бериши мумкини?
10. Умрбоқийлик мумкини?

⁴² Годфруа Ж. Что такое psychology. – М.: 1996. – С.11.

9-мавзу. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.

РЕЖА:

1. Глобаллашув – янги фалсафий мавзу.
2. Глобал муаммоларнинг моҳияти.
3. Глобал муаммоларнинг классификацияси. Асосий глобал муаммолар тизими.
4. Глоболлашув шароитида фалсафий тафаккурнинг тутган ўрни.

Таянч тушунчалар: Глобаллашув, глобалистика, фундаментал глобаллашув, серқирра глобаллашув, глобал муаммолар, ижтимоий ривожланиш, глобал тенденциялар, технократик назария, технооптимизм, технопессимизм, Рим клуби, глобаллик мезонлари, глобал муаммоларнинг таснифи, демографик тизим, таълим муаммоси, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат муаммоси, энергетика ва хом ашё ресурслари, уруш ва тинчлик, глобал онгни шакллантириш, ҳалқаро кучлар, ахборот инқилоби, инқироз илдизлари, умуминсоний қадриятлар

Фалсафа ва ҳозирги замон. Фалсафа нафақат инсоннинг азалий муаммолари ва ғамташвишларини, балки унинг сўнгти йилларда фан-техника тараққиёти таъсирида тобора жадалроқ суръатларда, шу жумладан дунё миқёсида ўзгараётган реал ҳаёти кундалик амалиётини ҳам акс эттиради. Шу муносабат билан юзага келаётган янги ҳодисалар, ғайриоддий қийинчиликлар ва алоҳида шароитлар олимларнинг ҳам, файласуфларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Бунда фалсафанинг фандан устунлиги шундаки – у ўз хулосаларида тафсилотлар ва муайян далилларга маҳкам ёпишиб олмайди, айрим, узук-юлуқ ва ўткинчи нарсаларни осонгина четлаб ўтадики, бу унга асосий эътиборни ишнинг моҳиятига қаратиш, ривожланишнинг энг муҳим омиллари ва асосий жараёнларини қайд этиш имконини беради. Фалсафанинг мазкур фазилатлари инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида ёки «жамият-табиат» тизимида юзага келаётган мураккаб, комплекс вазифаларни ҳал қилишга мажбур бўлаётган ҳозирги шароитларда алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан фалсафий таҳлилнинг, муҳим нарсаларни иккинчи даражали нарсалардан, қонуний нарсаларни тасодифий нарсалардан фарқлаш, тарихий ривожланишда объектив жараёнларнинг субъектив омиллардан фарқи каби усуслари ва методлари ҳозирги замонда инсоният дуч келган оламшумул муаммоларни назарий англаб етиш ва амалда бартараф этиш учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув ҳодисаси. Ҳозирги давр ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун XX аср бошигача жаҳон тарихи асосан мустақил ривожланган ва бир-бирига жиддий таъсири кўрсатмаган цивилизациялардан иборат бўлганини назарда тутиш мухимдир. Ҳозирги замонда дунё сўнгти юз йиллик ичида юз берган жамият ҳаёти барча жабҳаларининг фаол интеграциялашуви натижасида сезиларли даражада ўзгарди ва яхлит бир бутун организмга айланди. Бунинг оқибати ўлароқ, айрим ҳалқлар ва бутун инсониятнинг ижтимоий онгига глобал жараёнлар ва уларнинг таъсирида юзага келган умумий (дунё миқёсидаги) муаммолар билан белгиланган жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Жаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйгани, у аввалги босқичлардан нафақат ўзгаришлар миқёси, балки фаоллик даражаси ва универсал хусусияти билан ҳам фарқ қилиши аён бўлди.

Бу ўзгаришларнинг бутун мажмуи, шунингдек уларнинг сабаблари 1990-йилларда глобаллашув (лот. *globus* – ер курраси) деб номланди. *Глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайдраси* учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир. Шунингдек глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон хўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу кабилар билан тавсифланади.

Глобалистика. Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб етиш борасидаги кўп сонли саъй-харакатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти,

тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида юзага келаётган глобал муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб етишга қаратилган фанлараро илмий тадқиқотлар соҳаси – глобалистика пайдо бўлишига олиб келди. Кенгроқ маънода «глобалистика» атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан уларнинг натижаларини, шунингдек уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабхаларда амалга жорий этиши борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, глобалистика одатда илмий билимнинг табақаланиши натижасида ёки турдош фанлар туташган жойда пайдо бўладиган айрим фанлар қаторига кирмайди. Унинг вужудга келиши замарида қарама-қарши жараёнлар – ҳозирги замон фанига хос бўлган интеграциялашув жараёнлари ётади. Глобалистика тадқиқотлар ва билишнинг шундай бир жабхасики, бу ерда турли фанлар бир-бири билан узвий алоқада, ҳар бири ўз предмети ва методи нуқтаи назаридан, глобаллашувнинг турли жиҳатларини таҳлил қиласи, глобал муаммоларни бир-биридан алоҳида ва яхлит тизим сифатида ўрганиб, уларнинг ечимларини таклиф қиласи.

Глобалистика мустақил илмий йўналиши ва ижтимоий амалиёт соҳаси сифатида 1960-йилларнинг охирларида шакллана бошлиди, лекин унинг пайдо бўлиши учун объектив асослар анча олдин юзага келган эди.

Глобал жараёнларнинг шаклланиш тарихи. Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг илк нишоналарига XV аср охирларидан бошлаб дуч келиш мумкин, XIX аср бошига келиб эса у амалда реал шакл-шамойил касб этди. Бу пировардида ягона географик, маълум даражада иқтисодий ва сиёсий жаҳон майдони шаклланишига олиб келган Буюк географик кашфиётлар юз берган давр эди. Айни шу даврда дунёни тушунишга нисбатан геоцентрик ёндашувлар гелиоцентрик ёндашувларга ўрин бўшатди, инсоният эса, ниҳоят, кун ва туннинг алмашишини тўғри талқин қилишга мувваффақ бўлди. Фан фалсафадан ажralиб чиқиб, билимлар тўпланиши ва техниканинг ривожланишига кучли туртки берди, фан-техника тараққиёти ва саноат инқилоби юз беришига сабаб бўлди. Сўнгти зикр этилган воқеалар пировард натижада инсоннинг табиатни ўзгартирувчи имкониятлари ва унинг атроф муҳит билан муносабатини бутунлай ўзгартирди.

Ер курраси шар (глобус) кўринишида эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб инсоният ўз тарихида биринчи бўлиб савдо-сотик соҳасида дунё даражасига чиқди ва дунё миқёсида халқаро муносабатларга асос солди. Айни шу даврда илк трансмиллий савдо компаниялари вужудга келди. Тез орада уларнинг фаолияти соф савдо чегарасидан ташқарига чиқди ва улар қулларни қўлга киритиш ва уларни эксплуатация қилиш, босиб олинган ҳудудларда плантациялар ва манзилгоҳлар барпо этиш жараёнида иштирок эта бошлиди, ниҳоят, ўз давлатлари амалга ошираётган мустамлакачилик сиёсатининг асосий ижроқисига айланди.

Буларнинг барчаси жиддий миграция жараёнлари юз беришига ҳам сабаб бўлди; хусусан, мустамлакачилар қора танли қулларни Африкадан Америкага оммавий тарзда ташиб келтира бошладилар ва шу тариқа унинг демографик таркибини бутунлай ўзгартирилар. Шунинг ўзиёқ глобаллашув турли халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан аввалбошдан узвий боғлиқ бўлган, деган холосага келиш имконини беради.

XVII аср бошларига келиб шарқ ва ғарб савдогарлари улкан ҳудудларни ўзлаштирилар ва деярли бутун дунё бўйлаб жойлашдилар. Шу тариқа улар инсоният тарихида биринчи бўлиб ягона глобал иқтисодий ва сиёсий тизимнинг зарурый асосларини яратдилар ва мазкур тизим шаклланиши учун замин ҳозирладилар.

Шундай қилиб, XV-XVI асрларда юз берган буюк географик кашфиётлар жаҳон тарихининг ривожланиш жараёнида туб бурилиш ясади ва «Европа сиёсатининг кескин, мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келди. Дунё чегаралари муайян даражада кенгайди. Эндиликда Европа мамлакатлари ўртасидаги турли зиддиятларга мустамлакалар

учун курашда рақобат ҳам қўшилди»⁴³. Шу тариқа янги халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларга, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирига ва Фарбий Европа денгиз давлатларининг ўзлари кашф этган ер куррасининг турли худудларидағи экспансиясига асос солинди.

Глобал муаммолар глобаллашувнинг оқибати сифатида. Кўриб чиқилган глобаллашув жараёнлари одамларга янги ғам-ташвишлар ва ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашувидан келиб чиқадиган янги (глобал) муаммолар келтириди. Юкорида қайд этиб ўтилганидек, улар ижтимоий ривожланишда, шунингдек «жамият-табиат» тизимида узоқ вақт мобайнида юз берган миқдор ва сифат ўзгаришлари маҳсул бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон ҳамжамияти нафақат янада ранг-баранг, балки аввалгидан ҳам зиддиятлироқ шакл-шамойил касб этгани билан тавсифланадиган ҳозирги вазият тарихда ҳеч қачон бўлмаган.

Бир томондан, у бир-бирига ўхшамайдиган, катта ва кичик, ривожланган ва қолоқ, тинчликсевар ва урушқоқ, ёш ва қадимги кўп сонли маданиятлар, миллатлар ва давлатлардан иборат. Бошқа томондан эса, инсоният учинчи минг йилликка ягона организм сифатида, бир «умумий уй», аникроқ айтганда, яшаш шароитлари нафақат табиий кўрсаткичлар, яъни яшаш учун яроқли ҳудуд билан, балки ҳаёт фаолияти учун зарур ресурслар мавжудлиги билан ҳам чегараланган Ер деб аталмиш катта ва одамга тўлиб кетган «коммунал квартира» аҳолиси сифатида қадам кўйди. Бу тўла англаб этиш жараёни сўнгти ўн йилликлардагина юз берган ва эндиликда у билан барча мамлакатлар ва халқлар ҳисоблашишга мажбур бўлган борлиқдир.

Айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки, *глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши қандайдир янглишиши, кимнингдир хатоси ёки ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг атайлаб танланган стратегияси натижаси эмас. Бу тарих инжиқлиги ёки табиий аномалиялар маҳсул ҳам эмас.* Ушбу муаммоларнинг илдизлари анча чуқур бўлиб, индустрιал жамият, умуман технократик йўналтирилган маданиятнинг кенг миқёсдаги инқирозини юзага келтирган ҳозирги цивилизациянинг вужудга келиш тарихига бориб тақалади.

Мазкур инқироз одамларнинг бир-бири билан, жамият ва табиат билан ўзаро алоқаларининг бутун мажмунини қамраб олди ва деярли бутун жаҳон ҳамжамиятияга, ривожланаётган мамлакатларга ва ривожланган мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди. Инсоннинг атроф мухитга салбий таъсири айнан ривожланган мамлакатларда, асосан бу ерда жадал суръатларда ва стихияли тарзда ривожланган иқтисодиёт билан боғлиқ сабабларга кўра олдинроқ ва бўртиброқ намоён бўлди. Шу мъюнода 2008 йилда бошланиб, бутун дунёни ларзага солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат ривожланган саноат мамлакатлари, балки ривожланаётган, айниқса бозор муносабатлари қарор топаётган давлатларда ҳам ўз салбий оқибатини ўтказмасдан қолмади. Айни пайтда глобал молиявий инқироз жаҳон молия банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва уни тубдан ислоҳ қилишнинг зарурлигини кўрсатиб берди. Ушбу молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қандай давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари кўп жиҳатдан бир қатор омилларга, хусусан, мамлакат молия валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканлиги, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, олтин валюта заҳирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти, шунингдек, иқтисодиётнинг барқарорлик, диверсификация ва рақобатбардошлиқ даражаси билан боғлиқ. Дарҳақиқат, И.А.Каримов айтганларидек ”мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2010 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қаралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади”¹. Бу эса республикамиз молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг барқарор ва ишончлилиги, уларнинг ҳимоя механизмларини кучайтириш учун, халқаро молия инқирозининг мамлакат банк тизимида

43 Харенберг Б. Хроника человечества. – М.: Слово, 2000. – С.387.

1 Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва ҷоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.30

таъсири даражасини эътиборга олган ҳолда, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати дастаклари, ликвидлигини тартибга солиш инструментларини янада такомиллаштириш, банк хизматларидаги инновацияларни ҳисобга олган ҳолда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни янада такомиллаштиришни талаб қиласди. Ҳозирги кунда бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Глобал муаммоларни ечишда фалсафанинг роли. Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса бу муаммоларни ечиш йўлларини излашга мажбур қилди.

Юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги ва янгилиги шундан иборатки, ҳар қандай муайян муаммоларни айрим фан ёки бир неча фанлар мажмуи доирасида ўрганиш мумкин бўлса, инсон, жамият ва табиатни уларнинг кўп сонли ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларида қамраб оловчи мураккаб тизимдан иборат глобал муаммоларни тадқиқ этишга айрим фанлар қодир эмас. Зеро ўз тадқиқоти обьекти – у ёки бу айрим муаммони бошқа глобал муаммолар контекстида талқин қилишга муайян фанлар доираси торлик қиласди. Шу сабабли у ёки бу фан қайси муайян вазифаларни ечишидан қатъий назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан охир-оқибатда олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо тадқиқотнинг зарурый шарти ҳисобланади.

Ҳар қандай айрим фанлар муайян босқичда ўз тадқиқот предметини фалсафий жиҳатдан англаб етишга у ёки бу даражада муҳтоҷ бўлади. Муайян фан предметига ва инсоният олдида турган муаммоларга нисбатан бундай кенг ёндашувсиз фундаментал кашифиётлар қилиш ҳам, умуман фаннинг ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, айни ҳолда, бир томондан, масалаларнинг фалсафий ечими тўғрисида, бошқа томондан эса – фалсафа фанларнинг кенг доираси ўзаро алоқа қилишини рағбатлантириши, бунда уларнинг фанлараро бирлашуви муҳим ўрин тутиши тўғрисида сўз юритилади.

Гарчи фалсафа одамларнинг кундалик ҳаёти ва амалиётидан анча узоқда бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд бўлса-да, у (фалсафа) глобал муаммоларни ечишда муҳим рол ўйнайди. Зеро, умумий назариялар баъзан билимнинг аксарият муайян соҳаларига қараганда кўпроқ самара бериши мумкинлиги яхши маълум.

Албатта, фалсафа сиёсий ва бошқа қарорлар кабул қилиш жараёнига муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш учча ўринли бўлмайди. Зеро, унинг бош вазифаси дунёқарашни шакллантириш ва шу тариқа амалий қарорлар ишлаб чиқиши жараёнига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат. Унинг вазифаси глобал муаммоларнинг табиий-илмий ва техникавий жиҳатларини бевосита ўрганишдан эмас, балки бошқа фанлар таклиф қиласиган тегишли ечимларнинг фалсафий, методологик, маданий ва ахлоқий негизини таъминлашдан иборат.

Фалсафий тадқиқот муайян фанларнинг мазкур соҳадаги ютуқларига таяниб, масаланинг айрим жиҳатларини мавҳумлаштиради ва глобал муаммоларни улар бир-бирини қай даражада тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганади. Бошқача айтганда, фалсафий ёндашув глобал муаммоларни уларнинг ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий белгиланганлиги нуқтаи назаридан яхлит ўрганишни назарда тутади. Бундай тадқиқот аввало глобал муаммоларнинг моҳиятини аниқлашни назарда тутади, чунки уларнинг асл табиати ва генезисини аниқлаш бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Глобал муаммоларни фалсафий англаб етишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлар эканмиз, фалсафанинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган ва билишнинг шу шаклигагина хос бўлган хусусиятларни қайд этиб ўтамиз.

Биринчидан, фалсафа, дунёқарашни шакллантирар экан, инсон фаолияти йўналишини кўп жиҳатдан белгилайдиган муайян мўлжаллар беради. Шу тариқа фалсафа ўзининг дунёқарашни шакллантириш ва аксиологик функцияларини бажаради.

Иккинчидан, турли фанлар доирасида ўрганиладиган мураккаб тизимлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд эмаслиги бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу маънода фалсафанинг мазкур фан доирасида юзага келадиган назарияларни умумлаштирувчи методологик функцияси айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий билимнинг интеграциялашувига кўмаклашади.

Учинчидан, фалсафа ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тарихий контекстда тушунтириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг умумий конунларини таърифлайди ва шу сабабли глобал муаммоларни ўрганишда уларни ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўл кўрсатади. Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши тасодиф ёки инсониятни ҳалокатга олдиндан маҳкум этувчи тақдирнинг ҳукми сифатида эмас, балки қарама-қаршиликларга тўла инсоният тарихи объектив ривожланиш жараёнининг маҳсули сифатида қаради.

Тўртингчидан, фалсафа глобал муаммолар ривожланишининг умумий тенденциясини, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиш даражасини фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имконини беради.

Бешинчидан, фалсафа назарий фикрлаш маданиятини ривожлантириш учун имконият яратиш орқали маънавий - маданий функцияни бажаради. Турли халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш, уларнинг маданияти билан ҳам танишиш имконини беради. Муайян халқлар олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам уларнинг маданиятига боғламасдан ечиш мумкин эмас.

Олтинчидан, глобал муаммоларга оид илмий ахборотнинг шиддат билан ўсиб бораётган оқимида янада аниқроқ мўлжал олиш имконияти табиий-тарихий жараённи яхлит кўриш ва уни талқин қилишга нисбатан диалектик ёндашув маҳсули ҳисобланади.

Еттингчидан, фалсафа инсон ҳаётининг мазмуни, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига қўядики, бу инсониятга глобал муаммолар таҳдид солаётган шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, фалсафанинг яна бир муҳим методологик функцияси шундан иборатки, у инсониятнинг ҳозирги муҳим муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ва башарият ривожланишининг объектив тенденцияларини тушуниш ва англаб етишда улкан рол ўйнайдиган «табиат», «жамият», «цивилизация», «ижтимоий тараққиёт», «фан-техника инқилоби» каби бошқа категорияларни ишлаб чиқади.

Ҳозирги даврнинг глобал муаммоларини ўрганишга нисбатан фалсафий ёндашув ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилгач, энди глобаллашув жараёнлари қучайишига қараб аҳамияти ошиб бораётган муаммоларнинг ўзини шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Глобал муаммоларнинг моҳияти. «Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари» тушунчаси 1960-йиллар охири – 1970-йилларнинг бошларида кенг тарқалди ва шундан бери илмий ва сиёсий муомала(лексикон) ҳамда оммавий онгдан мустаҳкам ўрин олди. Аксарият ҳолларда у глобал саналмаган воқеалар ва ҳодисаларга нисбатан қўлланиладиган атама сифатида ишлатилади. Бундай ҳолга миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик воқеалар тенглаштирилганида, масалан, муайян бир мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини назарда тутиб, улар «глобал» деб номланган ҳолда дуч келиш мумкин.

Фалсафада бу вазифани ечиш учун тегишли мезонлар белгиланган бўлиб, уларга мувофиқ у ёки бу муаммо глобал деб белгиланди ва шу тариқа бундай хусусиятга эга бўлмаган бошқа кўп сонли муаммолардан фарқланади.

Этимологик жиҳатдан «глобал» атамаси, «глобаллашув» атамаси каби, ер курраси билан боғлиқ. Айни шу сабабли бутун инсоният манбаатларига дахлдор муаммоларни ҳам, дунёнинг турли нуқталаридағи ҳар бир айрим инсонга тегишли бўлган, яъни умуминсоний хусусият касб этадиган муаммоларни ҳам «глобал» деб номлаш одат тусини олган. Улар жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг муҳим объектив омили сифатида айрим мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Уларни ечиш аксарият давлатлар ва ташкилотларнинг куч-ғайратини халқаро даражада бирлаштиришни назарда тутади. Айни вақтда глобал муаммоларнинг ечилмай қолиши бутун инсоният келажаги учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Муаммоларнинг турли даражалари. Глобал муаммолар бутун дунёгагина тегишли бўлмай, унинг минтақалари ва ҳатто айрим мамлакатлар даражасида намоён бўлгани боис, илмий адабиётларда уларнинг умуминсоний аҳамиятини тан олиш билан бир қаторда, уларни моҳияти ўзгача, таъсир доираси эса торроқ бўлган айрим, маҳаллий, минтақавий муаммолардан фарқлаш ҳам амалга оширилади. Турли даражадаги муаммоларни «умумийлик», «хусусийлик» ва «яккалик» фалсафий категорияларининг муайян ифодаси сифатида ўрганар эканлар, уларни одатда шундай талқин қиласидарки, хусусий муаммолар айрим муаммолар сифатида, маҳаллий ва минтақавий муаммолар – хусусий муаммолар сифатида, глобал муаммолар эса – умумий муаммолар сифатида амал қиласиди. Зикр этилган муаммоларни фарқлаш замирида ётувчи асосий мезон ҳам айни шу ёндашувни белгилайди. У географик деб аталади, чунки макон омилини ёки, бошқача айтганда, муайян муаммолар мавжуд ҳудудни акс эттиради.

Хусусий муаммолар давлат фаолиятининг муайян жасабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишили бўлган муаммолардир. Булар, одатда, турли авариялар, носозликлар натижасида юзага келадиган ҳар хил муаммолар, маҳаллий ижтимоий конфликтлар ва ш.к.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишили бўлган муаммоларга нисбатан таббиқ этилади. Бу ерда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжасиятнинг маълум қийинчилеклари, ғам-ташибишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иктисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади. Бундай муаммоларга Шарқий Европанинг бир неча мамлакатлари ҳудуди радиоактив заҳарланишига олиб келган Чернобил фожиаси ёки бир қатор давлатларни қамраб оловчи анча катта ҳудудларда юз берган иқлим ўзгаришлари мисол бўлиши мумкин. Масалан, 1968 йилда Сахел минтақасида юз берган қурғоқчилик «аср фалокати» деган ном олди. У Африка қитъасининг 18 давлатини қамраб олди, бунда очарчилик натижасида 250 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлди, таҳминан 18 миллион бош қорамол нобуд бўлди, хавфли касалликларнинг эпидемиялари юзага келди, бу улкан минтақа ҳудуди эса деярли тўла саҳрога айланди.

Глобал муаммолар бутун ер куррасини, унинг нафақат одамлар бевосита яшайдиган қисмини, балки Ернинг қолган юзаси, ер ости бўшилиqlари, атмосфера, гидросфера ва ҳатто инсон фаолияти доирасига кирувчи космик фазони қамраб олиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, глобал муаммолар тўғрисида сўз юритилганда бутун сайёра назарда тутилади, унинг энг йирик таркибий бирлиги сифатида эса минтақа қабул қилинади. Бунда минтақалар сони ва уларнинг миқёси қўриб чиқилаётган муаммолар хусусияти билан белгиланади. Масалан, дунё миқёсидаги иқтисодий қолоқлик муаммосини тадқиқ этишда одатда бутун сайёрани икки минтақа – ривожланган ва ривожлананаётган мамлакатларга ажратиш билан кифояланилади. Демографик, энергетик муаммолар ёки хом ашё муаммоларини ўрганишда эса, минтақалар сони кўпаяди ва ҳар сафар тадқиқотнинг муайян мақсадлари билан белгиланади.

Бунда шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай муаммо сайёранинг исталган минтақасига нисбатан муҳим саналган, яъни уларнинг ҳар бирида намоён бўлган ҳолдагина глобал деб ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда бир ёки бир неча минтақаларнинг муаммолари (ёки бундан ҳам кичикроқ миқёсдаги муаммолар) тўғрисида сўз юритилади.

Бундан барча глобал муаммолар айни вақтда минтақавий аҳамият ҳам касб этади, лекин минтақавий даражада аниқланган барча муаммолар ҳам глобал бўлавермайди, деган хулоса

келиб чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, глобал муаммолар сони камроқ бўлади. Бошқа даражаларга келсак, глобал муаммолар бевосита маҳаллий ёки хусусий кўринишга эга бўлмаслиги ёки бу ерда унча сезилмаслиги мумкин.

Масалан, Антарктидада ёки сайёрамизнинг атроф муҳит ифлосланадиган асосий марказлари ва манбаларидан анча узоқда жойлашган бошқа бурчакларида ҳаво ёки сув ҳавзаларининг ҳолати қониқарли бўлиши, табиий муҳиттга антропоген таъсир эса деярли сезилмаслиги мумкин. Шунга қарамай бу кескинлик даражаси табиий муҳиттга антропоген таъсирнинг нотекислигига боғлиқ бўладиган экологик муаммонинг глобал хусусиятига шакшубҳа туғдирмайди. Ўз навбатида, барча маҳаллий ёки хусусий муаммолар глобал муаммолар билан боғланавермайди, зоро уларнинг сони таққослаб бўлмайдиган даражада кўпроқдир.

Келтирилган мурлоҳаза глобал ва минтақавий муаммоларни нафақат илмий балки, амалий жиҳатдан ҳам фарқлаш имконини беради, чунки барча глобал муаммолар ўз миқёсида ўзгармайдиган ягона тизим – бутун сайёрага тегишлидир. Шу сабабли мазкур тизим учун уларнинг сони маълум тарихий босқичда муайян ҳисобланади. Айни вақтда бошқа даражадаги муаммолар сонининг аниқ ҳисобини юритиш мумкин эмас, зоро минтақаларнинг ва турли худудларнинг чегаралари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига қараб шартли олинади.

Глобаллик мезонлари. Фан ва фалсафада глобал муаммоларни янада аникроқ тавсифлаш учун юқорида зикр этилган «географик» мезондан ташқари бу муаммоларни бошқа томондан – уларнинг сифати, ва муҳим хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифловчи кўшимча мезонлар қўлланилади.

Биринчидан, глобал муаммолар ўз моҳиятига кўра нафақат айрим кишиларнинг манфаатларига, балки бутун инсоният тақдирига дахлдордир.

Иккинчидан, уларни бартараф этиши учун бутун сайёра аҳолиси ҳеч бўлмаса аксарият қисмининг куч-гайратини бирлаштириши ва улар баҳамжисиҳат, изчил иш кўриши талааб этилади.

Учинчидан, бу муаммолар дунё ривожланишининг объектив омили ҳисобланади ва бирон-бир мамлакат уларни эътиборга олмаслиги мумкин эмас.

Тўртинчидан, глобал муаммоларнинг ечилмагани келажаскда бутун инсоният ва унинг яшиаш муҳити учун жиҳдий, балки тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қайд этилган мезонлардан ташқари баъзан глобал муаммоларнинг бошқа бир қатор хусусиятлари ҳам кўрсатилади. Хусусий, маҳаллий ва минтақавий муаммолардан фарқли ўлароқ, глобал муаммолар нисбатан турғунроқдир. Улар глобалликнинг юқорида санаб ўтилган барча мезонларига мос келишдан олдин зимдан ва узоқ шаклланади, ечилишига қараб эса (назарий жиҳатдан) куйироқ даражага тушиб, дунё миқёсида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Аммо тенденцияларни тескари йўналишда ўзгартириш камида бутун жаҳон ҳамжамиятининг изчил ҳаракатларини талаб этувчи ўта оғир иш бўлиб, ҳали бунга эришилганича йўқ. Глобал муаммолар мавжудлигининг нисбатан қиска тарихига нафақат уларнинг куйироқ даражага тушиши, балки сусайиш ҳоллари ҳам маълум эмаслигининг сабаби ана шундадир.

Глобал муаммоларнинг бошқа бир муҳим хусусияти – уларнинг барчаси бир-бирига шу даражада боғлиқи, улардан бирини ечиш ҳеч бўлмаса унга бошқа муаммоларнинг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутади.

Глобал муаммоларнинг таснифи. Глобал муаммоларнинг келтирилган мезонлари ва ўзига хос хусусиятлари асосан мазкур соҳадаги аксарият тадқиқотчиларнинг қарашларини акс этириди ва глобал муаммоларни бошқа барча муаммолардан фарқлаб, аниқ айтиш имконини беради. Бунда у ёки бу муаммонинг кескинлик ва муҳимлик даражасини белгилаш, унинг бошқа муаммолар билан ўзаро нисбатини аниқлаш учун одатда турли таснифлашлар амалга оширилади, улар алоҳида гурӯхларга ажратилади.

Таснифлаш бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди, балки ҳозирги даврнинг ўта кескин зиддиятларини комплекс ўрганишнинг муҳим элементи сифатида амал қиласи ва мазкур муаммоларни уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши нуқтаи назаридан

ўрганиш имконини беради. У муҳим алоқаларни фарқлаш, устуворликларни ва объектив мавжуд глобал муаммоларнинг кескинлашув даражасини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, таснифлаш глобал муаммоларнинг тизимли ўзаро алоқасини янада теранроқ тушунишга кўмаклашади ва амалий қарорлар қабул қилиш кетма-кетлигини белгилашга ёрдам беради.

Изчил ва аниқ амалга оширилган таснифлаш билишнинг мазкур соҳасидаги аввалги тадқиқотларни маълум даражада сарҳисоб қиласи ва айни вақтда бундай тадқиқотларнинг ривожланишида янги босқич бошланганини қайд этади.

Ҳозирги замонда глобал муаммоларни таснифлашга нисбатан ҳар хил ёндашувлар орасида айниқса кенг эътироф этилган таснифга мувофиқ глобал муаммоларнинг барчаси уларнинг кескинлик даражаси ва ечимининг аҳамиятига, шунингдек реал ҳаётда уларнинг ўртасида қандай сабабий боғланишлар мавжудлигига қараб уч катта гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ энг катта умумийлик ва муҳимлик даражаси билан тавсифланадиган муаммолар. Улар турли давлатлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Айни шу сабабли улар интериҷстимоий глобал муаммолар деб аталади. Бу ерда жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ваadolатли дунёни таъминлаш; янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш каби икки ўта муҳим муаммо фарқланади:

Иккинчи гуруҳ жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган муаммолар бўлиб, улар одамларни энергия, ёнилғи, чучук сув, хом ашё ресурслари ва шу кабилар билан таъминлаш кабилардир. Бу гурухга экологик муаммолар, шунингдек Жаҳон океани ва космик фазони ўзлаштириш ҳам киради.

Учинчи гурухни «инсон – жамият» тизими билан боғлиқ муаммолар яъни демография муаммоси, соғлиқни сақлаш, таълим, халқаро терроризм таҳди迪 маънавият масалалари ва шу кабилардир.

У ёки бу муаммонинг муайян гуруҳга киритилиши маълум даражада шартли хусусият касб этади ва муҳим омилларга, уларни ажратиш асосларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳар қандай тасниф масала ечимининг узил-кесил варианти сифатида эмас, балки мураккаб тизимни қайта тузишнинг глобал муаммолар ўзаро алоқаси табиатини яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган усувларидан бири сифатида қаралиши лозим.

Энди бутун инсониятга жиддий хавф туғдираётган энг муҳим муаммоларга қисқача тавсиф берамиз.

Асосий глобал муаммолар тизими. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари ўз ҳолатини замонда тинимсиз ўзгартирадиган ягона, фаол ва очиқ тизим ҳисобланади, чунки унга умуминсоний аҳамиятга молик бўлган янги муаммолар кириши, аввалги муаммолар эса, уларнинг ечилишига қараб, йўқолиши мумкин. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти А.Печеен бу ҳолатга эътиборни қаратиб, инсоният қаршисида кўндаланг бўлган аксарият муаммолар «бир-бири билан маҳкам чирмашиб олди, улкан спрут чангали янглиг бутун сайёрани ўз исканжасига олмоқда... ечилимаган муаммолар сони ўсиб бормоқда, улар янада мураккаброқ тус олмоқда, уларнинг чирмашуви янада чигаллашмоқда, уларнинг «исканжаси» эса сайёрамизни ўз чангалида тобора қаттиқроқ сиқмоқда»,¹ деб ёзган эди.

Аммо глобал зиддиятлар тугуни қанчалик чигал бўлмасин, уни фан ва фалсафа ёрдамида ечиш, яъни сабабни оқибатдан, муҳим тафсилотларни иккинчи даражали тафсилотлардан, объективни субъективдан фарқлаш учун назарий жиҳатдан англаб этиш лозим. Дунё миқёсидаги жараёнларга таъсириш учун одамларнинг имкониятлари ва ресурслари чекланганини ҳисобга олиб, муаммоларнинг қайси бири дарҳол ечишни талаб қилиши ва қайси бири иккинчи даражали аҳамият касб этишини ҳам фарқлаш муҳимдир.

Демографик муаммо. Ҳозирги замонда инсониятнинг энг муҳим муаммолари орасида, аксарият давлатлар ва минтақаларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайшишига сабаб бўлаётган аҳолининг назоратсиз ўсиши қайд этилади. Айрим мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, сайёрада мавжуд энергетика, хом ашё, озиқ-овкат ва бошқа ресурслар Ерда факат бир миллиардга яқин киши («олтин миллиард») муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаши мумкин. Ваҳоланки, охирги минг йиллик мобайнида сайёрамиз аҳолиси 15 баравар кўпайди ва

1 Печеен А. Человеческие качества. – М.: 1980. – С.7

бугунги кунда 6 миллиард кишидан ошиб кетди. Бунда нафақат миқёс, балки аҳолининг ўсиш суръатлари ҳам ақлни лол қолдиради. Хусусан, биринчи икки баравар кўпайиш 700 йил ичида, иккинчиси – 150 йил ичида, учинчиси – 100 йил ичида ва охиргиси – 40 йилдан камроқ вақт ичида юз берди. Шуни айтишининг ўзи кифояки, 1956 йил Ерда 2,8 миллиард киши яшаган бўлса, XX аср охирига келиб бу рақам 6 миллиардга етди.

XX асрда ер курраси аҳолисининг «демографик портлаши» деб номланган мислсиз даражада ўсиши биологик қонунларнинг эмас, балки стихияли, нотекис ижтимоий ривожланиши ва инсоният катта машақатлар билан бартараф этишига ҳаракат қилаётган чуқур ижтимоий зиддиятлар маҳсулни бўлди. Бу аввало ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлиб, уларга жаҳон аҳолиси ўсишининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғи тўғри келади. Бу ердаги вазият ривожланаётган мамлакатларга XX аср бошидаёқ хос бўлган ўлим даражасининг юқорилиги ва бутун инсониятга XVIII асрга хос бўлган туғилиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги даражаси ва аҳоли жон бошига олинадиган даромад миқдорига, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик даражаси ва қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига, аҳолининг саводхонлик даражаси ва умумий маданий савиясига кўра бу мамлакатлар халқларининг аксарияти ҳали XIX асрда яшамоқда.

Демографик муаммолар жуда мураккаб ва ўта турғун бўлиб, уларни тез бартараф этиш мумкин эмас. Уларни ечиш кечга сурилгани сари, янада мураккаброқ ва чигалроқ тус олади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларда барча ҳукуматлар туғилиш даражасини пасайтиришга қаратилган демографик сиёsatни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан Ўзбекистонда 1995 йилда “Оилани режалаштириш” давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурда ҳар бир оиласда фарзанд туғилишини режалаштиришнинг она ва бола соғлигини асрашга йўналтирилган саъй ҳаракатлардан бири бўлиши билан бир қаторда, мамлакатда демографик портлашнинг олдини олиш вазифасини босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Бу борада барча вилоятларда, қишлоқ ва овулларда репродуктив саломатлик бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур муаммо ривожланаётган мамлакатларда ҳам кескинлашди, лекин бу ерда унинг акс кўринишига дуч келиш мумкин. Умр узунлигининг ва кекса одамлар сонининг ўсиши жараёнида ҳатто аҳолининг оддий кўпайишини ҳам таъминламайдиган туғилиш даражасининг пасайиши кузатилмоқда. Айни ҳолда депопуляция, яъни аҳоли сонининг камайиши тўғрисида сўз юритиладики, (Россия аҳолиси ўртача 54 ёшни ташкил қиласди,) бу ҳам миллий манфаатлар, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, пенсия таъминоти ва шу кабиларга тегишли кўшимча қийинчиликларни юзага келтиради. Россиядаги сўнгги 20 йилликдаги демографик жараёнлар бунга ёрқин мисол бўлади. Бироқ, кейинги беш йилда бу масалада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан аҳоли сони ортиши ва ўртача умргузаронлик 4 йилга ошди.

Таълим муаммоси. Демографик портлаш сабаблари таълим муаммоси билан узвий боғлиқ. Сўнгги йилларда жаҳонда саводсизлар сони фоиз ҳисобида камайган бўлса, мутлақ ҳисобда ўсишда давом этмоқда. Бунда маълумотсиз одамларнинг ҳаёти амалда кўп болаликни хурофий ақидалар билан оқладиган архаик оиласиананларга бўйсунади. Пировардда ривожланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут бу жиҳатдан ҳам ортишда давом этмоқда. Ҳозирги вақтда ажабтовур вазиятни кузатиш мумкин: саводхонлик мутлақ рақамларда ўсаётган бир пайтда, саводсизлар, яъни ўқиш, ёзиш, оддий арифметик амалларни бажаришни билмайдиган одамлар сони ҳам ўсиб бормоқда (Хиндистон аҳолисининг 70%, Покистон аҳолисининг 60%, Африка мамлакатлари аҳолисининг 80% саводсиз).

Шу билан бир қаторда аксарият одамларнинг маълумот даражаси янги технологиялар ва компьютер техникасидан кенг фойдаланувчи ҳозирги жамиятда тўлақонли яшаш ва меҳнат килиш имконини бермаслиги билан боғлиқ функционал саводсизлик ҳам ўсиб бормоқда.

Озиқ-овқат муаммоси. Оммавий касалликлар ва умрнинг сезиларли даражада қисқарииши сабабларидан бири озиқ-овқат муаммосидир. Хусусан, сурункали тўйиб овқат

емаслик ва номутаносиб овқатланиш кам ривожланган мамлакатлар аҳолисида оммавий тарзда намоён бўлаётган муттасил оқсил очлиги ва витамин тақчиллигига олиб келмоқда. Натижада жаҳонда ҳар йили очликдан бир неча ўн миллионлаб одамлар, катталардан кўра кўпроқ болалар ҳалок бўлмоқда.

Озиқ-овқат тақчиллигига дуч келган мамлакатлар уни импорт қилишга мажбур, лекин бу, одатда, очарчиликка қарши қурашда кам самара беради ва бундан ташқари, мазкур мамлакатларни экспортчиларга қарам қилиб қўяди. Шу тариқа ғалла ижтимоий-иктисодий, сиёсий тазийк ўтказишнинг самарали воситасига ва моҳият эътибори билан, аввало энг қашшоқ мамлакатларга қарши «озиқ-овқат қуроли»га айланади.

1960-йилларда озиқ-овқат муаммосини ечиш ривожланаётган мамлакатлар учун «яшил инқилоб»ни амалга ошириш билан боғланган эди. Бу тадбирнинг моҳияти буғдой ва шолининг ўта унумли янги навларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини кескин оширишдан иборат эди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар ёрдамида модернизация қилиш мўлжалланди. «Яшил инқилоб» аксарият ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинди, лекин амалда ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келди. Қишлоқни қайта ташкил этиш учун тегишли ижтимоий шартшароитлар ва бунинг учун зарур маблағлар мавжуд бўлган давлатларда у ижобий самара берди. Аммо бундай мамлакатлар унча кўп эмас, масалан Ҳиндистон, Покистон шулар жумласидан. Техника ва ўтилар харид қилиш учун маблағлар мавжуд бўлмаган, аҳолининг маълумот даражаси жуда паст бўлган, турғун анъаналар ва хурофий ақидалар хўжалик юритишнинг илғор шаклларини амалга жорий этишга тўсқинлик қилган ўта қолоқ мамлакатларда эса «яшил инқилоб» самара бермади. Шунингдек, у одатдаги майда хўжаликларни вайрон қила бошлади, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга миграциясини кучайтируди. «Яшил инқилоб» эски қишлоқ хўжалиги ўрнида янги, замонавий қишлоқ хўжалигини барпо эта олмади, яъни эски уйни бузиб, унинг ўрнида янги иморат қура олмади, бу эса озиқ-овқат муаммосини янада кескинлаштируди.

Ўзбекистонда бу муаммонинг ечимини топишга оқилона ёндошилди. Паҳта яккаҳомлигига чек қўйилиб, ғалла, шоли, чорма молларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқиши технологияларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди.

Иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги. Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш ва янги ҳалқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш ҳозирги даврнинг глобал муаммолари орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ерда вужудга келган ҳалқаро муносабатлар тизими бекарорлашувининг кучли омиллари яшириниб ётади. Сўнгти йилларда дунё миқёсида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, бойлар ва камбағаллар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги улкан тафовут янада ошди. Бу муаммо баъзан «бой Шимол» ва «қашшоқ Жануб» ўртасидаги қарама-қаршилик сифатида ҳам тавсифланади.

1960-йилларда аксарият мамлакатларнинг тўғридан-тўғри мустамлака қарамлигидан ҳолос бўлиш жараёни янги, лекин ўзгача тусдаги қарамлик ўрнатилишига олиб келди. Урушдан кейинги даврда жаҳон савдосининг ўсиши ва давлатлараро алоқаларнинг кучайиши юз берди. Айни вақтда Ғарб давлатлари иқтисодиётida монополиялашув жараёни кучайди ва трансмиллий корпорациялар пайдо бўла бошлади. Улар арzonроқ ишчи кучи топиш ва атроф мухитни муҳофаза қилишга қўшимча харажатлардан кутулиш мақсадида меҳнат сарфи катта бўлган ва экологик жиҳатдан ифлос ишлаб чиқаришларни ривожланаётган мамлакатларга экспорт қила бошладилар. Бу ҳол, бир томондан, ривожланган капиталистик мамлакатларда атроф мухитни ҳимоя қилиш учун оммавий ҳаракатнинг фаоллашуви ва экологик қонунчиликнинг янада кескинлашуви билан, бошқа томондан эса, ривожланаётган мамлакатлар ўзининг қашшоқлиги туфайли, қатъий экологик меъёрлар ва бу билан боғлиқ чеклов чоралари жорий этишни ўзига доим ҳам эп кўра олмаслиги билан изоҳланар эди.

Сўнгти ўн йилликларда вазият яна ривожланаётган мамлакатлар зарарига ўзгара бошлади. Ривожланган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ва иқтисодиётга компьютерлар ва микроэлектроника жадал суръатларда жорий этила бошлади. Шунингдек

технологик новациялар ва янги (юксак) технологиялар роли ҳам сезиларли даражада ошди, бу эса ишлаб чиқаришга маълумотли, малакали ишчи кучини жалб қилишни тақозо этди. Шу сабабли иқтисодий ўзаро алоқалар ва жаҳон савдоси асосан иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасидаги алмашинув ҳисобига амалга оширила бошлади, ривожланаётган мамлакатлар эса, агар улар кўп миқдорда хом ашё ресурсларига эга бўлмаса, жаҳон бозоридан сиқиб чиқарилди.

Ўзбекистонда эса, мустақиллик йилларида “...ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳаки 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф ҳаражатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Энергетика ва хом ашё ресурслари. Яна бир глобал муаммо – инсониятни энергетика ва хом ашё ресурслари билан таъминлаши ҳалқаро майдонда кўп сонли зиддиятлар, шу жумладан ҳарбий можаролар манбаига айланди. Бу ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг негизи ҳисобланади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига қараб инсон ҳаётида тобора муҳимроқ рол ўйнайди.

Мазкур ресурслар тикланадиган, яъни табиий ёки сунъий йўл билан тиклаш мумкин бўлган ресурсларга (гидроэнергия, ёғоч, қуёш энергияси ва ш.к.) ва миқдори мавжуд табиий захиралар билан чегаралangan тикланмайдиган ресурсларга (нефть, кўмир, табиий газ, ҳар хил рудалар ва минераллар) бўлинади.

Ҳозирги истеъмол суръатлари сақланган тақдирда тикланмайдиган ресурсларнинг аксарияти инсониятга бир неча ўн йиллардан бир неча юз йилларгача бўлган муддат билан ўлчанадиган яқин келажакда фойдаланишгагина етиши ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек мавжуд захираларнинг анчагина қисми мураккаб шароитда жойлашган конларда жамланган ёки нисбатан қашшоқ рудалардан иборат.

Яқиндагина одамлар аксарият фойдали қазилмаларни очик усуlda ёки 600 м дан ошмайдиган чуқурликда қазиб олган бўлсалар, бугунги кунда вазият сезиларли даражада ўзгарди. Қулай жойлардаги фойдали қазилмалар тугаб бормоқда ва эндилиқда 8-10 км чуқурликда ёки океан тубида жойлашган конларни ишга солиш вазифаси пайдо бўлмоқда. Бу эса нафақат кўп миқдорда капитал қўйилмаларни, балки уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш учун янги техника ва технологиялар яратишни ҳам тақозо этади. Шу сабабли чиқиндисиз технологияларни ривожлантириш билан бир қаторда инсоният ихтиёрида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уруш ва тинчлик муаммоси. Ҳарбий соҳа жамият ҳаётиниг энг исрофгар соҳаси ҳисобланади. Айни шу сабабли жамият ҳаётидан урушини бартараф этиши ва Ерда мустаҳкам тинчликни таъминлаши бутун дунёда мавжуд барча глобал муаммолар орасида энг муҳими деб эътироф этилади. Унинг кескинлиги барча замонларда ҳеч қаҷон пасаймаган бўлса-да, XX асрда у нафақат айрим кишилар, ҳалқлар, балки бутун инсоният олдига «ўлиш ё қолиш?» деган мудҳиши савонни қўйиб, алоҳида, фожеавий мазмун ва аҳамият касб этди.

Бу ҳол илгари мавжуд бўлмаган имконият – Ердаги ҳаётни йўқ қилиш имкониятини яратган ядро қуроли пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ядро қуроли 1945 йил августда (Хиросима ва Нагасаки) илк бор қўлланилган пайтдан эътиборан мутлақо янги давр – инсон ҳаётиниг барча жабҳалари: сиёsat, иқтисод, тафаккурда, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатида туб ўзгаришлар ясаган ядро даври бошланди. Аммо муҳими шундаки, мазкур даврдан эътиборан нафақат айрим инсон, балки бутун инсоният ўлиши мумкин бўлиб қолди. Тейяр де Шарден янги вазиятга баҳо берар экан, шундай дейди: «Бир индивид ўлса, унинг ўрнини доим бошқа бир индивид эгаллайди. Индивиднинг ўлими ҳаётниг давом этишига тўсиқ бўла олмайди. Аммо бутун инсоният ўлса-чи?...»⁴⁴

1940-йилларнинг охирида таърифланган бу масала вақт ўтиши билан айникса муҳим аҳамият касб этди. Атом бомбаси пайдо бўлиши билан «қиёмат-қойим» хом-хаёл бўлмай

1 Каримов И.А. БМТ Саммитининг мингийиллик ривожланиш мақсадларига багишлиланган ялпи мажлисдаги нутқ.-Т.: Ўзбекистон, 2010.

44 П. Тейяр де Шарден. Феномен человека. – М.: 1987. – С.216.

қолди. Ўша даврда янги ихтиронинг бутун хавфини кўпчилик ҳали тушуммаган, айрим файласуфлар ва олимлар ядро уруши таҳдид солаётган шароитда одамлар ўзининг ўзгарган ҳолатини англаб етишлари ва инсоният ҳалок бўлишининг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эди.

Албатта, ўзини ўзи қириб ташлаш имконияти одамларда дарҳол пайдо бўлгани йўқ. Ядро қуролини яратиш ва уни бутун тириклики қириб ташлаш учун етарли миқдорда жамғариш учун вақт, жуда катта моддий, молиявий ва бошқа харажатлар, шунингдек жаҳоннинг турли мамлакатларида олимлар, муҳандислар ва ишчилар кўп миллионли армиясининг куч-гайрати талаб этилди. Аммо биринчи ядро портлашларидан сўнг юзага келган вазиятнинг жиддийлигини жаҳон ҳамжамиятининг кенг давралари англаб етиши учун ҳам қарийб 30 йил вақт ўтиши керак бўлди.

АҚШ ва Совет Иттифоқида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда иш олиб борган олимлар икки жамоаси тадқиқотларининг ақлни лол қолдирувчи натижаси бўлган «ядро қиши» концепцияси пайдо бўлган 1980-йилларнинг бошига келибгина инсоният ядро қуроли яратилиши, шунингдек глобал муаммолар пайдо бўлиши билан у ўзининг аввалги «умрбоқийлиги»ни йўқотганини узил-кесил англаб етди.

Компьютерда яратилган моделларда анча аниқ ҳисоблаб чиқилган мазкур концепциянинг асосий мазмуни шундан иборатки, жаҳонда Ердаги ҳаётни бутунлай йўқ қилиши учун етарли миқдорда ядро зарядлари тўпланган. Улар портлатилган тақдирда тўғридан-тўғри шикастлантирувчи таъсирдан ташқари ҳавога сон-саноқсиз миқдорда чанг, тутун ва кул кўтарилади ва уларнинг қалин пардаси сайёрамизни қўёш нурларидан бутунлай тўсиб қўяди. Бу атмосфера ва Ер юзасининг температураси кескин пасайишига сабаб бўлади ва уни муз босишига олиб келади. «Ядро қиши» концепцияси одамларни улар янги хавф даражасини англаб етишга ва цивилизацияни қутқариш учун ҳарбий куч ишлатишдан воз кечиб, соҳ ёқасидан узоқлашишига қодирми, деган саволга жавоб беришда муқобилдан узил-кесил маҳрум қилди.

Хулосалар. Инсоният ўзини ўзи ташкил этувчи жонли тизим сифатида ўз мавжудлиги учун кураш олиб бормоқда, яхшироқ келажакка эришишига ҳаракат қилмоқда. Бунда ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва улар юзага келтираётган турли муаммолар инсоният олдида тарқоқлик ва ихтиофларни енгlib, ўз бирлиги сари ҳаракат қилиш, айни вақтда маданиятлар, асрий анъаналарнинг ўзига хослигини, айрим миллатлар ва ҳалқларнинг хусусиятларини саклашдан бошқа чора қолдираётгани йўқ. Бундай бирлашувга эса, фақат умуминсоний қадриятларни эътироф этиши ва уларга риоя қилиши орқали эришиши мумкин.

Такрорлаши учун саволлар

1. Глобаллашув тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Фундаментал глобаллашув. Глобаллашув жараёнининг серқирралиги.
3. Глобаллашув ва глобал муаммолар.
4. Глобалистика, Рим клуби ва футурология.

10-МАВЗУ. МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ. ТУШУНЧА ТАФАККУР ШАКЛИ СИФАТИДА РЕЖА

- 1. Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш обьекти**
- 2. Мантиқ фанининг назарий ва амалий аҳамияти.**
- 3. Формал мантиқнинг асосий қонунлари**
- 4. Тушунча тафаккур шакли сифатида**

Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш обьекти. Келиб чиқишига қўра арабча бўлган “мантиқ” (грекча—logos) атамаси «фикр», «сўз», «ақл», «қонуният» каби маъноларга эга. Унинг кўпмаънолиги турли хил нарсаларни ифода қилишда ўз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, обьектив олам қонуниятларини (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари

ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йифиндисини (масалан, «субъектив мантиқ» иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш обьектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» ҳам арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Унинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан бўлган муносабатини аниқлаб олиш зарур.

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб этишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширав экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадни қўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини ҳиссий билиш – инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиши ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташки хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташки томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Ҳиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлари қаторига қўйидагилар киради:

Биринчидан, ҳиссий билиш обьектнинг (предметнинг ёки унинг бирорта хусусиятининг) субъектга (индивидга, тўғрироғи, унинг сезги органларига) бевосита таъсир этишини тақозо этади. Тасаввур ҳам бундан истисно эмас. Унда образи қайта ҳосил этилаётган (ёки яратилаётган) предмет эмас, у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет–сигнал таъсир этади.

Иккинчидан, ҳиссий билиш шакллари: сезги, идрок ва тасаввур предметнинг ташки хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан, ҳиссий билиш шакли предметнинг яққол образидан иборат.

Тўртинчидан, ҳиссий билиш конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиши қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан, ҳиссий билиш билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади. Усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки инсон ташки олам билан ўзининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи, бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Хусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-оқибатда эмпирик талқин қилиш ўйли билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг обьектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида, ҳиссий билиш, умуман олганда, ақл томонидан бошқарилиб туради, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида жиноятчининг портрети (компьютер ёрдамида фотороботи яратилади яққол ҳис қилинади ва қидирилади).

Лекин, шунга қарамасдан, ҳиссий билиш ўз имкониятлари чегарасига эга. У бизга алоҳида олинган предметлар (ёки предметлар тўплами), уларнинг ташки белгилари ҳақида маълумот беради. Унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан, муз билан ҳавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, мухим ва номухим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-рационал (лотинча *ratio* – ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, мухим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички,

зарурий алоқалар, яьни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Тафаккурда воқелик мавхұмлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Хиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур бизга предметнинг номухим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавхұмлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, мухим, тақрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради. Хусусан, турли кишиларга хос индивидуал белгиларни (хулқ-автор, темперамент, қизиқиш ва шу кабилар) эътибордан четда қолдирган ҳолда, улар учун умумий, мухим белгиларни, масалан, онгта эга бўлиш, мақсадга мувофиқ ҳолда меҳнат қилиш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби хислатларни ажратиб олиб, «инсон» тушунчасини ҳосил қилиш мумкин. Умумий белгиларни аниқлаш предметлар ўртасидаги муносабатларни, боғланиш усувларини ўрнатишни тақозо этади. Турли хил предметлар фикрлаш жараёнида ўхшаш ва мухим белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа уларнинг моҳиятини тушуниш, уларни характерлайдиган қонуниятларни билиш имконияти туғилади. Масалан, юқорида келтирилган «инсон» тушунчасида барча кишилар битта мантикий синфга бирлаштирилиб, улар ўртасидаги мухим боғланишлар (масалан, ижтимоий муносабатлар) билиб олинади.

2. Тафаккур борликни нафақат бевосита, балки билвосита тарзда ҳам акс эттира олади. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилиши мумкин. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, боланинг хулқ-авторига қараб унинг қандай мухитда тарбия олганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти, айниқса, хulosавий фикр ҳосил қилишда аниқ намоён бўлади.

3. Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат. Унда билиш жараёни борликда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар – юқори даражада идеаллашган обьектлар (масалан, абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби тушунчалар)ни яратиш, турли хил формал системаларни қуриш билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4. Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизиқларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари. Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд.

Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Тафаккур шаклининг табиатини конкрет мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, «давлат» тушунчасида ўзининг майдонига, ахолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. “Миллий ғоя” тушунчасида эса миллатнинг, халқнинг келажак билан боғлиқ орзу-ҳаваслари, мақсадлари, туб манбаатлари ифода этилади. Мазмун жиҳатидан турли хил бўлган бу тушунчалар мантикий шаклига кўра бир хилдир: ҳар иккаласида предмет унинг мухим белгилари орқали фикр қилинган. Хусусан, «ўз майдонига эгалиги», «ахолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларининг бор эканлиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг мухим хусусиятлари ҳисобланади. Худди ўшунингдек, «миллатнинг орзу-ҳаваслари, мақсадларини акс эттириши», «унинг туб манбаатларини ифода этиши» миллий ғоянинг мухим белгилари. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган мухим белгиларни, яьни фикрлаш элементларини а, в, с,..., п билан белгиласак,

тушунчанинг мантиқий структурасини А (а, в, с,..., н) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Хукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан, «Юксак маънавият-енгилмас куч» деган ҳукмда предмет (юксак маънавият) билан унинг хоссаси (енгилмас куч) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ ҳуқуқ билан узвий алоқада» деган ҳукмда иккита предмет (ахлоқ ва ҳуқуқ) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат қайд этилган, яъни P нинг S га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий структурасини (шаклини) S—P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолларни кузатиш мумкин. Масалан,

“Дарахт – ўсимлик”.

“Терак – дарахт”.

Демак, “Терак – ўсимлик”.

ёки

“Ҳар бир кимёвий элемент ўз атом оғирлигига эга”.

“Мис – кимёвий элемент”.

Демак, “Мис ўз атом оғирлигига эга” кабилар.

Бу хулоса чиқариш ҳоллари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантиқий структурага эга. Ҳар иккаласида хулосани ташкил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда – «дарахт», иккинчи мисолда – «кимёвий элемент» тушунчаси) орқали боғланган.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан тафаккур шакли фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва, демак, ўзига хос қонуниятларга эгалити маълум бўлди. Шунинг учун ҳам мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин.

Тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал мантиқий шакллари, унинг асосий структуравий элементлари ҳисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя ва шу кабилар)да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартлари қаторига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри қурилиши киради. Чин фикр ўзи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикр ҳисобланади (масалан, «темир – металл»). Хато фикр предметга мос келмайдиган фикрdir (масалан, «темир – металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятларидир.

Фикрнинг чин бўлиши мантиқий фикр юритишнинг зарурий шарти бўлса-да, ўз ҳолича етарли эмас. Фикр муҳокама юритиш жараёнida формал жиҳатдан тўғри қурилган ҳам бўлиши керак. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хил мантиқий структураларда содир бўладиган ҳар хил мантиқий амалларда ўз аксини топади.

Фикрни тўғри қуришга тафаккур қонунлари талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин. **Тафаккур қонуни** муҳокама юритиш жараёнida қатнашаётган фикрлар (фикрлаш элементлари) ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалардан иборат. Тафаккур қонунлари мазмунидан келиб чиқадиган, муҳокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талаблар фикрнинг аниқ, изчил, етарли даражада асосланган бўлишидан иборат.

Муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ талаблар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилишига эътибор бериш зарур. Мазкур қоидаларнинг

бузилиши муҳокаманинг нотўғри курилишига сабаб бўлади. Бунда, хусусан, чин фикрлардан хато хulosса чиқиши (масалан, «Қонун – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат», «Буйруқ – қонун эмас», демак, «Буйруқ – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат эмас») ёки хато курилган муҳокамадан чин хulosса чиқиши (масалан, «Барча моддий жисмлар – кимёвий элементлар», «Темир – моддий жисм», демак, «Темир – кимёвий элемент») мумкин.

Тафаккур кўп қиррали жараён бўлиб, уни турли хил томонидан, хусусан, мазмуни ва шакли (структураси) бўйича, тайёр ҳолида ёки келиб чиқиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методлардан фойдаланишига, ҳар хил йўналишларга ажралишига сабаб бўлади.

Формал мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан сифатида.. Мантиқ кенг маънода оламдаги қонуний, зарурий боғланиш ва алоқалар, тартиб ва изчиллик, тафаккуримизнинг ички алоқадорлиги, тадрижий ривожланиши, турли фикрлар ўртасидаги мантиқий боғланишларни ифодалайди. Тафаккур воқеликни умумлаштириб ва мавҳумлаштириб, муайян мантиқий шаклларда, яъни тушунча, ҳукм ва хulosса чиқариш ҳамда улар ўртасидаги алоқалар шаклида акс эттириб, маълум мантиқий қонун – қоидаларни вужудга келтиради, тўғри, аниқ, изчил, зиддиятлардан ҳоли фикрлаш ана шу қонун – қоидаларга амал қилишни тақоза этади. Бу қонун-қоидалар амалиётда вужудга келган билимларни исботлашга ёки рад этишга, уларнинг тўғрилиги ёки хатолигини тасдиқлашга ёки инкор этишга хизмат қиласи.

Тафаккурни мантиқ фанидан ташқари фалсафа, физиология, психология, диалектика, кибернетика фанлари ҳам ўз предмети нуқтаи назаридан ўрганади. Грамматика мантиқ фанига яқин. Тушунча ва ҳукмларнинг ифодаланиш структурасини аниқлашда грамматиканинг роли катта. Бироқ юқорида тилга олинган фанларнинг ҳар бири тафаккурга ўз нуқтаи назаридан ёндошади, унинг турли қирраларини очиб беради. Ҳозирги кунда мантиқ илмининг ўзининг ҳам турли йўналишлари, тармоқлари мавжуд, улар орасида инсон тафаккурини энг оддий қонун – қоидалар билан қуроллантирадиган, уни тўғри фикрлашнинг тамойиллари билан таништирадиган муҳим тармоғи формал мантиқ бўлиб, у тарихий келиб чиқишини эътиборга олган ҳолда анъанавий мантиқ, оммавийлиги нуқтаи назаридан эса, умумий мантиқ деб ҳам юритилади.

Мантиқ фани инсон тафаккурининг энг умумий шакллари, қонунлари ва фикрлаш усусларини ўрганади. Мантиқ фани тафаккурни ривожлантиради, инсонда умумий тушунчалар, категориялар билан иш кўриш қўнималарини ҳосил қиласи. Бу эса, бугунги фан техника ривожи жадаллашган шароитда илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий – назарий маълумотларни самарали таҳлил қилишда муҳим рол ўйнайди.

Формал ва диалектик мантиқ фанлари. Фалсафий адабиётларда диалектик мантиқ билан формал мантиқ мавжудлиги таъкидланади. Буларнинг биринчиси тафаккур шаклларини уларнинг ривожланишида олиб қараса, иккинчиси уларни шаклланган фикрлар сифатида ўрганади. Шунингдек, диалектик мантиқ тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигига олиб ўрганса, формал мантиқ фикрнинг шаклини унинг конкрет мазмунидан четлашган ҳамда нисбатан мустақил ҳолда олиб тадқиқ этади. Шунинг учун диалектик мантиқ фикрларимизнинг тараққиёти, ривожланишини, формал мантиқ эса нисбий турғунлигини акс эттиради. Диалектика фикрлашнинг формал мантиқ қонун – қоидаларига амал қилишни тақозо этади. Диалектика ҳам, формал мантиқ ҳам ҳамма вақт фалсафа таркибида ривожланиб келган.

Диалектика эса ривожланиш жараёнида айнанлик, тафовутлар ва қарама – қаршиликлар даражасига кўтарилиди, нозидлик тараққиёт манбаи бўлмай, балки улар ўртасидаги қарама – қаршилик тараққиётни таъминлайди, деб кўрсатади. Формал мантиқ ва диалектик мантиқ бир – бирига муқобил методларга асосланади. Улар мустақил таълимот хисобланади. Диалектик мантиқ фалсафий метод сифатида, фалсафанинг муҳим таркибий қисми сифатида мавжуд бўлса, формал мантиқ мустақил фан сифатида шаклланган таълимотдир.

Математик мантиқ фани. Математик мантиқ – фикрлаш жараёнини турли символлар ёрдамида, математик усул асосида ўрганади. Бу таълимот мантиқ фанининг

ривожланишидаги янги босқич ҳисобланади. Аммо математик мантиқнинг математиканинг ўзидан ҳам, мантиқ илмидан ҳам фарқли томонлари бор. Шунинг учун математиканинг барча томонларини бу мантиқ қонунлари билан изоҳлаб бўлмайди. Шунингдек, мантиқий қонун ва шаклларининг ҳаммасини ҳам математик усул билан ҳал қилиб бўлмайди. Шунга қарамасдан математик усул мантиқ фанига сингиб бормоқда, унинг ажралмас қисми бўлиб такомиллашмоқда.

Ҳозирги замон мантиқ илмини символларсиз, математик мавҳумийликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун мантиқ илми мутахассислари математик мантиқ асослари билан таниш бўлишлари зарур.

Мантиқ жараённи турли символлар билан ифодалашга интилиш Арасту асарларидаёқ кўзга ташланади. XVI – XVII асрларга келиб, механиқа ва математика фани ривожланиши билан математик методни мантиққа тадбиқ этиш имконияти кенгая борди. Немис файласуфи Лейбниц ҳар хил масалаларни ечишга имкон берувчи мантиқий математик метод яратишга интилиб, мантиқни математиклаштиришга асос солди.

Мантиқий жараённи математик усуллар ёрдамида ифодалаш асосан XIX асрларга келиб ривожлана бошлади. Бу даврда яшаган рус олим И. С. Порецкий, немис ва инглиз олимлари Ж. Буль, Фурье, Морган, Шрёдер кабилар ўзларининг асарларида бу масалага оид мухим фикрларни илгари суришди. Ҳозирги вақтда математик мантиқ методлари фан ва техникада, кибернетикада таржимон машиналарда ва бошқа кўп ҳалқ хўжалиги соҳаларида кўлланилмоқда.

Мантиқ фанининг вазифалари. Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради, баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танкидий муносабатда бўлишга, сұхбатдошининг мулоҳазаларидағи хатоларни аниқлашга, аргументлашдаги заиф бўғинларни очиб ташлашга ёрдам беради.

Муҳокамани тўғри қуриш, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат-мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш қила олади. Шу ўринда буюк мутафаккир Фаробийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдириган қўйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойик эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча холларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чикараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларни кўрадиган санъатни-мантиқ санъатини ўрганишdir. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди грамматика кишиларнинг тилини тўғрилаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараённи яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғрилаб туради”⁴⁵.

Мантиқ илмининг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда мухим аҳамиятга эга.

Мантиқ фанининг назарий ва амалий аҳамияти. Мантиқ фанининг илмий ишонч – эътиқоднинг шаклланишида тутган ўрни. Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни мустаҳкамлайди. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат.

⁴⁵ Аль-Фараби. Вводный трактат в логику. // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т.: «Фан», 1976, с. 128.

Ана шунинг учун ҳам ёшларда илмий асосга эга ишонч-эътиқодни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Аргументлаш ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир. Ишонч-эътиқод эса, инсоннинг комиллик мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ишонч –эътиқод- бу кишилларнинг хулқ-атвори ва ҳатти –ҳаракатини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурлари дидир.

Ватанимизнинг гуллаб-яшинаши, барқарор ривожланиши маълум бир даражада ёшларнинг чуқур билимга, мустаҳкам ишонч-эътиқодга ва, умуман, комил инсон бўлишларига боғлиқ. Бу ҳақда Президентимиз И. А. Каримов шундай деб таъкидлаган: «Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамларни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани акл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, холосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади».⁴⁶

Чуқур таҳлилга, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни чалғитади. Фақат баҳс-мунозара, таҳлилга асосланган тўғри холосаларгина ҳақиқатни билишга йўл очади.

Баҳс, мунозара юритишнинг, чин фикрларни исботлай билишнинг, хато фикрларни рад этишининг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Бу қоидаларни билиш ҳар бир инсонга, шу жумладан, талабаларга чин фикрни хато фикрдан ажратади. Тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантириш имконини беради.

Мантиқ илмининг фан ва техника тараққиёти учун аҳамияти. Мантиқий категорияларнинг универсал ҳарактерга эга бўлиши уларни билишда, ишлаб чиқариш жараёнларида, техника тармоқларида ихтисослаштирилган ҳолда тадбиқ этиш имкониятини туғдиради. Бу эса, мантиқдан турли фанларнинг конкрет масалаларини ҳал қилишда фойдаланишининг кенг имкониятларини вужудга келтиради.

Фаннинг тобора ривожланиб бориши, борлиқнинг мураккаб қонунларининг кашф этилиши илмий билиш методи ва мантиқ аппаратини шунга мослаштиришни, тафаккурнинг ҳар бир конкрет масала хақида аниқ, хатосиз, тез холосалар бера олишини талаб қиласди.

Илмий ва техник жараённинг бундай талаби натижасида турли фанларга ихтисослашган мантиқ тармоқлари вужудга келди.

Фан қадриятлар тизимида ўзига хос ўринга эга. У катта илмий салоҳиятни, ижодий куч – кувватни бирлаштиради, миллат дунёкарашини шакллантиради, таълим – тарбия, ахлоқ меъёрларини вужудга келтиради, маънавий баркамол инсонни тарбиялайди, мамлакатда қудратли илмий потенциални яратишга хизмат қиласди.

Мантиқни билиш, айниқса, илм фан билан шуғулланиш, илмий - тадқиқот ишларини олиб бориш, борган сари кўпайиб бораётган илмий ахборотларни тартибли равища ўзлаштириш, илмий масалаларнинг тузилишини тез билиб олиш учун ҳам муҳим рол ўйнайди. Мантиқнинг илмий – назарий ишлар ҳамда инсоннинг амалий фаолияти учун бўлган аҳамиятини алоҳида уқтириш билан бирга, чин ҳолоса чиқаришнинг ҳал қилувчи шарти – ҳаётни чуқур ўрганиш, ҳар бир воқеликдаги ҳолларни мантиқ талаблари асосида билиш зарур.

Формал мантиқнинг асосий қонунлари (принциплари). Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Мантиқ илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунади. Улар диалектика қонунлари ва формал мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараённинг хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқнинг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формал мантиқ қонунлари эса фикрни тафаккурдагина амал қиласди. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигига олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

⁴⁶ 1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //асарлар тўплами. 7 жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 134-бет.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганды фикрлашга хос мұхим, зарурий боғланишлар түшениләди. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг түғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (хукмлар) ҳамда хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунларига амал қилиш түғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва исботлилик (асосланганлик) түғри тафаккурлашнинг асосий белгилари. Булар мантиқий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Айният қонуни. Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганды, уларга хос бўлган барча мұхим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидағи фикр неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир мұхокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгdir. Бу қонун формал мантиқ илмида «A=A» дир формуласи билан ифодаланади.

Айният қонуни символик мантиқ илмида, яъни **мулоҳазалар** мантиғи ва **предикатлар** мантиғида ўзига хос кўринишга эга.

Мулоҳазалар мантиғида $a \rightarrow a$ ва $a \leftrightarrow a$. (Бунда, a – ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги, \rightarrow импликация белгиси, \leftrightarrow эквивалентлик белгиси.)

Предикатлар мантиғида ($x(P(x) \rightarrow P(x))$). Бу ифода куйидагича ўқилади: ҳар қандай X учун, агар X P белгига эга бўлса, X шу белгига эга, деган фикр түғри бўлади.

Айният қонунининг асосий талаби куйидагича: фикрлаш жараённан турли фикрларни айнанлаштириш ва, аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг мұхим шартларидан бири. Фикрлаш жараённан бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам, мазмунан айнандир.

Айният қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этган ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қиласди.

Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (хукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

Нозидлик қонуни. Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлибгина қолмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг мұхим хислатлардан бири. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллукли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараённан зиддиятга йўл қўймасликни талаб қиласди ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда

бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири, албатта, хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун кўйидаги формула орқали ёзилади $\Gamma(x) * P(x)$, яъни ҳар қандай (x) мулоҳаза учун $P(x)$ ва унинг инкори биргаликда чин бўлмаслиги тўғридир.

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса, бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса, бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси” ва “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси эмас” — бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган “Бу дори ширин” ва “Бу дори аччиқ” мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин.

Учинчиси – истисно қонуни. Бу қонун фикрлар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал қилмайди.

Масалан:

Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «чикки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қиласи. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади» мулоҳазаларини таҳлил қилсак, унда бу мулоҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «чикки» баҳолар – «аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни кўйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан:

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. Учинчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулоҳазаларда буюмлар синфиға ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Ҳеч бир файласуф нотик эмас.

Бу мулоҳазалардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади.

Учинчиси – истисно қонуни:

1.Икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан.

2.Умумий тасдиқ ва жузъий инкор мулоҳазаларга нисбатан.

3.Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси – истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулоҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулоҳазанинг бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл

тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белгиларни ифодалайди.

Учинчиси – истисно қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

Учинчиси – истисно қонуни, бошқа мантиқий қонунлар сингари, зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди.

Учинчиси – истисно қонунини билиш, муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

Етарли асос қонуни. Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлиликдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, чинлиги тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлик ҳолда амал қиласди. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий асос деб, берилган мулоҳазанинг ўзи эса мантиқий натижадеб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив, ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижадаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор», деган мулоҳазани «У шифохонада даволаняпти», деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Кўриниб турибдики, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишлигининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равища икки гурухга: эмпирик ва назарий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси асосан ҳиссий билиш, тажрибага асосланса, иккинчиси ақлий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси фазо ва замонда чегаралangan бўлиб, сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли ҳиссий мушоҳададан, бевосита

кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг устқурмаси ҳисобланади.

Умумий-чин мuloҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек, аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усувлари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга таалтуқли бўлмаган усувлари мавжуд. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланиш шундай усувлар жумласига киради. Бу усувлардан кўпроқ қундалик онг даражасида фойдаланилади.

Интуиция ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. Интуиция – лотинча *intuitio* сўзидан олинган бўлиб, «диққат билан тикилиб қарайман», деган маънени билдиради. Интуиция билиш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, ҳиссий ва ақлий билишдан ўзгача бир кўринишни ташкил этмайди; ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулини ифодалайди. Интуиция орқали инсон мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит қамраб, тушуниб олади. Бунда тафаккур жараёнининг алоҳида қисмлари у ёки бу даражада англанмайди ва асосан фикр юритиш натижаси – ҳақиқатгина англашган ҳолда аниқ, равшан қайд этилади. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисоблансада, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

Эътиқод – кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун ҳам унинг фаолиятида хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган, унинг дастури бўлиб хизмат қиласидан қарашларнинг мажмуасидан иборат. Эътиқод чинлиги исботланган мuloҳазаларга ёки танқидий таҳлил қилиб кўрилмаган, чинлиги номаълум бошланғич билимларга асосланган бўлиши мумкин. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив характерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради. «Англаш учун эътиқод киламан», деган эди Авлиё Августин ва Ансельм Кентерберийскийлар (1033–1109 й.й.).

Француз файласуфи ва теологи Пьер Абеляр (1079–1142 й.й.) эса ақл ва эътиқоднинг ўзаро нисбатини ҳаққоний кўрсатган ҳолда «Эътиқод қилиш учун тушунаман», дейди. Албатта, эътиқод ҳақида фикр юритганда кўр-кўrona эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мuloҳазаларнинг чинлигини аниқлашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Президентимиз И.А. Каримов: «Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир», деганда айнан шуни назарда тутган эди.

Авторитет (*autoritas* – ҳокимият, таъсир) – кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бирор шахснинг ёки ташкилотнинг кўпчилик томонидан тан олинган норасмий таъсиридир. Етарли асос қонуни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда авторитет тушунчаси обрўли, эътиборли, нуфузли манба маъносида қўлланилади. Авторитетларга асосланиш деганда эса, бирор фикр, мuloҳазанинг чинлигини аниқлашда обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади. Нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мuloҳазалари, мұқаддас диний китоблардаги битиклар, хусусан Қуръонда ёзилган суралар, ҳалқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан фойдаланилади.

Авторитетларнинг амал қилиш доираси ва давомийлиги турли хил бўлади. Тор доирада амал қиласидан, қисқа муддатли авторитетлардан фикр-мuloҳазаларни асослашда ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Чунки вақт ўтиши ёки амал қилиш доирасининг ўзгариши бу авторитетларнинг мавқеини тушириб юбориши мумкин.

Кенг доирада амал қиласидан ва доимий, мунтазам бўлган авторитетларгина фикр-мuloҳазаларнинг чинлигини аниқлаш учун етарли асос бўлади. Бундай авторитетлар тарихий шароитнинг, сиёсий ўзгаришларнинг таъсирида ўз кадр-қимматларини йўқотмайдилар, вақт синовига бардошли бўладилар. Умуминсоний маънавий маданият хазинасидан жой олган буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, умуминсоний-ахлоқий

қадриятлар, халқларнинг ижтимоий-тариҳий тажрибасини акс эттирган мақоллар фикрмұлоҳазаларнинг чинлигини асослашда етарли далил ҳисобланади. Масалан, «Илм олиш учун тинимсиз изланиш зарур» эканлиги ҳақидаги фикрни ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» сўzlари билан, шунингдек, ҳадисларда келтирилган «Бешикдан то қабргача илм изла» каби фикрмұлоҳазалар ёрдамида асослаш мүмкін.

Авторитетларга асосланиш билан авторитар тафаккурни ўзаро фарқлаш зарур. Авторитарлик – асосланганликнинг ўзгарган, бузилган кўриниши бўлиб, унда мұлоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вазифаси авторитетлар зиммасига юкланди.

Авторитар тафаккур юритаётган киши бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мұлоҳазалар йиғиндиси» билан чеклаб қўяди. Бу мұлоҳазалар йиғиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқарди. Дастребки асос бўлган фикрлар системаси намуна сифатида қабул қилинади ва бошқа фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мұлоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айтилган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш қолади, холос. Бу янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, диалектик тафаккурга зиддир. Авторитетлар, нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан, ёшларда миллий мафкура ва миллий ғояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда матбуотнинг, айниқса, радио ва телевидениенинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олинишидаги роли эътиборлидир. Бу ҳақда Президентимиз И. Каримов: «Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим», деб таъкидлаган.

Авторитетлар масаласи мураккаб ва кўп қирралидир. Шу сабабдан фикрмұлоҳазаларнинг чинлигини асослашда авторитет ҳисобланган фикрлардан конкрет шароитга мос равишда, меъёрга амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур.

Урф-одат авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий гурух томонидан қабул қилинган бир хил шаклдаги хатти-ҳаракат, хулқ-атвор усули бўлиб, кишиларнинг турмуш тарзи ва фикр юритишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмуши, ахлоқий меъёrlар ва халқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Миллий ғоя ва миллий мафкура урф-одатлар орқали ҳам жамият аъзоларининг онгига сингиб боради. Жамият ёки ижтимоий гурух томонидан бирор шахс ёки воқеа-ходисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор хатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга кўра...», деб фикр юритилади.

Фикр-мұлоҳазаларни асослаш мураккаб мантикий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Мұлоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, фикрларимизнинг мантикли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қиласи. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-aloҳида ёки бирин-кетин эмас, балки бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг ҳарактерига қараб амал қиласи. Айният қонунига кўра, фикрлаш жараёнида ҳар бир мұлоҳаза қатъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантикий зиддиятларни келтириб чиқарди. Зид мұлоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш уларни мантикий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдирган ҳолда яхлит мантикий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

Тушунча – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.

Белгилар деб, предметларни бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода қилувчи томонларга, хусусиятларга айтилади.

Белгилар мұхим ёки номұхим бўлади. Предмет белгисининг мұхим ёки номұхим бўлиши, бизнинг предметга амалда қандай муносабатда бўлишимизга қараб ҳам белгиланади. Хусусан, бир муносабатда мұхим бўлмаган белгилар бошқа муносабатда мұхим бўлиши мумкин. Масалан, кишининг лаёқати унинг қандай касбни танлаши учун мұхим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши учун мұхим эмас. Бундай мұхим белгилар предметнинг маълум бир муносабатдаги мұхим белгилари дейилиб, объектив мұхим белгилардан (предметнинг мавжуд бўлиши билан зарурый алоқада бўлган белгилардан) фарқ қиласди.

Предмет тўхтовсиз ҳаракатда, тараққиётда бўлғанлиги учун вақт ўтиши билан унинг мұхим бўлган белгиси номұхим бўлган белгига ёки аксинча, номұхим белгиси мұхим белгига айланиши мумкин.

Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билиш босқичида мұхим аҳамиятга эга бўлса, назарий билиш босқичида унга камроқ мурожаат қилинади.

Демак, тушунчада предмет ўзининг мұхим белгилари орқали фикр қилиниб, бу белгилар предметнинг умумий ва индивидуал белгилари бўлиши мумкин. Масалан, «Faур Гулом» тушунчасида предметнинг умумий белгилари (инсон, шоир) билан бир қаторда, индивидуал мұхим белгилари (хусусан, «Сен етим эмассан» шеърининг муаллифи) ҳам фикр қилинади.

Тушунчанинг ҳиссий билиш шаклларидан тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сезги, идрок ва тасаввур предметнинг яққол образларидир. Биз фақат бирорта конкрет предметни, масалан, ўзимиз ёзиб ўтирган қаламни идрок қилишимиз ёки у тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. «Умуман қалам»ни идрок қилиб бўлмайди. Чунки тушунча предметнинг яққол образи эмас, балки абстракт образидир. Қалам тушунчаси ўзида конкрет қаламларнинг барчасини қамраб олгани ҳолда, уларнинг ҳар бирига хос бўлган индивидуал белгиларни ташлаб юбориб, умумий, мұхим белгиларини ифода қиласди. Айни пайтда бу белгилар қаламни бошқа предметлардан, масалан, китобдан фарқ қилдириб турадиган маҳсус белгилар бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Тушунча предметнинг номұхим белгиларидан четлашар экан, демак, уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқдан узоқроқда туради. Лекин, тушунча предметнинг мұхим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқни чуқурроқ, тўлароқ ифода этади.

Тушунча, ҳиссий билиш шаклларидан фарқли ўлароқ, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усувлардан фойдаланилган ҳолда хосил қилинади. Бу усувлар таққослаш, таҳлил, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлардан иборат.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиширилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир-биридан фарқ қилувчи индивидуал белгилари аниқланади.

Таққослаш таҳлилни тақозо қиласди. Чунки предметларни яхлит ҳолда солишириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар ажратилиши лозим. **Таҳлил** ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисмлар, томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида ўрганилади.

Синтез таҳлилга тескари усул бўлиб, у таҳлил давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун ҳолга келтиришдан иборат. Синтез бўлмаса предмет ҳақида яхлит фикр хосил қилиб бўлмайди. Таҳлил ва синтез узвий боғлиқдир.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усувлар билан аниқланган умумий ва индивидуал белгиларининг мұхимлари ажратилиши, номұхимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса **абстракциялаш** ёрдамида амалга оширилади.

Умумлаштиришда предметлар уларнинг айрим умумий, мұхим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа битта тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет тарзда намоён бўлишидир.

Тушунчалар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан, «талаба», «фалсафа факультети», «Ўзбекистон миллий университети» ва шу кабилар сўзлардан иборат. Лекин бундан тушунча ва сўз айнан бир хилдир, деган холоса келиб чиқмаслиги керак. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир тилда ҳам турли хил сўзлар билан ифода қилинади. Тилимиздаги омоним ва синоним ҳодисалари сўз ва тушунчанинг нисбий мустақил ҳолда мавжудлигидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзнинг кўп маънога эга бўлиши баъзан фикр юритиш жараёнида тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шунинг учун ҳам фан ва техникада кўпроқ терминлардан фойдаланилади. **Термин** қатъий битта тушунчани ифода қилувчи сўз бўлиб, муайян илмий билиш соҳасида бир хил маънода ишлатилади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Тушунча ўзининг мазмуни ва ҳажмига эга. **Тушунчанинг мазмунини** унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари тўғрисидаги ахборот ташкил этади. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари, яъни унинг амалиёт билан алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив чин (ҳақиқий) билимлар тизимидан иборат бўлиши, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қиласди.

Тушунчанинг ҳажми эса, унда фикр қилинаётган предметлар йиғиндисини акс эттиради. Масалан, юқорида мисол қилиб келтирилган «фан» тушунчасининг ҳажми мавжуд барча фанларни: математика, физика, мантиқ ва ҳоказоларни ўзида қамраб олади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми узвий боғлиқ бўлиб, у тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни ёрдамида ифодаланади. Бу қонунга мувофиқ тушунчанинг ҳажми кенгайтирилса, мазмуни тораяди ва аксинча, ҳажми торайтирилса, мазмуни кенгаяди. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунига «мантиқ»قا оид бўлиш белгисини қўшиш билан ҳажм жиҳатидан ундан торроқ бўлган «мантиқ фани» тушунчасига ўтилади.

«Фан» тушунчасининг ҳажмини кенгайтириш билан мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ бўлган «ижтимоий онг шакли» тушунчаси ҳосил қилинади. Бунда фақат фанга хос бўлиб, бошқа ижтимоий онг шаклларида, масалан, хуқуқий онгда бўлмаган специфик белгилар тушунча мазмунидан чиқариб ташланади.

Бу қонун тушунчалар билан олиб бориладиган қатор мантиқий амаллар асосида ётади.

Тушунчанинг турлари. Мантиқда тушунчалар мазмуни ва ҳажми бўйича бир қанча турларга бўлинадилар. Хусусан, ҳажмига кўра якка ва умумий тушунчалар фарқ қилинади.

Якка тушунчанинг ҳажмидаги битта предмет фикр қилинади. Масалан, «Марс планетаси», «ЎзМУ асосий қутубхонаси» ва шу кабилар якка тушунчалардир. Умумий тушунчалар предметлар гурухини акс эттиради. «Планета», «Кутубхона» тушунчалари умумий тушунчалар хисобланади. Умумий тушунчалар акс эттирувчи предметларнинг микдори чегараланган ва чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, «кимёвий элемент» тушунчасида фикр қилинаётган предметлар сони чегараланган. «Юлдуз» тушунчаси ҳажмини ташкил қилувчи предметлар сони эса чексиз.

Фикр юритиш жараёнида айирувчи ва тўпловчи тушунчаларни фарқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айирувчи тушунча шундай умумий тушунчаки, у акс эттирувчи белгилар берилган синфнинг ҳар бир предметига хосдир. Тўпловчи тушунча ҳам умумий тушунча бўлиб, у акс эттирган белгилар шу умумийликни ташкил этувчи ҳар бир предметга таалуқли бўлмайди. Масалан, “конференция” – тўпловчи, “конференция иштирокчиси” – айирувчи.

Мазмуни бўйича тушунчалар, авваламбор, абстракт ва конкрет тушунчаларга бўлинади. Конкрет тушунчаларда предмет ўзининг белгилари билан биргаликда фикр қилинади. Абстракт тушунчаларда эса предметнинг белгилари ундан фикран ажратиб олиниб, алоҳида акс эттирилади. Масалан, «Инсон», «Табиат» тушунчалари – конкрет тушунчалар, «Қаҳрамонлик» (инсонга хос хусусиятни акс эттиради), «Гўзаллик» (борлиқдаги предметларга хос хусусиятни ифода қиласди) тушунчалари абстракт тушунчалардир.

Мазмуни бўйича яна нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларни ҳам ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустакил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. «Давлат», «Бадиий асар» ана шундай тушунчалардир.

Нисбатдош тушунчалар эса зарурий равишида бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қиласиган предметларни акс эттиради. Масалан, «Ўқитувчи» ва «Ўқувчи», «Ижобий қаҳрамон» ва «Салбий қаҳрамон», «Сабаб» ва «Оқибат» тушунчалари нисбатдош тушунчалар қаторига киради.

Баъзи ҳолларда ижобий ва салбий тушунчалар ҳам фарқ қилинади. Ижобий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос белгилар орқали фикр қилинса, салбий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос бўлмаган белгилар орқали фикр қилинади. Масалан, «саводли киши», «виждонли киши» – ижобий тушунчалар, «саводсиз киши», «виждонсиз киши» эса салбий тушунчалардир.

Биз юқорида тушунчаларнинг бир қанча турлари билан танишиб чиқдик. У ёки бу тушунчанинг ана шу турлардан қайсиларига мансуб эканлигини аниқлаш унга мантиқий тавсиф бериш демакдир. Масалан, «талаба» – умумий, айирувчи, чегараланган, аник, нисбатсиз, ижобий тушунча; «А. Навоий номли Ўзбекистон давлат кутубхонаси» – якка, тўпловчи, чегараланган, конкрет, нисбатсиз, ижобий тушунчадир.

Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Объектив дунёдаги барча предмет ва ҳодисалар ўзаро алоқада бўлганлиги учун уларни акс эттирувчи тушунчалар ҳам ўзаро маълум бир алоқаларда, муносабатларда мавжуд. Бу муносабатлар турли хил бўлиб, уларни аниқлаш учун, авваламбор, таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчаларни фарқ қилиш лозим.

Таққосланадиган тушунчалар умумий белгиларга эга бўлган, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бир-бирига яқин турган тушунчалардир. Масалан, «пахтакор» ва «дехқон» тушунчалари ана шундай таққосланадиган тушунчалар ҳисобланади.


Таққосланмайдиган тушунчалар эса бир-бири билан узок алоқада бўлган, кўп ҳолларда моддий ёки идеал бўлишдан бошқа умумий белгига эга бўлмаган предметларни акс эттирувчи тушунчалардир. «Ижтимоий прогресс» ва «Зухро юлдузи», «идеал газ» ва «тўзуллик» тушунчалари таққосланмайдиган тушунчалар деб ҳисобланади. Мантиқда фақат таққосланадиган тушунчалар ўртасидаги мантиқий муносабатлар ўрганилади. Таққосланадиган тушунчалар эса ҳажм жиҳатидан сифишмайдиган бўлади.

Сифишадиган тушунчаларнинг ҳажми бир-бирига бутунлай, тўлалигича ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва бўйсуниш. Мослик муносабатидаги тушунчалар битта предметни (предметлар синфини) акс эттирувчи тушунчалар бўлиб, улар бир-биридан фақат азмуни билангина фарқ қиласиди. Масалан,

«И.А. Каримов», «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти» тушунчалари худди шу муносабатда мавжуддир. Буни қўйидаги тузилма ёрдамида кўрсатиш мумкин:

А – И.А. Каримов.

В – Ўзбекистон Республикаси Президенти.




АВ

Қисман мослик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажми қисман умумийликка эга.

Масалан:

А – Спортчи.


В – Талаба.



Доираларнинг штрихланган қисми бир вақтнинг ўзида ҳам спортчи, ҳам талаба бўлганларни билдиради.

Бўйсуниш муносабатида

тушунчалардан бирининг ҳажми



иккінчісінің ұажмігі тұлық кириб, уни ташкил қылувчи қысм ҳисобланади. Масалан:

А – Фан.

В – Мантиқ.

Бу муносабатдаги тушунчаларда^{...} бүйсундирувчи (A), иккінчісі (B) бүйсунувчи бўлиб, улар жинс-тур муносаба^{...} үлади. Жинс тушунча предметларнинг бирорта синфини, тур тушунча эса шу синфга мансуб предметларнинг бир гурухини ёки биттасини акс эттиради. Мантиқда у ёки бу тушунчанинг жинс ёки тур эканлиги нисбий характерга эга. Ҳар бир тушунча ўзидан умумийроқ тушунчага нисбатан тур, камроқ умумлашган тушунчага нисбатан жинедир. Масалан, миллий ғоя, ғоя, фикр тушунчалари ўртасида қўйидаги нисбат мавжуд: «ғоя» тушунчаси «фикр» тушунчасига нисбатан тур, «миллий ғоя» тушунчасига нисбатан жинс бўлади.


Сифишмайдиган тушунчалар ҳажми жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалар ҳисобланиб, бир синфга киравчи ҳар хил предметларни ёки предметлар гурухини акс эттиради. Уларнинг умумийлиги фақат ана шунда. Бу тушунчалар ўртасида ҳам уч хил муносабат бор: бирга бўйсуниш, қарама-қаршилик, зидлик.

Бирга бўйсуниш муносабати қўйидаги тушунчалар ўртасида мавжуддир:

А – Фан.

В – Мантиқ.

С – Физика.




Бунда «мантиқ» ва «физика» тушунчалари ҳажмлари жиҳатидан биргаликда «фан» тушунчасининг ұажмігі бўйсунади.

Қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажмлари бир-бирини истисно қиласи. Улар предметнинг (предметлар гурухининг) қарама-қарши белгиларини акс эттиради, яъни бири предметнинг маълум бир белгисини ифода қиласа, иккінчisi уни инкор қылувчи бошқа белгини акс эттиради. Қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчалар ўзлари бўйсунадиган тушунчанинг ҳажмини тұлық әгаллай олмайди. Масалан, «баланд бўйли одам» ва «паст бўйли одам» тушунчалари «одам» тушунчасининг ҳажмини тұлық қоплай олмайди.

А – Одам.

В – Баланд бўйли одам.

С – Паст бўйли одам.




Зидлик муносабатидаги тушунчалардан оғары предметнинг бирорта хусусиятини ифода қиласа, иккінчisi уни инкор қиласи ва мазмун жиҳатидан ноаниц бўлиб қолади. Зидлик муносабатидаги тушунчалар, қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчалардан фарқли ўлароқ, бўйсундирувчи тушунчанинг ҳажм^{...} қоплайди. Масалан:

А – Одам.

В – Эътиқодли одам.

С – Эътиқодсиз одам.



Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш уларнинг мазмуні ва ҳажмини аниқлаштиришга, уларни боғлаб, бир фикр шаклидан бошқа фикр шаклига ўтишга ёрдам беради. Масалан, «талаба» ва «аълочи» тушунчалари ўртасидаги муносабатни аниқлаш асосида «Баъзи талabalар аълочилардир» деган мулоҳаза шаклидаги фикрни ҳосил қилиш мүмкин.

Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириши. Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш тушунчалар устида олиб бориладиган амаллар ҳисобланади. Улар

тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонунига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Тушунчани чегаралаш ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Масалан, «механик ҳаракат» тушунчасидан «айланма ҳаракат» тушунчасига ўтсак, унинг ҳажмини чегаралаган бўламиз. Чегаралашда берилган тушунча – «механик ҳаракат» жинс тушунча, деб қабул қилиниб, унинг мазмунига тур тушунча ҳосил қилувчи белгилар қўшилади. Натижада унга нисбатан тур ҳисобланган янги тушунча – «айланма ҳаракат» тушунчаси ҳосил бўлади.

Чегаралаш амалини давом эттириб, «Ернинг ўз ўқи атрофига айланиши» тушунчасига ўтиш мумкин. Демак, чегаралаш давомида ҳосил бўлган ҳар бир янги тушунча аввалгисига нисбатан тур тушунча бўлади. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттирилиши мумкин. Чунки якка тушунчага нисбатан тур бўлган тушунча йўқ.


Тушунчани чегаралаш амалининг тузилмаси қўйидагича:

А – Ҳаракат.

В – Механик ҳаракат.

С – Айланма ҳаракат.

Д – Ернинг ўз ўқи атрофига айланиши.



Тушунчани умумлаштириш ҳажми тор тушунчадан ҳажми кенг тушунчага (тур тушунчадан жинс тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Бунда берилган тушунча тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан тур ҳосил қилувчи белгилар чиқариб ташланади. Натижада мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ, лекин ҳажмига кўра кенгроқ бўлган жинс тушунча ҳосил бўлади. Масалан, «айланма ҳаракат» тушунчаси мазмунидан фақат унгагина хос бўлган тур белгиларни чиқариб ташласак, «механик ҳаракат» тушунчасини ҳосил қиласиз. Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча, яъни категориядир. Чунки категориялар учун жинс бўлган тушунча йўқ.


Тушунчани умумлаштириш амалининг тузилмаси қўйидагича:

А – Ернинг ўз ўқи атрофига айланиши.

В – Айланма ҳаракат.

С – Механик ҳаракат.

Д – Ҳаракат.



Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амаллари купидон хаётимиз ва илмий билишда кенг қўлланилади. Хусусан, барча категориялар, улар ёрдамида ифодаланадиган назарий қонунлар, ғоялар, назариялар мавжуд эмпирик тушунчаларни, эмпирик қонунларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади.

Умумлаштириш муҳокама юритиш жараёнида индуктив хулоса чиқариш усулида яққол ифодалангандай бўлади. Тушунчаларни умумлаштиришсиз фаннинг фундаментал тушунчаларини яратиб бўлмайди; мавжуд билимларни тизимга солиш қийин ва умуман, фан тараққий эта олмайди.

Тушунчаларни чегаралаш амали эса, яратилган умумий билимларни (назарий тушунча, ғоя, назария ва шу кабиларни) талқин этишда ишлатилади. Масалан, Ньютон механикасидаги «Инерция» тушунчаси Галилей назариясидаги «Эркин тушиш» тушунчаси ёрдамида тушунтирилиши мумкин.

Тушунчаларни бўлиши. Тушунчанинг ҳажмини унда акс этган предметларни айрим гурухларга (айрим предметларга) ажратиш йўли билан аниқлашга **тушунчани бўлиши** дейилади. Бўлиш амалини бўлинувчи тушунча (ҳажми аниқланиши лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қилинадиган бирорта умумий белгиси) ва бўлиш

аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган тур тушунчалар) ташкил этади. Масалан, «инсон»ларни (бўлинувчи тушунча) жинсига кўра, (бўлиш асоси) эркак ва аёллар (бўлиш аъзолари)га ажратиш йўли билан унинг ҳажми аниқланади. Бўлинувчи тушунча – жинс тушунча, бўлиш аъзолари – тур тушунчалар бўлиб, улар ўзаро бирга бўйсуниш муносабатидадирлар.

Тушунчаларни бўлиш амалини предметларни қисмларга ажратишдан фарқ қилиш лозим. Масалан, автомобилни кузов, шасси, двигатель ва шу кабиларга ажратсак, уни қисмларга бўлган бўламиз. Предметнинг қисми предметнинг умумий белгиларига эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам «Кузов автомашинадир», деган мулоҳаза ҳосил қиласак, у хато бўлади. Агар «Автомобиль» тушунчасини «Енгил автомобиль», «Юк ташувчи автомобиль» тушунчаларига ажратсак, уни бўлган бўламиз.

Бўлишнинг иккита тури мавжуд: асос бўлган белгининг ўзгаришига қараб бўлиш ва дихотомик бўлиш. Биринчи турида предметнинг бирорта умумий белгиси бўлиш учун асос қилиб олиниб, унинг ўзгаришига мувофиқ ҳолда предметларнинг айрим гурухлари аниқланади. Масалан, бурчакнинг ўзгаришига қараб «учбурчак» тушунчаси учта тур тушунчага: «тўғри бурчакли учбурчак», «ўтмас бурчакли учбурчак», «ўтирир бурчакли учбурчак»ларга ажратилади. Бўлиш асоси қилиб бўлинувчи тушунчанинг мазмунида фикр қилинадиган ҳар қандай умумий белгини олиш мумкин. Масалан, «учбурчак» тушунчасини томонларига қараб «тeng томонли учбурчак», «тeng ёнли учбурчак», «турли томонли учбурчак» тушунчаларига ажратиш мумкин.

Тушунчанинг қайси белгисини бўлиш асоси қилиб олиш бўлишда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифага боғлиқ. Лекин қандай вазифани ҳал қилишдан қатъи назар, бўлиш ўзининг объектив асосига эга бўлиши лозим, яъни бўлиш асоси бўлган белги предметнинг умумий белгиси бўлиши шарт.

Дихотомик бўлиш бўлинувчи тушунчани ўзаро зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Масалан, барча кишиларни «диндорлар» ва «диндор эмаслар»га ажратсак, дихотомик тарзда бўлган бўламиз. Дихотомик бўлиш бир қатор қулайликларга эга. Хусусан, бунда биз бўлинувчи тушунчанинг барча турларини кўрсатиб ўтирасдан, ўзимизга кераклигини ажратамиз, қолганларини унга зид бўлган тушунчага бирлаштирамиз. Шу билан бирга дихотомик бўлиш маълум бир камчиликларга ҳам эга. Масалан, инкор тушунчанинг ҳажми ноаниқ бўлади. Ундан ташқари, дихотомик бўлишдан фақат бир марта фойдалангандагина кутилган мақсадга эришиш мумкин. Агар, бўлиш аъзоларидан бири, айниқса, инкор тушунчани ўз навбатида бўлинувчи тушунча деб қабул қилиб, бўлиш амалини давом эттирасак, хато натижалар келиб чиқиши мумкин.

Бўлиш амали тўғри бориши учун маълум бир қоидаларга риоя қилиш керак. Улар **бўлиш қоидалари** деб аталади.

А. Бўлиш teng ҳажмли бўлиши, яъни бўлиш аъзолари ҳажмларининг йигиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмига teng бўлиши керак. Бу қоида бузилса, бўлиш тўлиқсиз ёки ортиқча бўлиб қолади. Биринчи хил хатода баъзи бўлиш аъзолари кўрсатилмай қолади. Масалан, «феъл замонлари» тушунчасини «ўтган замон феъли» ва «ҳозирги замон феъли» тушунчаларига ажратсак, ана шундай хато рўй беради. Чунки «келаси замон феъли» тушунчаси қолиб кетган. Иккинчи хил хатода эса ортиқча бўлиш аъзоси кўрсатилган бўлади. Масалан, «билиш» тушунчасини «ҳиссий билиш», «тафаккур», «назарий билиш»га ажратиб бўлмайди. Чунки «назарий билиш» бу ерда ортиқчадир.

Б. Бўлиш бир асос бўйича амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, асос қилиб олинган белги бўлиш давомида бошқа белги билан алмаштирилмаслиги зарур. Масалан, «Қонун» тушунчасини «Табиат қонуни», «Жамият қонуни», «Билиш қонуни», «Статистик қонун», «Динамик қонун» тушунчаларига бўлсак, хато қилган бўламиз. Чунки бу ерда бўлиш асоси бир эмас, иккита. Биринчи учта бўлиш аъзоси қонуннинг амал қилиш соҳаси бўйича, қолган иккитаси қонун ифода қилувчи ходисалар характеристи бўйича ажратилган. Бу билан бўлишдаги изчиллик йўқолган.

В. Бўлиш аъзолари ҳажми бўйича бир-бирини истисно қилиши керак. Бунинг учун улар бирга бўйсуниш муносабатидаги тушунчалар бўлиши керак. Агар «Бино» тушунчасини

«Бир қаватли бино», «Кўп қаватли бино», «Осмонўпар бино» тушунчаларига бўлсак, хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки «Кўп қаватли бино» тушунчаси билан «Осмонўпар бино» тушунчаси бир-бирини ҳажми бўйича истисно қилмайди.

Г. Бўлиш узлуксиз ҳолда амалга оширилиши, унда «сакраш» бўлмаслиги керак. Бунинг учун жинс тушунчага энг яқин бўлган бир тартибдаги тур тушунчалар олинмоғи лозим. Масалан, «Гап» тушунчасини «Содда гап», «Эргашган қўшма гап», «Боғланган қўшма гап» тушунчаларига ажратсак, бўлишдаги изчиллик йўқолади. Бунда охирги иккита бўлиш аъзоси «қўшма гап» тушунчасининг турларидир. Демак, «сакраш» ҳодисаси рўй берган.

Таснифлаш. Таснифлаш (туркумлаш, классификация) тушунчаларни бўлишнинг алоҳида туридир. Таснифлаш предметларни маълум бир турларга (кичик синфларга ёки айрим предметларга) ажратишдан иборат бўлиб, бунда ҳар бир тур бошқаларига нисбатан ўзининг аниқ ва қатъий ўрнига эга. Таснифлаш натижалари ҳар хил жадваллар, тузилмалар, графиклар, кодекслар ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Мантиқда сунъий ва табиий таснифлар фарқ қилинади. Сунъий тасниф предметларнинг бирорта умумий белгисига кўра амалга оширилади. Унга мисол қилиб кутубхонадаги китоблар каталогини кўрсатиш мумкин. Табиий таснифни амалга ошириш учун бўлиш асоси қилиб предметларнинг бирорта муҳим белгисини олиш керак. Ана шунинг учун ҳам у предметларнинг айрим муҳим хоссалари хақида фикр юритиш, қонуний боғланишларини аниқлаш имконини беради. Бунга Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий жадвали, Дарвиннинг жонли табиат предметлари таснифи мисол бўла олади.

Таснифлашда тушунчани бўлиш коидаларига амал килиш зарур.

Таснифлар нисбий турғун характерга эга. Улар билишда ва қундалик турмушда узоқ йиллар давомида ишлатилади.

Албатта, билимларимизнинг тараққий этиши, янги билимларнинг вужудга келиши кўп ҳолларда таснифларга тузатишлар киритишни, баъзан эса бутунлай янгиси билан алмаштирилишини тақозо этади. Шунга қарамасдан, таснифлаш мавжуд билимларимизни тизимга солиш воситаси сифатида билишда ўзининг муҳим аҳамиятига эга бўлиб қолади.

Тушунчаларни таърифлаш (дефиниция). Таърифлаш (ёки дефиниция) тушунчанинг мазмунини очиб берадиган мантиқий амалдир. Таъриф аниқланувчи ва аниқловчи қисмлардан ташкил топади. Аниқланувчи қисмни мазмуни очиб берилиши лозим бўлган тушунча, аниқловчи қисмни эса, аниқланувчи тушунчанинг мазмунини очиб берувчи тушунчалар ташкил этади. Масалан, «мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фандир» деган таърифда «Мантиқ» аниқланувчи қисмни, қолганлари эса аниқловчи қисмни ҳосил қиласди. Таърифлаш билишда қўйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради: 1) тушунчада акс этувчи предметнинг муҳим белгиларини кўрсатади; 2) тушунчани ифода қилувчи сўзнинг (терминнинг) маъносини очиб беради; 3) термин ҳосил қилишга имкон беради. Юқоридаги вазифалардан қайси бирининг ҳал қилинишига қараб номинал ва реал таърифлар фарқ қилинади.

Номинал таърифлар ёрдамида предметни тасвиrlовчи мураккаб ифодалар янги термин билан алмаштирилади ҳамда унинг маъноси аниқланади. Масалан, «Мантиқ грекча «logos» сўзидан олинган бўлиб, тушунча, фикр, сўз, қонуният каби маъноларга эга», десак, мантиқ тушунчасига номинал таъриф берган бўламиз. «Тил белгиларини ўрганувчи фан семиотикадир», деган таъриф ҳам номинал таърифга мисолдир.

Реал таърифда предметнинг муҳим белгиси аниқланади. Масалан, «Атом – модданинг ядро ва электронлардан ташкил топган заррачаси», деган таъриф реал таърифdir.

Реал таъриф аниқ ва ноаниқ қўринишларда бўлиши мумкин. Аниқ реал таъриф предметларнинг муҳим белгиларини тўғридан-тўғри кўрсатиб беради. Ноаниқ реал таърифда эса тушунчанинг мазмуни ёрдамчи воситалар орқали очиб берилади. Масалан, ўқиган парчамизда нотаниш терминлар учраб қолганда, унинг маъносини луғатдан фойдаланмасдан, бошқа сўзларнинг маъносига қараб аниқлашимиз мумкин.

Аниқ реал таърифнинг иккита асосий тури мавжуд: 1) яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш; 2) генетик таъриф.

Яқин жинси ва тур белгисини күрсатиш орқали таърифлаш реал таърифнинг энг қўп ишлатиладиган тури бўлиб, у иккита босқичдан ташкил топади. Биринчи босқичда аниқланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади. Шу тариқа унинг мазмуни қисман очиб берилади. Иккинчи босқичда аниқланувчи тушунчанинг шу жинсга киравчи бошқа тур тушунчалардан фарқи аниқланади, яъни унинг тур белгиси кўрсатилади. Шу тариқа мазкур тушунча мазмунининг қолган қисми очиб берилади. Масалан, бизнинг олдимизда «метафора» тушунчасининг мазмунини аниқлаш вазифаси турибди, дейлик. Бунда, аввал аниқланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади: у «сўз» тушунчасидир. «Метафора сўздир» дейиш билан «сўз» тушунчаси мазмунида фикр қилинадиган муҳим белгиларнинг метафорага ҳам тегишли эканлигини кўрсатамиз, яъни «метафора» тушунчаси мазмунини ташкил этувчи умумий белгиларни аниқлаймиз. Кўчирма маънода ишлатилиши эса, метафора сифатида ишлатилаётган сўзнинг тур белгиси, яъни индивидуал белгиси ҳисобланади. Бу тур белгини яқин жинсга қўшиб «Метафора қўчирма маънода ишлатиладиган сўздир», деган тўла таъриф ҳосил қиласиди. Шу тариқа энг қисқа йўл билан, яъни яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш билан тушунчанинг мазмунини аниқлаймиз.

Генетик таърифда аниқланувчи тушунчанинг мазмуни у ифодалаган предметнинг келиб чиқишини кўрсатиш орқали очиб берилади. Масалан, «Оксид металларнинг кислород билан реакцияга киришиши натижасида ҳосил бўлган кимёвий бирикмадир», деган таъриф генетик таърифга мисолдир. Бу таърифнинг мантиқий таркиби яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш билан бир хилдир.

Таърифлаш маълум қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Улар қўйидагилардан иборат:

а) таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак, яъни аниқланувчи тушунча ҳажми билан аниқловчи тушунчалар ҳажмлари йиғиндиси тенг бўлиши керак. Бу қоида бузилса, таъриф ё ҳаддан ташқари кенг, ё ҳаддан ташқари тор бўлиб қолади. Масалан, «Мантиқ тафаккурни ўрганувчи фандир» – ҳаддан ташқари кенг, «Мантиқ исботлаш таркибини ўрганувчи фандир» – ҳаддан ташқари тор таърифдир;

б) таъриф аниқ бўлиши керак. Бунинг учун образли иборалар, мазмуни ноаниқ сўзлар ишлатилмаслиги лозим. Масалан, «Хаёл – учкур от», «Давлат дунёвий рухнинг сиёсий жиҳатдан намоён бўлишидир» (Гегель) деган таърифларда бу қоида талаблари бузилган. Уларда чукур маъно бўлса-да, тушунчанинг мазмуни аниқ очиб берилган эмас;

в) таъриф айлана шаклида бўлиб қолмаслиги керак. Таъриф беришда аниқловчи тушунчанинг мазмунини аниқлаш учун аниқланувчи тушунчанинг ўзига мурожаат этилса, таърифда айлана ҳосил бўлади. Масалан, «Мантиқ тўғри фикрлаш ҳақидаги фандир», дейилганда таърифда айлана вужудга келади. Чунки «Тўғри фикрлаш нима?» деган саволга, «У мантиқ қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда фикрлашдир», деб жавоб беришга тўғри келади, яъни «мантиқ» тушунчасига мурожаат қилинади.

Тавтология ҳам шу қоиданинг бузилиши натижасида содир бўлади. Бунда аниқланувчи тушунчадан унинг мазмунини очиш учун фойдаланилган бўлади. Масалан, «Тамагир тамагирлик қилувчи кишидир», десак, тавтологияга йўл қўйган бўламиз.

г) Таъриф иложи борича инкор шаклида бўлмаслиги керак. Акс ҳолда предметга хос бўлган белги ўрнига унда йўқ бўлган белги кўрсатилади. Масалан, «Онг моддий эмас», деган таъриф «онг» тушунчасининг мазмунини яхши очиб бера олмайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тафаккур шакли нима?
3. Тафаккур қонуни нима?
4. Формал мантиқ нимани ўрганади?
5. Формал мантиқ тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар билан қандай муносабатда?
6. Формал мантиқни ўрганиш қандай аҳамиятга эга?

11-МАВЗУ: МУЛОҲАЗА. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ РЕЖА

- 1. Мулоҳаза (хукм) тушунчаси**
- 2. Одий ва мураккаб ҳукмлар**
- 3. Хулоса чиқариш – тафаккурнинг мантиқий шакли**
- 4. Дедуктив хулоса чиқариш**

Ҳукм – предметга маълум бир белгининг (хоссанинг, муносабатнинг) хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Ҳукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишидир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг, ташки хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурй боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кетма-кет ўрганиб, улар ҳақида ҳукмлар ҳосил қиласиз. Билимларимиз турлича бўлгани учун уларни ифодалайдиган ҳукмлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи ҳукмларда аниқ, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида белгининг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади.

Ҳукмлар нисбатан тугал фикрdir. Унда конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳақида билим ифода қилинган бўлади.

Ҳукмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган ҳукмлар – ноаниқ ҳукмлардир.

Ҳукмлар тилда гаплар орқали ифодаланади. Ҳукм мантиқий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Ҳукмлар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади.

Масалан, «Вақт орқага қайтмайди», «Ҳаёт – бу ҳаракат» каби гаплар ҳукмни ифода қиласидилар.

Одий ҳукмлар. Ҳукмлар тузилишига кўра одий ва мураккаб бўлади. **Одий ҳукм** деб, таркибидан яна бир ҳукмни ажратиб бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Таркиби-дан икки ёки ундан ортиқ ҳукмни ажратиш мумкин бўлган мулоҳазаларга мураккаб ҳукм дейилади. Масалан, «Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради», деган мулоҳаза одий ҳукмни ифодалайди. «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганади», деган мулоҳаза мураккаб ҳукмдир. Бу мулоҳазанинг таркиби икки қисмдан: «Мантиқ илми тафаккур шаклларини ўрганади» ва «Мантиқ илми тафаккур қонунларини ўрганади», деган икки одий ҳукмдан иборат.

Мулоҳаза (ҳукм) таркибida мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб кўрсатиши мумкин. Мантиқий эга – субъект (S) фикр қилинаётган предмет ва ҳодисани билдиради. Мантиқий кесим – предикат (P) предмет хусусиятини, муносабатини билдиради. Предикатда ифодалangan билимлар ҳисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади.

Ҳукмнинг учинчи зарурй элементи мантиқий боғламадир. У субъект ва предикатни бир-бiri билан боғлайди, натижада ҳукм ҳосил бўлади. Одий қатъий ҳукмнинг формуласи қуидагича ёзилади: S-P.

Одий ҳукмлар сифати ва миқдорига кўра турларга бўлинади. Сифатига кўра, тасдиқ ва инкор ҳукмлар фарқланади. Ҳукмнинг сифатини мантиқий боғлама белгилайди. Таасиқ ҳукмларда белгининг предметга хослиги, инкор ҳукмларда, аксинча, хос эмаслиги кўрсатилади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясининг муаллифидир» – тасдиқ ҳукм, «Математика ижтимоий фан эмас» – инкор ҳукм. Миқдорига кўра одий ҳукмлар якка, умумий ва жузъий ҳукмларга бўлинади. Бунда субъектда ифодалangan предметларнинг сонидан, яъни унинг ҳажмидан келиб чиқилади.

Якка ҳукмларда бирорта белгининг бир предметга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатдир», «Аҳмедов тарихчи эмас».

Умумий ҳукмларда бирорта белгининг якка предметлар синфининг ҳаммасига ёки ундаги ҳар бир предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида фикр баён қилинади. Масалан, «Ҳар бир инсон баҳтли бўлишни хоҳлайди» ва «Ҳеч бир ақли одам вақтини беҳуда сарфламайди».

Жузъий ҳукмларда бирорта белгининг предметлар тўпламининг бир қисмига хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан, «Баъзи ёшлар тадбиркор». «айрим талабалар дангаса эмас». Жузъий ҳукмларда «баъзи» сўзи «ҳеч бўлмаса биттаси, балки ҳаммаси», деган маънода қўлланилади. Шунга қўра, «Баъзи тошлар тирик мавжудот эмас», деган ҳукм чин бўлади, чунки ҳеч бир тош тирик мавжудот эмас.

Маълум маънода якка ҳукмларни умумий ҳукмлар билан тенглаштириш мумкин. Чунки ҳар икки ҳукмда ҳам тўпламдаги предметларнинг ҳар бирiga нимадир тааллуқли ёки тааллуқли эмас, деб кўрсатилади. Якка ҳукмларда эса бу тўплам биргина предметдан иборат бўлади.

Мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа ҳолатларда оддий ҳукмларнинг миқдор ва сифати бўйича бирлашган классификацияси (асосий турлари)дан фойдаланилади. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Умумий тасдиқ ҳукмлар. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар». Бу ҳукмлар лотин алифбосидаги А ҳарфи билан белгиланади ва «Ҳамма S–Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

2. Умумий инкор ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди». Бу ҳукм «Ҳеч бир S–Р эмас» формуласи орқали ифодаланади ва лотинча Е ҳарфи билан белгиланади.

3. Жузъий тасдиқ ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар масъулиятли». У лотинча I ҳарфи билан белгиланади ва «Баъзи S–Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

4. Жузъий инкор ҳукм бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар спорт билан шуғулланмайдилар». Унинг формуласи «Баъзи S–Р эмас» бўлиб, лотинча О ҳарфи билан белгиланади.

Мураккаб ҳукмлар. Ҳукм терминлари бирдан ортиқ бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмлар «ва», «ёки», «агар... унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига қўра мураккаб ҳукмларнинг қўйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар деб икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг «ва», «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий боғловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмларга айтилади. Масалан, 1.«Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди». 2.«А. Навоий шоир ва давлат арбоби бўлган». 3.«Мухаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийлар математика фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар».

Биринчи бирлаштирувчи ҳукм икки мустақил оддий ҳукмнинг боғланишидан ҳосил бўлган. Иккинчи ҳукмда бир хил субъектга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Учинчи бирлаштирувчи ҳукмда эса бир хил предикатга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Ўзбек тилида бирлаштирувчи ҳукмлар «аммо», «лекин», «бироқ» каби боғламалар ва (,) воситасида ҳам тузилади. Мантиқий боғламалар конъюнкция белгиси « \wedge »орқали ифодаланади. Формуласи р \wedge q.

Конъюнктив (бирлаштирувчи) ҳукм таркибидаги оддий ҳукмларни «р» ва «q» шартли белгилари билан белгиласак, унда бу ҳукм « \wedge » формуласи орқали ифодаланади. Конъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар чин ёки хато бўлиши мумкин. Таркибидаги ҳамма оддий ҳукмлар чин бўлганда, бирлаштирувчи ҳукм чин бўлади. Бошқа ҳамма ҳолатларда эса хато

бўлади. Масалан, «Ёлғон гапириш ва ўғирлик қилиш жиноятдир» ҳукмидаги биринчи оддий гап «Ёлғон гапириш жиноятдир» чин бўлмаганлиги учун бу ҳукм чин бўлмайди.

Айиравчи (дизъюнктив) ҳукм деб «ё», «ёки», «ёхуд» мантиқий боғламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳазага айтилади. Бу боғловчилар икки оддий ҳукмни ёки бир қанча предикатларни. ёки бир қанча субъектларни бир-биридан айириб туради. Масалан, «Кодиров фалсафа ёки социология, ёки психология бўлимидаги ўқиди». «Концертда биринчи ёки иккинчи курс талабалари қатнашадилар». Айиравчи боғламалар «V» – дизъюнкция белгиси орқали ифодаланади. Айиравчи (дизъюнктив) ҳукмлар оддий ёки қатъий турларга бўлинади. Оддий дизъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлардан бири ёки ҳаммаси чин бўлиши мумкин, қатъий дизъюнктив ҳукмда эса таркибидаги оддий ҳукмлардан фақат биттаси чин бўлади. Оддий дизъюнктив ҳукм pVq формуласи билан, қатъий дизъюнктив ҳукм pVq формуласи билан белгиланади.

«А.Авлоний шоир ёки драматургdir». Бу оддий дизъюнктив ҳукм. «Абдуллаев мусобақада ё ютади, ё ютмайди». Бу қатъий дизъюнктив ҳукм.

Шартли (импликатив) ҳукм икки оддий ҳукмнинг «агар... унда» мантиқий боғламаси орқали бирикишидан ташкил топади. Шартли ҳукмнинг моҳиятини аниқлаш учун зарурий ва етарли шарт тушунчаларини фарқлаш зарур. Ҳодисанинг зарурий шарти деб, унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатга айтилади. Агар ҳодисанинг шарти зарурий бўлмаса, ҳодиса ҳам бўлмайди. Масалан, «Агар ўсимлик сувсиз қолса, у қурийди».

Ходиса учун етарли бўлган шарт деб, ҳар сафар шу шарт бўлганда, ўша ҳодиса кузатиладиган ҳолатга айтилади. Масалан, «Агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи хўл бўлади». Шартлар «етарли, лекин зарурий бўлмаган», «зарурий, лекин етарли бўлмаган», «зарурий ва етарли» бўлиши мумкин. Масалан, N сонининг икки ва учга бўлиниши унинг олтига бўлиниши учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланади. N сонининг иккига бўлиниши унинг олтига бўлиниши учун зарурий, лекин етарли бўлмаган шартдир. N сонининг ўнга бўлиниши унинг иккига бўлиниши учун етарли, лекин зарурий бўлмаган шартдир.

Шартли ҳукм таркибида асос ва натижка қисмлари фарқланади. Шартли ҳукмнинг «агар» ва «унда» сўзлари оралиғидаги қисми – асос, «унда» сўзидан кейинги қисми – натижка деб аталади. «агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи хўл бўлади» ҳукмидаги «ёмғир ёғса» ҳукми асос, «уйларнинг томи хўл бўлади» ҳукми – натижка ҳисобланади.

Демак, асосда кўрсатилган ҳодиса, натижада қайд этилган ҳодисанинг келиб чиқиши учун етарли шартни ифодалаган ҳукм шартли ҳукм дейилади.

Шартли (импликатив) ҳукмлар «агар ... унда» мантиқий боғламаси (\rightarrow) белги билан ифодаланади. Ҳозирги замон мантиқ илмида эса баъзан (Δ) символи билан белгиланади. Бу символлар моддий импликация белгиси деб аталади. Шартли ҳукм эса импликатив ҳукм деб юритилади. Импликатив ҳукмнинг асоси – антецедент, натижаси – консеквент дейилади. Импликатив ҳукм антецедент – чин, консеквент – хато бўлган ҳолатдан бошқа ҳамма кўринишларда чин бўлади.

Эквивалентлик ҳукмлари «агар ва фақат агар ... унда» мантиқий боғловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик ҳукми шартли ҳукм кўринишида ифодаланади. Бундай ҳолатларда шартли ҳукмнинг эквивалент ҳукм эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар шартли ҳукмнинг асоси натижада қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. Масалан, «Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига қолдиқсиз бўлинади».

Эквивалент ҳукмнинг мантиқий боғловчиси (\leftrightarrow) символи, яъни (моддий) эквивалентлик белгиси билан ифодаланади. Эквивалент ҳукмнинг асоси ва натижаси чин бўлганда ёки ҳам, натижаси хато бўлганда, у чин ҳисобланади.

Мураккаб ҳукмларнинг чин бўлиш шартлари

p	q	$p \wedge q$	pVq	pVq	$p \rightarrow q$	$p \leftrightarrow q$
чин	чин	чин	чин	хато	чин	чин
чин	хато	хато	чин	чин	хато	хато
хато	чин	хато	чин	чин	чин	хато

хато	хато	хато	хато	хато	чин	чин
------	------	------	------	------	-----	-----

Ҳукмларнинг инкор қилиниши. Икки ҳукм бир-бирига зид бўлиб, улардан бири албатта чин, бошқаси хато бўлса, бу ҳукмлар бир-бирини инкор қилувчи ҳукмлар бўлади. Инкор қилинаётган ҳукм чин бўлса, инкор қилаётган ҳукм хато бўлади. Инкор қилинаётган ҳукм хато бўлса, инкор қилаётган ҳукм чин бўлади. Қуйидаги ҳукмлар бир-бирини инкор қиласди:

1. А–О. Ҳамма ўзбек аёллари олий маълумотли (хато).

Баъзи ўзбек аёллари олий маълумотли (чин).

2. Е–І. Ҳеч бир инсон тош эмас (чин).

Баъзи инсонлар тошдир (хато).

Ҳукмларни предикатнинг субъектга таалуқли эмаслигини кўрсатиш ва ҳукмни хато деб кўрсатиш орқали инкор қилиш мумкин. Биринчиси ички инкор, иккинчиси ташқи инкор дейилади.

Масалан:

Баъзи талабалар аълочи эмас (ички инкор).

Қуёшнинг Ер атрофида айланиши – нотўғри фикрдир (ташқи инкор).

Конъюнктив ва дизъюнктив ҳукмлар инкор қилинганда уларнинг мантикий боғламалари алмашади ва таркибидаги оддий ҳукмлар инкор қилинади.

1) Айиравчи ҳукмни инкор қилиш.

Мен дарсдан сўнг ё кутубхонага, ё дўстимниги бораман. Мен дарсдан сўнг кутубхонага ҳам, дўстимниги ҳам бормадим.

$$p \vee q \equiv p \wedge q$$

2) Айиравчи инкор ҳукмни инкор қилиш.

«Хунар ўрганмаган ёки илм олмаган инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топмайди». «Хунар ўрганган, илм олган инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топади».

$$p \vee q \equiv p \wedge q$$

3) Бирлаштирувчи ҳукмни инкор қилиш.

«Ҳалол ва виждонли одамлар ахлоқли бўладилар». «Ҳалол бўлмаган ёки виждонли бўлмаган одамлар ахлоқсиз бўладилар».

$$p \wedge q \equiv p \vee q$$

4) Бирлаштирувчи инкор ҳукмни инкор қилиш.

«Аълочи ва жамоатчи бўлмаган талабалар танловда иштирок этмайдилар». «Аълочи ёки жамоатчи бўлган талабалар танловда иштирок этадилар».

$$p \wedge q \equiv p \vee q$$

Бу формулалар де-Морган конунлари деб аталади.


Агар мураккаб ҳукм таркибида шартли ҳукм бўлса, формула унга айнан тенг бўлган, импликацияси бўлмаган бошқа формулага алмаштирилади. Масалан, «Агар бўш вақтим бўлса, унда телевизор кўраман». «Бўш вақтим бўлди, лекин телевизор кўрмадим».

Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар. Ҳукмлар ҳам тушунчалар каби таққосланадиган (умумий субъект ёки предикатга эга бўлган) ва таққосланмайдиган турларга бўлинади. Такқосланадиган ҳукмлар сифишадиган ёки сифишмайдиган бўлади. Мантиқда икки ҳукм (p ва q) дан бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги зарурий келиб чиқадиган бўлса, улар ўзаро сифишмайдиган ҳукмлар дейилади. Сифишмайдиган ҳукмлар бир вақтда чин бўла олмайди. Сифишадиган ҳукмлар айнан бир фикрни тўлиқ ёки қисман ифодалайди. Сифишадиган ҳукмлар ўзаро эквивалентлик, мантикий бўйсуниш ва қисман мос келиш (субконтрап) муносабатида бўлади.

Сифишмайдиган ҳукмлар қарама-каршилик (контрап) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатларнинг шаклий ифодаси «мантикий

квадрат» деб аталади. Мантиқий квадрат орқали муносабатлари аниқланади.

Масалан, «Ҳар бир жамият ўз ахлоқий нормаларига эга». Бу А – умумий тасдиқ ҳукм Е, I, O кўринишларда қўйидагича ифодаланади:



Е. Ҳеч бир жамият ўз ахлоқий нормаларига эга эмас.

I. Баъзи жамиятлар ўз ахлоқий нормаларига эга.

O. Баъзи жамиятлар ўз ахлоқий нормаларига эга эмас.

Бу ҳукмлар таққосланадиган ҳукмлар бўлиб, улар ўртасида чинлигига кўра ўзига хос муносабатлар мавжуддир.

Сифишмайдиган ҳукмлар ўртасида қарама-қаршилик (контрапар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатлари бўлади. Қарама-қаршилик муносабати мазмунига кўра турлича бўлган умумий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлиб, бу муносабатга кўра уларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин бўла олмайди. Бу ҳукмлар бир вақтда хато бўлиши мумкин; агар улардан бирининг чинлиги аниқ бўлса, унда бошқаси, албатта, хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А – ҳукм чин, Е – ҳукм хато эканлиги маълум бўлади.

Зидлик муносабати мазмуни ва ҳажмига кўра турлича бўлган ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўлмайди. Улардан бири ҳамма вақт чин, бошқаси эса хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А – ҳукм чин бўлиб, О – ҳукм хатодир. Шунингдек, I – ҳукм чин, Е – ҳукм хатодир.

Сифишадиган ҳукмлардан мазмуни бир хил, ҳажми турли хил бўлган ҳукмлар ўзаро бўйсуниш муносабатида бўлади. Бунда умумий ҳукмлар бўйсундирувчи, жузъий ҳукмлар бўйсунувчи бўлади. Бўйсуниш муносабатида умумий ҳукмлар чин бўлса, уларга бўйсунувчи жузъий ҳукмлар ҳам чин бўлади. Лекин жузъий ҳукмлар чин бўлганда, умумий ҳукмлар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади. Юқоридаги мисолдан А – ҳукм чин бўлгани учун унга бўйсунувчи I – ҳукм ҳам чин бўлади. Агар умумий ҳукмлар хато бўлса, уларга бўйсунувчи жузъий ҳукмлар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади. Мисолимизда Е – ҳукм хато бўлгани учун О – ҳукм ҳам хато бўлади. Баъзи ҳолатларда умумий ҳукмлар хато бўлса, жузъий ҳукмлар чин бўлади.

Қисман мослик (субконтрап) муносабати мазмуни ҳар хил бўлган жузъий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси бир вақтда хато бўлмайди. Агар улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, унда бошқаси, албатта, чин бўлади. Юқоридаги мисолимизда О – ҳукмнинг хатолиги аниқ бўлгани учун I – ҳукм чиндир.

Эквивалентлик муносабатидаги ҳукмлар ҳамма вақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклда ифодаланади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясининг муаллифи» ва «А. Орипов – Ўзбекистон Қаҳрамони» ҳукмлари ўзаро эквивалентдир, яъни улар бир хил субъектга, лекин ҳар хил предикатга эга бўлган ҳукмлардир.

Ҳукмларнинг чинлигига кўра муносабатини ифодаловчи юқорида кўрсатилган қонуниятлар билишда катта аҳамиятга эга.

Савол ва жавоб. Билимларимиз предмет ва ҳодисалар ҳақида аввалги ҳосил қилинган ҳукмлар (мулоҳазалар)дан янги, уларни тўлдирадиган, кенгайтирадиган ҳукмларни яратишга қараб тараққий этиб боради. Бу жараён маълум бир саволларни қўйиш ва уларга жавоб қидириш тарзида содир бўлади.

Шуни айтиш керакки, савол сўроқ гап ёрдамида ифода қилингани учун ҳукмни ифода қила олмайди. Улар билишда турлича вазифаларни бажаради. Хусусан, ҳукмнинг вазифаси предмет ҳақидаги мавжуд билимларни қайд қилишдан иборат бўлса, савол унинг янги хусусиятлари, алоқаларини қидириб топишга, ўрганишга қаратилган бўлади. Савол бир қанча муҳим мантиқий хусусиятларга эга. Биринчидан, саволда маълум бир бошлангич билим мужассамланган бўлади. Масалан, «Қандай сабабларга кўра ГФР ва ГДР ягона давлатга бирлашди?» деган саволда мустақил Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикасининг мавжуд бўлганлиги, уларнинг ягона давлатга бирлашишидан аввал қандайдир воқеаларнинг содир бўлганлиги ҳақида маълумот берилган. Иккинчидан, саволда мавжуд бўлган билим ноаниқ бўлади. Юқорида келтирилган мисолда ягона немис давлати – ГФР ҳақида маълум бир маълумот мавжуд бўлса-да, у фикрлаш предметини тушуниш учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам савол қўйиш ва унга жавоб қидириш йўли билан ягона немис давлатининг пайдо бўлиш шарт-шароитлари ҳақида билим ҳосил қилиниши зарур. Учинчидан, саволда предмет ҳақида тўлароқ билимга эга бўлиш эҳтиёжи ўз ифодасини топади.

Ана шундан келиб чиқиб, **савол** билимларимиздаги ноаниқликларни, шубҳаларни йўқотиш, ҳамда аниқроқ ва тўлароқ билимлар ҳосил қилишга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қиласиган фикрлаш воситасидир, деб айтишимиз мумкин.

Савол ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У ўзининг асосига (datum questionis), базисига эга. Саволнинг асосини унда мужассамлашган билим (ахборот) ташкил этади.

Саволларнинг бир қанча турларини фарқ қилса бўлади. Хусусан, савол ўзининг асосига кўра тўғри ва нотўғри қўйилган саволларга бўлинади. Асоси чин ва зиддиятсиз билимдан иборат бўлса, савол тўғри қўйилган бўлади. «Миллий ғоя нима?» деган савол бунга мисол бўла олади. Хато ва зиддиятли асосга эга савол эса, нотўғри қўйилган савол ҳисобланади. Масалан, «Арвоҳ қандай кун кечиради?» десак, савол нотўғри қўйилган бўлади.

Билишдаги функцияси саволларни бўйича аниқловчи ва тўлдирувчи саволларга ажратиш мумкин. «И. Пригожин ҳақиқатан ҳам синергетиканинг асосчисими?» деган савол аниқловчи савол, «Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қачон қабул қилинган?» тўлдирувчи савол ҳисобланади.

Таркибига кўра оддий ва мураккаб саволлар мавжуд. Агар таркибида бошқа савол бўлмаса, оддий савол, бўлса – мураккаб савол деб юритилади. Масалан, «Сув неча градусда музлайди?» – оддий савол, «Ассимиляция ва диссимилияциялар организмнинг мавжуд бўлишида қандай ўрин тутади?» – мураккаб саволдир.

Масала – саволнинг алоҳида бир тури бўлиб, уни ҳал қилиш саволнинг асосини мантиқан ўзгартиришни, етишмаётган маълумотлар билан тўлдиришни, муҳим томонларини ажратишни, муҳим бўлмаганларини чиқариб ташлашни тақозо этади.

Саволни тўғри қўйиш учун маълум бир қоидаларга риоя этиш зарур:

1. Савол тил талабларига жавоб бериши керак.
2. Савол аниқ, равшан, қатъий ҳолда ифода қилинган бўлиши керак.
3. Саволнинг асоси (базиси) чин ҳукмлардан иборат бўлиши керак.

Жавоб – предмет ҳақидаги аввалги билимни қўйилган саволга мувофиқ ҳолда аниқлаштирадиган, тўлдирадиган янги ҳукм (мулоҳаза) дан иборат. У саволнинг асосини (базисини) ташкил этувчи билимга таянилган ҳолда, янги билим олишга имкон беради. Жавобнинг моҳиятини саволда мавжуд бўлган ноаниқликни камайтириш (ёки йўқотиш) ташкил этади.

Саволга жавоб қидириш давомида, одатда, билимларнинг конкрет соҳаларига мурожаат қилинади. Улар **жавобни қидириш соҳаси**, деб аталади.

Мантиқда жавобнинг бир қанча турлари: бевосита (тўғри) ва билвосита жавоблар, тўлиқ ва тўлиқсиз жавоблар, чин ва хато жавоблар, қисқа ва батафсил жавоблар, аниқ ва ноаниқ жавоблар ажратилади.

Бериладиган жавоб тўғри бўлиши учун маълум бир методологик талабларга риоя килиш зарур. Улар қуидагилардир:

1. Жавоб аниқ, равшан ва, иложи борича, ихчам бўлиши шарт.
2. Жавоб мантиқан зиддиятсиз бўлиши зарур.
3. Жавоб етарли даражада асосланган бўлиши керак.
4. Жавоб саволдаги ноаниқликни камайтириши, иложи борича тўла бўлиши зарур.

Норма(меъёрий қоида) ва ҳукм. Норма (меъёрий қоида) амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатларни билдиради. Уларнинг талабларига риоя қилиш кундалик турмушимиизда ҳамда билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. Масалан, «Таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак», деган қоидага риоя қилиш тушунчага бериладиган таърифнинг мантиқан тўғри бўлишини таъминлайдиган шартлардан бири ҳисобланади. Агар бу қоида талаби бузилса, тушунчага бериладиган таъриф хаддан ташқари кенг (масалан, «Фан – билимлар тизими») ёки ҳаддан ташқари тор (масалан, «Фан – гояларда ифода этилган билимлар тизими») бўлиб қолади.

Гапда ифодаланган нормалар ҳукмни (мулоҳазани) ифода қилиши ҳам, килмаслиги ҳам мумкин. Масалан, «Урушни тарғиб қилиш қатъяян ман қилинади», деган гап – норматив фикр, у ҳукмни (мулоҳазани) ифода этмайди. «Сайдов Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга», деган фикр эса норма (меъёрий қоида) ҳақидаги ҳукм (мулоҳаза) ҳисобланади; бунда норма «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат қилиш ҳуқуқига эга», деган фикрдан иборат; шунинг учун ҳам у мантиқий қийматга эга, яъни чин фикрни ифода этади. Демак, норма ҳақидаги ҳукмлар (норматив ҳукмлар) бошқа ҳукмлар сингари мантиқий қийматга эга, яъни чин ёки хато фикрни ифода этадилар.

Нормалар илмий билишда қоидаларни, методларни, ҳуқуқий соҳада – ҳуқуқий норматив ҳужжатларни (масалан, қонунларни, кодексларни, буйруқларни ва шу кабиларни), ахлоқ-одоб нормаларини ва бошқа соҳалардаги норматив фикрларни ифода қиласидилар. Уларнинг билишдаги ва амалиётдаги аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Хулоса чиқариш – тафаккурнинг мантиқий шакли. Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни ҳосил қилиш мантиқ илмида хулоса чиқариш, деб аталади.

Хулоса чиқариш деб, бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

Хулоса чиқариш жараёни асослар, хулоса ва асослардан хулосага ўтишдан ташкил топади. Тўғри хулоса чиқариш учун, авваламбор, асослар чин мулоҳазалар бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак.

Масалан, «Арасту – мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юонон файласуфидир» деган икки чин мулоҳазадан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ.

Хулоса асослари ва хулоса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хулоса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади. Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса чиқмайди. Масалан, «Талаба А – аълочи» деган мулоҳазадан «Талаба А – одобли», деб хулоса чиқариб бўлмайди.


Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражасига кўра, аниқроғи, хулоса чиқариш қоидаларининг қатъийлигига кўра ҳамда хулоса асосларининг сонига ва фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра бир қанча турларга бўлинади.

Хулоса

Зарурий

Бевосита хулоса
чиқариш

Асосларнинг
сонига кўра



Мазкур таснифда хulosса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукаммалроқ бўлиб, у хulosса чиқаришнинг бошқа турлари ҳақида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, дедуктив хulosса чиқариш зарурий хulosса чиқариш, индуктив хulosса чиқариш (тўлиқ индукцияни ҳисобга олмагандан) ва аналогия эхтимолий хulosса чиқариш, деб олиб қаралиши, бевосита хulosса чиқариш эса дедуктив хulosса чиқаришнинг бир тури сифатида ўрганилиши мумкин.

Дедуктив хulosса чиқариши. Дедуктив хulosса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқан зарурий хусусиятга эга. Унинг турларидан бири бевосита хulosса чиқаришдир.

Фақат биргина мулоҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хulosса чиқариш, деб аталади. Бевосита хulosса чиқариш символик мантиқда қуидагича ифодаланади: $X \rightarrow P$, бунда X ва P оддий

қатъий мулоҳазаларни (A , E , I , O), S ва P лар эса мулоҳазаларнинг субъекти ва предикатини ифодалайди. $X \rightarrow P$ – хulosса асоси ёки антеседент, $Y \rightarrow P$ – хulosса чиқариш консеквент, деб аталади. Бевосита хulosса чиқариш жараёнида мулоҳазаларнинг шаклини ўзгартириш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос мулоҳазанинг таркиби, яъни субъект ва предикат муносабатларнинг миқдор ва сифат тавсифлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хulosса чиқаришнинг қуидаги мантиқий усувлари мавжуд:

I. Айлантириш (лот.–obversio) шундай мантиқий усулки, унда берилган мулоҳазанинг миқдорини сақлаган ҳолда, сифатини ўзгартириш билан янги мулоҳаза ҳосил қилинади. Бу усул билан хulosса чиқарилганда қўш инкор содир бўлади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин боғловчиси инкор этилади. Буни қуидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{S - P}{\overline{S} - \overline{P}}$$

Инкор қилиш жараёнида инкор юкламаларидан (-ма; -сиз; -мас) ёки инкор қилинаётган тушунчага зид бўлган тушунчалардан фойдаланилади. Оддий қатъий мулоҳазаларнинг ҳаммасидан айлантириш усули билан хulosса чиқарилади. Хulosса асоси бўлган мулоҳаза хulosада қуидагича ифодаланади:

		Хulosса асоси		Хulosса
1	A	Ҳамма $S - P$	E	Ҳеч бир $S - P$ эмас
2	E	Ҳеч бир $S - P$ эмас	A	Ҳамма S эмас P дир
3	I	Баъзи $S - P$	O	Баъзи $S - P$ сиз эмас
4	O	Баъзи $S - P$ эмас	I	Баъзи S эмас P дир

Айлантириш усули билан ҳulosса чиқарилганда “бирор ниманинг қўшинкори унинг тасдиғи билан тенгдир ” деган қоида амал қиласи.

Масалан:

1. А. Ҳамма илмий қонунлар объектив характерга эга.

Е. Ҳеч бир илмий қонун субъектив характерга эга эмас.

II. Алмаштириш (лот.–conversio) шундай мантиқий ҳulosса чиқариш усулини, унда ҳulosса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади.

Алмаштиришда берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажми эътиборга олиниши шарт.

		Ҳulosса асоси		Ҳulosса	Алмаштириш тури
1	A	Ҳамма S-P	A	Ҳамма P-S	Соф алмаштириш
2	E	Ҳеч бир S-P эмас	E	Ҳеч бир P-S эмас	Соф алмаштириш
3	I	Баъзи S-P	I	Баъзи P-S	Соф алмаштириш
4	A	Ҳамма S-P	I	Баъзи P-S	Торайтирилган алмаштириш
5	I	Баъзи S-P эмас	A	Ҳамма P-S	Кенгайтирилган алмаштириш

Жузъий инкор мулоҳазадан (0) алмаштириш усули билан ҳulosса чиқариб бўлмайди.

Алмаштиришга мисол:

А. Ҳамма шифокорлар олий маълумотлидир.

И. Баъзи олий маълумотлилар шифокорлардир.

Демак, алмаштириш усули қўлланилганда мулоҳазадаги субъект ва предикат ҳажми аниқланади ва шу асосда мулоҳазадаги терминларнинг ўрни алмаштирилиб, ҳulosса чиқарилади. Бу усул, айниқса, тушунчага берилган таърифларнинг тўғрилигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

III. Предикатга қарама-қарши қўйиш (лот.– contrapositio) бевосита ҳulosса чиқаришнинг мантиқий усулларидан бири бўлиб, бу усул қўлланилганда берилган мулоҳаза аввал айлантирилади, сўнгра алмаштирилади. Натижада ҳосил қилинган мулоҳазанинг (ҳulosанинг) субъекти асос мулоҳаза предикатига зид, предикати эса унинг субъектига мос бўлади:

$$\frac{S - P}{\overline{\overline{P - S}}}$$

Бунда, ҳulosада S нинг инкор шаклида бўлиши ҳulosса боғловчисининг инкор этилиши натижасидир. Предикатга қарама-қарши қўйишда A-E га, E-I га, 0-I га ўзгаради.

Турли мулоҳазалардан бу усул воситасида ҳulosса чиқариш қўйидаги шаклда кўрсатилган:

		Ҳulosса асоси	Ҳulosса
1	A	Ҳамма S-P	Ҳеч бир P эмас S эмас
2	E	Ҳеч бир S-P эмас	Баъзи P эмас S дир
3	O	Баъзи S-P эмас	Баъзи P эмас S дир

Масалан:

1. А. Ҳамма мусулмонлар Ислом динига эътиқод қиласидар. Ислом динига эътиқод қилмайдиганлар мусулмон эмас.

Жузъий тасдик (I) мулоҳазадан предикатга қарама-қарши қўйиш усули билан ҳulosса чиқариб бўлмайди. Чунки, «Баъзи S-P мулоҳазани айлантирасак «Баъзи S-P мас эмас», яъни жузъий инкор ҳукм келиб чиқади. Ундан алмаштириш орқали ҳulosса чиқариб бўлмайди.

IV. Мантиқий квадрат орқали хulosса чиқариш.

Бунда оддий қатый мулоҳазаларнинг ўзаро муносабатларини (қаранг: мантиқий квадрат) эътиборга олган ҳолда, мулоҳазалардан бирининг чин ёки хатолиги ҳақида хulosса чиқарилади. Бу хulosалар мулоҳазалар ўртасидаги зидлик, қарама-қаршилик, қисман мослик ва бўйсуниш муносабатларига асосланади. Бу муносабатларнинг тахлилига кўра хulosса чин бўлган қўйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

1. Асос мулоҳаза ва хulosса чин бўлган : A→I, E→O.
2. Асос мулоҳаза хато ва хulosса чин бўлган: I→O, O→I

Масалан: А. Ҳамма мустақил давлатлар БМТ га аъзо.
I. Баъзи мустақил давлатлар БМТ га аъзо.

Бевосита хulosса чиқариш усуллари билишда мавжуд фикрни аниқлаб олишга, унинг моҳиятини тўғри тушунишга, шунингдек, бир фикрни турли хил кўринишда баён қилишга, янги билимлар ҳосил қилишга имконият беради.

Оддий қатъий силлогизм. дедуктив хulosса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. силлогизм қўшиб ҳисоблаш, деган маънони беради. бу муносабатларнинг тахлилига кўра и англатади. бу терминдан мантиқда, одатда, дедуктив хulosса чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури ҳисобланган оддий қатъий силлогизмни ифода қилиш учун фойдаланилади. силлогизм хulosса чиқаришнинг шундай шаклини, унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи – янги қатъий мулоҳаза зарурий тарзда келиб чиқади. бунда дастлабки мулоҳазалардан бири, албатта, ё умумий тасдиқ, ёки умумий инкор мулоҳаза бўлади. ҳосил қилинган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан умумийроқ бўлмайди. шунга кўра силлогизмни умумийликка асосланган хulosса чиқариш, деб атаса бўлади. масалан, қўйидаги мулоҳазалар берилган бўлсин:

Ҳеч бир хасис сахий эмас.

Баъзи бойлар хасисдир.


Бу мулоҳазалардан зарурий равища – «Баъзи бойлар сахий эмас», деган учинчи мулоҳаза келиб чиқади. Силлогизмнинг таркиби оддий қатъий мулоҳазалардан ташкил топгани учун у оддий қатъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хulosса асослари (praemissae) ва хulosса (conclusio)дан ташкил топган. Хulosса асослари ва хulosадаги тушунчалар **терминлар** деб аталади. Хulosанинг мантиқий эгаси – S – кичик термин (terminus minor), мантиқий кесими – P – катта термин (terminus major), деб аталади. Хulosса асослари учун умумий бўлган, лекин хulosада учрамайдиган тушунча – M – (terminus medius) ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мулоҳаза катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мулоҳаза кичик асос деб аталади.

S – кичик термин;

M – ўрта термин;

P – катта термин.



Ўрта термин катта ва кичик терминни боғловчи мантиқий элемент ҳисобланади.

Силлогизмнинг умумий қоидалари. Хulosса асосларининг чин бўлиши хulosанинг чин бўлиши учун етарли эмас. Хulosса чин бўлиши учун яна маълум қоидаларга амал қилиш ҳам зарур. Бу силлогизмнинг умумий қоидалари деб аталади. Улар силлогизмнинг терминлари ва асосларига тааллуқли бўлган қоидалар бўлиб, қўйидагилардан иборат:

1. Силлогизмда учта термин: катта, кичик ва ўрта терминлар бўлиши керак. Маълумки, силлогизмнинг хulosаси катта ва кичик терминларнинг ўрта терминга бўлган муносабатига асосланади; шу сабабдан ҳам терминлар сони учтадан кам ёки ортиқ бўлмаслиги талаб қилинади. Агар терминлар сони учтадан кам бўлса, хulosса янги билим бермайди.

Масалан: Ҳамма нотиқлар сўз санъатини чуқур эгаллагандир.

Сўз санъатини чуқур эгаллаганлар орасида нотиқлар ҳам бор.

Бу икки мулоҳазадан хulosса чиқариб бўлмайди, чунки терминлар сони иккита. Терминлар сонининг учтадан ортиб кетиши айният қонуни талабларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, терминларнинг тўртланиши (quaternio termunorum), деб аталувчи хатога олиб келади:

Давлат – иқтисодий муносабатларнинг сиёсий ифодасидир.

Ҳар бир инсон учун сиҳат-саломатлик энг катта давлатдир.

Бу мулоҳазаларда «давлат» тушунчасининг икки хил маънода қўлланилиши четки терминларнинг ўзаро мантиқий боғланишига имкон бермайди. Терминларнинг учтадан ортиқ бўлиши асослар ўртасидаги мантиқий алоқадорликнинг узилишига ҳам сабаб бўлади:

Ҳамма нотиқлар – шуҳратпараст.

Цицерон давлот арбоби бўлган.

Бу икки мулоҳазадан хulosса чиқариб бўлмайди, чунки бу мулоҳазалар ўзаро мантиқий боғланмаган.

2. Ўрта термин ҳеч бўлмаганда асослардан бирида тўла ҳажмда олинниши керак.

Агар ўрта термин ҳеч бир асосда тўлиқ ҳажмда олинмаса, четки терминларнинг боғланиши ноаниқ бўлади ва хulosанинг чин ёки хатолигини аниқлаб бўлмайди.

Баъзи файласуфлар нотиқдир.

Кафедрамизнинг ҳамма аъзолари файласуфдир.

Бу силлогизмда ўрта термин катта асосда жузъий ҳукмнинг субъекти, кичик асосда умумий тасдиқ ҳукмнинг предикати бўлганлиги учун ҳар иккала асосда тўлиқ ҳажмда олинмаган. Шунинг учун четки терминлар ўртасидаги боғликлек аниқланмаган. Бу асослардан сунъий равишда чиқарилган “Кафедрамизнинг ҳамма аъзолари нотиқдир” деган хulosса ноаниқ бўлади:

3. Катта ва кичик терминлар асосларда қандай ҳажмда олинган бўлса, хulosада ҳам шундай ҳажмда бўлиши керак.

Бу қоиданинг бузилиши кичик ёки катта термин ҳажмининг ноўрин кенгайиб кетишига олиб келади. Масалан:

Ҳамма талабалар имтиҳон топширадилар.

Ҳеч бир абитуриент талаба эмас.

Ҳеч бир абитуриент имтиҳон топширмайди.

Бу мисолда кичик термин ҳажмининг ноўрин кенгайиб кетиши хulosанинг хато чиқишига сабаб бўлди.

4. Икки инкор ҳукмдан (асосдан) хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Ишсизлар тадбиркор эмас.

Талабалар ишсиз эмас.

5. Икки жузъий ҳукмдан хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Баъзи аёллар тадбиркордир.

Баъзи давлат арбоблари аёллардир.

6. Асослардан бири инкор ҳукм бўлса, хulosса ҳам инкор ҳукм бўлади. Масалан:

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

Ватанга хиёнат қилиши жиноятдир.

Ватанга хиёнат қилиш жазосиз қолмайди.

7. Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хulosса ҳам жузъий ҳукм бўлади. Масалан:

Яхши фарзанд ота-онасини хурмат қиласди.

Баъзи ёшлар яхши фарзанддир.

Баъзи ёшлар ота-онасини хурмат қиласди.

Энтилема (қисқартирилган қатъий силлогизм). Энтилема деб, асослардан бири ёки хulosаси тушириб қолдирилган силлогизмга айтилади. Энтилема – ақлда, фикрда деган маънони англатади. Энтилемада силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисми ёдда сақланади. Зарур бўлганда унинг топиб, ўрнига қўйган ҳолда энтилемадан тўла силлогизмни тиклаш мумкин.

Энтилемалар уч турли бўлади:

1. Катта асоси тушириб қолдирилган.

2. Кичик асоси тушириб қолдирилган.

3. Хулосаси тушириб қолдирилган.

Бизга қуидаги силлогизм берилган бўлсин:

Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганади.

Собиров фалсафа факультетининг талабаси.

Собиров мантиқ фанини ўрганади.

Энди бу силлогизмни энтилема кўринишига келтирамиз:

1. Собиров фалсафа факультетининг талабаси бўлганлиги учун мантиқ фанини ўрганади (катта асос тушириб қолдирилди).

2. Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар, шу жумладан Собиров ҳам (кичик асос тушириб қолдирилди).

3. Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар, Собиров эса шу факультетнинг талабасидир (хулоса тушириб қолдирилди).

Энтилемалар баҳс-мунозара юритиш жараёнида, нотиқлик санъатида кенг қўлланилади.

Эпихейрема – мураккаб қисқартирилган силлогизм бўлиб, унинг ҳар икки асоси қисқартирилган оддий силлогизм (энтилема)лардан иборат бўлади. Эпихейреманинг шакли қуидагicha:

M-Рдир, чунки M-Ндир.

S-Мдир, чунки S-О дир.

S-Рдир.

Масалан:

Илмий қонунлар исботланган фикрлардир, чунки улар ҳақиқатдир.

Физика қонунлари илмий қонунлардир, чунки улар табиат қонунлариdir.

Физика қонунлари исботланган фикрлардир.

Эпихейреманинг тўлиқ кўриниши қуидагicha:

1. Ҳақиқат – исботланган фикрдир. N-Рдир.

Илмий қонунлар ҳақиқатдир. M-Ндир.

Илмий қонунлар исботланган фикрлардир. M-Рдир.

2. Табиат қонунлари – илмий қонунлардир. O-Мдир.

Физика қонунлари – табиат қонунлариdir. S-Одир.

Физика қонунлари илмий қонунлардир. S-Мдир.

3. Илмий қонунлар – исботланган фикрлардир. M-Рдир.

Физика қонунлари – илмий қонунлардир. S-Мдир.

Физика қонунлари исботланган фикрлардир. S-Рдир.

Эпихейремадан баҳс ва мунозараларда, нотиқлик санъатида фойдаланилади. Эпихейрема мураккаб силлогизмнинг бир тури бўлишига қарамай, унинг таркибидаги катта ва кичик асосни, хулосани ажратиб олиш, фарқлаш осон бўлгани учун ҳам фикр юритиш жараёнида кенг қўлланилади.

Илмий индукция. Илмий индукция эҳтимолий хулоса чиқаришнинг шундай турики, унинг асосларида бирорта белгининг бир синфга мансуб предметларнинг бир қанчасида тақорланиши қайд этилиши билан бир каторда, у белгининг сабабий алоқаси ҳақида ҳам маълумот мужассамлашган бўлади ва улар хулосада берилган предметлар синфида нисбатан ҳосил қилинган фикрда ўз аксини топади.

Оммабоп индукциядан фарқли ўлароқ, илмий индукцияда бир синфга мансуб предметларда тақорланувчи белги шунчаки қайд этилиб қолмасдан, балки у ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш, унинг мавжуд бўлиши сабабини аниқлаш учун предметнинг бошқа белгилари билан бўлган алоқалари, хусусан, сабабий боғланишлари ўрганилади. Ана шунинг учун ҳам, яъни ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга, уларни ифода этувчи қонунларни очишга қаратилгани учун ҳам тўлиқсиз индукциянинг бу тури илмий индукция деб аталади.

Маълумки, илмий билиш, фаннинг бош мақсади ўрганилаётган обьектни тавсифлайдиган қонунларни очиш орқали унинг (объектнинг) табиатини, моҳиятини

тушунтиришдан иборат. Бу эса, биринчи навбатда, ҳодисанинг (ёки унинг белгисининг) мавжуд бўлиш сабабини аниқлашни тақозо этади.

Шуни айтиш керакки, сабабий алоқадорлик ҳодисалар ўртасидаги умумий боғланишларнинг бошқа турлари (масалан, таркибий, функционал, генетик боғланишлар) каби ҳодисаларнинг табиатини белгилайди. Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни ўрганиш ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, турли жараёнларни олдиндан кўриш, янгиликлар яратиш имконини беради.

Сабабий алоқадорликни аниқлаш анча мураккаб иш, чунки у борлиқда юқорида қайд этиб ўтилган ҳодисалар ўртасидаги умумий алоқадорликнинг бошқа турлари билан биргалиқда мавжуд. Уни илмий билишда «тоза» ҳолда ажратишга ҳамма вақт ҳам осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун сабабий алоқадорликнинг табиатини, хусусиятларини яхши билиш керак.

Сабабият (каузаллик) икки ҳодиса ўртасидаги зарурий алоқа бўлиб, муайян шароитда улардан бири (сабаб ҳодиса) иккинчисини (оқибатни) келтириб чиқаради. Унинг муҳим хусусиятлари қуидагилар: 1) алоқанинг умумийлиги; 2) вақтдаги изчиллиги, бирин-кетинлиги; 3) алоқанинг зарурийлиги; 4) сабаб ва оқибатнинг бир маъноли боғланишда бўлиши.

1. *Сабабий алоқаларнинг умумийлиги* деганда, оламда хеч бир ҳодисанинг сабабсиз мавжуд бўла олмаслиги тушунилади. У ҳар қандай ҳодисанинг ўз ҳолича, бошқа ҳодисалардан мустақил ҳолда вужудга кела олмаслигини, бошқа ҳодисалар билан бевосита ёки билвосита боғланиб кетганини, турли хил ҳодисалар таъсирида пайдо бўлиши, ўзгариши, йўқ бўлиши ҳамда, ўз навбатида, бошқа ҳодисаларга таъсир ўтказишини билдиради. Борлиқдаги ҳар бир ҳодиса ўз сабабига эга бўлиб, уни эртами ёки кечми билиб олиш мумкин.

Турли хил алоқалар, мавжуд ҳолатлар орасида номаълум бўлиб қолаётган сабаб-ҳодисани топиш учун бошқа омиллар, хусусан, сабабий алоқада бўлган ҳодисаларнинг вақтдаги кетма-кетлиги, изчиллиги ҳисобга олиниши зарур.

2. *Сабабий алоқадорликда бўлган ҳодисаларнинг вақтдаги бирин-кетинлиги* деганда, сабаб-ҳодисанинг оқибат (натижажа) ҳодисадан доимо олдин келиши назарда тутилади. Сабаб-ҳодиса билан оқибат-ҳодисанинг рўй бериши орасида турли муддат ўтиши мумкин. Баъзан оқибат (натижажа)-сабаб-ҳодисадан бир зумдан кейин пайдо бўлиши мумкин. Масалан, ўқнинг отилиши билан у теккан обьектнинг заарланиши ўртасида ўтадиган вақт жуда қисқа, организмга тушган микроб билан у қўзғайдиган касалликнинг вужудга келиши ўртасида ўтадиган вақт узокроқ (бир қанча дақиқа, соат, кун) бўлади. Сабабий алоқадорлик ижтимоий ҳаётда (масалан, кишиларнинг ҳуқуқий онги билан уни шакллантиришга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар), геологияда (масалан, маълум бир жараёнлар таъсирида тоғларнинг пайдо бўлиши) ва бошқа шу каби соҳаларда анча кўп вақт давомида амалга ошади.

Сабаб-ҳодиса оқибат-ҳодисадан аввал келадиган бўлгани учун, у билишда доимо оқибатдан олдин келадиган ҳодисалар орасидан қидирилади. Бунда оқибат билан бир вақтда ёки ундан кейин келадиган ҳодисалар истисно (элиминация) қилинади, яъни чиқариб ташланади.

Сабаб ва оқибатнинг вақтдаги изчиллиги, бирин-кетинлиги ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни аниқлашнинг зарурий шарти, лекин ўз ҳолича кўзланган мақсадга эришиш учун етарли эмас. Олдинма-кетин келган ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам сабабий алоқадорликда бўлавермайди. Бу ҳолат ҳисобга олинмаса, «ундан кейин, демак, шу сабабга кўра», деб аталадиган хато (лотинча – post nos, ergo propter nos) рўй беради. Масалан, чақмоқ чақиши ҳодисаси момақалдироқдан аввал келади. Аввал кишилар чақмоқ чақишини момақалдироқнинг сабаби деб тушунганлар, ваҳоланки ҳақиқатда бундай эмас. Момақалдироқнинг чақмоқдан кейин келишига сабаб товуш тезлигининг ёруғлик тезлигидан камроқ бўлишидир. Аслида эса улар бир вақтда вужудга келади. Худди шу сингари, жиноят содир бўлишидан аввал у содир этилган жойда бўлган кишиларнинг ҳаммаси ҳам жиноятчи бўлавермайди.

3. Сабабий алоқадорликнинг зарурийлиги оқибатнинг фақат уни вужудга келтирадиган сабабнинг мавжуд бўлганидагина пайдо бўлишини англатади. Сабаб-ҳодисанинг йўқлиги оқибат-ҳодисанинг ҳам юзага чиқмаслигини билдиради. Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни аниқлашда оқибатдан аввал келадиган ҳодисалардан оқибат-ҳодисани келтириб чиқармайдиганлари олиб ташланади, яъни элиминация килинади.

4. Сабабиятнинг бир маъноли алоқадорлик эканлиги муайян сабабнинг ўзига мувофиқ келадиган муайян оқибатни келтириб чиқаришини ифода этади. Буни сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорликдаги симметриянинг мавжудлиги, яъни сабаб-ҳодисанинг ўзгаришининг оқибат-ҳодисанинг ўзгаришига олиб келиши тасдиқлайди. Сабабиятнинг бу хусусияти уни аниқлаш жараёнида фақат ўзаро биргаликда ўзгарувчи ҳодисаларни олиб қолиб, қолганларини чиқариб юборишга ундейди.

Сабабий алоқадорликнинг биз кўриб чиқкан хусусиятларини ҳисобга олиш уни аниқлашни осонлаштиради.

Сабабий алоқадорлик мураккаб структурага эга. Хусусан, сабаб-ҳодиса турли хил шароитларда турли оқибатларни келтириб чиқариши (масалан, ҳаво намлигининг юқорилиги турли хил касалликларнинг сабаби бўлиши) ёки аксинча, бир оқибат турли шароитларда ҳар хил сабаблар таъсирида пайдо бўлиши (бадан ҳароратининг кўтарилиши тумовнинг, буйрак касаллигининг, ичак касаллигининг ва шу кабиларнинг оқибати бўлиши) мумкин.

Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни аниқлаш эмпирик тадқиқотлар натижаларини самарали таҳлил қилишга имкон берувчи принципларни қўллашни тақозо этади. Улар сабабий алоқадорликда бўлган ҳодисаларни уларнинг борлиқдаги табиий мавжуд бўлиш шароитидан «ажратиб олиб», маҳсус билиш шароитларида ўрганишга имкон беради. Хусусан:

1. Оқибатдан аввал келган ҳодиса мураккаб таркибга эга, у а, б, с, д ва ҳоказо ҳолатлардан ташкил топган, деб ҳисобланади.

2. Мазкур ҳолатларнинг ҳар бири мустақил ҳолда мавжуд ва бошқалари билан ўзаро таъсирида бўлмайди, деб қаралади.

3. Қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тугал тўплами, деб олинади.

Бу принциплар билан бир қаторда сабабий алоқадорликни аниқлашнинг бошқа бир қанча методлари ҳам мавжуд. Улар мантиқда илмий индукция методлари деб юритилади.

АНАЛОГИЯ (грек. – мослик, ўхшашилик) бавосита хulosса чиқаришнинг бир туридир. дедуктив хulosса чиқаришда фикр умумийликдан жузъийликка қараб, индукцияда жузъийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда бир жузъий ҳолатдан бошқа жузъий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшашиларига асосланиб хulosса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашилик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгидаги ўз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшашиларига асосланиб ҳолатдан бошқа жузъий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогия бўйича хulosса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, таркибларидағи ўхшашиларга асосланади. Масалан, сайёралар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашилик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашилиги асосида аналогия бўйича хulosса чиқарилади.

Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хulosса асослари моделга, хulosса прототипга тааллуқли бўлади. Масалан, қадимги грекларнинг «Дедал ва Икар» афсонасида айтилишича, ота ва бола қулликдан озод бўлиш учун ўзларига қанот ясашади ва учеб кетишади. Бунда хulosса чиқариш қўйидаги кўринишда бўлади:

Куш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот, унинг қаноти йўқ, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, у, эҳтимол, учади.

Аналогия бўйича хulosса чиқариш бошқа хulosса чиқаришлар каби асослардан, хulosадан ва асослар ҳамда хulosса ўртасидаги мантиқий алоқадан иборатdir. Унинг хulosаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қилади. Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хulosса чиқади.

Аналогия ўзининг объектив асосига эга. Булар предметлар, уларнинг хоссалари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлардир.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Хукм нима ва у қандай таркиби эга?
- 2.Оддий хукмнинг қандай турларини биласиз?
- 3.А, Е, I, O ҳукмларида терминлар қандай ҳажмларда бўлади?
- 4.Мураккаб хукм деб нимага айтилади? Унинг қандай турлари бор?
- 5.Ҳукмнинг модаллиги деганда нимани тушунасиз?
- 6.Савол ва жавоб муҳокама юритиш жараёнида қандай ўрин тутади?
- 7.Норма нима?
- 8.Хulosса чиқариш нима?
- 9.Хulosса чиқаришнинг таркиби қандай?
- 10.Хulosса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?
- 11.Дедуктив хulosса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
- 12.Бевосита хulosса чиқариш қандай шаклларда амалга ошади?
- 13.Оддий қатъий силлогизмнинг таркиби қандай?
- 14.Силлогизм фигуранлари ва модулари қандай ҳосил бўлади?
- 15.Энтилема нима?

12 – МАВЗУ. АРГУМЕНТЛАШ ВА БИЛИМЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ.

РЕЖА

- 1. Аргументлаш (далиллаш) ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши.**
- 2. Испотлаш ва унинг таркиби. Испотлаш турлари.**
- 3. Муаммоли вазият тушунчаси**
- 4. Гипотеза, назария**

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни қанчалик тўғри акс этиришига боғлик. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб кўрсатади, билишда кўп чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри қуришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан кўрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикрнинг чин ёки хатолигини кўрсатиш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп ҳолларда билиш жараёнида натижаларнинг чин ёки хатолиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан боғлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули асослашдир.

Факлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган, чинлиги асосланган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради. Билишининг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Асослаш ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир.

Ишонч-эътиқод бу кишиларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир.

Испотлаш ва унинг таркиби. испотлаш турлари. *Испотлаш* бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалdir. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), испотлаш усули – демонстрация.

Тезис – чинлиги асосланиши лозим бўлган хукм, у испотлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун диққат-эътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Тезис бир

мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан, ёки ҳодисаларнинг сабабини кўрсатувчи мулоҳазалардан ва шу кабилардан иборат бўлади.

Аргументлар – тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд қилувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қиласди. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, «Ҳаракат – бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат», деган таъриф чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида кўп марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин.

Исботлаш усули – демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп холларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан, қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, «Ўзбекистон – мустақил давлатдир», деган ҳукм (тезис)нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитетис қандай шаклда ифодалangan бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади.

Апагогик исботлашда тезис (а) ва антитетис (*a*) ўртасидаги муносабатга асосланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм олинади.

Апагогик исботлашда антитетис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм чин бўлса, «Моддий предметлар структурасиз мавжуд», деган фикр (антитетисдан келиб чиқсан натижади) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар таркибсиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, “Жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган”, деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаган”лиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган», деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи – қатъий силлогизмнинг инкор этиб, тасдиқловчи модуси бўйича қурилган. Айирувчи исботлашда барча муқобил варианtlар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

Раддия. Рад этиши усуллари. Раддия – исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир. Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш айни пайтда унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрация (рад этиши усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс, мунозара

жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суреб, уни ҳимоя қиласа (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, Мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланаб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

- I) Тезисни рад этиш;
- II) Аргументларни рад этиш;
- III) Демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиши.

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усуллар. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан, «Совет даврида Ўзбекистон тўлақонли мустақил республика бўлган», деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг рухсатисиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу bemâniilik bўлади. «Бемаъниликка олиб келиш» усулининг формуласи қўйидагича($a \rightarrow b \rightarrow ((a \rightarrow b) \rightarrow a)$)

3. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитетис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитетиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли мақоласида «Амир Темур буюк саркарда бўлган ва ёвузликлар қилган», деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Куръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Конхўр одам «Куч – адолотда», дейиши мумкинми?»

II. Аргументларни рад этиши.

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

III. Исботлаш усулини танқид қилиши орқали рад этиши.

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезиснинг чинлиги уни асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдириган ҳолда қўлланилади.

Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларни бузганда келиб чиқадиган мантикий хатолар. Тезисга алоқадор қоидалар:

1. Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгармаслиги керак. Бу қоида бузилса, «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

Аргументларга нисбатан қоидалар:

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

Исботлаш ўсулининг қоидаси:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиш қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Бу хатоликлар уч турга бўлинади:

I. Исботланайтган тезисга алоқадор хатоликлар:

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қоиданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилади ва бунда янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайтирилиши ёки кенгайтирилиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, республикамиз тараққиёти учун миллий мафкура, миллий гоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни исботлаш давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани исбот этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмуни кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган, деб таъкидлаш тезиснинг алмашинишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашиниши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодаловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» деган тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

II. Аргумент (асос)ларга тааллуқли хатолар:

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланганда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, Қадимги грек файласуфи Фалес ўз таълимотини ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботланмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиши» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг қудрати фикр билан ўлчанади», деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз билан ўлчанади», деб исботласак, юкорида айтилган хатога йўл қўйилади.

III. Исботлаш ўсули (демонстрация) билан боғлиқ хатолар.

1. «Ёлғон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам», деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантиқий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар:

а) дедуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Бу ҳақда дедуктив хулоса чиқариш мавзусида батафсил маълумот берилган;

б) индуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Булар «шошиб умумлаштириш» ва «ундан кейин, демак, шунинг учун», деб аталувчи хатоликлардир. Масалан, бир-икки талабанинг дарсга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талабалар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир;

в) аналогияда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Булар «ёлғон аналогия» билан боғлиқ хатолардир. Унда тасодифий белгининг зарурий деб олиниши, факат биргина ўхшаш белгига асосланиши ёки мутлақа таққослаб бўлмайдиган ҳодисаларнинг ўзаро таққосланиши натижасида фикрда чалкашликлар юзага келади.

Мантикий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хулоса чиқариш қоидаларига амал қиласлик натижасида юзага келади. Мантиқ тарихида исботлаш жараёнида атайлаб (қасдан) хатога йўл қўювчилар – софистлар деб, уларнинг таълимоти эса софизм (грек. – айёрлик) деб аталади. Фикр юритиш жараёнида билмасдан мантикий хатога йўл қўйилса, паралогизм дейилади. Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар эса парадокс деб аталади.

Баҳс юритиш санъати (эристика) ўзига хос қонун-қоидаларга амал қилишни талаётади.

Буларга асосан қуидагилар киради:

– заруриятсиз баҳслашмаслик;

– мавзусиз баҳс юритмаслик ва баҳс давомида мавзудан четга чиқмаслик ёки мавзуни ўзгартирмаслик;

– баҳс мавзуси юзасидан ўзаро зид ёки қарама-қарши фикрлар бўлмаса, баҳсни тўхтатиш;

– мавзуни яхши биладиган, ақлли одамлар билангина баҳслашиш;

– баҳс юритишида мантикий қонун-қоидаларга амал қилиш, ўзининг ва мухолифининг фикрларидан хулоса чиқара олиш, мантикий зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш, асослар тўғри бўлса, исботлашнинг ҳам тўғрилигини эътироф этиш ва х.к.;

– бир баҳс доирасида баҳслашиш усусларини аралаштириб юбормаслик.

Аргументлашнинг мантикий асосларини билиш ва баҳс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кўтариш имконини беради.

Муаммоли вазият тушунчаси. Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳамма вакт ҳам мавжуд тасавурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилишда, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида вужудга келадиган жуда кўп масалалар уларни ечишга янгича ёндашишни тақозо этади. Муаммоли вазият, масалан, табиатшуносликда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг каشف этилиши, нурланишнинг квант хусусиятга эгалигининг асосланиши ва шу қаби кашфиётлар натижасида вужудга келган. Унинг моҳиятини табиатшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонунлари ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигига, деб билмоқ зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти янги вазиятни яратади.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасавурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасавурларнинг ўзининг етарли

даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, **муаммоли вазият** билиш тараққиётининг турли босқичлари ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

Муаммони қўйиш ва ҳал этиши. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони қўйишга олиб келади.

Муаммо – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саводдир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимларни қайта ишлаш, баъзи ҳолларда эса, ҳатто, улар доирасидан четга чиқишини, янгича ечиш усули, методларини қидиришни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суришни, уни муҳокама қилишнинг хусусиятини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммони муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В. Гейзенберг айтганидек, муаммони ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Муаммоларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва таланти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, одатда, кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг уёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлари томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. Буни, масалан, миллий ғоя ва миллий мафкурани яратиш муаммосининг қўйилиши ва тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига мурожаат қиласак, «миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин»⁴⁷.

Уни шакллантириш учун кучли истеъодод ва «ёрқин тафаккур»га эга бўлган Конфуций, Махатма Ганди, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк зотлар заҳмат чекканлар⁴⁸.

Ҳозирги пайтда эса Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, зиёлилари меҳнат қилиши лозим»⁴⁹.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга турли хил муносабатда ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий хусусиятга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аниқроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади.

Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналишини ва хусусиятларини белгилаб беради.

Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлик. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар қўйилади.

⁴⁷ И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. // Асарлар тўплами 8 жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 25-бет.

⁴⁸ Қаранг. Ўша ерда.

⁴⁹ Қаранг. Ўша ерда.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади
(Назария ҳақида бобнинг охирида кенгроқ маълумот берилади).

Назария кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилашга ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса муаммо мавжуд назарияни модификация қилишни, муаммони ечишга мослаштиришни талаб қиласди.

Муаммони ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар қуидагилардан иборат:

- а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш;
- б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;
- в) муаммони ҳал қилиш турини, мақсадини, олинган натижани текшириш йўлларини белгилаш;
- г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин муаммони ечишга бевосита киришилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, муаммонинг ечилиши нисбий хусусиятга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутглақ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади. Бунга мисол қилиб И. Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини уқтириб ўтган эди.

А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қиласди ва бу муаммо ҳақидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради.

Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргacha тўла очиб берилмаган. Бошқача айтганда, муаммо узил-кесил ҳал бўлмаган.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узок вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлиқ муаммо ҳозиргacha тўла ҳал бўлмаган.

Бу, албатта, айрим муаммолар бутунлай ечимида эга эмас, деган фикрни билдирамайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни кўрсатади холос, ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундейди. Демак, муаммо ҳал қилинмагунча илмий изланиш давом этади.

Гипотеза. Муаммони ҳал этиш жараённида маълум бир гипотезалар илгари сурилади ва асосланади.

Гипотеза – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тарзидаги билим шаклидир.

Гипотезани, авваламбор, билимларнинг мавжуд бўлиш шакли сифатида олиб қараш зарур. Чин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунга қадар қўйилган муаммолар, масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар, фаразлар шаклида қурилади ва мавжуд бўлади.

Масалан, Левкипп ва Демокритнинг жисмларнинг атомлардан ташкил топганлиги ҳақида билдирган фикрлари дастлаб гипотетик шаклда бўлиб, энг оддий, кундалик тажрибада минглаб марта кузатиладиган ҳодисалар: қаттиқ жисмнинг суюқликка айланиши, хиднинг тарқалиши ва шу кабиларни таҳлил қилишга асосланган, уларнинг сабабини тушунтиришга қаратилган. «Жисмлар майда, бўлинмас заррачалардан ташкил топмагандан бундай ҳодисалар бўлмас эди», деган фикр ўзининг маълум бир мантиқий кучига эга.

Ходисанинг сабаби ҳақидаги фикр дастлаб, одатда, гипотеза шаклида вужудга келади ва шу маънода у билимларнинг мавжуд бўлишининг умумий мантиқий шаклларидан бири ҳисобланади.

Гипотезани қуриш ўрганилаётган ҳодисани тушунтирадиган тахминий фикрларни илгари суриндан иборат бўлади. У қайд этилган фактлар, улар учун характерли бўлган қонуниятлар ҳақидаги ҳукмлар (мулоҳазалар) ёки ҳукмлар тизими тарзида бўлади. Уни ифода қилувчи асосий гап мулоҳазалар системасини ҳосил қилувчи элемент, деб ҳисобланади. Ана шу гап (мулоҳаза)да, одатда, гипотезанинг бош ғояси акс этади. Муҳокама жараёни унинг негизида, атрофида қурилади ва маълум бир ишчи гипотезалар – вақтинча қуриладиган, мўлжални тўғри олишга ёрдам берадиган тахминларнинг илгари суринишига, улар ёрдамида ҳодисанинг янада чуқурроқ тадқиқ қилинишига олиб келади.

Гипотезаларни илгари сурининг асосий мантиқий воситаси эҳтимолий хулоса чиқариш: аналогия, тўлиқсиз индукция, турли кўринишдаги эҳтимолий силлогизмлар – энг камиди битта қоидаси бузилган, асосларидан бири эҳтимолий ҳукм бўлган силлогизмлар (шартли, айирувчи – қатъий, шартли – айирувчи силлогизмлар шаклларида) ҳисобланади.

Шунингдек, гипотеза баъзи ҳолларда қатъий хулоса чиқариш шаклларида ҳамда турли хил хулоса чиқариш усусларининг кўп қаватли мантиқий қурилмаси тарзида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Гипотезада илгари суринадиган мулоҳаза эмпирик материалларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, умумлаштириш, талқин этиш натижасида пайдо бўлади. Ана шунинг учун ҳам гипотеза – бу ҳар қандай тахмин эмас, балки маълум бир даражада асосланган, ўзининг муайян мантиқий кучига эга мулоҳаза, фараздир.

Гипотеза қуришнинг мураккаб мантиқий жараён эканлигини қуйидаги мисол тасдиқлайди. Иссиклик двигателлари назарияси асосчиларидан бири француз инженери Сади Карно биринчи бўлиб фақат иссиқликнинг қаттиқроқ қизиган жисмдан совуқроқ жисмга ўтишидагина фойдали иш вужудга келиши ва аксинча, иссиқликни совуқ жисмдан қиздирилган жисмга бериш учун иш сарфланиши зарур, деган фикрни илгари сурган. Айни пайтда Карно шу даврда кенг тарқалган иссиқликнинг намоён бўлиш сабаби унинг таркибида алоҳида вазнсиз суюқлик – теплороднинг бўлишидир, деган фикрга таянувчи теплород концепциясини ҳам тўғри, деб ҳисоблаган. Теплородни сувга, ҳароратлар (температуралар) ўртасидаги фарқни – сув даражасига қиёс қилиб, Карно, худди сув даражасининг пастга тушишида иш сув оғирлигининг унинг даражалари ўртасидаги фарқقا бўлиниши билан ўлчангани каби, буғ машинасида иш, ишчи модданинг (сув, спирт ва бошқалар) табиатидан қатъи назар, теплород миқдорининг ҳароратлар (температуралар) фарқига бўлиниши билан ўлчанади, деган хулосага келади. Бу иссиқлик машинаси иш ҳажмининг (миқдорининг) иситгич ва совутгич ҳароратларининг қийматларига боғлиқлигини англотарди. «Карно принципи» кейинчалик термодинамиканинг иккинчи қонунининг яратилишига асос бўлган.

Келтирилган мисолда Сади Карнонинг гипотезани илгари суринда аналогияга асосланганилигини пайқаб олиш қийин эмас.⁵⁰

Илгари сурилган гипотеза, албатта, асосланиши зарур. Бу босқичда гипотезадан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади ва улар верификация қилинади, яъни уларнинг мавжуд фактларга (ёки бошқа ишончли билимларга) мувофиқлиги аниқланади.

Бу ерда шуни унутмаслик лозимки, гипотезани ишончли, чин билимга айлантириш учун унда илгари сурилган фикрларга етарли асос бўла оладиган миқдордаги натижалар (гипотезанинг асосий ғоясидан келиб чиқадиган) йифиндиси верификация қилиниши керак.

Гипотезанинг чинлигини асослашнинг бошқа усувлари ҳам мавжуд: 1) гипотезани дедуктив йўл билан чинлиги аввал исботланган билимлардан мантиқан келтириб чиқариш; 2) асоси ишончли билим бўлмаса, уни тасдиқлаш (бу кўпроқ асослари эҳтимолий ҳукм бўлган силлогизмлар воситасида қурилган гипотезаларга тегишли); 3) гипотезанинг асосларини

⁵⁰ Мисол қуйидаги манбадан олинди: Сборник упражнений по логике: пособие для вузов. 3 изд. перераб. /под ред. А.С. Клевчени - Минск.: - Университетское, 1990. с. 214.

ишенчли билим олиш учун етарли бўлган миқдорга етказиш (бу гипотеза тўлиқсиз индукция воситасида қурилган ҳолларга тегишли).

Гипотезани тасдиқлашнинг қандай кечишини тасаввур қилиш учун қўйидаги мисолга мурожаат қиласиз.

Термодинамика асосчиларидан бири немис физиги Р.Клазиус юқорида биз қайд этиб ўтган “Карно принципи”ни унга қилинган кўп ҳужумлардан ҳимоя қилган. Бу принципни тасдиқлаш мақсадида, унинг чинлигини интуитив равишда муқаррар деб ҳисоблаган постулатдан дедуктив йўл билан келтириб чиқаради. Бу постулатга мувофиқ иссиқлик ўз ҳолича совуқроқ жисмдан иссиқроқ жисмга ўта олмайди.⁵¹ Бу ерда ургу айнан шу “ўз ҳолича ўта олмасликка” берилади, чунки амалда “мажбуран” ўтиш ҳам (совитиши қурилмаларида, аралашмаларда ва бошқаларда) мавжуд бўлиб, у муайян компенсация қилувчи (ўрнини қопловчи) ҳолатнинг юзага келиши билан биргаликда кечади.

Гипотеза рад қилиниши ҳам мумкин. У гипотезадан келиб чиқадиган натижаларни фалсификация қилиш йўли билан аниқланади. Мазкур мантиқий жараён шартли-қатъий силлогизмнинг инкор модуси тарзида кечади, яъни натижанинг хатолигини аниқлашдан асоснинг хатолигини кўрсатишга ўтилади. Унинг символик ифодаси қўйидагича:

$$((H \rightarrow P) \wedge \neg P) \rightarrow \neg H$$

Гипотезанинг натижаларини топа олмаслик, гарчи бу гипотезанинг мавқеини анча пасайтиrsa-да, лекин уни рад эта олмайди. Гипотезанинг чинлиги ундан келиб чиқадиган натижаларга зид бўлган ҳолатлар аниқлангандагина узил-кесил рад этилади. Масалан, Птоломейнинг Ернинг ҳаракатланмайдиган марказ эканлиги ҳақидаги гипотезаси Коперникнинг гелиоцентрик назарияси асосланадиган фактларга зид келганидан кейин рад этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўрганилаётган ҳодиса ҳақида бир вақтнинг ўзида бир қанча гипотезалар илгари сурилиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтгача қушлар учайданда тўғри йўлни қандай топа олишини мавжуд гипотезалардан ҳеч бири тўлиқ тушунтира бера олмаган. Уларда турли хил фикрлар билдирилган: қушларни баъзилар магнит майдонига, бошқалар Қуёшга, юлдузларга қараб мўлжал олишади, деб ҳисоблашган. Украина олимлари эса 1980 йилларнинг иккинчи ярмида қушлар ўз ҳаракати маршрутларини Ернинг гравитация майдонига асосланиб, шу маршрут давомида оғирлик кучининг ўзгаришини «ҳисоблаб» белгилашади, деган фикрни билдирганлар. Лекин ҳозиргача уларнинг бирортаси узил-кесил тасдиқланмаган ҳам, рад этилмаган ҳам.

Гипотеза тасдиқланмагунча ўзининг билишдаги аҳамиятини йўқотмайди. Рад этилса, ўрнига бошқа гипотеза қурилади ва бу ҳол то гипотезалардан бирортаси тасдиқланмагунча давом этади.

Илгари сурилаётган гипотезалар турли хил даражада умумлашган бўлиши мумкин. Ана шунга мувофиқ ҳолда умумий ва жузъий гипотезаларни ажратиш мумкин.

Умумий гипотеза деб табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳақида билдирилган асосли тахминга айтилади. Бунга мисол қилиб нефть келиб чиқишининг органик ва ноорганик табиати ҳақидаги гипотезаларни, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, онгнинг келиб чиқиши, ижтимоий прогресс ҳақидаги фаразларни кўрсатиш мумкин. Умумий гипотезалар борлиқнинг муҳим қонуниятларини очишга имкон бергани учун илмий назария «қуриш материаллари», деб ҳисобланади. Исботлангач, бундай гипотезалар назарияларга айланадилар ва илмий тадқиқотларнинг стратегик йўналишларини белгилаб берадилар.

Жузъий (хусусий) гипотеза айрим фактлар, конкрет предмет ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари ҳақидаги билдирилган асосли тахминий фикрдан иборат. Конкрет жиноятнинг мотиви ҳақидаги суд версияси, археологик қазишларда топилган предметларнинг табиати, қайси даврларга оид эканлиги ҳақидаги тахминлар жузъий гипотезага мисол бўлади.

Мантиқда ишчи гипотезалар ҳам фарқ қилинади.

⁵¹ Қаранг. Ўша китоб, 220-бет.

Ишчи гипотеза тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган тахмин бўлиб, ўз олдига ўрганилаётган ходисанинг сабабини аниқлашни мақсад қилиб қўймайди; у фақат кузатиш ва эксперимент натижаларини тасвирлашга, тартиба солишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, гипотеза фикрларимизнинг қурилиши, билимларимизнинг мавжуд бўлиш ва ривожланиш шаклидир.

Назария. «Назария» термини кенг маънода ақлий билиш, тафаккурни англатади, уни амалиётдан фарқ қилувчи фаолият тури сифатида ифодалайди. Тор маънода эса, назария маълум бир соҳага оид тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар, гипотезаларни тизимга соладиган, предметни яхлит тарзда англашга имкон берадиган билим шаклини билдиради.

Назариянинг бундай талқини илмий билишда эмпирик ва назарий босқичларнинг фарқ қилиниши билан боғлиқ.

Эмпирик босқичда илмий фактлар тўпланади, ўрганилади, тизимга солиниб, турли хил жадваллар, шакллар, графиклар тузилади; муайян бир умумлашмалар, хусусан, эмпирик тушунчалар, фаразлар, эмпирик қонунлар шаклланади.

Илмий билишнинг кейинги тараққиёти эмпирик билиш босқичида ҳосил қилинган, лекин бир-бири билан бўлган алоқаси ҳали аниқланмаган билимлар ўртасида муносабатларни ўрнатиш, уларни умумлаштириш, шу асосда янги фундаментал тушунчалар, умумий қонунларни яратиш, илмий башоратлар қилиш билан узвий боғлиқ.

Билишнинг бу икки босқичи ўртасида зарурий алоқадорлик мавжуд. Хусусан, назарияни яратиш эмпирик билиш жараёнида ҳосил қилинган предметнинг айрим томонлари, хусусиятларини акс эттирувчи тушунчалар, қонунлар, фаразлар ўртасида мантиқий алоқаларни ўрнатишга, предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга, унинг моҳиятини тушунтиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Назария маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиласидиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ходисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат.

Илмий назария қўйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади: 1) эмпирик асос: назарияга алоқадор фактлар, уларга мантиқий ишлов бериш натижалари; 2) бошлангич назарий асос: назариянинг асосий тушунчалари, постулатлари (аксиомалари), фундаментал қонунлар (принциплар); 3) назариянинг мантиқий аппарати: тушунчаларни ҳосил қилиш ва таърифлаш қоидалари, хулоса чиқариш (исботлаш) қоидалари; 4) олинган натижалар (хулосалар).

Илмий назария охир-оқибатда реал тизимни, объекти акс эттиради, унинг табиатини тушунтиради ва шу маънода ўзининг эмпирик асосига эга. Лекин эмпирик асосининг мавжудлиги назариянинг барча тушунчалари ифода этадиган предмет ва белгиларнинг хиссий идрок қилиниши ёки назариянинг барча ҳолларда мавжуд ҳодисаларни, уларнинг реал хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиришини англатмайди.

Назарияда борлик, асосан, моделлар ёрдамида идеаллашган ҳолда инъикос қилинади. Идеаллаштириш жараёнида мавжуд объектлар ҳақидаги эмпирик билимга таянган ҳолда, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган ва баъзан мавжуд бўлиши мумкин ҳам бўлмаган, лекин реал мавжуд предметларга маълум бир муносабатда ўхшаш объектлар ҳақидаги тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан, механика ечимини қидирадиган қўп масалаларда жисмнинг шакли ва ўлчамлари (эни, бўйи, ҳажми ва шу кабилар) учналик мухим аҳамиятга эга эмас. Айни бир пайтда масса мухим аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам массаси бир нуктага жамланган хаёлий жисм – моддий нукта ҳосил қилинади.

Барча реал мавжуд жисмлар шаклга ва ўлчамларга эга, моддий нукта эса идеал объект бўлиб, баъзи масалаларни ечишда реал жисмларнинг ўрнини босади, уларнинг назарий билишдаги эквиваленти бўлиб хизмат қиласиди. Физикадаги мутлақ қаттиқ жисм, геометриядаги нукта, текислик, тўғри чизик ва бошқа фанлардаги шу каби кўп тушунчалар идеал объектларни ифода қиласидилар.

Идеал объектлар ёрдамида предметнинг хиссий идрок этилмайдиган мухим хусусиятлари, муносабатлари ўрганилади. Уларсиз назарий билиш ўз олдига қўядиган

мақсадига эриша олмайды. Назарий билишнинг зарурий воситаси бўлганлиги учун уларни баъзан **назарий объектлар** деб ҳам аташади.

Назария идеал характерга эга бўлган тушунчалар, мулоҳазалар тизимидан – **концептуал тизимдан** иборат бўлиб, у реал объектнинг назарий моделини ифода қилади. Масалан, механикадаги бошқа тизимлар таъсиридан ажратиб қўйилиб, ёпиқ тизим тарзида фикр қилинадиган механик тизим тушунчаси реал объектнинг назарий модели ҳисобланади. Унинг ёрдамида реал мавжуд бўлган механик тизимнинг ҳаракат қонунлари ўрганилади.

Назарий моделнинг идеал хусусиятга эга бўлган объектлари, уларни акс эттирувчи тушунчалар ўртасидаги алоқадорлик назариянинг фундаментал қонунлари, принципларида ўз ифодасини топади.

Мазкур қонунлар, принциплар бошланғич тушунчалар ва мулоҳазалар билан биргаликда назариянинг **концептуал ўзагини** ташкил этади. Масалан, классик механиканинг негизини ҳаракатнинг учта қонуни ҳамда улар билан боғлиқ бўлган фазо, масса, вақт, куч, тезлик, тезланиш тушунчалари ташкил этади. Классик термодинамиканинг асосини эса унинг учта муҳим қонуни ҳосил қилади. Математик назарияларнинг концептуал ўзаги уларнинг асосий тушунчалари ва аксиомаларида ўз ифодасини топган.

Хар бир назария ўзининг тушунчаларини ҳосил қилиш, таърифлаш қоидаларига эга. Бунга мисол қилиб формаллашган тилни яратиш қоидалари, мулоҳазалар мантигини натурал хулоса чиқариш тизими сифатида қуриш қоидаларини кўрсатиш мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай назария хулосалар тарзидаги ўз натижаларига эга.

Демак, илмий назариянинг таркибида унинг ҳар бир элементи ўз ўрнига эга.

Илмий назария билишда бир қанча муҳим вазифаларни бажаради.

Биринчидан, назарияда бирорта соҳага оид барча билимлар яхлит бир тизимга бирлаштирилади. Бундай тизимда, одатда, билимларнинг катта қисмини назариянинг нисбатан камроқ бўлган бошланғич тушунчаларидан келтириб чиқаришга ҳаракат қилишади. Улар математикада аксиомалар, табиатшуносликда гипотезалар, деб юритилади. Бундан кўзланган асосий мақсад – қайд этилган фактларни айрим бошланғич принциплар, гипотезаларнинг натижаси сифатида талқин этиш. Назарий тизимда ҳар бир факт, ҳар бир тушунча, ҳар бир қонун ёки фараз бошқаларига нисбатан ўз ўрнига эга бўлиши, ана шундан келиб чиқиб, талқин қилиниши (ёки қайта талқин қилиниши) зарур. Талқин этиш жараённада мавжуд назариялар ҳамда янгидан қурилаётган назариянинг элементларига мурожаат қилинади. Бу эса, бир томондан, мавжуд фактларнинг табиатини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчи томондан, бевосита эмпирик усул ёрдамида қайд этиб бўлмайдиган янги фактларни топишга имкон беради.

Иккинчидан, назарияни қуриш берилган соҳага оид билимларни аниқлаштириш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Бунинг сабаби шундаки, назариянинг бошланғич асослари – аксиомалар, постулатлар, қонунлар, принциплар, гипотезалар назариядаги бошқа илмий билимларга нисбатан мантиқан кучлироқ ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам назарияни қуриш мавжуд билимларни тартибга солишдан, яъни координация қилишдангина иборат бўлиб қолмайди. Бунда мантиқан кучли билимлардан мантиқан кучсиз билимлар келтириб чиқарилади, яъни субординация қилинади. У эса мазмунан чуқурроқ бўлган тушунчалар, қонунлар, принципларга мурожаат қилишга, улар ёрдамида мавжуд тушунчаларни талқин этишга, янги фундаментал умумлашмалар ҳосил қилишга олиб келади. Масалан, Ньютоннинг ҳаракатнинг учта қонуни ҳамда бутун олам тортишиш қонунига таянадиган классик механикаси Галилейнинг жисмларнинг эркин тушиши қонуни ва Кепларнинг планеталар ҳаракати қонунини тушунтириш ва аниқлаштириш имконини берди. Хусусан, Галилей қонунининг жисмнинг гравитация кучи таъсирида ҳаракат қилишининг жузъий ҳолини ифода этиши маълум бўлди. Гравитация таъсиридан ташқарида, яъни Ер радиуси узунлигидан ортиқ бўлган масофада Галилей кашф этган қонун амал қилмайди. Худди шунингдек, Кеплернинг Қуёш системасида ҳаракат қилувчи планетанинг эллиптик орбита бўйича ҳаракат қилиши қонунининг бошқа планеталарнинг таъсирини ҳисобга олмаслиги ва ана шунинг учун ҳам унчалик аниқ эмаслиги маълум бўлди.

Учинчидан, назария ўрганилаётган ҳодисани илмий асосда тушунтира олади. Тўғри, бирорта ҳодисани тушунтириш учун, одатда, уни тавсифлайдиган қонунга мурожаат қилишади. Лекин шуни ёддан чиқармаслик зарурки, фанда қонунлар ўз ҳолича эмас, балки маълум бир назария таркибида мавжуд бўлади. Бунда эмпирик қонунлар маълум бир назарий қонунлардан келтириб чиқарилади. Ҳатто, алоҳида олинган назарий қонун ҳам ҳодисани тушунтириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Илмий тажриба шуни кўрсатадики, ҳодисанинг моҳиятини тушунтириш учун назариянинг барча ғоялари йиғиндиси, қонунлар жалб этилади.

Назариянинг илмий билишдаги алоҳида аҳамияти яна унинг янги, илгари кузатилмаган ҳодисаларнинг мавжудлигини олдиндан кўриш имконини беришидадир. Масалан, Максвеллнинг электромагнит назарияси радио тўлқинларининг мавжудлигини олдиндан айтишга имкон берган. Бу тўлқинларни анча вақт ўтгандан кейин Г. Герц экспериментал йўл билан қайд этган. Худди шунингдек, Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси гравитация майдонида ёруғлик нурининг оғишини башорат қилишга олиб келган.

Тўртингчидан, илмий назария ўзида ўрганилаётган предмет соҳасига оид барча билимлар ўртасида мантикий алоқаларни ўрнатгани, яхлит бир тизимда мужассамлантиргани ва умумлаштиргани учун унинг объектив ҳақиқатлик даражаси ва демак, ишончлилиги ортади.

Бешинчидан, назария муаммони қўйиш, гипотезаларни яратиш, қонунларни шакллантириш, ғояларни илгари суриш ва асослашдан иборат билишнинг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтишнинг натижаси бўлганлиги учун у билишга хос қонунларни аниқлаш, уларни ўрганиш имконини беради.

Назарияни қуриш мураккаб жараён бўлиб, кўп ҳолларда бир қанча олимларнинг ҳамкорлик қилишини тақозо этади.

Дастлабки босқичда назариянинг предмет соҳаси ва тадқиқот йўналиши аниқланади. Амалий ҳаётимиз эҳтиёжлари, у билан узвий боғлиқ бўлган тадқиқот мақсади ва вазифалари бунда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, предмет соҳаси ва тадқиқот аспектини аниқлашда берилган соҳага оид билимларнинг кўлами, чуқурлиги катта роль йўнайди.

Назарияни қуришнинг кейинги зарурий босқичи бошланғич асосни аниқлашдир. У ўрганилаётган соҳага оид энг асосий тушунчалар, аксиомалар, гипотезалар йиғиндисидан иборат бўлади. Назариянинг бошқа барча тушунчалари, гипотезалари ва қонунлари ана шу бошланғич асосдан дедуктив йўл билан келтириб чиқарилади. Бунда, албатта, назариянинг барча тушунчалари – асосийлари ва келтириб чиқариладиганлари, янгидан ҳосил қилинадиганлари муҳим ғоя (ёки ғоялар тизими) негизида бирлаштирилиши керак.

Табиийки, назария маълум бир метод ёрдамида, яъни методологик принциплар, усусларни кўллаш асосида қурилади.

Курилган назария билишнинг кейинги босқичларида аниқлаштирилади, янги фактик материаллар асосида мазмунан бойитилади, қайта талқин қилинади.

Назариянинг турлари. Илмий назариянинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларни турли хил асосларга қўра таснифлаш (турқумлаш) мумкин. Хусусан, қурилиш методига қўра назарияларни тўрт турга ажратиш мумкин: 1) тажриба билан иш кўрадиган фанларнинг мазмундор назариялари; 2) гипотетик-дедуктив (ёки ярим аксиоматик) назариялар; 3) аксиоматик назариялар; 4) формаллашган назариялар.

«Мазмундор» назарияларда маълум бир соҳага оид фактлар тизимга солинади, умумлаштирилади ва тушунтирилади. Улар асосан тажриба натижалари, эмпирик материалларга таянади, уларни таҳлил қиласи, тартибга солади ва умумлаштиради. Ана шунинг учун ҳам уларни «тажрибага таянувчи назариялар», деб аташади. «Мазмундор» деб аталишига сабаб, уларни математика ва мантиқдаги формаллашган назариялардан фарқ қилишдир. Мазмундор назарияларни соф эмпирик назариялар деб бўлмайди. Улар фақат эмпирик материалларгагина эмас, балки назарий қонунларга ҳам таянади. Масалан, мазмундор, деб ҳисобланадиган Ч. Дарвиннинг эволюция назарияси, И.П. Павловнинг олий асаб фаолиятининг шартли рефлекторлик назарияси ва шу кабилар чуқур назарий ғояларга

сүннади, улар ёрдамида тўпланган материалларни рационал усул билан англайди, қайта ишлайди ва тушунтиради.

Гипотетик-дедуктив назариялар табиатшуносликда учрайди. У турли хил мантиқий кучга эга гипотезалар тизимидан иборат бўлиб, унда мантиқан кучлиларидан мантиқан кучсизроқлари дедукция қилинади. Гипотетик-дедуктив тизимни гипотезалар занжири (иерархияси) тарзида олиб қарашиб мумкин. Бунда эмпирик асосдан узоқлашган сари гипотезанинг кучи ортиб боради, чунки ҳар бир келтирилиб чиқарилган гипотеза ўзидан аввалги гипотезаларда мавжуд бўлган билимларни синтез қилиш натижаси сифатида гавдаланади.

Гипотетик-дедуктив назарияларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ундаги гипотезаларнинг даражалари бўйича қатъий изчил жойлашишидир. Гипотезанинг даражаси қанчалик юқори бўлса, хуносаларни мантиқий йўл билан келтириб чиқаришда унинг иштироки шунчалик кўп бўлади.

Назариянинг гипотетик-дедуктив модели эмпирик материалларни ишлашда кўп қулайликларга эга бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, бошлангич гипотезалар қандай танлаб олиниши керак, деган саволга ҳалигача аниқ, қатъий ҳолдаги жавоб йўқ.

Аксиоматик тизимларда назария элементларининг катта кисми кичкина бошлангич асосдан – асосий аксиомалардан дедуктив йўл билан келтирилиб чиқарилади. Аксиоматик назариялар асосан математикада қурилади.

Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияни қуришда муваффақиятли ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий аксиоматик тушунчалари «нуқта», «тўғри чизик», «текислик» бўлиб, улар идеал фазовий обьектлар сифатида олиб қаралган; геометриянинг ўзи эса физиковий фазонинг хусусиятларини ўрганувчи таълимот сифатида талқин қилинган. Евклид геометриясининг қолган барча тушунчалари улар ёрдамида ҳосил қилинган.

Кўйидаги мисолга мурожаат қиласлик: «Текисликдаги битта нуқтадан баравар узоқликда ётадиган нуқталар тўпламига айлана дейилади», унда «айлана» тушунчаси «нуқта ва текислик» тушунчалари ёрдамида ҳосил қилинган, яъни улардан дедукция қилинган.

Математиканинг тараққиёти давомида аксиоматик метод такомиллашиб борган, уни кўллаш мумкин бўлган соҳалар доираси кенгайган. Хусусан, аста-секин Евклид аксиомаларининг фақат геометрик обьектларнигина эмас, балки бошқа математик ва ҳатто, физик обьектларни ҳам тасвирлаш учун яроқли эканлиги маълум бўлди. Масалан, нуқтани ҳақиқий сонларнинг учтасининг тўплами – тўғри чизик ва текисликни, чизиқли тенгламаларни билдиради, деб қабул қилинганда, мазкур ногеометрик обьектлар хоссаларининг Евклид геометрияси аксиомалари талабларига жавоб бериши аниқланган.

Шуни айтиш керакки, аксиоматикага бундай абстракт тарзда ёндашишга маълум бир даражада Н.И. Лобачевский, Б. Риман ва бошқалар ноевклид геометрияларининг яратилиши яхши имконият яратди.

Хозирги замон математикасида абстракт аксиоматик тизимлар кенг қўлланилади. Бундай тизимларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг ёпиқ тизимдан иборат бўлиши, яъни микдор жиҳатидан чекланган аксиомалар, тушунчалар, принциплардан ташкил топиши, улар қаторига ихтиёрий равишда, асоссиз янги аксиомалар, тушунчаларни кўшиб бўлмаслик; тизимларнинг мантиқан зиддиятсиз ва маълум бир даражада тўла бўлиши ва шу кабилардан иборат. Ана шунинг учун ҳам улар узоқ вақт давомида ўзининг барқарорлигини сақлайди, янги билим олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади.

Аксиоматика табиатшуносликда ҳам қўлланилади. Тажриба билан боғлиқ бўлганлиги ва шунинг учун ҳам зарурӣ равишда эмпирик талқинга муҳтоҷ эканлиги сабабли табиатшуносликнинг фақат ўзагини ташкил этадиган тушунчаларнигина аксиомалаштириш мумкин.

Абстракт математик структуралар фақат аксиоматик тизимлардагина эмас, балки формаллашган назарий тизимларда ҳам тасвирланиши ва тушунтирилиши мумкин.

Формаллашган назариялар мантиқда кенг қўлланилади. Бунга мисол қилиб мулоҳазалар мантиғи, предикатлар мантиғини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, у математикада ҳам учрайди.

Назариянинг юқорида биз кўриб чиқкан турлари ва бошқалари назарий билишининг мухим воситалари сифатида фанда ниҳоятда қадрланади. Улар тафаккурнинг структураси ва қонуниятларини яхши билиб олишга имкон беради.

Назорат саволлари

1. Аргументлаш нима?
2. Ишонч-эътиқод қандай ҳосил бўлади?
3. Испотлаш қандай таркибга эга?
4. Испотлашнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Рад этиш испотлаш билан қандай алоқада?
6. Муаммоли вазият нима?
7. Муаммонинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
8. Муаммони тўғри қўйиш ва ҳал этишнинг қандай шартлари мавжуд?
9. Гипотезанинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?
10. Назариянинг таркиби қандай?
11. Назария билиш жараёнида қандай вазифаларни бажаради?
12. Назариянинг қандай турлари мавжуд?
13. Паралогизм, софизм ва мантикий парадоксларнинг моҳияти нимада?
14. Баҳс нима? Баҳс, мунозара юритишнинг қандай умумий қоидалари бор?

13-МАВЗУ. “ЭТИКА” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ РЕЖА:

1. Этиканинг предмети, аҳамияти, фанлараро боғлиқлиги. Ахлоқнинг келиб чиқиши.
2. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий моҳияти.
3. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида этиканинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни.
4. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари

Этиканинг предмети, аҳамияти, фанлараро боғлиқлиги. Ахлоқнинг келиб чиқиши

Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив аълоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган муайян хулқ атвор, одоб, хатти – харакат принцип ва нормаларнинг мажмуудир.

Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини - хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб - инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида бурилиш ясадиган даражада мухим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-харакатларни ўз ичига олади.

Хулқ - оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-харакатларнинг мажмуу.

Ахлоқ - жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-харакатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса.

Жамиятимиздаги хозирги янгиланиш жараёнида этиканинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг,

айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга ошира бўлади.

Этика ва эстетика. Этика бошқа ижтимоий ва фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг эстетика билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-харакати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик), ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қиласди.

Этика ва диншунослик. Этиканинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо - ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган.

Этика ва ҳуқуқшунослик. Этиканинг ҳуқуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳуқуқ меъёрлари моҳиятган ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин.

Этика ва педагогика. Этика педагогика билан ҳам чамбарчас алоқада. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Этика ва руҳшунослик. Қадимдаёқ этиканинг руҳшунослик билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-харакати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-харакат, феъл-атвор, сабабий асосларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, этика эса руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий моҳияти. Гедонизм (греч. *hendone* — лаззатланиш) — қадимги давр фалсафий тушунчаларидан бири сифатида кўнгилочарлик, ҳузурланиш маъноларини беради. Қадимги давр ахлоқшунослигига гедонизм (хузурбахшлик таълимоти) ҳаётнинг маъносини нафақат жисмоний, балки руҳий ҳузурбахшликдан ҳам иборат деган таълимотни илгари сурар эди. Ҳозирги даврга келиб эса бу тушунча акасарият ҳолда ўзида худбинлик, «нафс қулига айланиш», «бойлик, шуҳрат кетидан қувиш» каби маъноларини ҳам англатмоқда.

Гедонизм (хузурбахшлик таълимоти) — бу ўзига хос ҳаётга бўлган ёндошув бўлиб, ҳаётда асосий мақсаднинг биринчи поғонасига лаззатланиш ва ҳузурбахшлик қўйилади. Бундай қарашларнинг ибтидоси қадимги юонон файласуфи Аристипп Киренскийнинг таълимотларига бориб тақалади. Файласуф ахлоқшуносликнинг яхшилик тушунчасига нисбат берар экан, уни ҳузурбахшлик билан боғлайди. Яъни нима инсонга ҳузур бахш этса шу яхшиликдир деган хулосага келади. Бундай хулоса ўша даврнинг аксарият олимларининг бу ёндошув кетидан эргашишига ва гедончилар йўналишини пайдо қилишига асос бўлиб хизмат қилди. Шу тариқа ижтимоий тартиблар эркинлик ва ўзини тўлиқ намоён қилишини чеклайдиган шартлар сифатида қарала бошланди.

Йиллар оша бу қадимги тушунча глобал аҳамиятга молик ахлоқий масала сирасига кира бошлади. Дунё миқёсида ҳозирги кунда ҳузурбахшлик таълимотининг таъсири кун сайин кучайиб бормоқда. Яшашга бўлган интилиш ашёвийлик, моддийлик билан йўғрилиб, инсонларни елкасига янада оғирроқ бўлган юкламани ортмоқда. Натижада замонавийлик «ҳаётдан тўлиқ завқ олиш» шиори остида уни янада ёрқинроқ, чиройли ва дабдабали кунга айлантиришга интилиш кучайди. «Сабр», «шукр», «миннатдорчилик», «келажакка умид» деган тушунчалар нозамонавийлик, нореаллик тарзида қабул қилинганди. Бунда энг яхши ҳаёт тарзига эга бўлиш энг яхши нарсаларга эга бўлиш билан белгиланади. Қимматбаҳо буюмлар, мазали таомлар, энг яхши моддий таъминот баҳтнинг белгиси сифатида намоён бўлар экан, ахлоқий англаш муаммоси бу борада қай даражада муҳим эканлигини белгилайди.

Шу жиҳатдан ҳам, ҳозир ушбу таълимот соғлом ва носоғлом турларига ажrala бошлади. Носоғлом тури нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ҳам ҳаёти, яъни яшаш тарзига

«ҳалақит» беради. Айнан моддий етишмовчилик туфайлигина бошқа инсонларни қадрини, ориятини, иззатини оёқ-ости қиласы. Уларни таҳқирлайды. Инсоннинг моҳияти эмас, унинг ташки күрениши, у боғланган ва фойдаланаётган нарсаларига бўлган қизиқишининг кучлилиги, Камю тили билан айтганда обьектни сиздан «бегоналашувига» олиб келади. Биз ўзимиз билмаган ҳолда уни нафратига сабаб бўламиз. Унда ўзини, ёки бошқаларни ўлимiga интилиш ҳиссини уйғотамиз.

Гедонизм таълимотининг соғлом тури бошқаларнинг ҳаётини ҳам яхши ўтишига тўсқинлик пайдо қилмаслиkdir. Мисол учун, сиз жамоат транспортида кетяпсиз. Қулоғингизга уяли алоқа воситасининг қулоққа тақадиган жиҳозини (қулоқчин) тақиб мусика эшитиб кетяпсиз. Аммо бу жиҳозлар аксарият ҳолда сифатсизи танланади – яъни сиз эшитаётган мусиқани шовқинли, асабга қаттиқ тегадиган овоз чиқарадиганидан олгансиз. Сиз эрталабки тиқилинчни сезмаслик, ўзингизда яхши кайфиятни уйғотиш учун қўшиқдан хузур қилсангиз, атрофдагиларнинг асаби бузилади. Шундоқ ҳам қийинчилик туғдираётган бу шароит янада оғирлашади. Сизни бекатдан тушиб қолишингизни истайдилар. Хузурбахшилик таълимотини соғлом тури инсоннинг ўз бурчини хис қилиши, бошқаларни эркига, иззат-нафсиға тегмасликни талаб қиласы. Бу замонавийликни фақат яхшилик билан боғлиқ хусусиятларини ўзида мужассам қилишни, турмуш гўзаллигини, инсон гўзаллигини, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, ҳаётни маъносини тўлақонли бўлишига интилишда кўринади.

Гедонизм ахлоқшуносликнинг хузурбахшилик йўналиши бўлиб, унда ҳаётнинг мақсади ҳаётнинг юксак неъматларига интилиш ва ундан лаззатланиб, завқланиб яшаш билан белгиланади. Шу жиҳатдан ҳам қадимги давр файласуфларидан бежиздан Антисфен: «мехнат орқасидан келадиган фароғатни талаб қилиш керак, ундан олдин келадиганини эмас» деган фикрни айтган эмас.

Аслида хузурбахшилик таълимотига эргашиш салбий хусусият касб этмайди. Инсонни ҳаёт қийинчиликларидан ўтишда унинг меҳнати самараси катта аҳмият касб этади. Турли руҳий, жисмоний зўриқишиларга учраган инсонга рух бағишлидай. Меҳнат эстетикаси инсон меҳнат жараёнида завқлангани учун ҳам меҳнатга интилади, унда ўзини эркин ва комил хис қиласи деган фикрни илгари суради. Зотан меҳнатда инсон ўзининг асосий моҳиятини топади: у яратиш имконига эга бўлади. Бу эса эстетик завқ бахш этади. Аммо нафсни чеклашга интилиш мақсадида аскетизм билан боғлиқ ғояларни илгари сурадиган шундай раҳнамолар ҳам бўлганки улар тарихда ўз номига доғ туширади. Улар орасида диний раҳнамолар, сиёсий арбоблар ҳам кўп учраган. Мисол учун, Ленин, Сталин каби «меҳнаткаш ҳалқ раҳнамолари» иттифоқ келажаги учун ҳалқни ўз эҳтиёжларидан воз кечишга чақирган бўласалар-да, ўзлари бу келажакни «кутиб ўтиришга сабри етмай» ҳалқ хисобидан ҳаётдан лаззатланиб яшаганлар. Мисол учун, Россия, Москва ва Петербургда ишчилар ўз жони ва оиласини гаровга кўйиб, кон тўкиб, жон бериб Ленин ғояларини амалиётга қўллашга интилишаётган бир пайтда, ишчилар раҳнамоси ўз оиласи билан ҳориждаги курортлар, қиммат меҳмонхоналарда дам олишган. Крупская қайнонасига яъни Ленининг онасига ёзган хатида, курортда жуда яхши ҳордик чиқараётганини, музей, театрлар, боғларни оилавий сайр қилишлари, меҳмонхоналарнинг қулайлиги, дам олишнинг жуда хузурбахшилигидан унинг бундан ҳатто виждони ҳам қийнала бошлаганини ёzádi. 1912 йилда Крупская хатларнинг бирида тоғдаги уйлардан бирига кўчиб ўтганларини, у ерда жуда қизиқарли сайрлар ва гўзал манзараларнинг томошасидан бўшамаётганларини ёzádi. Бу пайтда эса Россияда ишчиларнинг оммавий отишмаси рўй берди. 270 та инсон ҳалок бўлди, 250 таси оғир яраланди. Аммо бу фожеавий ҳодисалар Лениннинг турмуш тарзидаги ўзгариш содир қилмади, ваҳоланки бу ҳалок бўлган ишчилар «доҳийнинг» мақсадига яқинлаштиради.

Қадимги даврда гедонизмга қарши ғояларни илгари сурган киниклар эди. Киникларнинг асосчиси Антисфен (э.а. 435-375 йй.) лаззатланишнинг ҳар қандай турини, инсон эҳтиёжи учун керакли бўлган оддий қулайликларга нисбатан ҳам қарши чиқадилар. Мисол учун, Диоген Синопский (э.а. 330 й. — 320 й), бочкада яшаб, фақатгина ёпинчиқ билан чекланган. Бундан мақсад – моддий имкониятлардан воз кечиб ҳақиқий эркинликка эришиш эди. Аммо бундай чеклашлар ўзида жамият талабларини ҳам инкор этарди.

Натижада оддий ахлоқий мөъёрлардан ҳам воз кечишига тўғри келарди. Зотан ахлоқий англашнинг энг муҳим хусусиятларидан ботиний озодлик ва маънавий қадриятларнинг устуворлиги улар томонидан мутлақлаштирилади.

Бошқа томондан, ҳузурбахшлик таълимоти ҳам ахлоқшуносликнинг муҳим ғояларидан – инсон учун зарур бўлган эҳтиёжлари, моддий қадриятлар унинг қадр-қиммати билан боғлиқ ғояларни илгари суради. Бу икки таълимот асосида бошқа машҳур таълимотларни вужудга келтиради.

Бу фалсафий йўналиш асосчиси Сукротнинг замондоши Аристипп (435—355 йй.) инсон руҳини икки ҳолати ҳақида гапиради: ҳузурланиш майнлик ва нафислик сифатида, изтироб эса қўпол ва руҳий қўзғалиш хусусиятларига ажратади. Аристипп фикрича баҳтга эришув ҳушурбахликнинг юксак чўққисига изтиробга тушмасдан амалга ошиши керак. Ҳаётнинг маъноси унингча айнан шундай натижага эришиш билан боғлиқ.

Эпикур эса лаззатни ҳаётни йўлга қўйишининг тамойили сифатида кўради. Ҳузурбахшликни Эпикур нафрат ва ёқимсиз нарсалардан озод бўлиш деб тушунади. Унда асосий мақсад ҳузурбахшликнинг ўзи эмас, балки баҳтсизлик ва изтиробларлардан кутулишдир. Эпикурнинг баҳт фалсафасида унга эришув безовталиқ (атараксия) ҳамда изтиробдан эркинлик воситасида амалга ошиши билан белгиланади. Бундай эркинлик Эпикур фикрича дунёвий эҳтиёжлар ёрдамида эмас, балки ҳақиқий эҳтиёжларга бўлган, мисол учун, дўстликка бўлган эҳтиёжга синчков эътибор орқали эришилади. Утилитарчилардан Джереми Бентам бундай ёндошувни «ҳисобли ҳузурбахшлик» деб номлайди. Ҳенри Сидгвик (Henry Sidgwick) XIX аср утилитаризмини таърифлар экан, ҳузурбахшлик таълимотини ахлоқий ва руҳий ҳузурбахшлик таълимотига ажратади. Бунда руҳий ҳузурбахшлик таълимоти инсоннинг ўз қувончларини қўпайтиришга интилиш билан белгиланади. Шу тариқа тушқунликка тушишдан сақланишга ёки завқланишни кучайтиришга интилиш инсон ҳаракатларининг асосий сабабчисига айланади. Ахлоққа тааллукли ҳузурбахшлик эса бир неча назарий турларга ажralиб кетади. Инсон ўзинигина қониқиши учун интилиши (худбинлик гедонизми), ёинки жамиятни фароғати учун ҳаракат қилиши лозим (универсал гедонизм ёки утилитаризм). Сидгвикдан фарқли ўлароқ Бентам: «Табиат инсонни икки ҳукмдор – изтироб ва қувончнинг қўлига топшириб қўйган. Улар бизга бугун ва эртага нима қилишимиз кераклигини айтиб турадилар»⁵², деб ёзади.

«Катта фароғат эгаси бўлиш учун инсон ўзини чеклай билиши лозим» деган фикрни, гарчи ҳузурбахшлик таълимоти намоёндаси бўлмаса-да, Эпикур ҳаётнинг тенгламаси қилиб қўйди.

Кейинчалик бу ахлоқий ёндошувлар эстетика соҳаси билан уйғун тарзда шакллана бошланди. Мисол учун, турмуш эстетикаси, техника эстетикаси, дизайн ва интеръерларнинг гўзаллиги. Театр, мусика, умуман, санъат турлари ва кўнгилочар сайллардан олинадиган ҳузурбахшлик ва ҳ.к. Шу тариқа ҳузурбахшлик таълимоти бир неча йўналишга ажралади.

Кейинчалик инсонни доимо ҳузурбахшликка интилиши «либидо (нафс)» тушунчаари билан боғлиқ бўлиб, руҳий таҳлил этикаси асосчиси Зигмунд Фройд унинг инсонни ўлим билан боғлайдиган, унга тайёрлайдиган, инсонни доимо қўрқув, ўзидан қониқмаслик, виждон азоби, ва бошқа руҳий изтиробларнинг ибтидоси сифатида қараса, янги руҳий таҳлил йўналиши намоёндаси Карл Густав Юнг ҳузурбахшликка интилиш инсонни руҳий хасталикка учрашини «осонлаштиради». Бунга қарши инсонни табиатга яқинлашиши қўл келади. Карл Юнг фикрига кўра, инсон табиат билан уйғунлашгандагина ўз табиий инсоний моҳиятини топади ва унинг ҳузурбахшликка интилиши моддийликдан маънавийликка «ўтиш» билан амалга ошади.

Гедонизмнинг қайсиdir маънода давомчиси саналган яна бир йўналишлардан бири эвдемонизмдир. Эвдемонизм (греч. ехдбиймпнЯб — барқарорлик, ҳузурбахшлик, баҳт) — инсон асосиф фаолиятининг баҳтга эришувга интилиши билан боғлиқ бўлган ахлоқшунослик йўналишлардан бири саналади.

⁵² Введение в основания нравственности и законодательства = An introduction to the principles of morals and legislation / И. Бентам. — М.: РОССПЭН, 1998. — 415 с. — (История полит. мысли). ISBN 5-86004-166-7

Эвдемонизм йўналиши намоёндалари қарашларида инсон учун энг буюк неъмат баҳт саналади. Унинг асосида юонон файласуфи Арастунинг баҳт ҳакидаги таълимоти ётади. Унинг фикрича баҳт бу «биз доимо унинг ўзи учун ўзини танлайдиган, бошқа нарса учун уни танламайдиган» ахлоқий тушунчадир.⁵³ Ўрта асрлар тафаккурида эвдемонизм (баҳтга етишув таълимоти) Фома Аквинский таълимотига йўналтирилган бўлиб, юксак баҳт Худони англаш ва ҳаёти давомида Уни тан олмоқдир, деган ғояни тасдиқлар эди.

Эвдемонизм йўналишидаги ҳузурбахшлик таълимотини йоқловчилар Эпикур, Гассенди, Ламетри, Вольтер, Гольбахлар баҳт ва ҳузурбахшликни уйғунлаштирадилар. Аммо гедонизмдан фарқли ўлароқ ҳузурбахшлик бу ерда инсоннинг ахлоқий фаолияти билан бевосита боғланади. Мисол учун, Эпикур наздида юксак даражадаги ҳузур тубан жисмоний лаззатда эмас, балки нафис маънавийлиқдадир. Фақатгина мутлақ сокинлик ва атраксия ҳолатидагина инсон ҳақиқий баҳт эгасига айланади.

Аммо асосий эвдемонизм йўналиши танқидчиларидан Имманнүэл Кант ҳақиқий ахлоқий фаолиятнинг асосида баҳт эмас, бурч туришини таъкидлайди.

Замонавий руҳшуносликда бу йўналиш ижобий, амалий руҳшунослик сифатида эвдаймония ҳақидаги қадимги юонон файласуфларининг таълимотини ўрганмоқда.

Шарқ фалсафасига эса, баҳтга эришув ҳақидаги бу таълимотни буддҳачиликнинг нирванага эришиш учун барча изтироблардан кутулишга интилиш ва шу билан тўлақонли баҳтга эришувга нисбат берилади. Далай-Лама (XIV) қарашлари «Инсон ҳаётининг асосий мақсади – баҳтдир. Бу шубҳасиз. Биз қандай эътиқоддалигимиздан қатъий назар — даҳрий ё Худога ишонамизми йўми, буддҳачи ё насроний, — барчамиз ҳаётда энг яхши нарсани излаймиз. Шу тариқа, менинг фикримча, ҳаётимиздаги асосий фаолиятимиз — бу баҳтга интилишдир»⁵⁴.

Л.А. Сенека яхшиликнинг ўзи баҳтли бўлиш учун етарлидир деб ҳисобласа, Спиноза баҳт – яхшилик учун қилинган мукофот эмас, балки эзгуликнинг ўзири деган холосага келади.

Юқоридаги мутафаккирларнинг қарашларидан холоса ясайдиган бўлсак, инсон ҳақиқий баҳтли бўлгандагина ҳузурбахшликка эришади. Баҳт эса, авваламбор ахлоқий фаолият билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнода этиканинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни. Жамиятимиздаги ҳозирги янгиланиш жараёнода ахлоқшуносликнинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоқка янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади.

Янгича ёндашувлардан бири-ахлоқшуносликда миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Чунки замонавий комил инсон анъанавий ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган янгича мафкурамизни ўзида мужассам этган, миллий ғояни ўз руҳий оламига сингдирган етук шахс бўлмоғи лозим. Унинг қалбида ахлоқ мафкуравийликни ва мафкура ахлоқийликни ўзида уйғунлаштирган маънавий ҳодисаларга айланмоғи керак. Чунки мафкура бир ёқлама, маҳдуд, ўта сиёсийлаштирилган ғоялар тизими эмас, у ҳам худди ахлоқ каби, ахлоқ билан ёнма-ён туриб, инсонни юксак маънавий парвозларга даъват этувчи ботиний кучдир. Президент Ислом Каримов буни теран мантиқийлик билан шундай ифодалайди: «У (миллий мафкура-А.Ш.) инсонга фақат моддий бойликлар ва моддий неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган акл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир»⁵⁵.

⁵³ Арасту. Ахлоқи кабир. – Тошкент. Шарқ. 2005. -123 бет

⁵⁴ Радхакришнан С. Индийская философия. Т.1. СПб., «Стрикс», 1994. С. 287-290.

⁵⁵ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000, 6-б.

Зеро, миллий ғоя билан умумбашарий қадриятлар мувозанатини барқарор сақлашни яшаш шарти деб билган мустақиллик мафкураси ахлоқни тұлдирувчи ва бойитувчи ҳодиса сифатида ўзининг бош мақсадини ахлоқий вазифаларга ҳамоңан тарзда амалга оширади. Шу боис Президент Ислом Каримов: «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатын назар, хар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир», - деганида мутлақо ҳақдир.⁵⁶

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгани туфайли халқимиз фақат янги мустамлакачилик занжиридангина озод бўлиб қолмади, балки ижтимоий тузум ўзгаришини бошдан кечирди ва кечиримоқда. Салкам бир асрлик тоталитар тузум халқни «темир қўлқоплар» ёрдамида ушлаб турди: «юқори»нинг гапи-гап, шахснинг фикри мутлақо инобатга олинмасди, эркинликнинг ҳар қандай кўриниши давлатга қарши жиноят сифатида баҳоланаар, чизиб қўйилган чиқидан чиқиши мумкин эмас эди. Жамият синифларга бўлиб ташланиб, унинг аъзолари ягона коммунистик мафкура асосида тарбияланарди. Нимани гапириш ёки гапирмаслик, нимани ўқиш ёки ўқимаслик, нимани ёзиш ёки ёзмаслик в.х. сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий ҳатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси аввалдан белгилаб қўйилар, фуқаролардан жонли роботлар тарзида яшаш талаб қилинар, акс ҳолда ҳар қандай шахс қамоққа ёки руҳий касалхонага ташланар ёки фуқароликдан маҳрум қилиниб, бир умр муҳожирликка, ҳатто ўлимга маҳқум этилар эди. Ана шундай «темир» сиқув ва қўркув остида яшаган халқнинг бирдан озодликка чиқиши, дафъатан ҳамма ўзини эркин ҳис қилиши силлиқ кечиши мумкин эмаслиги, ҳаттоки маълум даражада хавфли экани табиий. Бу - худди коптакни куч билан сувга босиб туриб, кейин бирдан қўйиб юборган пайтингиздаги ҳеч заруратсиз осмонга кўтарилишига ўхшайди. У-коптакнинг нормал холати эмас. Шунга ўхшаб, ногоҳон ўзининг кишандан озод бўлганини ҳис этган индивид мутлақ эркинлик даъвосини қилади. Энди ўтиш даврининг жамият учун энг хатарли даври бошланади: ўнлаб турли-туман ҳаракатлар, оқимлар, партиялар вужудга келади, уларнинг аксарияти берилган эрикинликдан сиёсий фирибгарликлар воситасида ҳокимииятни қўлга олиш учун фойдаланади; турли экстремистик, диний-ақидпарат гурухлар пайдо бўлиб, ўз кора ниятларни, худбинона мақсадларини амалга оширишда «эркинлик», «ҳақиқат», «адолат», «тengлик», «мусулмончилик» шиори остида ҳаракат қиласидар. Бу-бир томондан. Иккинчи томондан эса, юлгичлик, фирибгарлик, каззоблик, пораҳўрлик кескин ошади. Ана шундай ижтимоий-сиёсий муҳитда давлатнинг ташвиқот-тарғибот ташкилотлари ва адлия-хукуқ идоралари томонидан олиб бориладиган ишлар кўзланган даражада самара бермайди, улар ташқи омил сифатида ахолининг барча қатламларини қамраб ололмайди, давр улар билан ёнма-ён ички омил мавжуд бўлишини ҳам тақазо қиласиди.

Бу ички омил маънавият, биринчи навбатда, унинг ўзаги бўлмиш ахлоқ. Одамлар қалби ва онгини эгаллашда ахлоққа teng келадиган омил йўқ. Шу сабабдан ҳам республикамиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ахлоқий тарбияяга катта аҳамият бериб келади. Зеро ахлоқнинг юксак аҳамиятини англаб етган жамиятгина ўз бугуни ва келажаги йўлини тўғри белгилай олади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик фақат сиёсий эркинликнига эмас, балки иқтисодий эркинликни ҳам беради. Авваллари ишлаб чиқариш, тижорат, корхоналарининг чет эллар билан алоқалари тўлалигича давлат тасарруфида эди, эндиликда уларнинг асосий қисми хусусий мулкдорлар қўлига ўта бошлади; давлат мулки билан хусусий мулк конституцион тенгликка эга бўлди, мулкдорлар табақаси вужудга келди. Натижада кўп укладли иқтисодиётни қонун билан бошқаришга ҳатто ўша қабул қилинган қонунларнинг ишлаб кетишига ҳам ахлоқнинг ёрдамисиз эришиш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолади: иқтисодиётдаги ҳалолликнинг, ошкораликнинг таъминланиши учун қонунни муҳофаза қилувчи хукуқ-тартибот органларидан тартиб, то ҳар бир хусусий концерн, фирма,

⁵⁶ Ўша манба, 7-б.

тадбиркоргача ахлоқий қонун-қоидаларга амал қилмоғи лозим. Демак, ахлоқшунослик иқтисодиётнинг ахлоқий жиҳатларини (тадбиркорлик одоби, тижорат одоби, муомала одоби в.х.) ишлаб чиқишидек вазифани амалга ошириши керак. Ҳозиргача бу борада муайян ишлар қилинган, лекин ҳали уларни етарли деб бўлмайди.⁵⁷ Бу эса авваламбор ахлоқ илмий соҳасида кўплаб илмий изланишларни талаб қиласди.

Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари. Илм дунёсидаги, ҳар қандай илмнинг тарихисиз назарияси бўлмайди, деган ҳикмат, айниқса, этикака тааллуқли. Зоро, этика тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий мероснинг улкан қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, ҳикматлар, панд-ўгитларни замонавий жамият ҳаётига татбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўлларини таҳлил этади.

Сомир ва Бобилон. Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда Сомир (Шумер) гилтахталарига ёзилган матнларда акс этган. Уларга кўра сомирликлар ҳақиқат ва адолатни, қонун ва тартибни адолат ва эркинликни, шафқат ва муруватни юксак баҳолаганлар ҳамда қадрлаганлар.

Қадимги Миср. Этика нуқтаи назаридан Қадимги Миср «Маййитлар китоби» катта аҳамиятга эга. Мисрликлар наздида ҳар бир инсон ўлгандан сўнг, охиратда ҳисоб беради. Аввал бош маъбуд Осирис олдида у ўзининг гуноҳсизлигини исботлашга уринади; гуноҳларни санаб, гуноҳ қилмаганлигини айтади. Гуноҳларнинг кўпчилиги эса ахлоққа бориб тақалади: одам ўлдириш, ёвузлик қилиш, тарозидан уриб қолиш, ёлғон гапириш в.х. Маййит: «Мен покизаман, мен покизаман, мен покизаман!» деган такрор билан ўз «ҳисоботи»ни тугатади. Кейин у ўзининг «иккинчи оқловчи нутқи» да кичик маъбудлар - муайян эътиқодий-ахлоқий соҳаларни бошқарувчи қирқ икки илоҳ олдида ўз гуноҳсизлигини таъкидлайди.

«Пхатотеп ўғитлари»даги баъзи насиҳатлар юксак бадиияти билангина эмас, балки қулдорлик даври талабларини четлаб ўта олган умуминсоний демократик фикрлар тарзида, ҳақиқий донишмандлик ва инсонпарварлик намунаси сифатида ҳам ҳанузгача кишини ҳайратга солади: *«Қимматбаҳо тошдек яшириндир оқилона сўз, ҳолбуки уни дон туяётган ҷўридан топши мумкин»*.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослигига Қадимги Ҳиндистон ахлоқий тафаккури алоҳида ўринга эга. У тарихан ведачилик, йўға, жайнчилик, буддҳачилик, «Бхагавадгита» ва «Артхащастра» ҳамда локоята оқимларидан ташкил топган.

Қадимги Ҳинд, ахлоқшунослиги Қадимги Хитойда ҳам ўзига хос мавқе эгаллади. Айниқса буддҳачилик кенг ёйилди. Лекин у ерда яна икки этика йўналиши катта аҳамиятга ва қамровга эга эди.

Ўрта асрларга келиб насронийлик Оврўпа халқларининг ижтимой-сиёсий ва маданий ҳаётини черковга бўйсундирди, ҳамма соҳалар бўйича черков назорати ўрнатилди. Бу билан илм-фан ва санъат черков белгилаб берган чегаралар доирасидагина ривожланишга маҳкум этилган эди. Ислом динида эса, айниқса, тасаввуфнинг вужудга келиши туфайли, муайян маънода ҳурфикрлилик мавжуд бўлиб, илм-фан ва санъат тараққиётига кенг йўл очилди.

Мусулмон Шарқида уч йўналиш алоҳида ўрин тутади. Булар – диний-ҳадисий, машшоиййунлик ва тасаввуф ахлоқшунослиги.

Назорат саволлари

1. Этика ибораси нимани англатади?
2. Одоб деганда нимани тушунасиз?
3. Хулқ ва одоб ўртасида қандай фарқ бор?
4. Этика фани олдида қандай вазифалар турибди.
5. "Авесто"нинг ахлоқий аҳамияти нималарда қўринади?
6. Арастугача бўлган Қадимги Юнон ахлоқшунослигини ўзига ҳослиги нималарда акс этган?

⁵⁷ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.

7. Арасту аҳлоқий таълимотининг мумтозлик моҳияти нимада?
8. Қадимги Рим мутафаккирларининг аҳлоқий қарашларида қандай муҳим муаммолар кўтарилигандан?

14-МАВЗУ. НИКОҲ ВА ОИЛНИНГ АҲЛОҚИЙ АСОСЛАРИ, УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ.

РЕЖА:

- 1. Муҳаббат ва никоҳнинг аҳлоқий асослари.**
- 2. Оила - маънавий ижтимоий муҳит сифатида.**
- 3. Оилавий мулк, фарзанд тарбияси ва оиланинг тарқалиши.**
- 4. Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни.**

Оила- шу биргина сўз замирида олам- олам ҳаёт, турмуш, севинч ва изтироблари, баҳт, иқбол, қувонч, ташвишлари дил хотирасида намоён бўлади. Қалбда ажиб туйғулар, ҳислар уйғониб мозийга айланган кунлар хотирадан ўтади. Ҳар бир инсоннинг ўз оила достони бор. Оилани таърифлашга сўз ожиз. Негаки, дунёга келган ҳар бир ўғил- қиз ўз оиласида тарбия топади. Ўз онаси ва отаси чеҳрасини дастлаб мурғак қалбига муҳрлайди. Илк бор "ота", "она" сўзларини қайта- қайта такрорлайди. Ҳали тили чиқмаган чақалоқ уйкудан туриб онаси ёки отаси дийдорини кўриши билан жажжи юзларида илк бор табассум жилва қиласиди.

Ота- онадан бошқа бегона одам кўтарса, чириллаб йиғлайди, ота- она қонидан ўтган меҳр ниҳоли кунлар, ойлар, ўтиши билан чуқур илдиз отиб боради. Шу тариқа ота- она ва фарзанд ўртасидаги узилмас меҳр занжири пайдо бўлади. Ана шу занжир оила пойдеворини мустаҳкамлайди.

Ота- она ва фарзанд ўртасидаги бебаҳо меҳру, муҳаббат туфайли оила аъзолари ўзларини баҳтиёр хисоблайдилар. Ҳар бир инсонга бундан ортиқ баҳт керакмас. Яхши, тинч, аҳил, мурувватли, оилада тарбия топаётган, умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсон ўзини баҳтиёр хисоблайди, яъни юзида нур, қалбида шуур жилоланиб туради. Улар ўқишида, имтиҳонда ҳам ўзларини эркин хис қиласидилар, ҳурсанд бўлиб юрадилар, одамларга ширин муамилада бўладилар, яҳши ўқишига берилиб меҳнат қилишга ҳаракат қиласидилар, ўзларини тетик ва бардам тутадилар. Зотан оиладаги баҳтиёрлик, жамиятдаги баҳтиёрлик, билан чамбарчас бўланиб кетиши нақадар яҳши.

Хозир Ўзбекистонда 27 миллионга яқин аҳоли, 5 миллиондан зиёд оила мавжуд. Ҳар йили ўртacha 250 мингдан ортиқ янги оила қурилмоқда.

Оила билан бўлиқ муаммолар ҳам жуда кўп. Чунки ҳар бир оила аъзоси ўзи бир олам. Ҳар бир инсон ўзи бир дунё. Ҳар бир оила ўзига ҳос бир мамлакат. Оила бошлиқларининг ақл- заковати, донолиги, меҳнатсеварлиги, адолатли иш юритиши, аҳлоқ- одоби, имон- эътиқоди шу ҳонадон аъзоларининг осуда ҳаёти учун асосдир.

Дунёдаги ҳар бир ҳалқнинг ўзига ҳос оила қуриш ва тарбия усули мавжуд. Отонанинг бурчи, фарзандлик бурч, никоҳ тартиби, оилавий расм- русумлари шаклланган. Ўзбек ҳалқи ҳам қадимдан оилавий тарбияга катта эътибор бериб келган. Асрлар давомида ўзбекона оилавий урф- одатлар, расм- русумлар, тўй ва маросимлар, байрамлар майдонга келган. Улар ниҳоятда бой ва ранг- баранг, тарбиявий аҳамиятга молик. Ҳар бир вилоят ва туман, ҳатто қишлоқнинг оилавий урф- одатлари ўзига ҳослиги билан ажralиб туради.

Оиланинг икки муқаддас устуни бор. Бири- ота, иккинчиси- она. Ана шу икки устун оила қасрини мустаҳкам ушлаб туради.

Алишер Навоий ушбу мисраларда ота- она ҳурматини ниҳоятда улуғлаганлар:

Бошни фидо қилғил ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига,
Тун кунига айлагил нурпош
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.

Ота- оила подшосидир. Оилани уй- жой, озиқ- овқат, кийим- кечак билан таъминлаш, тинч турмуш кечиришни сақлаш отанинг зиммасида. Қолаверса оиланинг бош тарбиячиси ҳамдир. Шу сабаб оила бошлиғи тинмай меҳнат қиласи, азият чекади, югуради- элади.

Оилада вояга этаётган ўғил- қизларга отанинг донолиги, меҳнатсеварлиги, юмшоқ кўнгиллилиги,adolatлиги, ўзидан катта-ю кичикка муносабати чукур таъсир кўрсатади. Ҳар бир фарзанд отадан ўрнак олишга, унга ўҳшаган инсон бўлишга ҳаракат қиласи. Ҳатто ёш болалар ўз дадаси қилган яҳши амалларни сўзлаб мақтанишни яҳши кўрадилар. Ота қандай лавозимда ишлашидан қаътий назар уйда, кекса ота- онаси, хотини ва ўғил қизларига камтарлик билан ҳушмуомалада бўлиши лозим. Керак бўлганда кечиримли, мард, кўнгилчан ҳам бўлиши зарур.

Оиладаги этишмовчиликлар, турмуш икр- чикирлари, оила аъзолари ва фарзандлар ўртасидаги низоли зиддиятлар ота- ва она руҳиятига таъсир қилиб, оқибатида жанжал, келишмовчиликлар содир бўлади. Шунда ҳар қандай масалани ҳам ота- босиқлик, вазминлик билан ҳал этиши фойдаидир.

Ҳар бир ота- фарзанд тарбияси учун маъсулдир. Ҳалқимизда "Ота рози- худо рози" деган нақл бор.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар:

"Кимки ота- онасининг розилигини олган бўлса унга қандай яҳши! Тангри унинг умрини узайтиради"

Аҳмад Донишнинг ушбу мисраларида ҳам отага яҳшилик қилиш ҳамда оқибати баён килинади:

Сен отангга ҳар на қилдинг яҳшилик,
Кут болангдан яҳшиликка яҳшилик.

Дунёга машҳур олиму фузалолар, шоиру ёзувчилар, миллий қаҳрамонлар давлат арбоблари не- не таниқли инсонларни тарбиялаб эл ҳизматига йўлланган ота- оналар бор. Улар миллат фаҳридир.

Афсуски фарзанд тарбияси билан заррача қизиқмайдиган топганини ҳаром- ҳаришга, майшаттага, ичкиликка сарф қиласидиган, оталик номига дў келтириб шармандаю шармисор бўлиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Ана шулар касрига ҳар йили оиласидай ажралишлар содир бўлмоқда.

Она оиланинг иккинчи устунидир. Яҳши тарбия кўрган, ақлли, доно фаросатли, меҳнатсевар, имон- эътиқодли аёллар оила фаҳридир. Ундай оналарнинг ширин муомиласи, билимдонлиги, тадбиркорлиги, олижаноблиги фазилатлари аста- секин ўғил- қизларга ўтади. Негаки "Куш уясида кўрганини қиласи" деб бежиз айтишмаган.

Табаррук оналарга иззат- эҳтиром ҳалқимизга ҳос фазилатdir. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам фаҳр билан "Жаннат оналар ойёи остидадир". "Яҳшиликни дастлаб онага, сўнгра отага қилинг" деб айтганлар.

Оналар ҳақида юзлаб эртаклар, ҳикматлар сўзлар, мақоллар, шеър ва достонлар, ривоятлар битилган. Оналарни қанчалик таъриф қиласа шунча оз. Ҳар бир оқила она ўзи бир олам. Унинг орзу - умидлари, дарду- ҳасрати, қувонч ва ташвишларини битиш мушкул.

Қуръони Каримнинг "Нисо" сурасида хотин- қизларнинг ахлоқ- одоби, оила, жамият олдиғаги бурчи, фарзанд тарбияси, масалалари аниқ, ифода этилганки, оллоҳ аёлларни нақадар улуғлаганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ушбу сурада эр- хотин ўртасидаги муносабатлар, бир- бирлари олдиғаги ҳукуқ ва бурчлари, этим - эсирларнинг ҳақ- ҳукуклари, мерос ҳукмлари ҳам баён этилган.

2. Муҳаббат чин- инсоний фазилат. Дилбар ва нафис, ҳаётбахш ва оташин муҳаббат баҳтли ҳаёт, бебаҳо ёшликтининг ширин мевасидир. Ҳар бир инсондаги энг яҳши, ёқимли, қудратли фазилатлар бунёдкори, ҳамиша олдинга қарашга, эзгуликка чорловчи туйғу ҳам севги, муҳаббатдир.

"Севганингда, ўзингда шу қадар нафосат мулкини, шунчалик майинлик, меҳрибонлик туйғусини кашф этсанки, баъзида ҳатто ўзинг ҳам шунчалик сева олишга қодирлигинга ишона олмай қоласан", - деган эди киши қалбини ғоят нозик тушунадиган ёзувчи А.П. Чехов.

Йигит ва қизларнинг бир- бирига нисбатан бўлган ўзаро хурмати, иноқлиги, дўстлиги, ёнма- ён юришдан хузур қилиши заминида икки томонда ҳам тенг туғуладиган севги, муҳаббат инсоннинг барча ҳис- туйғулари ичидағи энг сехрли, ниҳоятда олижаноб, сержозиба туйғудир. Қолаверса, бу туйғу келгуси ҳаётнинг баҳтиёр дамлари ҳақидаги режалар ва рўёбга чиқажак орзулар манбаи, жасорат қалити ва баҳт юлдузи ҳамдир.

Бу гўзал, қайноқ, ардоқли, улуғвор туйғулар, йиллар, асрлар, даврлар оша буюк алломалар, мутафаккирлар адабиёт ва санъат намоёндалари томонидан маҳорат билан инкишоф этилиб келинаётгани инсоният тириқдирким авж пардадан тушмаслиги ҳам аниқ.

Афлотун, Цицерон, Лопе де Вега, М. Сервантес, А. Навоий, А. Жомий, Бобур, Петрарка, Фузулий, В. Шекспир, А. Пушкин, А. Толстой, Ҳамза, А. Қодирий, С. Айний, Ойбек ва бошқаларнинг асарларида куйланган севги унинг чин инсоний фазилат эканини кўрсатибгина қолмай, бу буюк туйғуни ардоқлашга ҳам даъват этади, авлодларни ҳаяжонга солади. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Ғоғир ва Жамила, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Ряньо, Йўлчи ва Гулнорнинг ҳаёти, кураши ва тақдири қайси бир қалбни ларзага солмаган? Нима учун кишилар ўзлари ошиқ ва маъшуқа бўлган дамлардагина эмас, қайси ёшда бўлишидан қаъти назар дили покликка, эзгуликка чанқоқ бўлган дамларда ҳам ана шу асарларни қайта- қайта кўлга оладилар, тунлари бедор ўқийдилар? Нима учун шу қаҳрамонларнинг ҳаёти, севги муҳаббати, бир- бирига инсоний вафоси, садоқати ёшларга ҳамиша ўрнак?

Шу саволларни ўзига ўзи қайта- қайта бермаган кишилар топилармикин?

Классик шеъриятимиз маликаси Нодирахонимнинг ушбу мисралари шу саволларга жавоб эмасми?

Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт,
Куйиб, эй Нодира олам элига,
Муҳаббат ишвасин ошкор эт.

Низомий Самарқандийнинг "Ноёб тўпламлар" асарида шундай бир воқеа ҳикоя қилинади: Қобус подшонинг жияни ўир дардга чалинади. Ҳатто бошқа мамлакатлардан таклиф қилинган табиблар ҳам бу ёш йигит дардига малҳам топа олмайдилар. Ниҳоят, бемор ёнига Абу Али Ибн Синони олиб келишади. Эндиғина ўн саккиз баҳорни қаршилаётган ниҳоятда гўзал йигитнинг куч ва қувватидан қолганлиги, ҳолсизлиги ва ички туйғуларини сир тутаётганлигини сезган Ибн Сино йигит томирини ушлуб туриб, унинг қайси шаҳарда туғулиб катта бўлганлигини, шу шаҳар даҳалари, маҳаллалари, қўчаларини номма- ном айтиб беришини илтимос қиласди. Йигит табиб иродасини бажаргач, табиб тилга олинган қўчалардан биридагина барча ҳонадон ва унинг аъзоларини бир- бир санаш жоизлигини айтади. санаб ўтилаётган орасида бир сохибжамол қизнинг исми тилга олингандан, бемор йигитнинг юзига қизиллик югуриб, юмуқ кўзларини аста очади. Бемор йигитнинг томиридан бармўини олмаган Ибн Сино мулојим кулиб:

- йигитнинг дарди ошиқлик. Ўшал қиз билан бўлажак висол дарднинг давосидир. Тўй-томуша ҳаракатини бошлаш лозим,- дейди.

Баъзилар ҳозир ҳақиқий муҳаббат йўқ, у ўзининг ҳақиқий маъносини йўқотди, дея кўп гапирадилар. Бунга мисол қилиб бир- икки йил дўстлашиб, турмуш куриб, ҳатто фарзандли бўлганда ажralиб кетаётган ёшларни кўрсатадилар. Инсоний севги, оила, фарзанд олдидағи ўз бурчини унугаётган ёшлар йўқ эмас. Севги ўзинг меҳр қўйган кишиингнинг ҳаёти, орзу-ҳаваси билан яшаш демакдир. Бир- бирини тушуниш, хурмат қилиш, эъзозлаш асосдагина бу туйғу чуқур илдиз отади. Муҳаббат фидойилик ва садоқатдан озиқ олади. гарчи бу туйғу ифодаси учун бир ҳил сўзлар ишлатадиган бўлсак-да, муҳаббатни ҳар бир қалб ўзича кашф этадики, ҳеч қайсиси бир- бирини такрорламайди. Ҳар бир инсон муҳаббатнинг ўзига ҳос қувончи, шодлиги, баҳти, таровати, айни пайтда ташвиши, ғами, ҳижронини бошидан кечиради.

Севги кирган қалб покланади дейдилар. Чинакам севги йигит қалбига Алпомишу Рустамдек куч, Гўрўғлию Фарҳоддек жасорат, Юсуфу Отабекдек кўркамлик баҳш этади. Ана шундай гўзал фазилатлар эгаси бўлишни балўатга этган қайси йигит ва қиз орзу

қилмайди? Лайлию Ширин, Барчинойю Кумуш, Раъною Жамилаларнинг ўз севгисига садоқати, вафоси, шу йўлда жон фидо қилишга тайёрги қизларимиз учун ҳамиша маёқдир.

Севги- ахлоқий ҳиссиёт бўлиб, ҳар бир инсон камолатида ижобий роль ўйнайди. Ошиқ йигит ва маъшуқа қиз ўзида инсоний фазилатлар чуқурроқ илдиз отишини орзу қиласди. Ўзини янада гўзал, баркамол, хушмуомала, камтар, мард, сахий, очиқ кўнгил қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди.

Севгининг ижтимоий аҳамияти ҳам шундадир. Бундай севги заминида ўз идеалидаги киши билан оила қуриш ва ўзидан авлод қолдириш мақсади ётади, ошиқ ва маъшуқалар ўртасидаги инсоний муносабатлар чуқурлашиб, ўзаро хурмат, эъзоз, меҳрибонлик, фидойилик фазилатлари мустаҳкамланиб боради.

Оилавий муҳит. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, оила аъзоларининг ахлоқийлик даражаси ундаги муҳитга боғлик. Қайси оилада соғлом муҳит, хукм сурса, унинг равнаки, баҳтлилиги таъминланган бўлади. Соғлом муҳит деганда биз фақат оиладаги инсонправарлик, ватанпарварлик, зиёлилик, ҳалоллик, ростгўйлик каби тамоийллар ва меъёрларга амал қилинишинигина эмас, балки унинг эскича анъанавийлик ёки янгича замонавийлигини ҳам тушунишимиз лозим. Зеро айнан ана шу икки хил турмуш тарзи оила келажаги билан боғлик.

Эскича анъанавий оила кийинишида, еб - ичишда касбу корда замонавий оиладан фарқ қилмайди. У ҳам ҳалол, ҳамма қатори замонавий шароитда яшайди. Фақат у ўзининг «ўзбекчилиги, аждодларининг анъанавий маънавий қадриятларини «унутмагани» билан фахрланади. Ҳамма гап шундаки, бундай оила учун асосий кучи ва имкониятларида ана шу фахрланиш ҳиссига эришиш учун фойдаланади: анъанавий ўзбекона тўй кечасида никоҳ базмида артистларга «гаплашилган» ва «қистирилган» миллионлар ҳисобига бемалол битта болалар боғчаси қурса бўлади. Айниқса оғзини қимирлатиб туриш билан (фонограмма орқали) ҳаром пул топаётган «артист»ларнинг қудагайларни (аёл қудаларни) рақсга тушишига даъват қилишини бориб турган одобсизлик: ортиқча пул йиғиб бериш учун бечора қайноналар янги келин ва куёв олдида ўйинга тушадилар. Анъанавий тўйлар исрофгарчилик намунаси, муайян маънода ахлоқсизнинг бир кўиринига айланиб кетганини тан олиш керак. «Борда» - ку «бор» «йўқлар» ҳам шундай қилишга интиладилар. «Эшак эшақдан қолса қулоғини кесади» қабилидаги тўй учун кўп ҳолларда неча йилар давомида яхши емай, киймай, қуруқ нон - чой билан кун ўтказиб яшаш керак бўлди. Бундай «орзу - ҳавас»ларнинг тагида ё одамлар нима дер экан деган кўрув ёки мақтаниш, кибр, бировларга ўзини кўз-кўз қилиш каби иллатлар ётади. Энг ёмони шундаки, бундай оилада соғлом муҳит қарор топмайди, дастурхон устида, бўш вақтларда болалардан «қутилиб олиш» учун кўпроқ пул топиш ҳақида тинмай сўзланадиган, фалончининг тўйи мундоғ ўтибди, у ундан қилибди, бу бундай қилибди, деган майда гапалардан нари ўтилмайдиган бўлиб қолади, ахлоқий идеаллар хиралашади, эстетик дид ўтмаслашади, ижтимоий маънавий интилишлар ниҳоят даражада суистлашади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони ҳам бундан яхши эмас: оилада тотувлик йўқолади, эр ва хотин ўртасида моддий етишмовчиликлар, «сандиқ тўлмаётгани» ва х. Борасида тез-тез айтишишлар, таъна - дашномлар, жанжаллар бўлиб туради, баъзан улар катта оилавий можароларга ҳам айланиб кетади. Бундай эскича - «анъанавий оиладаги муҳит атрофдаги бошқа оилаларга ҳам салбий таъсир кўрсатади, жамиятнинг заиф, маънавий савиғи паст ҳалқаси сифатида миллат тарбиясини маълум маънода бузади. Айни пайтда ўз аъзоларининг ҳам «гап-сўздан» қўрқадиган, мақтанчоқ ижтимоий-сиёсий «саводсиз», умрини қундалик майда ташвишлар билан ўтказадиган одамлар бўлиб қолишларига олиб келади.

Янгича замонавий оиладаги муҳит эса бунинг акси: тўй - маъракаларда энг ёмон иллат бўлмиш исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Уларга кетадиган ортиқча сарф-харажатлар имкони борича қисқартирилиб, асосий маблағ оиланинг фаравонлигини, интелектуал ва майший даражасини юксалтиришга йўналтирилади. Бундай оилада тотувлик, хотиржамлик қарор топади, дастурхон устидага сухбатлар янги китоблар, фильмлар, ижтимоий-сиёсий янгиликлар, инернет хабарлари устида боради, дам олиш масканларига бориш режалари тузилади; асосий хатти – ҳаракат фарзандларнинг олий маълумотли бўлишига, замонавий

касбий маҳоратни эгаллашига, уларни ҳалқ ва Ватан фаҳрланадиган шахслар бўлиб етишишларига қартилади.

Агар эскича-анъанавий оилавий муҳит Ўзбекистонда эркин демократик фуқаролик жамияти қурилишига тўсқинлик қиласа, янги замонавий оила муҳити унинг тезроқ рўёбга чиқиши учун муҳим оимл бўлиб хизмат қиласи.

Шундай қилиб фуқаролик жамияти муайян ҳалқ учун жам бўлиб, жамоат тарзида яшашнинг энг олий шакли ҳисобланади ва носиёсий бўлган барча муносабатларни ўз ичига олади. Унда шахс эркинлиги, индивиднинг «очилиши» ихтиёрий тарзда тузилган фуқаролар уюшмалари ташкилотлари ва бирлашмалри доирасида ўзини намоён қиласи. иқтисодий, диний, маънавий, ахлоқий эстетик миллий оилавий ва бошқа муносабатлар давлат идораларининг аралашувисиз ўз ўзини бошқариш асосида амалга оширилади.

Оилавий мулк, фарзанд тарбияси ва оиланинг тарқалиши. Оиланинг яна бир жиҳати - унинг ўз мулкига эгалиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни унинг ташки кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани одатда эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулк-ка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Юқорида айтганимиздек, никоҳ эзгу мақсадга йўналтирилган, зиммасига зурриёт қолдиришдек юксак масъулият юклangan, ахлоқ билан чегараланган қўшилув, бирлашув; бу бирлашувдан мақсад - хаётда ўзларидан яхшироқ, мукаммалроқ бўлган, ўзлари эришолмаган орзуларни рўёбга чиқарадиган одам нусхаларини яратиш. Бундай одамлар фарзандлардир. Шу муносабат билан Шиммел хоним ўзининг аввалги бобларда тилга олинган китобида баъзи мутасавифлар учун умумийлик табиатига эга бўлган қизиқ бир фикрни келтиради: «Баъзи сўфий-теософик оқимларнинг тарафдорларида маҳсулот берадиган ҳар бир хатти-ҳаракатни «никоҳ» деб аташга мойиллик бор. Уларнинг фикрича, пўлат билан чақмоқтош бирлашса, бу никоҳдан янада етукроқ фарзанд, яъни олов дунёга келади. Эркаклик ва аёллик унсурларининг бирлашуви ҳаётни янада юқорироқ погонага чиқарувчи омилдир».⁵⁸

Шу боис оилада боланинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфти ҳалолини, она эса севимли эрини кўради: болада эр-хотиннинг муҳаббати предметлашади, жонланади. Бола - оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсунишлари лозим. Лекин бу интизом эркин ўсиб келаётган гўдакни қулликка ўргатиш эмас, балки болаларга хос эркантантиқлик, ўзбошимчалик сингари салбий хусусиятларни йўқотишга хизмат қилиши керак. Ота-онага бўйсунишдан бош тортишга йўл қўйиш боланинг келажакда қўпол, бадхулк, нокамтарин бўлиб етишувига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоги сифатида катта аҳамиятга эга.

Оила тарқалиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Бири - оиланинг ахлоқийлик нуқтаи назаридан тарқалиши.. Бунда болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оиласа асос бўлишлари - ўғил болаларнинг уйлантирилиши, кизларнинг эрга берилиши назарда тутилади. Уйлантирилган ўғилларга ҳам, эрга берилган кизларга ҳам янги оила қуриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтоҷлиқдан саклаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзғор ашёлари ажратилади.

Шунингдек, оиланинг табиий тарқалиши ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос тарзида бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила тарқалиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила тарқалади. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан, суд, ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила

⁵⁸ Шиммел А. Жоним менинг жонимда, 44 – 45-6.

тарқалишига қарши курашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамиятнинг ахлоқий жиҳатдан такомиллашиб бораётганини англатади.

Мустақиллик туфайли ўзбек ҳалқи ўзлигини англай бошлади. Қадимий ва бой оиласи үрф- одатларимиз, қадриятларимиз тикланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конститусиясининг ИИИ бўлим, ХИЙ боби "Оила" деб номланиб, 63-66 моддалар оиласи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалардир. 46- моддада хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқлиги кўрсатилган.

Конститусиянинг 63- моддасида шундай дейилади: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга".

Шу модданинг иккинчи қисмида никоҳдан ўтишнинг ихтиёрилиги кўрсатилган: Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва teng ҳуқуқлигига асосланади".

Ўзбек ҳалқи қадимдан никоҳ ва оила қуришга катта аҳамият берган. Чунки никоҳ инсоний покликка, насл тозалигига, оила муҳсатҳкамлигига гаровдир. Мамлакатимизда никоҳдан ўтиш йилдан йилга кўпайиб бораётганлиги, оиласи ажралишлар эса бошқа давлат ҳалқларига нисбатан, дунё бўйича энг паст эканлигидан қувонишга ҳақлимиз.

Конститусиянинг 64- моддасига биноан ота- оналар ўз фарзандларини вояга этгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Вояга этмаган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ўз ота- оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга маънавий ва моддий ёрдам беришга мажбурликлари кўрсатилган.

Олий Мажлис томонидан 1998 йилда қабул қилинган "Оила" кодекси ҳалқаро нормаларга жавоб берадиган тарихий ҳужжат бўлиб, унда умуминсоний қадриятлар ва миллий үрф- одатлар, анъаналар ўз ифодасини топган. Президентимиз И. Каримов томонидан 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили" деб аталиши заминида ҳам чукур маъно борлиги ўз- ўзидан аёндир. Ана шу йиллар оиласи ҳуқуқий муносабатларни яҳшилаш, кам таъминланган оиласи ҳимоя қилиш, пенсиялар, ногиронлар, болаларга ҳар томонлама ёрдам бериш борасида кўп ҳайрли ишлар амалга оширилди.

Республика "Оила маркази" ҳам оиласи ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Яҳши оила ажойиб бир бўстондир. Унда дунёга келган ҳар бир ёш гўдак меҳр- оқибат, иймон- эътиқод, ҳалоллик- поклик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, эл- юрт учун фидоийлик булўидан баҳраманд бўлиб вояга этади. Яҳши ота- она тарбиясини кўрган ўғил- қиз биринчи навбатда ўз ота- онаси ва оила аъзоларига, қолаверса барча инсонларга меҳр- муҳаббатли бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Никоҳнинг ахлоқий моҳияти нимада?
2. Фарзанд тарбиясида ота- онанинг ўрни қандай?
3. Ахлоқий тарбия нима?
4. Севги, муҳаббатга изоҳ беринг?
5. Ахлоқий тамойилларнинг ўзига ҳос ҳислатлари нимада?
6. Ахлоқнинг мезоний тушунчаларини шарҳланг?
7. Мезоний тушунчаларнинг инсон камолатига таъсири қандай?

15-МАВЗУ. АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР.

РЕЖА:

- 1. Муомала одоби**
- 2. Этикет**
- 3. Қасбий одоб**
- 4. Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари.**

Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини унинг фуқаролари ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошка одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зоро, ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Муомала одоби. Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири - муомала одоби. У, моҳиятан, ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмана яшashi мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, қайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг накадар қувонишига ҳам сабаб ана шунда.

Муомала одоби бошка кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажralиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, сухбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинаханлилик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеълилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қиласди.

Дарҳақиқат, муомала одобида мулоқотнинг асосий бўлмиш тил катта аҳамиятга эга. зеро одамлар бир-бирларини тил орқали тушунадилар. тил воситасида ўз фикрини ўзгага етказиш маълум маънода санъат. Зарур сўзни топиши, муайян ҳолатта мос келадиган ифодавий воситаларни қўллаш, фикрни жумлавий жиҳатдан тўғри ифодалаш, аниқ, босиқ, салобат билан сўзлаш ҳамсuxбатингиз ёки тингловчининг дикқатини тортишда муҳим роль ўйнайди, сўзловчининг нутқ маданияти даражасини кўтаради. Муомала одобида тилнинг соғлиги масаласи ҳам муҳим. тил соғлиги бузилишининг асосий уч хил кўриниши мавжуд: биринчиси-бир тилда сўзлашаётib иккинчи тилга ўтиб кетиш, тўғрироғи бирваракай «икки тилда» сўзлашиш, мисол қилиб, икки талабанинг сўзлашаётганда ўзбек тилида рус тилига, рус тилидан ўзбекчага мунтазам ўтиб туришини олиш мумкин, бу баъзилари учун одатий хол бўлиб қолган. Иккинчиси-бир тилда сўзлашаётib иккинчи тилдаги сўзларни айниқса жаргонларни ишлатиш м., «Давом», «короге», «кури» в.х. Тил. соғлигининг учинчи бузилиши эса бир тилда сўзлашган ҳолда ўша тилдаги «паразит» сўзларни қўллашда кўринади. М., «анақа» «холигиндай» в.х. Муомаладаги бундай тил соғлигининг бузилишлари ҳамсuxбатларга билинмаса ҳам, четдан қузатган одамга ниҳоятда хунук кўринади.

Муомага одобига «сиз» ва «сен»нинг ўз ўрнида қўлланилиши ҳам аҳамиятга эга. Хусусан, учинчи шахс ота-она, ака-опа ёки бошка ёши катта одамлар бўлганида уларга нисбан бирликдаги у олмошини эмас, ҳурматни англатувчи «улар» ёки «у киши» шаклини қўллаш одобдан: М., «Отам шундай деди» эмас, «Отам шундай дедилар», «У киши шуни ҳоҳляяптилар» в.х.

Сухбат пайтида тинимсиз ҳаракатда бўлиб туриш, қўлни пахса қилиб гапириш ёки сухбатдошининг ёшини назарга олмай, уни оёқни чалкаштириб ўтирган ҳолда тинглаш, бирор жон куйдириб сўзлаётганда эснаш в.б. шунга ўхшаш ҳолатлар ҳам муомаладаги одобизликни билдиради.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси», бу - инсоний қараш, нигоҳ, сўзсиз - новербал ҳаракатлар. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, кўл ҳаракатларида унинг қай сабабларданdir тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, сухбатдошининг гапини охиригача эшитмай, кўл силтаб кетиш - муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишининг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсири кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан: «Оббо шоввоз-эй, сал шошилибсан-да, ха, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан: «Яна ишни расво қилибсанку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси - шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насиҳат қилмасдан ва одоб ўргатмасдан бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан. Бунда ота-онанинг, маҳалла-кўйининг таъсири катта. Ундан фойдалана билиш керак. Зеро, ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Этикет. Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар қўринишидан бири, бу - этикет. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашса, яъни бир ҳолатда бир неча хил муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, ҳалқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва х.к. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз. Президентимиз Ислом Каримовга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, ҳалқаро миқёсда ўрнатилган қоида хукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дас-турхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади - уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикетнинг бундай замонавий қўринишлари билан бирга, шундай миллий-анъанавий шакллари ҳам борки, уларсиз миллат маданий ҳаётининг тасаввур қилиш қийин. Масалан, саломлашиш одобини олиб кўрайлик. Этикетнинг бу турига кўра, кўчадан ўтиб кетаётган одам, кўча бўйида ўтирганлар ёки турганларга салом бериши керак, салом берганда ўнг қўл чап кўкракда, юракнинг устида туриши, бош эса енгил таъзимга эгилиши лозим. Кўришиш этикетида эса қўлнинг учини бериб саломлашиш қўришаётган одамга нисбатан гинахонлик, хафагарчиликни билдиради - одобдан эмас. Кўришганда ёш ёки марта ба нуқтаи назаридан катта киши биринчи бўлиб қўл узатиши лозим; аёллар билан кўришганда ҳам эркак киши томондан шундай этикет қоидаси бажарилмоғи талаб қилинади.

Миллий менталитетда маросимлар этикети, айниқса катта аҳамиятга эга. Тўй маросимида, хусусан, қиз билан ота-онанинг ҳайрлашуви, никоҳ кечасига кириб келишда кўёвнинг келинни чап томонда тутиб, тўйхонага бошлаб кириши в.ҳ. этикет қонун-қоидалари тўлиқ бажарилиши лозим. Ёки аза маросимида фотиҳага келган одамларни миллий тўн ва дўппи кийган, белбоғ боғлаган ҳолда, қўл қовиштириб, бошни бир бу қуйи тутган тарзда кутиб олиш қатъий қоидага асосланади. Булар, бир қараашда, этикетнинг миллий ёки касбий удум, одат, расм-руслардан фпарки йўқ экан, деган таасурот қолдириши мумкин. Бу юзаки, ёлғон таассурот. Чунки удум, одат, расм-руслар муайян даражада

эркинликка эга, баъзан уларни бажармаслик ҳам мумкин. Лкин этикетда бунинг имкони йўқ – этикет қонун-қоидалари мажбурийлик табиатига эга.

Этикетнинг яна бир алоҳида жиҳати бор: унда одоб билан гўзалликнинг уйғунлигини кўришимиз мумкин, қатъий одоб қонун-қоидалари чиройли хатти-ҳаракатлар воситасида амалга оширилади. Демак, этикет эстетика билан ҳам боғлиқ, аникроғи, ўзни тутиш эстетикаси талабларига жавоб беради.

Шундай қилиб, этикет - такаллуфнинг майдо-чўйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз бирор ёққа шошилиб, дарвозадан чиқдингиз, дейлик. Рўпарангизда танишингиз ёки қўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, сўнг шарқона этикетга риоя қилиб уни: «Қани уйга кирамиз, чой қиламиз, бир ҳангомалашамиз», деб ичкарига таклиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашганда кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтасиз, хунук эшитилса ҳам на чора - мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб-қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқлика, мулойимликка ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Касбий одоб. Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири; унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждан юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ходимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунида бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч, илинж билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилса-чи, яъни, уни қасддан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлади? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг баъзи бир муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зоро, то ҳақиқат юзага чиққунча ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлади?

Шу боис бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалиқ, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суиистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қадимги Юонон ҳакими Ҳиппократ (милодгача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоби қонун-қоидалари жамланган машхур «Ҳиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Чунончи, қадимги хинд эпоси «Рамаяна»да (II аср) бехуш ётган Лакшман бошида турган девлар шохининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири - салтанат душманини муҳтоҷ бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадан сўнг табиблик одоби қоидаларига бўйсунишни - Лакшманни даволашни афзал кўради. Зоро, касбий одоб қонун-қоидалари талабига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатга муҳтоҷ, заиф инсон ётади. Даволаниб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиахди Индиржидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин, китобхон табибни хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасоратига, ҳалоллигига, касбий бурчига содиклигига ҳайрат билан тасаннолар ўқиди.

Ёки машҳур рус олими академик Андрей Сахаровнинг тақдирини олайлик. Буюк назариётчи, физик, термоядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчisi, Ватан мудофаасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони, обрўли, бадавлат бу инсонга нима етишмасди? Нега у ҳаммасидан кешишга - оммавий қирғин қуроллари, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синовларига очиқ баёнотлар билан қарши чишишга аҳд қилди? Натижада қатағонларга асосланган шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисдаги Россия шаҳарларидан бирига бадарға қилди, унинг номини матбуотда ёки китобларда қайд этилишини тақиқлади. Ваҳоланки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Сахаров юксак ахлоқ йўлини танлади - олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд қўйди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳуқуқи бўлмиш - яшаш ҳуқуқига раҳна солиши мумкинлиги ва қисман солаётгани учун уни амалда қўлланилишига қарши курашди. У шўролар ҳукумати ва мафкурачилари томонидан ўзининг Ватан мудофааси қувватини сусайтиришга ҳаракат қилган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этилишига, бошига беҳисоб тухматлар, таънадашномлар ёғдирилишига сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъдодининг қўғирчоқ бўлишига, ҳарбий мурватга айланишига йўл қўймади. Охир-оқибатда у инсон ҳукуқларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазовор бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Булардан ташқари, муаллимлик одоби, ҳуқук-тартибот ходимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шуни айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нұқталарга тўхталайлик. Раҳбар қуий лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча қарashi одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, нафакат раҳбарлик касбига, балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобнинг касбий ахлоқ деб аталиши ҳам ана шундан.

Раҳбарликнинг ахлоқий жиҳатлари, раҳбар борасида Ислом Каримовнинг мана бу фикрлари бағоят ибратлидир: «Оддий одамларнинг раҳбарларга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади... Ҳақиқий раҳбар одамларнинг қўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратишга даъват этади»⁵⁹.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш,

⁵⁹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ъз қўнимиз билан қурамиз. Т., Йзбекистон, 1999, 77-б.

касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш XXI аср ахлоқшунослигига мухим ўрин эгаллажак. Зеро, касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади.

Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки мухим масалага жавоб излади: булардан бири - қандай яшамоқ керак, иккинчиси - нима қилмоғ-у, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маъноси, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак дегани. Зеро, куш инида кўрганини қилади: ота-она оиласда юксак ахлоқ намунасини кўрсатиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ахлоқийлик инсонда фақат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари қўп йиллар мобайнида хукмронлик қилиб келди. Тўғри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларидан энг мухими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат -асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз. Акс ҳолда маймун ва итлардан ҳам ахлоқий мавжудот тарбиялаб етказишимиз мумкин бўлур эди.

Шундай қилиб, ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларидан бири. Унинг воситалари қўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда бола қизғанчиқлик, фирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, кўғирчоқ театри, кино санъати катта рол ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси - санъат. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг бадијадебиёт тури кенг қамровли. Эртакдан тортиб романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат қўрсатадилар. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадијадебиётниг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоятлар, ривоятлар ва насиҳатлар мажмуналари борки, биз уларни, аввал айтганимиздек, пандномалар деб атаемиз: «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан бўён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келди, бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли, бу - намунавийлик тамойили. Оиласда, аввало, юкорида айтилганидек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактабда ва олий ўқув юртида муаллимларнинг таълим бериш усулларидан тортиб, то «майда-чуйда» хатти-харакатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбияси шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унда маҳсус ахлоқий тарбияга бағишлиланган мунтазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек тилидаги «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қачон енгилтаклики тарғиб этувчи кўшиқлар, салкам

порнографик рекламалар, инсон қалбини қаттиқлаштирадиган «ўлдир-ўлдир»лардан иборат видеофильм-лар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча хуқуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилганди.

16-МАВЗУ. ЭСТЕТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Эстетика фанини ўқитишнинг аҳамияти.
2. Инсон эстетик тафаккурини шакллантириш омиллари.
3. Исломда гўзалик тушунчаси талқини
4. Ўрта Осиё мутафаккирларининг бадиий эстетик қарашлари.

Эстетика фани ўқитишнинг аҳамияти. Инсон онги, тафаккурининг шаклланиши, ахлоқ- одобининг такомиллашиб бориши оила, мактаб, маҳалла ва ўқув юртларида олиб бориладиган таълим – тарбия орқали мужассамлашади. Тарбиянинг барча шакллари каби эстетик тарбия ҳам инсон маънавий, ахлоқий, бадиий дунёқарашининг ўсишида муҳим ўрин тутади. Ҳар бир инсон ички олами, ҳис- туйғуларига, тасавурига, эътиқодига, ахлоқ-одобига, дунёқарашига таъсир ўтказиша эстетиканинг асосий воситалари ҳисобланмиш адабиёт ва санъатнинг аҳамияти каттадир. Демак, эстетик тарбия шахснинг шаклланишига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Энг аввало санъат асарини идрок этиш тажрибаси ижодий образли тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради. Мураккаб ва такрорланмас воқеа ҳисобланган бадиий асар нозик ҳаёлий боғланишларни шакллантиради, тафаккурни бойитади ва чуқурлаштиради, ҳиссиётни ҳамда уни оғзаки ёки бошқа шаклда ифодалаш қобилиятини чуқурлаштиради.

Сўз, айниқса шоирона сўз ҳиссиёти, тасаввур ва ҳаёл такомиллашади, ҳаётга ижодий муносабатда бўлиш, ўзининг ғоялари, туйғуларини бирор бадиий восита орқали ифодалаш қобилиятини чуқурлаштиради.

Бадиий асарга ҳаётнинг индивидуал – психологик ва ғоявий – бадиий хусусиятлари билан такороланмас образли тасвири деб қаралса, идрокнинг ҳиссийлиги шахснинг хусусияти сифатида сақланади ва мустаҳкамланади. Асардаги гўзаликни идрок этувчи киши аввало, қаҳрамонлар билан бирга фикр юритади ва бирга яшайди, баъзиларнинг нуқтаи назарига айланиб, бошқаларни айблайди, асарнинг ўзидан, унинг услубидан, тили, ҳаётий, ишончли воқеалар тасвиридан лаззатланади. Асардаги образли – бадиийлик ва интеллектуаллик ҳар бир инсонда худди ёқимли, дилрабо куй ёки қўшиқ тинглаётган, ажойиб расм ёки ҳайкални томоша қилаётган кишидаги сингари ҳиссиётлар, тасаввур ва фикр мулоҳазаларнинг мажмуасини вужудга келтиради.

Ўз- ўзидан маълум бўлмоқдаки ёшларнинг адабиёт ва санъат асарларини севиши уларни идрок этиш, баҳолаш, дидини ўстириш эстетик тарбия орқали амалга ошади.

Санъат, табиат ва гўзалик элементлари мавжуд бўлган барча воқеалар эстетик бўлиши билан шахсда бадиий дид, эстетик идеал, эстетик туйғу, эстетик кечикма, гўзалик ва уйғунликни кўриш, ҳис қилиш ҳамда уларни баҳолаш қобилияти сингари алоҳида хусусиятлар, фазилатларни таркиб топтиради. Эстетик билишнинг ҳамма кўринишлари қанчалик ривожланмасин, у охири чегара бўла олмайди, балки улар инсоннинг бутун ҳаёти давомида такомиллашиб боради. Богча, умумий таълим мактабларида эстетик тарбияга асос солинади. Болаларни санъатдаги, оламдаги гўзаликлар билан танишитириб, унда эстетик билишнинг ҳар қандай кўринишини ижодий идрок этиш қобилиятини ривожлантиради ва унга гўзалик ва хунуқликни фарқлай олишни ўртатади.

Эстетик тарбия олий ўқув юртларида ўзига хос тарзда олиб борилмоқда. Эстетика фани бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтилади, ҳар бир талаба маълум мавзулар бўйича реферат ёзади, маълум бир адабиёт санъат асарлари бўйича бахс мунозараларда қатнашади. Театр, музейларга ташриф буюради, шоир, ёзувчи ва санъат арбоблари билан

бўладиган учрашувларда, турли байрам концертларида, факултетлараро фестиваллар учун тайёрланган кўрик танловларда иштирок этади. Бир сўз билан айтганда назарий ва амалий машғулотлар талабалар эстетик дунёқарашнинг кенгайишида муҳим омил хисобланади.

Мустақил Ўзбекистонда ҳар бир ёш йигит - қизнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб камол топиши учун барча шароитлар яратилган. Ана шу жараёнда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Биринчидан, Мустақил Ўзбекистонда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий онглилиги тез ортиб бормоқда, фаоллиги, инсоний фазилатлари очиқ кўринмоқда, ижодий яратувчилик қобилияtlари, давр билан ҳамнафас яшаш хислатлари, ишлаб чиқариш борасидаги ихтиrolари ҳаётнинг олдида бораётганлигидан далолатdir.

Иккинчидан, Бозор иқтисоди шароити туфайли мамлакатимизда тараққий этган мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши сабабли замонавий техника ва технологиялар кириб келди. Жаҳон бозорида рақобатлашадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Учинчидан, эстетик маданиятнинг талаблари ҳалқимиз турмуши ва ҳаётининг барча жабҳаларига сингиб кетаётir. Қайта қурилган замонавий бозорлар, кафе, ошхоналар, шахсий савдо дўконлари, маданий- майший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг давр талаблари асосида жихозланиши барча – барчадан эстетик дунёқараш кенглигини талаб қилаётir.

Тўртинчидан, Ўзбекистон аграр мамлакат юртимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқда истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида қишлоқларимиз йилдан- йилга ободонлашиб бормоқда, турмуш маданияти ўсмоқда. Қишлоқда мулкдорлар, тадбиркорлар, фермерлар ташкил топди. Шахсий корхона, савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш шахобчалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш заводлари қурилди. Замон талаблари асосида боғча, мактаб, коллеж, касалхона, спорт иншоатлари бунёд этилди. Демак, эстетик тарбия қишлоқда ҳам ўз таъсирига эга бўлмоқда.

Бешинчидан: Эстетика ҳакида тушунча оммавий ахборот органлари, радио, телевидение, газета ва китоблар ҳалқимизнинг кундалик турмушига сингиб бормоқда. Бу албатта ҳалқимиз эстетик онгининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Эстетика – адабиёт ва санъатнинг (музика, рассомлик, хайкалтарошлиқ, кино, театр, рақс, цирк ва бошқаларнинг) моҳияти, келиб чиқиши ва тараққиёт қонуниятларининг воқеликка муносабати ва ижтимоий роли, бадиий ижодиёт шакллари ва услубларини ўргатадиган фандир.

Юонча «Эстезикос» сўзи «сезиши», «ҳис қилиш» маъноларини англатади. Ана шу сўз замирида майдонга келган «Эстетика» инсоннинг воқеликка, оламга, санъат асарларига бўлган муносабатини ифодаловчи фан сифатида дунёга келди. Бу фан узоқ йиллар «гўзаллик фалсафаси» деб юритилди.

Санъат, бир томондан, ижтимоий идеаллар асосида ҳаётни акс эттиради, иккинчи томондан, у ўз бадиий воситалари орқали бу идеалларни ҳаёт манзараларида, образларда мужассамлаштиради, бу билан у китобхонга, томошабинга идеални бутун равшанлиги билан кўришга имкон туғдиради, кишида гўзаллик ҳиссиётини амалга ошган идеалнинг улуғворлиги, гўзаллиги ва латофатига нисбатан завқ уйғотади. Санъат кишининг кўркамлиги ва маънавий гўзаллигини ҳам мужассамлаштира олади.

Гўзаллик ҳиссиётини эстетик ҳис деб юритилади. Эстетика шу ҳиссиётни ҳамда ҳаёт ва санъатда уни туғдирувчи фактларни ўрганади. Санъатнинг асосий вазифаларидан бири ҳам ҳаётни билиш ва уни таъсирлаш билан кишини тарбиялаш, унда эстетик ҳиссиёт туғдириш, яъни гўзалликни намойиш эттириш ва бунга эришиш йўлларини кўрсатиб беришдир.

Олмон файласуфи Александр Баумгартен (1717-1762йиллар) «Поэтик асарнинг баъзи бир масалалари тўғрисида фалсафий мулоҳазалар» номли китобида эстетикани фан сифатида қўллади. Аммо эстетика назарияси узоқ тарихга бориб тақалади.

Қадимги Миср, Бобил, Ҳитой, Ҳиндистон Эрон ва Турон мамлакатларида эрамиздан аввалги бир неча минг йиллар муқаддам эстетик таълимот майдонга келганлиги, ўша даврларда ҳам эстетик тарбияга катта эътибор берилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ҳар бир инсон оламдаги, воқеликдаги гўзалик ва хунукликин турлича тушунади. Шу сабабли кишиларнинг эстетик диди, қарашлари, таъсавурларининг, ўсишида эстетиканинг ўрни каттадир.

Эстетика – этика, фалсафа, дин, хукуқ фанлари билан ўзаро алоқада бўлган ҳолда воқеа – ҳодисаларни ҳаёллар, бадиий образлар, сюжет, композиция орқали тасвирлаши билан ажralиб туради.

Маънавий баркамол инсонлар эзгулик, гўзалик, қоидалари асосида яшашга, турмуш кечиришга, меҳнат қилишга ҳаракат қиласидар. Ҳар бир инсоннинг кундалик фаолияти борлиққа эстетик муносабати орқали намоён бўлади.

Ҳар бир инсоннинг гўзал бўлиб юришга интилиши, ярашган кийим кийиши, уй, ҳовли, кўча, ишхонани чиройли қилишга ҳаракат қилиши, демак унда гўзаликка, яхшиликка, эзгуликка бўлган ихлос, интилиш, эҳтиёжининг чуқурлигидан далолат беради. Зотан гўзалик, чиройлиликка ҳавас маънавий баркамоллик мезонидир.

Инсон эстетик тафаккурини шакллантириш омиллари. Инсон эстетик тафаккурининг шаклланиши – санъат ва воқеликдаги гўзалик, нафосат, яхшилик, эзгуликни ўзлаштириш, идрок этиш, тўғри баҳолаш орқали намоён бўлади. Лекин эстетик тарбия гўзалик олами билангина чекланиб қолмайди. У инсонда меҳнатга, атрофдаги дунёга ижодий муносабатини, келгусидаги ижтимоий идеалларга ишончни, жамият олдида ва унинг келажаги олдида маъсулиятини тарбиялайди. Ҳозирги кунда ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш учун оилада ва боғчада, сўнг мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари, маҳалла ва ишхоналарда уйғун олиб боришни давр тақозо қилмоқда.

Ҳамма даврда ҳам, ҳозирда ҳам тарбия энг муқаддас, улуғ, энг маъсулиятли ва шарафли иш бўлиб келган, шундай бўлиб қолади. Тарбияни асло кечиктириб бўлмайди. Тарбия орқали ёшлар онгидаги ғоявий бўшлиққа жой қолдирмай, ўз дунёқарашибизни сингдиранизм.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг XX аср бошларида айтган ушбу сўзлари ҳозирда ҳам баралла жаранглаб турибди: «Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир... Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсида чуқур ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур»

Болалик ва ўсмирлик инсон онги, дунёқарашибининг шаклланиши даври бўлиб, у асосан оила ва мактабдаги тарбия таъсирида улугаяди. Инсон ижодий куч ва қобилиятларнинг манбалари вужудга келадиган ва мустаҳкамланадиган худди ана шу даврда унинг маънавий ва ахлоқий эстетик эҳтиёжлари ривожланиши учун ҳамма шароитлар яратилиши, ҳис- туйғу ва ақл ривожланиши келажакдаги бутун фаолиятига асос солиши мумкин.

Адабиёт ва санъат асарлари шаклланиб келаётган шахсга катта ва ҳар томонлама чуқур таъсир кўрсатади. Оилада болаларгага эстетик тарбия беришининг энг яхши усули кичик-кичик эртаклар ўқиб бериш, улар тўғрисида бахс- мунозара юритишидир. Чунки, эртаклар ўғил - қизларда китобга меҳр уйғотади, дўстлик, ўртоқлик, меҳнатсеварлик, тўғри сўзлик, ҳақиқат учун курашиш хислатларини тарбиялайди.

Эстетик таълимотлар тарихидан. Эстетик таълимотлар, қарашлар, ғоялар, узоқ тарихга бориб тақалади. Олам, табиат, воқеликдаги гўзаликка муносабат, гўзаликнинг санъатда ифодаланиши, аҳамияти ҳақида жуда кўп китоблар, рисолалар битилган.

Илк эстетик таълимотлар қадимги Миср, Бобил, Месопотамия, Ҳитой, Ҳиндистон, Турон мамлакатларида майдонга келганлиги ҳақида тарихий маълумотлар кўп учрайди. Шундай экан қадимий Шарқ мамлакатлари ер юзида фалсафий, ахлоқий, диний, хукуқий, бадиий- эстетик таълимотлар ўчоги бўлган дея фахр билан айта оламиз.

Шарқ мамлакатлари халқлари томонидан бизга қолдирилган бой маънавий мерос хазинаси ниҳоятда ранг- баранглиги, мазмун – моҳияти чуқурлиги, тарбиявий аҳамияти юксаклиги билан ажаралиб туради. Чунончи, Микхат, финикия алифбоси, Ўрхун- Энасой

битиклари, Хоразм ёзувлари, Миср фиръавнлари мақбарасидан топилган асори- атиқалар, Амударё хазинаси, Доро1 расми солинган олтин тангалар, Бобил минораси, Хитой, Ҳиндистондаги сарой ва ибодатхоналар деворларига ишланган расмлар, ҳайкаллар, «Рамаяна», «Алпомиши»,»Махабхорат», «Манас», «Гўрўғли» каби юзлаб достонлар, эртаклар, қўшиқлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қадимги Шарқда қўёш бўлиб порлаган илм- фан маданият, адабиёт – санъат чироғи бир неча асарларидан сўнг ~арб мамлакатларида ҳам нур соча бошлади.

Қадимги юонон олимлари, файласуфлари, шоир- ёзувчилари, рассом ва ҳайкалтарошлари, қўшиқчи ва бастакорлари, спорт назариётчилари Шарқ маънавий меросини ижодий ўрганиб, ўз қарашлари, таълимотларини яратдилар.

Юонон файласуфи ва машҳур математик олими Пифагор (Эрамиздан аввалги VI-V асрлар) дастлаб эстетик таълимот ҳақида ўз фикр – мулоҳазаларини билдириб: «барча нарсаларнинг моҳиятини рақамлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади, коинот яхлитлигига ҳам рақам ақидаси ётади» деб ёзган эди.

Пифагор шогирдларининг гўзаллик ҳақидаги қарашлари, мусиқавий ҳамоҳанглиги асослари тўғрисидаги фикрлари эстетик таълимотлар тарихида ўз ўрнига эга.

Файласуф Гераклит Тёмний (эр.ав. 540-475 йиллар) «Табиат ҳақида» номли асарида «нафосат моддий дунёнинг ўзида мавжуд, нафосат ҳамоҳанглини англатади» деган фикрни илгари сурди. Унинг фикрича бутун олам, космос, ўзида меъёр, гармония, гўзалликни мужассам этган.

Демократик (эр.ав. 460-370 йиллар) эстетика ва санъат назарияси масалаларига бағишлиган «Поэзия ҳақида», «Ритм ва гармония тўғрисида», «Шеърлар нафосати ҳақида», «Кўшиқ тўғрисида», «Тасвирий санъат тўғрисида» каби асарлари билан эстетик таълимотлар ривожига юксак ҳисса қўшди. Унинг фикрича санъат ва хунармандчилик инсонларнинг моддий эҳтиёжи туфайли майдонга келган. Кўшиқ санъати сайроқи қушларга ҳавас орқали шаклланган.

Афлотун (эр.ав. 427-347 йиллар) эстетикага «гўзаллик фалсафаси» деб ном берди. Унинг фикрича гўзаллик манбанин гоялар ташкил этди, гўзаллик жуда ҳиссиётли бўлгани туфайли, унинг моҳиятини ақл- идрок билан тушуниш мумкин.

Афлотун ўзидан олдин ўтган файласуфларнинг изидан бориб, ҳар қандай санъат тақлиiddан, яъни мавжуд воқеликни акс эттиришдан иборатдир, деган назарияни рад этмайди. Аммо бадиий ижоднинг асосий проблемаларидан бўлган бу масалани ўз фалсафасининг талабларига мослаштириб, ўта кетган реакцион хуласаларини изҳор қиласди. Маълумки, Афлотуннинг айтишича атрофимиздаги бутун борлиқ чинаккам ҳақиқат эмас, балки идеаллар оламининг хира аксидир. Модомики шундай экан санъат ва адабиёт аҳллари кўзга кўриниб турган ноаниқ ҳаётни акс эттирадилару, аммо чинаккам борлиқни ифодалашга заифлик қиласди. Бундан ташқари ҳаётни айнан таъсирлаш орқасида, унинг ярамас томонларини ҳам кўрсатиш заруриятининг туғилиши ва бу нарса ўз навбатида, ёшларнинг хулқига путур етказиши мумкинлигини уқтириб Афлотун реал борлиқни тўғри ва ҳаққоний акс эттиришини бутунлай рад қиласди. Санъатнинг асосий вазифаси давлат манфатига, ахлоқ талабларига хизмат қилмоқдадир. Бордию, санъат мазкур талабларга жавоб бераолмаса, уни йўқотиш лозим, деган фикр билдиради. У барча санъатлар ичida музиканинг тарбиявий аҳамиятига юқори баҳо беради.

Қадимги дунёнинг энг улуғ мутафаккирларидан бири, машҳур олим ва донишманд Арастудир (эр.ав. 384-322 йиллар)

Арасту Македониянинг Стагрия шаҳрида туғилди. Унинг отаси Македония подшохининг табиби бўлғанлиги сабабли ёшлигидан тиббиёт ва бошқа фанлар билан жиддий шуғулланади. Кейин Афинага келиб, йигирма йил давомида машҳур олим Афлотунга шогирд бўлади. 342 йил подшоҳ Филиппнинг таклифи билан Македонияга қайтиб уч йил Александрнинг тарбиячиси бўлиб хизмат қиласди. Александр таҳтага чиққач, яна Афинага қайтиб бу ерда «Лецей» номи билан хусусий мактаб очади. 323 йил

Александр ўлгач Афинани ташлаб кетишига мажбур бўлади. 322 йили Эвбей оролидаги Халкида шахрида вафот этади.

Арасту фан оламининг бенихоят кўп соҳалари билан шуғулланган улуғ илм соҳибидир Арасту 1000 яқин китоб ёзган деган фикрлар учрайди. Аммо бизгача 47 асари етиб келган.

Арастунинг эстетик назарияси ривожига қўшган ҳиссаси бениҳоя каттадир. У адабиёт ва санъатнинг инсон маънавий- руҳий оламига чуғур таъсир кўрсатиш, одамларда ахлоқий фазилатларининг шакланишига катта туртки бўлишига юксак баҳо берди. Арастунинг «Поэтика», «Этика», «Политика», «Поэзия санъати ҳақида», «Риторика» каби асарларида эстетик қарашлари ёрқин намоён бўлади. Адабиёт ҳам театр, музыка, рассомлик каби санъатнинг бир тўғри эканлиги, у реал ҳаёт, инсон ва жамият ҳаётини акс эттириши лозимлигини уқтиради. У санъатни турларга ажратади. Юнон поэзияси ва драмаси ҳақида ўз фикрларини билдириб шундай ёзади». «Гўзаллик моддий нарсаларнинг ўзида обеъктив равишда мавжуддир. Унда тартиб, ҳажм, симметрия, бутунлик, турли – туманлик бирлиги каби белгилар бор. Санъат- гўзаллика тақлид қиласи». Арасту санъатни ижтимоий тарбия воситаси деб баҳолаб, ҳар бир инсонда гўзаллик туйғуллари куртак очишида, санъат асосий роль ўйнайди деб уқтиради.

«Поэтика»асарида эстетика масалаларига, санъат ва адабиёт назарияларига алоқадор бўлган бир мунча муҳим масалалар, яъни санъатнинг пайдо бўлиши ва унинг турлари, санъатнинг воқеликка муносабати, эстетик туйғунинг моҳияти, гўзаллик тушунчалари, бадиийлик аломатлари, санъат турларининг хусусиятлари ҳақида фикрлар билдиради. Арастунинг қарашларича санъат, аввало инсоннинг фаолияти натижасида туғиладиган ва ўзининг маҳсус қонунлари ва қоидалари асосида иш қўрадиган алоҳида «ижодиёт» соҳасидир. Санъатнинг воқеликка бўлган муносабати фақатгина юзаки тақлидчилик, ҳаётий воқеалар кўзга қандай ташланса, шундай акс эттириш билан эмас, балки бадиий асарнинг ички мазмуни, воқеларни актив суратда мушоҳада қилиш билан белгиланади.

«Шоирнинг вазифаси – деб ёзади Арасту, ҳақиқатан бўлиб ўтган нарсалар ҳақида эмас, балки чиндан ҳам ҳам ёки заруриат юзасидан рўй бериши лозим бўлган нарсалар тўғрисида чақиришдир. Шоир билан тарихчининг фарқи шундаки, улардан бири ҳақиқатан бўлиб ўтган нарсалар ҳақида, иккинчиси юз бериши мумкин бўлган нарсалар ҳақида гапиради. Шу сабабли, тарихга қараганда поэзиянинг кўпроқ фалсафий ва жиддий маъноси бор, чунки поэзия умумий нарсалар ҳақида, тарих эса хусусий нарсалар тўғрисида гапиради» (А. Алимухамедов. Антик адабиёт тарихи. Тошкент «Ўқитувчи» 1975 йил 220-бет) Арастунинг фикрича поэтик адабиёт ҳаётда учрайдиган ўткинчи ва тасодифий воқеалар билан эмас, балки ҳар бир воқеа учун характерли бўлган ҳодисалар билан қизиқмоғи даркор. Поэзиянинг энг муҳим вазифаси ва бошқа фанлардан ажralадиган фарқи аниқ образларда умумий гояларни тўғри ифода этиши, қаҳрамонларнинг айrim хислатларини чинакам ростгўйлик билан кўрсатишдир.

«Поэтика» асарида Арастунинг асосий эътибори трагедия масаласига қаратилган. У ушбу жанр моҳиятини шундай таърифлайди. «Трагедия – муайян ҳажмда ёзилган, жиддий ва тугулланган, сўз воситаси билан ҳар бир кисми айрича безатилган харакатга тақлид этиш демакдир. Трагедия баёнот воситаси билан эмас, балки ҳаракат орқали одамларнинг дилида ачиниш ва қўрқув уйғотиши, уларни шу хилдаги сезгилардан мусаффо қиласи». Қадимги «трагедия» сўз қурилиши жиҳатидан ҳам турли шаклда ёзилган: унинг узвий қисмлари диалог, монолог, ашула, хор ва бошқа бўлаклардан иборат бўлар эди.

Имон, диний эътиқод, илоҳий қудратга ишонч қадим замонлардан бўён инсонларнинг доимий йўлдоши бўлиб келган. Чунки дин инсон маънавий, ички руҳий оламини камолга етказувчи бебаҳо неъматдир. Биринчи пайғамбар Одам атодан токи сўнгги пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи ва салламгача бўлган барча Оллоҳ элчилари инсонларни жаҳолат, бузғунчилик, ёвузлиқдан юз ўгириб, яхшилик инсонпарварлик, эзгулик, илм-маърифат зиёси билан баҳраманд бўлиб яшашга дайват этганлар.

Ислом ҳам – адолат, ҳаққоният, яхшилик, инсонпарварлик, тинчлик дини сифатида майдонга келган. Ислом илм, маърифат, маданият, ахлоқ- одоб ҳикмат хазинасиdir. Илм, ҳикмат чашмасидан баҳраманд бўлган ҳар мўмин ва мўмина ҳаёт, олам гўзаллиги ва лаззатини тушиниб, хис қилиб, баҳо бера олади. Шоир тили билан айтганда[^]

Гўзаллик дунёси ҳикмат ичида,
Лаззатнинг асоси ҳикмат ичида.
Бузилган феъл ила айниганди хулқнинг,
Энг ўткир давъоси ҳикмат ичида.

Шарқ Уйғониш даври маърифати, маданияти, адабиёти ва санъати бевосита ислом дини, унинг асоси ҳисобланмиш Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф кўрсатмалари асосида майдонга келганлиги барчага аёндир. Ислом дастлабки даврдан бошлаб илм, маърифатни тарғиб қилиб, ҳалқни жаҳолатдан қуткаришга даъват этди. Қуръони Каримнинг илк нозил бўлган ояти «Икро»- «Ўқи» деган сўз эди. Пағамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам (С.А.В.)»Ўқиши билмайман» деганларида «Яратганинг номи билан ўқи» деган Оллоҳ сўзи бир неча бор айтилган экан. Шу кундан бошлаб ислом динини қабул қилган мусулмонлар Оллоҳ томонидан ваҳий қилинган Қуръони Карим оятларини ўқиб, ёдлаб, ўз ҳаётларига тадбиқ қилишга интилиб келмоқдалар.

Оллоҳ таоло «Тоҳа» сурасининг 114- оятида Пайғамбаримизга: «Кул раббин зидни илман» яъни «Айтинг Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин» деб буюради.

Зотан Ислом таълимоти бўйича илм- эгалари икки дунё соадатига эришади. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг шундай муборак ҳадислари бор: «Оллоҳ таоло кимгаки яхшиликни рано кўрса, уни дин илмини тушунадиган қиласди». Ҳақиқий илм соҳиблари олам ҳақида, вақтинчалик ҳаётнинг мазмун- моҳияти тўғрисида, бу фоний дунё ва келгусидаги боқий дунё ҳақида чуқур мушоҳада юргизиб, ўз ҳаёти ҳақида эзгу амаллар қилишга ҳаракат қиласди. Улар ҳар қандай ёмон ишларни гуноҳ ҳисоблайди ва Оллоҳдан қўрқиб савобли ишларни кўпроқ қилишга интилади.

«Фотир» сурасининг 28- оятида шундай дейилади: «Оллоҳдан бандалари орасидаги олим билимдонларгина қўрқур».

Пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар: «Олимнинг обиддан афзаллиги тўлин ойнинг юлдузлардан ортиқлигига ўхшайди». Демак, олимлар ўзгаларга нур таратувчилар дэя улуғланмоқда. Дарҳақиқат олимлар инсонлар маънавий руҳий оламини ва имон- эътиқодини тарбия қилувчилар ҳисобланади.

Пайғамбаримиз с.а.в ҳамиша ўз умматларига илм олишга даъват этиб, шундай деганлар: Илм талаб қилмоқ ҳар бир эркак ва аёл мусулмонга фарзdir» «Бешикдан то қабргача илм талаб қилинглар».

Ислом барча мусулмонларни ҳар томонлама маънавий баркамол ва гўзал ахлоқли бўлишга даъват этади. Мусулмонлар ўзаро бир- бирини кўрганда «Ассалому алайкум», яъни «Сизга тинчлик ва омонлик тилайман» дэя сўрашадилар. Бу жумла илк бор Оллоҳ томонидан Одам алайҳиссаломга қарата айтилган: «Эй Одам, бориб анави фаришталарга салом бергин, улар қандай жавоб қайтарсалар, шу сўзлар сеннинг ва зурриётларининг салом- алиги бўлади». Одам алайҳиссалом фаришталарга «Ассалому алайкум» деб салом бердилар. Фаришталар: «Ваалайкум ассалом ва раҳматулллоҳ» дэя жавоб қайтардилар.

Оллоҳ таълим берib ўргатган бу нурли ҳикмат саломлашиш бизга одам алайҳиссаломдан мерос бўлиб қолган. Қуръони Карим «Нур» сурасининг 61- оятида шундай калима бор:

«Бас қачон уйларга кирсангизлар бир – бирларингизга Оллоҳ хузуридан бўлган мубарак покиза саломни айтинглар (яъни: Ассалому алайкум» денглар.

Саҳоба Анас ибн Молик Пайғамбаримиз с. а.в. дан эшитган ушбу ҳадисни ривоят қилиган:

«Пайғамбаримиз менга беш амални қилиш лозимлигини уқтиридилар. Эй Анас, таҳоратингни эринмасдан мукаммал қил, умринг зиёда бўлади. Меннинг умматимдан ким йўлиқса салом бергин, савобларинг кўпаяди. Ўз уйингга кирганингда аҳлингта салом бер (яъни бола – чақаларингга салом бер), уйингга ҳайру барака киради. Чашгоҳ номозини

ўқигин, чунки бу намоз сендан олдин ўтган, Оллохдан берилган бандаларнинг намозидир. Эй Анас, ёш болаларга раҳм- шафқатли бўлиб, қарияларни хурмат қилгин, қиёматда менга ҳамроҳ бўлади»

Пайғамбаримиз с.а.в. ниҳоятда содда, камтар, самимий ва хушмуомила бўлиб биринчи бўлиб ўзлари дуч келган одамга салом берар, хатто ёш болаларга ҳам салом берар эканлар.

Равоҳил Муслим Пайғамбаримиздан шундай ривоят қиласди: «Иймонга келмагунча жаннатга кирмайсизлар. Бир – бирларингни яхши кўрмагунча иймонли бўлмайсизлар. Сизларга бир нарсани айтайми?

«Ўша нарсани қиссаларинг бир – бирингизларни яхши кўрасизлар, саломни ораларингда ошкар қилинглар»

Ўзаро кўришганда саломлашиб, бир – бирига ниятлар изҳор этиш орқали инсонлар орасида меҳр – муҳаббат, биродарлик, яқинлик туйғулари куртак отади. Мусулмонлар бир – бирлари билан саломлашиб икки кўллаб кўришадилар. Кишилар бир – бирлари билан биринчи марта учрашганларида кўришиш суннат, икки ва ундан кўп бора учрашаётганлар учун кўришмоқ мустаҳабдир, яъни шу ишни қилса яхши, қилинмаса гуноҳ ҳисобланмайди.

Пайғамбаримиз Мұхаммад с.а.в. ўзлари ахлоқ ва ақлда баркамол, бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўларли, маънавий дунёси гўзал зот бўлғанликлари сабабли бошқаларни ҳам шундай бўлишга чорлаб ушбу хадисларни қайта - қайта айтганлар: «Инсонийлик ва маънавий гўзалликни камолга етказиш учун Оллоҳ мени инсониятга юборди», «Ибодатларнинг энг афзали бир иймонли кишининг қалбига хурсандчилик солишидир», «Тили ва қўлидан бировга зарари етмайдиган кишигина мусулмондир»

Қуръони Каримда «Оллоҳ гўзал ва у гўзаллки севади» деган оят бор. Дарҳақиқат, Оллоҳ яратган жами мавжудотларда, табиатда ажойиб гўзаллик мужассам. Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам жуда кўп бор «чиройли хаёт», «гўзал ахлоқ», «чиройли сабр», «гўзал инсон» тушунчалари ишлатилиши бежиз эмас. Ақл ва тафаккур эгаси бўлмиш инсон ҳамиша гўзалликка интилади, гўзалликдан роҳатланади, гўзал ҳаёт кечиришга ҳаракат қилиб, уй, ҳовли, кўча, иш жойи, кийим, рўзгор жихозлари, меҳнат қуролларининг ҳам гўзал бўлишини хоҳлади. Шу сабабли инсон кеча- кундуз тинмай изланади, меҳнат қиласди, ўзи яратган гўзал кашфиётлардан хузурланади, руҳий озиқ олади.

Шарқ Уйғониш даври деб аталган IX-XII асрларда илм- фан, адабиёт ва санъат, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган, Ўрта Осиёлик бир қанча буюк мутафаккирлар етишиб чиқди. Жуда кўп мамлакатларда ислом дини давлат динига айланиб, шу ўлкаларда диний билим билан бирга дунёвий илм- фан маърифат, маданият кенг ривож топди.

Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв каби шаҳарлар йирик илм- фан, маданият марказига айланди. IX аср бошларида хокимиятни ўз қўлига олган Сомонийлар сулоласи салкам бир аср давомида мамлакат ободончилиги, юрт осойишталиги, илм- фан ривожи учун раҳномалик қиласди. Мактаб ва мадрасалар давлат қарамогида бўлиб, ёшларнинг ҳар томонлама билимли бўлишига катта эътибор берилди. Ислом дини ва дунёвий фанлар ҳар томонлама чуқур ўқитилди. Шу даврда машхур олимлар, шоирлар, рассомлар, мусиқачилар, меъморлар етишиб чиқдилар. Аҳмад ал- Фарғоний, Мусо ал- Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Исмоил ал- Бухорий, Имом ат- Термизий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Нажмиддин Кубро, Абдухолик ~иждувоний, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Замахшарий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур, Бехзод, Барбод Марвазий каби юзлаб аҳли донишлар ўз асарларида олам, табиат, инсон гўзаллигини турли йўналишда таъсирлаш ва баҳолашда ўзига хос фалсафий – эстетик таълимотлар яратдилар.

«Шарқ Аристотели», «иккинчи муаллим» номлари билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий (873-950 йиллар) 160 дан ортиқ асарлар ёзган. У Туркистон шаҳри яқинидаги Фороб қишлоғида туғилган. Бухоро, Самарқандда таълим олган. Араб халифалиги маркази Бағдодда ўқишини давом эттирган. Умрининг охирги йилларида Ҳалабда сўнг Дамашқда яшаган ва шу ерда вафот этган.

Ўз даврининг йирик мутафаккири, қомусий олами буюк файласуф ва гуманист бўлган Форобий илғор фалсафий мактабнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшди ва унинг мухим масалалари ва асосий йўналишларини белгилаб берди. У математика, астрономия, адабиёт,

тилшунослик, мусиқа, тиббиёт, мантиқ, фалсафа, этика, эстетика фанларига оид қатор рисолалар ёзди. Қадимги юонон олимларининг асарларини таржима қилди.

Форобий кўп жилдли «Мусиқа ҳақида катта китоб» асари билан Ўрта асрнинг машҳур мусиқашуноси сифатида танилди. Ушбу асарда музика тарихи ва назарияси чукур баён қилинган. Форобийнинг ўзи таниқли музикачи, ажойиб созандада бастанкор, музика асбоблари ихтирочиси бўлган.

Тарихчи, араб олими Ибн Аби Усайбианинг ҳикоя қилишича: «Форобий ажойиб бир мусиқа асбоби ясаган, унда жуда ҳам гўзал, ёқимли кўйлар эшитиш мумкин бўлган, ҳатто бу куй эшитувчини жуда ҳам завқлантириб юборган».

Форобий бастанкор томонидан яратилган куй ва қўшиқнинг инсон ички руҳий оламига чукур таъсир кўрсатишини таърифлаб шундай ёзади: «Музика ҳунари ёки санъати номи билан юритиладиган ҳунарнинг мантиқий ва ақлий таркибларидан иборат бўлиши ва ҳақиқий тасаввурлардан туғилган бўлиши кераклиги бундай тасаввур инсон руҳининг энг нозик еридан қайнаб чиқади. Бундай таркиб маълум бир шакл остидаги оҳанг ҳолида сезги қувватларимизга таъсир бағишлиб, ўзини кўрсатади (Форобий, «Рисолалар Тошкент. 1975 йил, 62- бет).

Форобий «Буюк кишиларнинг нақлларидан» асарида шеърият, музика ва ашуланинг жуда катта тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр билдириб, шундай ёзади: «Шеърнинг олти хили бор. Шундан учтаси яхши ва учтаси ёмон хилидир. Яхшилардан бири шуки, унинг ёрдамида инсон ақлий қувватини мукаммалаштиради, саодатга олиб борувчи фикр ойдинлашади, яхши ишларга, фазилатли бўлишга илҳомлантиради, хасислик, ёмон ва қабиҳ ишлардан сақланади. Иккинчи яхши хили кишининг руҳий сезгиларини юксалтиради, хаддан ташқари эҳтиёткорликдан ҳоли қиласи. Иззат нафсини сақлайди, ғазабланишдан ёмон ишлардан эҳтиёт бўлишига ёрдам беради. Учинчиси кишини заифликдан сақлайди. Учта ёмон хили ана шу учта яхши хулқнинг аксидир... Музика ва ашулада ҳам худди шеъриятдагидай учта яхши ва учта ёмон томон бор». (Ўша китоб 112- бет).

Форобий «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида» каби асарларида моҳир адабиётшунос сифатида сўз, шеъриятнинг инсон маънавий – руҳий оламига таъсири тўғрисида фикрлар билдиради.

Трагедия, комедия, драма, риторика, сатира, поэма каби адабий жанрларнинг ўзига хос томонлари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қиласи.

Форобий эстетик таълимотининг асосини адабиёт ва санъат асарларининг жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссаси, инсонларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш масаласи ташкил этади.

Форобий «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қоидалари ҳақида» рисоласида шундай ёзади:

«Биз шундай деймиз: бу санъат аҳли билан накш берувчи рассом санъати ўртасида қандайдир муносабат бор. Бу шундайки, шеър санъатини безайдиган нарсалар сўз-мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъати безайдиган нарса – бўёқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввuri ва сезгиларида бир мақсадга – тақлид қилишга йўналган бўлади (Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» Тошкент А. Қодирий нашриёти. 1993 йил, 124 – бет).

Форобий «Баҳт саодатга эришув ҳақидаги» рисоласида инсон гўзalликни самарали идрок этиш учун унда нозик табиат ва ақлий мukammallik замини бўлиши керак, ҳиссий ақлий қобилиятига эга бўлган инсонгина дунёнинг барча сирларини била олиш мумкин деб таъкидлайди. «Инсон ақл идроки туфайли ҳақиқий инсонга айланди, билим инсонга баҳт- саодат келтиради, инсон билиш орқали ўзида гўзallik ва мukammallikni кашф этади» деб ўқтиради.

Форобий инсон қобилиятини иккига тўғма ва кейин эришган қобилиятига бўлади. Унинг фикрича тўғма қобилиятига биологик, жисмоний ва баъзи руҳий хусусиятлар киради.

Унинг фикрича «Инсоннинг ижодий фаолияти асосида бир нарсани кашф этувчи мушоҳада қувват ётади. Ижоднинг асосий белгиси кашф қилиш, ихтиро этишдир. Ижод

муаммосини Форобий инсон муаммоси билан боғлаб таҳлил қилди. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсон энг юксак камолатга эришиш учун дунёга келган»¹ «Бахт саодатга эришиш йўлларидан бири- бу инсон учун ҳайрли ва фойдали бўлган нарсаларни ижод қилишдир. «Кимда- ким энг гўзал ва фойдали нарсаларни кашф этиш фазилатига эга бўлса, кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг истагига ва бошқа бироннинг истаганига мувофиқ бўлса, ёки уни бошқаларнинг ҳохишига мувофиқ деб гумон қилинса кашф ёки ижод этилган нарса ҳақиқатни ҳайрли ва фойдалидир»

Саволлар

1. Қадимги адабиёт ва санъат асарларини санаб кўрсатинг.
2. Қадимги юонон ёзувчилари Софок, Эхсил, Эврипид трагедияларида қандай ғоялар илгари сурйлган?
3. «Авесто» китобида эстетик тарбияга оид қандай фикрлар мавжуд»
4. Эрамиз бошларида Туркистон худудидаги ёзувлар ҳақида нималар биласиз?
5. Амир Темур Ўрта Осиёда илм- фан, адабиёт, ва санъат тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида ўз фикрларингизни баён қилинг.

17-МАВЗУ. ТАБИАТ ВА ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЭСТЕТИКАСИ РЕЖА:

- 1. Табиат эстетикаси**
- 2. Техника эстетикаси**
- 3. Мехнат эстетикаси**
- 4. Спорт эстетикаси.**

Биз табиатни нутқларимизда, шеърларимизда, мақолаларимизда “Она-табиат” деб атаемиз. Дарҳақиқат, тобимиз қочса, шифокорлар бизга баҳаво, шаффоғ сувли табиат қўйнида жойлашган оромгоҳларга боришни, кимсасиз дарё бўйларидағи бутазорлар орасида чодир қуриб, бир муддат ташвишлардан фориғ яшашни тавсия этадилар. Шаҳар шовқинларидан, меҳнатдан, ахборотлар сиқувидан чарчаганимизда, жамоа билан ёки оиласиёй тарзда шанба ё якшанба куни табиат қўйнига чиқиб дам оламиз. Толиқсак, доим “онамиз” қўйнига интиламиз, она-табиат бизни даволайди, гўзаллиги билан ҳайратлантиради, руҳлантиради. Лекин бир-икки кундан сўнг яна ҳаммасини унутамиз, тагин табиатга бир хизматкордек қараймиз. Нега шундай? Чунки биз уни тушунмаймиз, уни билмаймиз. Шу сабабли бирор бир одамнинг яхши ёки ёмонлигига асл сабаблар нималигини, унинг моҳиятини билмаганимиз, тушунмаганимиз учун “фалончининг табиати ўзи шунақа”, ёки муайян ҳайвон ёхуд ўсимликнинг сир-саноатидан бехабарлигимиз туфайли уни “табиатан ўзи шундай” дейиш билан муаммога нуқта қўямиз. Зеро табиат оламий куброми (катта оламми), олами сурғоми (кичик оламми), яъни одамми, у – сирли, уни лозим даражада тушунмаймиз ва билмаймиз. Ҳар қанча экологияга эътибор қилмайлик, уни фан сифатида зўр бериб ўқитмайлик, барибир табиатни тушунишимиз қийин, зотан экология табиатни асрарни, қутқаришни, бойитишни тарғиб қилади. Бироқ уларнинг ҳаммасига фақат эстетика ёрдамида, унинг экология билан ҳамкорлигига эришиш мумкин. Чунки эстетика инсонга табиатни севишини, унинг гўзаллигига беғараз муносабатда бўлишни ўргатади, яъни табиатни фақат одамлар учун яратилган деб эмас, уни жамиятдан ташқаридағи умумоламий мустақил қадрият сифатида идрок этишни тақозо қилади. Ҳа, табиат гўзаллик ва улуғворлик манбаи, лекин фақат инсон учунгина шундай эмас. Масалан, булбул тунда, одамлар ухлаганда сайрайди, намозшомгул ва баъзи бошқа гуллар фақат қоронғу тушаётган пайтдан бошлаб очилади. Демак, ҳайвонларни, ўтлоқларни, дарахтларни, дарёларни, тоғларни фақат “биз учун” деб эмас, “биз учун ҳам” деб тушунишимиз лозим.

Буюк Кант табиатни ахлоқийлик билан боғлайди: “Кимники бевосита табиат гўзаллиги қизиқтиурса, бу унинг фикрлаш тарзида, йўқ деганда, ахлоқийликка, эзгуликка қобилият мавжудлигидан далолат беради”, – дейди у.⁶⁰ Аммо Ҳегелнинг, табиатда идеал йўқ,

⁶⁰ Кант И. Сочинения в 6 т. Т. 5. М., Мысль, 1966. С.314.

шу сабабли у иккинчи даражали гўзаллик тури, деган фикри эстетикада хукмронлик қилиб келди, айниқса, бу фикр табиатни “бўйсундиришни” тарғиб қилган марксчилликнинг тегирмонига сув қўйди. Натижада узоқ йиллар мобайнида табиат эстетикасига эътибор қаратилмади. Биз меъморий обидаларни асрар, тиклаш ҳақида қайғурдик, уларни эстетик қадриятлар деб эълон қилдик, лекин ландшафт эстетикасини четга чиқариб қўйдик. Ҳозирги кунда шу нарса аниқ бўлдики, табиатни энг улуг ва мангу эстетик қадрият деб билмаслик бориб турган эстетик саводсизликдир. Аникроғи, бугун табиациз эстетикани тасаввур қилиш мумкин эмас.

Санъатга айланган эстетик объект сифатида табиат деярли барча санъат турларида ва жанрларида ўз аксини топади. Бошқачароқ айтганда, табиатни “ўрганиш”, “тушуниш” барча санъат турларига хос. Масалан, бадиий адабиётда ҳикоядан – романгача, шеърдан – достонгача табиат манзараси тасвирланмайдиган бирор жанрни топиш мумкин эмас. Ўрик дарахтининг тўрт фаслдаги ҳолати, кўкламдаги гуллаган, ёзда барг ёзиб, мева қилган, куздаги олтин рангига кирган, қишида яланғоч, шохлари найзага ўхшаган кўринишлари бадиий адабиётда ҳам, рассомликда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ куйи “Чўли ироқ”да фожеавийликни, Бетховеннинг “Ойдин сонати”сида инсон қалби эврилишларининг, хаёлга чўмган қувончнинг ифодасини илғаймиз. Меъморликда япроқларнинг пештоқлардаги хандасавий жилвалиси, ҳайкалтарошликтаги гўзал кийикнинг тасвири дейсизми, хуллас, табиат барча санъат турларида бадиий асарни гўзаллаштириб, улуғворлаштириб турувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Дизайн (инглизчада лойиҳа, чизма дегани) XX асрнинг бошларида “хунук буюм яхши сотилмайди” деган иқтисодий талаб асосида Ғарбдаги саноат ишлаб чиқаришига кириб келди. Гап шундаки, инсон билан техниканинг эскича шаклидаги ўзаро алоқаси эндилиқда яхши самара бермай қўйган эди. Унда инсон технологик режимга мослашган ҳолда, тезлик, аниқлик, мустаҳкамлик каби технологик мезонлар асосида ишлайдиган ишчи сифатида баҳоланаради. Бу на фақат инсонпарварлик, балки техникавий равнақ нуктаи назаридан ҳам номақбул эди. Шу боис техникани инсонийлаштириш зарурияти туғилди. Энди ишчи ё хизматчининг шахсий қизиқиши, ижодийлик касб этгани ҳолда, фақат меҳнат натижаси билан чекланмасдан, меҳнат жараёни ва унинг мазмунига кўчиб ўтиши лозим бўлиб қолди. Бу – меҳнатнинг эстетик табиат касб этиши ва инсонийлаштириш меҳнатни фақат зарурият деб эмас, балки эҳтиёж даражасида тушунишга олиб келади; техник инсонийлаштириш муҳитни инсонга мослаштириши баробарида, уни эстетик тарзда ташкил этишни ҳам ўз ичига олади.

Дизайннинг заруриятга айланиши на фақат замонавий илмий-техникавий равнақка, балки оммавий ишлаб чиқариш ва оммавий маданият даражасининг юксаклигига ҳам боғлиқ. Бундай шароитда харидор ўзининг эркин танлов имконияти билан ишлаб чиқариш таклиф қилган маҳсулотни рад этиши ва ўз эҳтиёжига жавоб берадиган товарни юқори баҳолаши мумкин. Яъни, харидор ўз дидига мос нарсани танлайди; харид жараёни “борига барака” тарзидаги таваккалчилик ҳолатига эмас, балки товарга фаол муносабат шаклига айланади. Ана шундай муносабатга лойиқ бўлиши учун товарнинг шакли муҳим аҳамиятга молик. Табиийки, биринчи навбатда гўзал ва улуғвор кўринишга эга нарсаларгина жамиятнинг эътиборини қозонади. Шунда товарнинг умуммезонга жавоб берадиган эстетик қадрият сифатида қабул қилиниши рўй беради ва у ишлаб чиқаришнинг харидорга, харидорнинг эса ишлаб чиқаришга эстетик таъсирини таъминлайди.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар қандай конструкциячи-инженер дизайннер бўлолмайди. Инженер-конструктор, дейлик, машинани лойиҳалаштирас экан, дастлаб унинг моторидан тортиб, кузовигача бўлган қисмлари лойиҳасини чизади ва шундан кейингина уларни бир-бири билан боғлаб яхлит машина шаклига келтиради. Натижада ҳар бир қисм алоҳида “ўз ҳаётига” эга бўлади. Яъни, машина замонавийлаштирилганида (модернизация килинганида) муайян деталларни сўнгти лойиҳа асосида, алоҳида-алоҳида алмаштириш жараёни рўй беради. Дизайнчи-инженер эса машинани гўзаллик ва улуғворлик қонуниятларига асосланиб, бирданига муайян яхлитлик тарзida тасаввур қиласди. Бу яхлитлик конструкцияга бўйсунса-да, ўзини бадиий ижод сифатида намоён этади. Шундай

қилиб, конструктор-инженер мазмунни, дизайнчи-инженер шаклни яратади, яъни биринчи мутахассис – техник, иккинчиси – эстетик. Иккала фаолиятнинг уйғунлиги туфайли замонавий харидор талабига жавоб берадиган машина вужудга келади ва унда, истаймизми-истамаймизми, эстетик кўриниш яхлитлик сифатида устуворликка, харидоргирлик аҳамиятига эга бўлади. Зотан, эслайлик, Шиллер айтганидек, шакл инсонга бутуnisича, мазмун – унинг муайян қисмигагина таъсир кўрсатади. Харидор эса, энг аввало инсон.

Бироқ, бу – дизайнда ҳамма нарса шакл билан боғлиқ экан, дегани эмас. Унда ҳам санъатдагидек шакл ва мазмун уйғунлиги асосий омил ҳисобланади. Бундай уйғунликка бирдан эришиш қийин, у бир неча техникавий босқичларнинг ҳосиласи сифатида вужудга келади. Масалан, “Зингер” русумли тикув становининг XX аср давомида ривожланиб, дастлабки қўпол кўринишидан “хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам ишлагинг келадиган” даражада гўзаллашиб, нозиклашиб, инсонни ўзида ишлашга чакириб турадиган машинага айланди. Ёки ўзимиздаги “Daewoo” корпорацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган “Matiz” автомобилига эътибор қилинг. У дизайн нуқтаи назаридан ўзидан аввалги кичик машиналардан, хусусан, “Tiko”дан кескин фарқланади. Унинг йўлда енгил бориши кишида худди сузуб кетаётгандек тассурот уйғотади, асосий чироқлари (фаралари) ана шу таассуротингизга мос: улкан балиқнинг кўзларига ўхшайди, олдиндаги пастки икки чироқ эса сизга бодомқовоқ – Шарқ гўзалларига ярашиб турадиган қийик кўзларни эслатади. Бунда автомобилнинг ташки кўриниши билан моҳияти ниҳоятда муваффақиятли мослаштирилган: “Matiz” – балиқдек силлиқ олға интиладиган, “эпчил”, гўзал, Шарқда ишланган, шарқона машина.

Қисқаси, бугунги кунда биз дизайн туфайли атрофимиздаги техникавий ламни одамийлаштириб, ўзимизга, эстетик дидимизга мослаштириб боришига эришдик ва эришмоқдамиз; ҳозир ручкамиздан тортиб, компьютеримизгача, машинамиздан тортиб, кўйлагимизгача – ҳаммаси бизни ҳар жиҳатдан қониқтиришга қаратилган.

Меҳнат – инсоннинг ақлий ёки жисмоний кучи билан амалга ошириладиган мақсад фаолияти. У кундалик маънавий ва моддий жиҳатдан одамзот ҳаётини фаровонлаштириш, маънавий ҳамда моддий қадриятларни яратиш воситаси. Меҳнатда инсон айни пайтда ҳам ақлий ҳам жисмоний томондан тарбияланиб, маънавий юксалиб боради. Бироқ меҳнат оғир мажбуриятга айланган жойда унинг бу хусусиятлари йўқолади. Шу сабабли меҳнат ҳар жиҳатдан юксак самара бориши учун эркин бўлиши, меҳнат жараёни ижодий ва қизиқарли кечиши лозим. Зотан ўзига ёқсан, эркин меҳнат турини бажараётган кишиларнинг “Бу ишни мен ўйнаб қилиб қўяман” қабилидаги гаплари, эркин меҳнатни ўйинга қиёслашлари бежиз эмас. Ўйин – санъатнинг асоси эканини назарда туцак, бу билан ўз касбини, ишини севган одамлар уни ижод даражасига кўтаришга ҳаракат қиласди. Зотан севмоқ – эркинлик, ижод эса эркинлик меваси. Меҳнат эркинлигини, унга эркин муносабатни шакллантириш ҳамма замонларда ҳам муҳим масала бўлиб келган. Оғир меҳнатни енгиллаштириш, эркинлаштириш мақсадида инсон қадимдан уни бадиийлаштиришга, эстетиклаштиришга интилган. Бунга ҳалқ оғзаки ижодидаги меҳнат турларига бағишлиланган қўшиқлар яхши мисолдир. Улар меҳнат жараёнининг қизиқарли, “ичдан” бўлмаса ҳам, унга “ташдан” гўзаллик, мусиқийлик, бадиийлик кўришига хизмат қилган.

Ҳозирги кунда санъаткор ва олимнинг ижодий меҳнати фақат ички, ҳиссиётлар билан алоқадор шаклда эмас, балки ташки – техника нуқтаи назаридан ҳам эстетиклашган. Чунончи, бугунги ёзучи ўз меҳнат жараёнини компьютерсиз, диктофонсиз тасаввур қилолмайди, рассомлар, қўшиқчилар ва бошқалар компютерпр технологиясидан фойдаланадилар, электрон чолғу асбоблари ҳам маълум маънода техниканинг эстетиклашувидан далолат беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, барча ҳодисаларда дизайнер томонидан мукаммаллаштирилган гўзаллик ижодкорнинг маънавий-рухий қўмакчисига айланишини кўриш мумкин.

Меҳнат эстетикаси техника эстетикаси каби атроф-муҳитни гўзаллаштириш тизими билан боғлиқ. Корхона ҳовлисидаги яшил олам, фаввора, дарахтлар, ҳайкалларнинг уйғунлиги ичкаридаги бинолар пештоқлари ва деворларида акс этган қўргазмали амалий санъат намуналари, бинолар ичининг юксак дид билан безатилиши – ҳаммаси инсон

мехнатини гўзаллаштиришга, меҳнат жараёнининг эстетик завқ билан амалга ошувини таъминлашга хизмат қиласди.

Турмуш эстетикаси деганда биз инсоннинг воқеликка кенг қамровли эстетик муносабатини тушунамиз. У ҳозирги пайтда ўз ичига кийинишидан тортиб, хулқий гўзалликкача, оилавий анъаналардан тортиб, оилавий маконгача бўлган эстетик “доирани” ўз ичига олади. Турмуш эстетикасида энг муҳими, одамларнинг нарсалар дунёсига, гўзаллик ва улуғворлик орқали қарашлари эстетик дидга, ижтимоий идеалларга ўзига хос муносабатлари намоён бўлади, пировард натижада у турмуш маданиятининг юксалишига хизмат қиласди.

Биринчи навбатда турмуш эстетикаси инсоннинг хулқий гўзаллик қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашини тақозо этади. Хулқий гўзаллик эса оиласда жамоат жойларида ўзини тутишни, бошқалар билан мулоқотда, касбий муносабатларда муомала одоби ва этикет нуқтаи назаридан ёндашувни, ўзаро сухбатларда ҳам сўз воситасида (вербал), ҳам новербал жиҳатларнинг гўзал бўлишини таъминлайдиган маънавий ҳодисадир. Уни эстетика ва ахлоқшунослик кесишган нуқта гўзалликнинг ахлоқийликда, ахлоқийликнинг гўзалликда намоён бўлиш шарти, десак янглишмаймиз.

Турмуш эстетикасида моданинг алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, мода деганда ташқи маданият шаклларининг вақти-вақти билан қисман ўзгариш ва такрорланиб туршини тушунамиз. Бундай такрорланишлар ва ўзгаришлар иқтисодий, маънавий, ахлоқий, эстетик омиллар каби ижтимоий асосга эга бўлади. Модани асосий кўпчилик эътироф этади, у ўзини фақат кийинишида эмас, ишлаб чиқаришда ҳам, сиёсатда ҳам, санъатда ҳам, фанда ҳам, ҳатто мафкурада ҳам намоён қила олади. У ижтимоий-эстетик мезон сифатида баҳолаш хусусиятига эга ва шу билан одамларга нима кераклигини белгилаб берадиган ҳукмрон дидга айланади. Мода бунда одамларнинг яшаш тарзидан (стилидан) келиб чиқиб, доимий равища ўзгариб борадиган ҳаёт мазмунига мос шаклни таклиф этади. Қисқаси, мода муайян маънода жамият яшаш тарзининг ўзига хос шакли, замонавий усули сифатида эстетик таҳлили тақозо қиласди. Зотан у оммавий эстетик диднинг даражаси ва ўзига хосликларини замон кўзгусида акс эттириш хусусиятига эга. Шу жиҳатдан у, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзгарувчанлик табиатига эга, урф бўлган нарсалар, бир давр ҳатто бир йил мобайнида модадан чиқиб кетиши мумкин. Масалан, ўтган асрнинг эллигичи йилларида эркак ва аёллар тагчармига маҳсус ғарч қўйилган этиклар, туфлилар кийишарди, юрганда «ғарч-ғурч» қиласди. Ҳозир эса иложи борича товуш чиқармайдиган, юмшоқ пойафзал урф бўлган, яъни модада. Ёки олтмишинчи йилларда бир оз демократик ўзгаришлар рўй бериши туфайли қатағон қилингандар ҳақидаги асарлар, хусусан, Ҳабиб Нуъмоннинг “Ёшлиқда берган кўнгил” киссаси урф бўлди, ҳозир эса Тохир Маликнинг “Шайтанат” романи модада. Бундай холатни “хит бўлган” қўшиқларга ва улар ижроҷиларига ҳам тадбиқ этса бўлади.

Турмуш эстетикаси айни пайтда оилавий муҳитдаги нафосат муаммоларига ҳам катта эътибор қиласди. Оиладаги нафосат, одатда, мактабгача таълим, мактаб, ўрта маҳсус ўқув юртларидағи эстетик тарбия билан ўйғун олиб борилиши турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда оилавий анъаналар, ота-онанинг намунавийлиги ва фарзандларга эстетик шароит яратиб бериши катта рол ўйнайди. Ота ёки она чолғу асбобларидан бирини (дуторми, рубоми, пианиноми) чалишни, профессионал даражада бўлмаса-да, билиши, китоб ўқишига иштиёмандлиги, вақт топиб фарзандларни қўғирчоқ ёки ёшлар театрига, циркка, спорт ўйинлари томошаларига олиб бориши болалар эстетик диднинг шаклланишига, оила турмушининг эстетик тиклашига имкон яратади, зеро “куш инида кўрганини қиласди” деган мақол бежиз машхур бўлиб кетган эмас.

Спорт эстетикаси спорт соҳасидаги эстетик қонуниятларни ўрганади, спортнинг эстетик мазмунини, унинг жамият маданиятидаги ўрнини, спорт билан санъатнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этади, инсон жисмоний камолотининг маънавий-эстетик жиҳатларини таҳлилдан ўтказади.

Спорту қадимги юнонлар, бундан бир неча минг йиллар аввал ана шундай нуқтаи назардан ёндашганлар. Лекин, афсуски, кейинчалик мусобақа омили гўзалликни четга суриб, уни ғолиблик ва мағлублике билан баҳоланадиган эҳтиросни ўйинга, қиморнинг ўзига хос

турига айлантириб қўйди (қадимги Румодаги гладиаторлар баҳси, кейинчалик от пойгасига пул тикишлар в.х.).

Спорт эстетикасидаги энг муҳим муаммо, бу унинг санъат билан ўхшашлигида. Шундан келиб чиқиб, замонавий спортни (жуда бўлмаганда, унинг баъзи турларини) ўзига хос санъат сифатида талкин қилиш кенг ёйилган. Рэне Мэхю, Морин Кович, Бэнжамин Лоу сингари ғарб олимлари ва кўплаб машҳур спортчилар спортни санъат сифатида қабул қилиш мумкин деган фикрни ўргата ташлайдилар. Лекин хақиқатан ҳам спорт санъатми, уларни айнанлаштириш мумкинми? Бу саволга тўғридан-тўғри жавоб бериш қийин. Шу боис спортнинг келиб чиқиши ва моҳиятига эътибор қилиб қўрайлик.

Маълумки, ўйинни Қадимги юонон файласуфлари эстетик табиатга эга эканини таъкидлаб, уни санъат билан тенглаштирганлар, Шиллер эса, кўриб ўтганимиздек, бадиий фаолиятни ўйиннинг энг юксак шакли деб ҳисоблайди. Спорт эса, энг аввало ўйин. Ундан инсон икки томонлама эстетик завқ олади: ўйинчи-спортчи ва томошабин-тарафкаш сифатида. бунда томошабин санъатни идрок этаётгандек спортчи билан уйғунлашиб, унинг хатти-ҳаракатларига қўшилиб кетади, айни пайтда ўзи спортчи эмаслигини, яъни эстетик масофани ҳис қилиб туради. Бу борада Б.Лоу ўзининг “Спорт гўзаллиги” деган китобида Ф.Киноннинг қўйидаги фикрларини келтиради: “Театр, – деб ёзади Ф.Кинон, – томошабинга суяниб ривожланадиган санъат тури... Спорт мусобақаларида томошабинлар ўзларини худди спектакл томошосидагидек тутадилар: улар юксак маҳорат эгаларига қарсак чаладилар ва ёмон ўйин кўрсатганга нисбатан салбий муносабатларини яширмайдилар. Спортда ҳам, театрда ҳам биз “ўйин” ҳақида гапирамиз”⁶¹. Бошқа бир ўринда Б.Лоу Ҳ.Слюшернинг “Спорт ва экзистенция” китобидаги қўйидаги сатрларга эътибрни қаратади: “Спорт – токи ҳақиқий спорт экан, у эстетик фазилат ва нағисликка эриша олади. У спортчи учун чуқур маънога бой ҳолат... спорт ботиний яхлитликни ва юксак даражадаги ҳиссий кўтарикилини талаб қиласи, – деб ёзади Ҳ.Слюшер спортчи ҳис этадиган эстетик завқ ҳақида”⁶².

Санъат билан спортнинг яна бир ўхшаш томони шундаки, ҳар иккаласи ҳам бирор бир моддий эҳтиёжни қондирмайди, бевосита мақсад эмас, мақсадга мувофиқлик тарзида воқе бўлади, уларнинг асосий хусусияти, мавжудлигини оқлайдиган нарса, бу – одамларга эстетик завқ бериш хусусияти. Демак, санъат ҳам, спорт ҳам шунчаки завқ бериш ва ўз истеъодидан завқланиш билангина чегараланиб қолмайдиган ижтимоий-маънавий ҳодисалардир. Бироқ ана шу мафкуравийлик мафкурабозликка айланса, яъни ижодкор мафкура учун ахлоқийликдан чекинса, санъатда ҳақиқий бадиий асар яратишнинг иложи бўлмаганидек, спорт мусобақасида ҳам фирромлик йўли билан, “бир амаллаб” ютиб чиқиб, ҳақиқий ғалабага эришиши мумкин эмас, зеро ҳақиқий ғалаба томошабиннинг баҳоси билан белгиланади.

Қадимги юононлар санъатни “гўзал ёлғон” деб атаганлар, дарҳақиқат, санъаткор бизга “бўлмагани бўлган қилиб” кўрсатади, бизни чиройли алдайди. Спортнинг кўпгина турларида ҳам шунаёнги чиройли алдовни томоша қилиб завқланамиз. Масалан, бояги футболга қайтайлик: ҳужумчи рўпарасидаги рақибини, футбол тили билан айтганда, “чиройли финглар” билан алдаб ўтганида биз ҳақиқий санъатни кўрамиз. Ҳатто репортаж олиб бораётган журналист қойил қолганидан “Гўзал! Бағоят гўзал!” демай иложи йўқ. Спортнинг фигурали учиш, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, сувга сакраш каби турлари рақс санъатидан қолишимайди, фигурали учиш эса ўзига хос муз устидаги балет, унда ва бадиий гимнастикада мусиқа санъати ҳам иштирок этади. спорт жисмоний гўзалликни хулқий гўзаллик ва гўзал хатти-ҳаракатлар воситасида маънавий гўзалликка айлантиришdir. Шу маънода спортчи ҳам артист. Моҳир спортчи ўзини бир муддатга жонли ҳайкалга айлантира олади.

Шулар бир қаторда спорт санъат учун материал бўлиб хизмат қиласи. бунга ўзимиз гувоҳмиз: биз спорт мавзуидаги рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик намуналарини қўп кўрганмиз, ҳикоя ва қиссаларни ўқиганмиз. Бироқ, буларнинг ҳаммаси спортни санъат деб қабул қилишимиз учун етарли асос бўлолмайди. Буни спорт эстетикаси борасида жиддий

⁶¹ Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. С.92.

⁶² Ўша манба. С. 177.

тадқиқотлар олиб борган, юқорида номи зикр этилган Б.Лоу шундай таърифлайди: “Инсон баданининг – табиий шаклдаги гўзаллик эканини, спортчи қиёфаси идеал бадан тузилишини ўзида мужассам этишини эътироф қилар эканмиз, спортдаги гўзалликни санъатдан кўра табиатга тааллуқли дейишимиз мумкин, зеро спортдаги гўзаллик кўп ҳолларда тасодифийлик хусусиятига эга”⁶³.

Назорат саволлари

1. Табиатнинг эстетик хусусиятлари.
2. Табиат - гўзаллик ва улуғворлик манбаи сифатида.
3. Нафосат фалсафаси ва экологиядаги долзарб муаммоларнинг умумий жиҳатлари.
4. Атроф-муҳитни гўзаллаштиришнинг анъанавий ва янгича усуллари.
5. Санъат эстетикаси
6. Вокеликнинг эстетик жиҳатдан бойитиб бориш йўллари.
7. Дизайннинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти.
8. Замонавий ишлаб чиқаришда манфаатлилик ва эстетик фаолиятнинг уйғунлиги.
9. Техника эстетикасининг аҳамияти ва унинг замонавий нафосат фалсафасида тутган ўрни.

18-мавзу: Эстетиканинг замонавий муаммолари

Маъруза режаси:

Режа:

1. Соғлом турмуш тарзи эстетикаси.
2. Эстетик тарбия.
3. Эстетик тарбиянинг асосий воситалари.
4. Табиат ва техноген цивилизация эстетикаси.
5. Эстетиканинг замонавий муаммолари.

Соғлом турмуш тарзи эстетикаси. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда эстетик тарбиянинг ўрни ниҳоятда катта ва уларга, ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия тарбияни киритиш мумкин. Соғлом турмуш тарзи эстетикасига анъанавий ва замонавий ёндошувлар мавжуд. Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишларига: оммавий ахборот воситалари; санъат; бадиий адабиёт киради. Шахсни эстетик тарбиялашда таълим тизимининг роли ниҳоятда аҳамиятлидир. Мехнат эса - турмуш эстетикасининг муҳим омили ҳисобланади. Инсонда хулқ гўзаллигини шакллантиришнинг замонавий кўринишлари мавжуд бўлиб, дидлилик ва фаросатлилик – юксак маданият белгиси, фаросатсизлик эса шахс камолотидаги иллат ҳисобланади. Инсонда табиий гўзаллик билан эстетик диднинг мутаносиблиги муаммоси мавжуд бўлиб уларга, сиполик ва бачканалик киради.

Эстетик тарбия моҳияттан инсоний идеал билан боғлиқ бўлиб, эстетик идеал эгаси нафис дидга, покиза туйғуларга эгалиги билан ажralиб туради. Маълумки, шахс ижтимоий тараққиётнинг турли хил жабҳаларида бевосита ва билвосита иштирок этади ва фаолият олиб боради, шахс бу билан ижтимоий тараққиётнинг эстетик субъектига айланади. Шунга кўра, айтишимиз мумкинки, жамиятда яшайтган бирор-бир шахс эстетик жараёнлардан четда турмайди, аксинча, ўзининг муайян хатти-харакати билан мазкур жараёнларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Эстетик тарбиянинг мақсади ана шундай таъсирларни гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик асосида йўналтиришдан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, эстетик тарбия бадиий тарбия билан доимий тарзда алоқада бўлиб келади. Бирок, бу «эстетик тарбия бадиий тарбия билан бир хил маъно касб этади», деган гап эмас. Негаки, бадиий тарбия ижод жараёнидаги ранг-барангликлар оламини инсон томонидан эстетик тарзда ангаш ва ўзлаштиришнинг бир қисми, холос. Шу маънода **эстетик тарбия** – жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак берувчи муҳим унсур бўлиб, у инсон дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда ана шу орқали инсонни жамият муносабатларига яқинлаштирувчи кучdir.

⁶³ Ўша манба. С. 23-24.

Хозирда эстетик тарбиянинг кўлами тобора кенгаймоқда. Шунга кўра, у ўз олдига талайгина муҳим вазифаларни қўйган. Булар:

- кишиларда санъат асарлари, бадий ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириш балки, уларнинг эстетик моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилиятини такомиллаштириш;
- жамият аъзоларининг ижодий имкониятларини намоён қилдириш ва улардан фойдалана билишга ишонч туйғусини уйғотиш;
- табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига соф туйғу билан муносабатда бўлишга ва уларни равнақ топтириш йўлида астойдил фаолият олиб бориш кўникмаларини хосил қилиш;
- ўтмиш маънавий меросимизга хурмат ҳиссини уйғотиш, миллий ғуур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун замин яратиш;
- ижоднинг барча турларини тараққий эттириб жаҳонга юз тутиш ва уларни миллат манфаатлари учун наф келтирадиган томонларини тарғиб қилишга ундашди.

Эстетик тарбиянинг асосий воситалари. Эстетик тарбиянинг барча воситалари шахснинг воқеликка эстетик муносабатини равнақ топтиришга хизмат қиладиган тарбиявий фаолият бўлиб, у ўзига хос таъсирчанлик, түғёнийлик кучига эга. Бусиз инсон билиш кўламининг вужудга келиши мумкин эмас. Шунга кўра, эстетик тарбиянинг асосий воситалари таркиби - санъат, информацион технологиялар, табиат, меҳнат, спорт каби соҳаларни киритиш мумкин.

Санъат - эстетик тарбиянинг муҳим воситаси. Бугунги кунда жамиятимизда инсон фаолиятини бошқариб боришдан кўра, ушбу жараённи инсоннинг ўзи ташкил этиши кераклиги бот-бот уқтирилмоқда. Бу жараёнда санъат моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим восита сифатида инсонни доимо ўзига жалб этиб келган. Санъат инсоннинг эҳтирослар ва туйғулар оламига сингиб бориб уларни йифлатади, кулдиради, ўйлашга мажбур қиласди. Шунинг учун бўлса керак санъат барча давларда инсонга хамроҳ бўлиб келган.

Санъат ўзининг эстетик бисотини тўлалигича намоён қилиши учун ҳам тарбия жараёни билан чамбарчас боғланади. Чунончи, инсон тафаккурини гўзаллаштириш эстетиканинг тадқиқот обьекти ҳисобланса, эстетик тарбиянинг предмети эса маънавий дунёни инсон томонидан эстетик англаш билан белгиланади.

Маълумки, фуқароларда юксак дид ва идеални шакллантириш эстетик тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифанинг залворли юкини аввал ҳам, ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам чинакам санъат, адабиёт ва маърифат қўтаришига шубҳа йўқ. Демак, кўриниб турибдик, санъат воқеликка эстетик муносабатнинг кенгқамровли соҳаси бўлиб, у инсонни нафосатли ҳамда бадий дидини шакллантиришда муҳим восита вазифасини бажаради. Санъатнинг тарбиявий-ғоявий функцияси ҳаёт ҳақиқатларини қайтадан тиклаш орқали намоён бўлади. Эстетик ҳақиқатнинг ўзи эса ҳаётни бадий ижод қонунлари билан акс эттириши натижасида вужудга келади.

Информацион технологиялар - эстетик тарбиянинг глобал воситаси. Бир пайтлар табиий ва техника бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари талабаларига “Сизнинг идеалларингиз асосан қайси соҳаларда акс этади?”, деган саволга уларнинг кўпчилиги санъат, адабиёт ва маърифат соҳасида кўпроқ акс этади, деган жавоб беришгани ҳам фикрларимизни исботлайди.

Статистик маълумотларга кўра, 50 миллионли аудиторияни радио 38 йилда, телевидение 13 йилда, интернет эса бор-йўғи 4 йилда эгаллаб олар экан. Шуниси ҳайратланарлики, 1998 йилда интернетдан 143 миллион киши фойдаланган бўлса, 2001 йилда уларнинг сони 700 миллионга етган. Бугунги кунга келиб эса интернетдан фойдаланаётганлар 1,5 млрдан ошиб кетди. Бу борада уяли телефон хизматини айтмаса ҳам бўлади...

Меҳнатнинг эстетик тарбия воситаси сифатидаги аҳамияти. Меҳнат ҳам моддий, ҳамда маънавий гўзалликлар яратиш билан эстетик тарбиянинг муҳим воситасига айланади. Бу жараён ижтимоий-фойдали меҳнатнинг бадийлик билан алоқаси таъсирида вужудга келади. Мазкур муносабат пировардида меҳнат воситаларининг инсонга келтирадиган

зарарини камайтиради. қолаверса, меҳнатга ижодий ёндашув жамият маънавий қиёфасини белгиловчи омил ҳисобланади.

Спорт – эстетик тарбиянинг замонавий воситаси. Спорт эстетик тарбия воситаси сифатида замонавий инсонни камол топтиришда алоҳида эътиборга эга. Ҳозирда спортни ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилид. Бундан кўзланган асосий мақсад авлодни жисмонан бақувват, соғлом, ватаннинг жасур ҳимоячиси қилиб тарбиялашдир. Ҳозирда юртимизда спортни ривожлантиришга доир кўплаб дастурлар ишлаб чиқилган ва улар жамият муносабатларидан амалда иштирок қилмоқдалар.

Маҳалла - эстетик тарбиянинг муҳим омили. Маҳалланинг шахс эстетик тарбиясига таъсири ниҳоятда катта. Модомики, маҳалла жамият ичидағи кичкина жамият бўлиб, у бугун шахснинг ижтимоий–сиёсий фаоллигини оширишга, унинг ижтимоий–хукуқий маданиятини шакллантиришга қўмак берувчи макон сифатида ҳам юксак аҳамият касб этади. Чунончи маҳалла;

- ўзига қарашли ҳудуднинг тозалиги, ободлиги, кўркамлигини ҳамда фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаши билан;

- турмуш нафосати ва муомала эстетикани шакллантириб, инсонлар қалбида ижобий туйғулар, яхши орзуларни намоён эттириши билан;

- маҳаллийчилик ва миллатчилик сингари салбий ҳолатларга йўл қўймаслиги ҳамда қўшничилик маданиятини камол топтириши билан;

- санъат, маданият, маърифат арбоблари, илм аҳллари иштирокида бўладиган рангбаранг мавзулардаги маърузаларни, сухбатларни уюштира олиши билан;

- истроғарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймаган ҳолда урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, тантанали шодиёналарни тартибли, чиройли ўтишини таъминлаши ва ҳоказо шу кабилар билан инсон эстетика тафаккурини шакллантиришда бирламчи маскан бўлиб ҳисобланади.

Табиат ва техноген цивилизация эстетикаси. Табиат - эстетик тарбиянинг зарурий воситасидир. Шуни маҳсус таъкидлаш керакки, замонавий инсон тарбиясини эстетик жиҳатдан камол топтиришда *оила* қанчалик устувор омил бўлиб ҳисобланса, бу жараёнда табиат ҳам ундан кам аҳамият касб этмайди. Чунки табиат билан онгли тарзда муроса қилмаслик шахсни нафосатли жиҳатдан мукаммал бўлиб етишишига монелик қўрсатади. Шунинг учун инсон ва табиат ўргасидаги муносабат инқироз ва ҳалокат ёқасига келиб қолган ҳозирги вақтда бу муаммони четлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Эстетиканинг замонавий муаммолари. Техноген цивилизация - эстетик фаолият ва эстетик дидни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Илмий-техникавий тараққиётни инсонийлаштириш ва гўзаллаштиришн эстетик муаммолардан ҳисобланади. Воқеликка эстетик муносабатлар, миллий ва умумбашарий аҳамиятга эгадир. Эстетик қадриялар эса – барқарорликни таъминловчи омил ҳисобланар экан, “дунёни гўзаллик кутқаради” шиори глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. “Гўзал муҳитда яшаш олий неъмат” – эстетиканинг бош тамойилидир. Оламни эстетик англашда ахборот ва жамият ахборотлашувининг роли ортиб бормоқда. Ахборот эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг сиёсий, бадиий, ижтимоий, ахлоқий, маънавий жараёнлар билан боғлиқлигидадар. Реклама эстетик маълумот олиш воситаси бўлиб бормоқда. Уларнинг турлари ва шакллари ҳилма-хилдир. Реклама эстетикасида миллийлик ва умумбашарийлик намоён бўлиб боради.

Энди икки оғиз сўз эстетиканинг глобал муаммосига айланиб бораётган “оммавий маданият” ҳақида. Унинг келиб чиқиши, таъсири, таҳдиди борасида мазкур анжуман иштирокчиларининг барчаси ҳабардор, десам янглишмаган бўламан. Лекин, бир нарсага ғоятда таҳдидли, у ҳам бўлса, оммавий маданият инсонни “қиёфасиз” оқимнинг бир қисмига айлантириб қўйишидадир. Бу иллат аксарият холларда ҳақиқат, гўзаллик, эзгулик сингари муқаддас тушунчаларни умумистеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлаб, истеъмол ва товар сифатида ҳаридоргир бўлишига қаратилган мақсадни тарғиб қиласди. Бу эса пировардида “бозор адабиёти”, “бозор санъати” деган маънавиятга таҳдид солувчи ҳодисаларнинг “туллаб-яшнаши” учун имкон яратади. Бугун турли арzonбаҳо ишқий ёки детектив саргузаштларнинг бозори чаққон. Диңсиз, савиясиз, “миллати”нинг тайини йўқ “бадиий”

фильмлар ҳам кўпайиб кетган. “Бозор санъати” деганда, биринчи навбатда, анашунаقا фильмлар ва байрам саҳналарида қарсиллатиб айтиладиган янгрок ашулалар эсга тушади.

Хўш “оммавий маданият”нинг иллат сифатида қандай намоён бўлиши мумкин?

1. “Оммавий маданият” намоёндаларининг амаллари ўзлари учун ҳар тарафлама манфаатдорликка асосланган: улар “ноёб санъат” намуналари-гояларини нафакат тарғиб қиласди, балки пуллайди ҳам.

2. Фақат бугунни, яна ҳам аникроғи ҳозирни кўради ва тан олади.

3. Умуминсоний маданиятни бўйсиндириш ва ўз таъсир доирасига тортиш каби тубан мақсадларни амалга оширишга ҳаракат қиласди.

4. У одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Андозалашган ахборот-у маҳсулотлар қуршовида қолган одамларнинг ўзи ҳам бора-бора бир ўлчамга тушади: ҳамманинг юриш-туриши, ўй-кечинмаси, фикрлаш тарзи, бари бир хил.

5. Шахснинг ижтимоийлашувига имкон бермайди. У воқеа жараёнларга лоқайд, бефарқ авлодни шакллантиради.

